

М. К. ИМАНКУЛОВ

Қирғизистон


9

тарихи.

1917

---

1995



9a Гобурі Хилола

М. К. ИМАНКУЛОВ

# Қирғизистон тарихи 1917 --- 1995

Ўрта мактабларнинг 9-синфи учун дарслик

*Қирғизистон Республикасининг  
Таълим ва маданият вазирлиги тасдиқлаган*

ЎШ — БИШКЕК  
2004 йил

Қирғиз Республикаси  
Билим, Ғиёри ва Таълим  
Вазирлиги  
Министрликнинг  
109 А. 13 А. 1  
орто маълуми  
Министрликнинг  
наз. и. в. 2. 1  
Қирғиз Республикаси  
Сред. маълуми 2. 9  
А. Р. У. Д. 1. 11  
19  
М.  
Сред. Ош

ББК 63.3 (2 Ки) я 721  
И — 50

ИМАНКУЛОВ М.К.  
И — 50 Қирғизистон тарихи: 1917-1995:  
Ўрта мактабларнинг 9-синфи учун дарслик. - Б.: 2004 - 216 б.

ISBN 9967-411-48-1

Масъул муҳаррир: тарих фанлари доктори, профессор

**Айип Идинов**

Қўлингиздаги ушбу дарслик **Қирғиз-Ўзбек университети** тасарруфидаги Қирғизистон ўзбек мактаблари учун “**Дарсликлар яратиб маркази**” томонидан тайёрланди. Дарслик ҳақидаги фикр-мулоҳазаларингизни университет раҳбариятига ёки “**Марказ**” маъмуриятига ёзма равишда билдиришингизни илтимос қиламиз.

*Бизнинг манзил: Ўш шаҳри, Г. Айтиев  
кўчаси, 27 уй.*

Ўзбек тилига *Комилжон Восилов* таржима қилган

Муҳаррирлар: *М.Т.Мамвасанов, С.Холтўраев*

И - 4306020600 - 04

ISBN 9967-411-48-1

ББК 63.3(Ки) я 721

© Иманкулов М.К., 2004

© МОК КР, 2004

## МУНДАРИЖА

### **I боб. Қирғизистон Россиядаги инқилоблар ва фуқаролар уруши даврида (1917—1920 йиллар)**

1-§. Қирғизистонда февраль инқилоби .....	6
2-§. Қирғизистонда Совет ҳокимиятининг ўрнатилиши ва пролетар давлатининг тузилиши. ....	12
3-§. Қирғизистон фуқаролар уруши ва чет эл интервенцияси йилларида (1918—1920 йй.) .....	19
4-§. Қирғизистонда пролетар — яқобинчилик диктатурасининг шаклланиши .....	26

### **II боб. Қирғизистон янги иқтисодий сиёсат йилларида (1921—1928 йй.)**

5-§. Янги иқтисодий сиёсат йилларида Қирғизистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши .....	33
6-§. Қирғиз миллий-давлатчилигининг тузилиши ва мустақамлланиши .....	40
7-§. 20-30-йилларда Қирғизистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти .....	53

### **III боб. Қирғизистон ҳал қилувчи ўн йилликда (1929—1941 йй.)**

8-§. Қирғизистоннинг индустриал тараққиёти .....	61
9-10-§§. Қирғизистон қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш йиллари .....	69
11-12-§§. Қирғизистонда тоталитар режимнинг мустақамлланиши .....	81
13-§. Тоталитар режимнинг оммавий жазолашлари .....	93
14-§. 20-30-йилларда Қирғизистоннинг маънавий ҳаёти .....	100

### **IV боб. Қирғизистон Улуғ ватан уруши йилларида (1941—1945 йй.)**

15-§. Қирғизистон жангчилари Улуғ Ватан уруши жанггоҳларида (1941—1945 йй.) .....	108
16-17-§§. Қирғизистон иқтисодиёти Улуғ Ватан уруши йилларида .....	114

### **V боб. Қирғизистон 1945—1964 йилларда**

18-§. Қирғизистон «ривожланган» сталинизм йилларида (1945—1953 йй.) .....	122
---	-----

19-§. Қирғизистоннинг 40-йилларнинг иккинчи ярми ва 50-йилларнинг бошидаги маънавий ҳаёти .....	126
20-21-§§. Қирғизистон Хрущев даврида (1953—1964 й.й.) .....	132

**VI боб. Қирғизистон «ривожланган социализм» ёки турғунлик  
йилларида (1965—1985 йй)**

22-§. Ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги зиддиятлар .....	142
23-§. Иқтисодий ҳаёт, ривожланишдаги зиддиятлар .....	147
24-§. Маданияти ва маънавий ҳаёти .....	153

**VII боб. Совет Иттифоқининг қулаши ва мустақил Қирғизистон  
давлатининг вужудга келиши**

25-§. Ижтимоий-сиёсий вазиятни ислоҳ қилиш ҳаракатлари ва халқ фаоллигининг ўсиши. Иқтисодий ривожланиш .....	160
26-27-§§. СССРнинг парчаланиши ва мустақил Қирғизистон давла- тининг вужудга келиши .....	167

**VIII боб. Қирғизистон мустақиллик шароитларида**

28-§. Ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётдаги туб ўзгаришлар .....	181
29-§. Ижтимоий-сиёсий муҳитдаги қайта қуришлар .....	187
30-§. Мустақил Қирғизистоннинг ташқи сиёсати ва халқаро алоқалари .....	193
31-§. 80-йилларнинг иккинчи ярми-90-йилларнинг биринчи ярмида Қирғизистон маданий ҳаётидаги янги анъаналар .....	199
Манас васиятлари XXI асрга .....	206
Хулоса .....	209
Атамалар лугати .....	211
Хронологик жадвал .....	214

Ушбу тарих ёзилди қирғиз учун,  
Қирғизни барча халқлар билсин учун.

*Осмонали Сидиқ ўғли*

Қирғиз тилини, маданияти, тарихини  
ҳар тарафлама ривожлантиришнинг  
ашаддий тарафдориман.

*Асқар Ақасев*

## ЎҚУВЧИЛАРГА

### Қимматли дўстлар!

Ўлкамиз XX аср давомида машаққатли йўлни босиб ўтиб, Қирғизистон халқининг келажақтаги тарихий тақдирини белгилаб берган ажойиб воқеаларни ўз бошидан кечирди. Бугунги кунда, бутун халқ томонидан сайланган тўнғич президентимиз Асқар Ақасев раҳбарлигида Қирғизистон мустақилликка эришди ва жаҳон жамоатчилигининг ажралмас қисмига айланди. Президентимиз Асқар Ақасев республикада фуқаролар тинчлиги ва миллатлараро тотувликни сақлаб қолиш, давлат мустақиллигини янада мустаҳкамлашнинг долзарб муаммоларини ҳал этиш билан демократик, ҳуқуқий давлат қуришга ҳаракат қилмоқда.

Қўлингиздаги Қирғизистон тарихи бўйича дарсликда ўлкамизнинг XX асрда босиб ўтган йўлига янгича ёндошишга ҳаракат қилинди. Мазкур дарслик Она Ватанимизнинг кейинги даврда босиб ўтган йўлини батафсил ёрита олмаслиги аниқ. Бугунгача ҳам тарихимизнинг кўп саҳифалари аниқ-равшан эмас, барча саволларга аниқ жавоб бера олмаймиз.

Ўтмишни рад этиш, гуноҳкор қилишдан осон иш йўқ. Унга оқилона муносабатда бўлиш лозим. Ўтмишдаги хатоларни тақрорламаслик, ундан сабоқ олиш учун уларни тушуниш керак бўлади. Акс ҳолда тарихимизни унутамиз, манқурт бўлиб қоламиз.

Сизлар дарсликда янги фактлар, мулоҳазалар билан танишасиз, уларга қўшилишингиз ёки қарши бўлишингиз мумкин. Дарсликдаги фактлар ва мулоҳазаларга нисбатан ўз фикрингизни ифода этасизлар. Бунга бошқа китоб, газета ва журналлар, телевидение, радио ёрдам беради. Ўша даврда яшаган одамлар, уларнинг ҳаёт йўли, қилган ишлари, ўша давр воқеаларига муносабати ҳақида сўраб билиш сизлар учун фойдалидир.

Бугунги кунда ўлкамизда бўлаётган зўр тарихий воқеалар, ўзгаришлар сизларнинг кўз олдингизда содир бўлаётир. Бинобарин, келажақтаги демократик, ошқора жамият сари огишмай қадам ташлаш учун барчамиз биргаликда ўтмиш тарихимизга назар ташлайлик.

# **I боб. ҚИРҒИЗИСТОН РОССИЯДАГИ ИНҚИЛОБЛАР ВА ФУҚАРОЛАР УРУШИ ДАВРИДА (1917—1920 йиллар)**

## **1-§. Қирғизистонда Февраль инқилоби**

**Февраль инқилобининг ғалабаси ва Қирғизистонда уч ҳокимиятнинг ўрнатилиши.** Петроградда бошланган ғалаён бутун Россияга тез ёйилиб, кенг халқ оммасини курашга отлантирди. Бу ҳаракат тез орада Қирғизистонни ҳам қамраб олди. Маҳаллий ҳокимият ғалаён тўғрисидаги хабарни сир тутди. Масалан, Пишпекка подшонинг ағдарилганлиги тўғрисидаги хабар 1917 йилнинг 3 мартида етиб келди, бироқ расмий тарзда 10 мартда эълон қилинди. Уни Қирғизистон аҳолисининг анчагина қисми мамнуният билан қабул қилди.

Март ойида Туркистон ҳудудида митинглар, намойишлар, йиғилишлар бўлиб турди. Уларда подшо ҳукумати вакиллари хизматдан бўшатилиб қамалдилар. Баъзилари эса Қирғизистон ҳудудидан бадарга қилиндилар.

Россиянинг бошқа жойларидаги каби унинг мустамлакаси бўлмиш Қирғизистонда ҳам советларни тузиш ҳаракати бошланди. Ишчи депутатлари советлари Пишпекда, Тўқмоқ, Пржевальск, Норин ва Ҷиғарда тузилди. Дастлабки советларда маҳаллий миллат вакиллари жуда оз, баъзиларида эса бутунлай йўқ эди. Қирғизистондаги советлар демократик ҳокимиятнинг органи бўлиб қолди ва улар аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш, 8 соатлик иш кунин жорий этиш каби иш олиб боришди. Советларда марказий районлардаги каби эсерлар ва меньшевиклар кўпчиликни ташкил этарди.

Советлар билан бир вақтда Қирғизистонда муваққат ҳукуматнинг ҳокимият органлари тузилди. 7 мартда Пишпек шаҳар думаси мажлисида муваққат ҳукуматни тан олиш тўғрисида қарор қабул қилиниб, янги ҳокимият органи — Ижроия комитети тузилди. Унга асосан шаҳар бойлари кирди. Бу каби ижроия комитетлари барча шаҳар, овул ва қишлоқларда тузилди, шу билан бир вақтда, бўлис бошқарувчилари ва овул катталари ўз ўринларида қолдилар.

Муваққат ҳукумат зудлик билан Шчепкин бош бўлган Туркистон комитетини тузди, у ўз навбатида вилоят ва уезд комиссарларини тайинлади.



1916 йилги ғалаённи бостиришда жонбозлик кўрсатган Занемойский Пишпекка, Дряхлов Ўшга, Ходосов Пржевальскка уезд комиссарлари бўлиб қолдилар.

Маҳаллий халқ вакиллари ўзларининг ҳокимият органларини туза бошладилар. 1917 йил апрель ойида Пишпекда қирғиз жамоатчилик комитети тузилди, бундай комитетлар Шимолий Қирғизистоннинг бошқа шаҳарларида ҳам пайдо бўлди. Уларни подшолик даврида маҳаллий маъмуриятларда хизмат қилган манап ва бойлар уюштиришди. Август ойида Ўшда мусулмон ишчилар ва чоракорлар депутатлари Совети тузилди. У маҳаллий авом халқ орасида катта таъсир кучига эга бўлди.

Шундай қилиб, Марказий Россиядан фарқли ўлароқ, Қирғизистонда қўш ҳокимиятчилик эмас, ишчи ва аскар депутатлари Советлари, Муваққат ҳукумат комитетлари ҳамда Қирғиз жамоатчилик комитетларидан иборат уч ҳокимият тузилди.

**Подшо ҳукумати ағдарилгандан кейин Қирғизистондаги вазият.** Россияда подшо ҳукуматининг ағдарилиши реакцион кучларнинг мағлубияти ва прогрессив кучларнинг катта ғалабаси бўлди. Бироқ 1917 йилги февраль буржуа-демократик инқилоби мамлакатдаги долзарб масалаларни ҳал қила олмади. Давом этаётган биринчи жаҳон уруши уларни янада кескинлаштирди. Мамлакатни қамраб олган хўжалик ва озиқ-овқат инқирози тобора кучайиб, очарчилик хавфи туғилди.

Россиянинг мустамлакаси бўлган Қирғизистондаги аҳвол ундан ҳам огирлигича қолаверди. Февраль инқилоби Қирғизистон учун долзарб бўлган миллий ва аграр масалани ҳал қилмади. Аграр муносабатлар подшо ҳукумати даврида қандай бўлса, шундайлигича қолди, асосий ер бойликлари мустамлакачилар, маҳаллий манап ва бойларнинг қўлида эди, қирғиз деҳқонлари илгаригидек ернинг озлигидан ёки бутунлай йўқлигидан жафо чекиб қолаверди.

Хўжаликнинг бузилиши ва озиқ-овқат инқирози қирғиз халқининг анча қисми аҳволини янада ночорлаштирди. Бунга Қирғизистоннинг мустамлака эканлиги ҳам устига устак бўлди. Подшо 1916 йилги ғалаённи бостиригандан кейин кўплаб қирғиз хўжаликлари мол-мулкнинг анча қисмидан ажраб қолганлиги боис хўжалик ўта огир аҳволга тушди. Ғалаёнчилар Хитойга қочиб кўп нарса йўқотдилар. 1917 йилда Хитойдан ўз юртига қайтган қирғизлар қашшоқ, оч-яланғоч ва хаста эдилар. Шундай қилиб, қирғиз камбағаллари касаллик ва очарчиликдан қирила бошладилар.

Рус қишлоқларидаги оддий деҳқонларнинг аҳволи ҳам яхши эмас эди. Биринчи жаҳон уруши даврида Қирғизистон ҳудудига кўчиб келган келгинди рус деҳқонларининг анча қисми ҳатто жойлашиб ҳам улгурмаган эдилар. Баъзи рус қишлоқлари 1916 йилги ғалаёнлар чоғида ғалаёнчилардан жафо ҳам тортган эдилар.

Саноат ҳам сусаймоқда эди. Ишчилар огир аҳволда қолишди. Озиқ-овқат инқирози ва қимматчилик унингсиз ҳам паст бўлган

турмуш тарзини янада пасайтирди. Саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг қисқариши ишчиларни очарчилик хавфига дучор қилди.

Бироқ муваққат ҳукумат ана шу долзарб вазифаларни ҳал этиш учун бирор чора кўрмади.

**Февраль инқилобидан кейинги даврда Қирғизистондаги вазият.** Қирғизлар Россияда подшо ағдарилганлиги тўғрисидаги хабарни эшитганларидан кейин 1917 йилнинг март ойидан бошлаб ўз юртига қайта бошладилар. Улар ҳукумат ижтимоий миллий озодликни, ташлаб кетилган еримизни ўзимизга қайтариб беради, деган умидда ўзлари туғилиб ўсган жойларига қайта бошлаганлар. Хавфсираган халқнинг анчаси ўз юртига қайтаётиб йўлда қирилиб кетди, бироқ қайтаётган аҳоли уларга эътибор бермади. *1917 йилнинг 1 мартига қадар 64 мингга яқин одам қайтиб келди.*

Юртига қайтганларни оддий рус деҳқонлари, умуман, илиқ кутиб олди, уларга баҳоли қудрат ёрдам кўрсатишди. Пишпек, Пржевальск уездларидаги Богатировка, Липенка ва бошқа бир қатор рус қишлоқларининг оддий кишилари рус қулоқларидан қирғиз ғалаёнчиларининг таланиб, тортиб олинган мол-мулкларини қайтариб беришни талаб қилдилар. Уч ҳокимиятчилик даврида қирғизларни ишчи ва аскар депутатлари Советлари ҳам қизғин қўллаб-қувватлади. Советлар маҳаллий аҳоли билан рус келгиндилари ўртасидаги муносабатларни яхшилаш, ўз атрофига турли миллат вакилларини жалб этишга ҳаракат қилдилар.

Муваққат ҳукуматнинг Туркистон комитети эса қочоқларнинг она юртига қайтиб келишини таъқиқловчи махсус қарор қабул қилди. Қайтиб келаётган қочқинларни ҳукуматнинг розилиги билан қулоқлар аёвсиз жазоладилар. Масалан, Пржевальск уездининг Валерьяновка қишлоғи жазо отряди раҳбари Гейцин бошлиқ қулоқлар тўдаси қайтиб келаётган қирғизларни қириб ташлади, Иштик деган жойда 42 одам ўлдирилди, 15 киши оғир ярадор бўлди. Пржевальск уездининг ғарбий томонидан рус қулоқларининг махсус тўдаси ҳолсизланган 200 бегуноҳ одамнинг қонини тўкди. Апрель ойида Покровка ва Кольцовка қишлоғи қулоқлари аскардан қолган ўғиллари билан биргаликда юртига қайтиб келаётган 9 қирғизни ҳибсага олди. Уларни ўлар ҳолатда дўппослаб, барчасини кийгизга ўраб, ёғ қуйиб, тириклайин ёндириб юборишди.

40 кишилик қулоқлар тўдаси юртига қайтаётган қирғизларни чакалакзорда тўсиб олиб ваҳшийларча ўлдирди. Бу каби хунрезлик, талончилик ва одам ўлдиршни Пишпек уезди қулоқлари ҳам бир неча марта амалга оширдилар.

Оч-яланғоч қолган қирғизларни қулоқлар ўз хўжаликларида текнига ишлатиб, аста-секин уларни «кўзғолончилар» сифатида йўқ қила бошладилар. Ана шундай усул билан Пржевальск уездида 2 мингга яқин одам йўқ қилинди. Шундай қилиб, қочқин қирғизлар ерINI эгаллаб олган қулоқлар уларнинг ўз ерларига қайтишига имкон бермай, қурол билан кутиб олишди.

Муваққат ҳукумат даврида жазоловчилар қўлидан, очарчилик ва касалликдан 20 мингдан зиёд одам қирилиб кетди.

Пржевальск ва Пишпек уездларидаги қирғизларни камсув бўлган Норин районига кўчириш тўғрисидаги подшо ҳукумати даврида белгиланган режани муваққат ҳукуматнинг Туркистон комитети маъқуллади ва уни амалга ошира бошлади. Бу иш давом этаверса, Пржевальск ва Пишпек уездларининг маҳаллий халқи бутунлай қирилиб кетиш хавфи туғилди.

*Шундай қилиб, февраль инқилоби қирғизларни миллий озодликка чиқармади. Муваққат ҳукумат рус бўлмаган аҳолига нисбатан подшоликнинг миллий-мустамлака сиёсатини давом эттирди. Қирғизларнинг асосий оммаси, подшо давридагидек, ҳуқуқсиз бўлиб қолаверди. 1916 йилги ғалаён иштирокчиси бўлган қирғизларни қувғин қилиш давом этди.*

**Омма орасида ижтимоий — сиёсий ва касаба уюшмаларининг тузилиши.** Февраль инқилоби омманинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ўсишига қулай шарт-шароит яратди. Бу нарса Қирғизистонда Советларнинг тузилиши билан бир вақтда сиёсий ташкилот, гуруҳ ва партияларнинг тузила бошлаганлигида ўз ифодасини топди. — 1917 йилнинг март ойида Сулуктада, апрель — июнь ойларида Пишпек, Ўш ва Қизилқияда социал-демократик гуруҳлар тузилди. Дастлаб бундай гуруҳларга большевик, меньшевик ёки социал инқилобчилар бўлишидан қатъий назар, барча қираверди. Бу нарса Лениннинг большевиклар меньшевиклар билан бирга бир ташкилотга аъзо бўла олмаслиги тўғрисидаги кўрсатмасига зид эди. Бироқ улар ўз сиёсий раҳбарларининг назарий кўз карашидagi фарқларни тушунмадилар ва социал-демократик гуруҳларга аъзо бўлаверинди. Бундай гуруҳларда меньшевиклар кўпчилигини ташкил этди. Мазкур гуруҳларда маҳаллий аҳолининг санокли вакилларигина бор эди.

*1917 йилнинг ёзида Пишпекда Абдикерим Сидиқов бошчилигида «Алаш» миллий партиясининг маҳаллий бўлими тузилди. Бу партияга таниқли жамоат арбоби, Россия давлат Думасининг аъзоси Аҳмет Байтурсунов раҳбарлик қилди. «Алаш» партияси буржуа-демократик йўналишдаги қозоқ-қирғиз зиёлиларини, миллий буржуазия вакилларини бирлаштирди. Улар билан бирга олий диний мактабларнинг кўплаб ўқувчилари, деҳқонлар, ишчилар ҳам бўлган. 1916 йилги ғалаён аёвсиз бостирилганлиги туфайли Хитойга қочиб кетишга мажбур бўлган қирғиз-қозоқ қочқинларига катта ёрдам кўрсатилган. Мазкур партия омма ўртасида озодлик, тенглик, демократия, қозоқ ва қирғиз халқларининг биродарлиги, уларнинг эркин камол топиши каби шиорларни илгари сурди. «Алаш» партиясининг мақсади қозоқ ва қирғиз халқини мустақил давлатларга айлантириш эди, аҳоли ўртасида уларга тушунарли тилда панд-насиҳат ишлари олиб боришга учун партия қозоқ ва қирғиз оммаси ўртасида зўр таъсирга эга эди. «Алаш» партиясининг маҳаллий ташкилотини тузишда Эшеназли*

Арабосов, Қосим Тинистанов, Найзабек Тулин ва бошқалар фаол иштирок этдилар.

Қирғизистоннинг жанубида ўзбек ва қирғизларнинг бой табақалари ва мусулмон дини пешволарининг, зиёлиларнинг вакилларини бирлаштирган «Шўрон Ислому» партиясининг маҳаллий ташкилоти тузилди. Мазкур ташкилотга Тош Қудайбергенов бошчилик қилди. Унинг мақсади Россия таркибида Туркистон миллий-мусулмон автономиясини тузиш эди. «Шўрон Ислому» партияси Қирғизистоннинг жанубида анчагина таъсир кучига эга эди.

«Турон» партияси ҳам Қирғизистон ҳудудида ўз маҳаллий ташкилотларини туза бошлади. У ўз сафларига Туркистон ҳудудидаги ўқувчилар, муаллим, таржимон ва миллий савдо буржуазияси вакилларини бирлаштирди. Турон партиясининг мақсади Туркистонни Россиядан ажратиб, ягона Турк давлати тузиш эди.

Абдикерим Сидиқов, Иманаали Айдарбеков, Тош Қудайбергенов, Имаш Қўбўқов, Сейдаклат Чукин, Содиқ Мураталин ва бошқалар шу билан бир вақтда сўл эсерлар партияси аъзолари ҳам эдилар. Сўл эсерлар ўзларининг ерларни тенг тақсимлаш ғояси билан ўлкада зўр таъсир кучига эга бўлишган. Улар, агар ғалаба қозонишса, ҳар бир деҳқонга 30 гектардан ер беришга ваъда берганлар. Қирғизистон ҳудудида сўл эсерлар партиясининг маҳаллий ташкилотлари тузилди. Улар шаҳар ва қишлоқлардаги келгиндилар, шунингдек, маҳаллий аҳолининг анчагина қисмига катта таъсир кўрсатдилар.

Пишпек уездидаги камбағал ва ўрта ҳол деҳқонларни бирлаштирган демократик ташкилот — «Букара» иттифоқи 1917 йилнинг май ойида тузилди. Унга турли касб эгалари-дурадгорлар, ғишт қуювчилар, чеварлар ҳамда Чуй суғориш системасининг ишчилари кирганлар. Қизилқия ва Сулукта қончилари «Ишчи қончилар иттифоқи»ни туздилар. Қирғизистон жанубидаги қашшоқ камбағалларнинг йирик ташкилоти «Ишчи ва чоракорлар иттифоқи» эди.

**Оммавий сиёсий фаоллигининг ўсиши.** Февраль инқилоби бутун Россияни, жумладан, унинг мустамлакаси бўлган Қирғизистонни ҳам оёққа турғизди. 1917 йил кўклами ва ёз ойларида Пишпекда, Ўш, Қизилқия ва Сулуктада намойишлар, митинг ва йиғилишлар бўлиб ўтди. Уларда озиқ-овқат масаласини ҳал қилиш, аҳолига ёқмаган ходимларни ишдан бўшатиш, қирғизлар билан руслар ўртасидаги зиддиятларга барҳам бериш, аҳоли турмуш тирикчилиги шароитларини яхшилаш талаб қилинди.

Ҳарбий қисмларда аскарлар билан зобитлар ўртасидаги қарама-қаршиликлар кучая бошлади.

Келгинди деҳқонлар ҳаракати ҳам ўсаверди. Айниқса, маҳсулотни реквизиция қилиш теварагида қаттиқ кураш авж олди. Деҳқонлар маҳсулотни ҳукуматга топширишдан бош тортдилар. Октябрда барча уездларда реквизицияга қаршилик кўрсатиш оммавий тус олди. Баъзида бу кураш қуролли тўқнашувларгача бориб етди.

Қирғиз қашшоқ-камбағаллари ҳаракати ҳам фаоллашди. Улар ўз нажоткорларининг бой ва манаплар таъсиридан чиқишларини, ўтроқликка ўтиш, манапларсиз бўлишлар ташкил этишни тобора кўпроқ талаб қилиб, солиқ тўлашдан бош тортди, реквизиция бўйича маҳсулот бермай қўйдилар. Улар ҳам бошқалар каби озиқ-овқат билан таъминлаш, қирғизни бошқа жойларга кўчиришни тўхтатиш ва ўз ерларининг қайтариб берилишини, ҳокимиятнинг айрим вакилларини ишдан бўшатишни талаб қилдилар.

### **Ҳужжатли материаллар**

#### **1. Ўз юртига қайтаётган қирғизларнинг илтимосидан:**

Ҳаммамиз тоғларда яшаб, очарчиликдан қирилиб кетмоқдамиз, ҳеч нарса-миз йўқ, нон беришмаяпти... йўлга чиқсак, қайтишга дармонямиз етмай қирилиб кетамиз, шекилли. Озодлик, адолат ва тенг ҳуқуқлилиқ ҳаққи, бизнинг тақдиримизга эътибор беришингизни сўраймиз, бизни ғимоя қилиб, сақлаб қолинглар.

#### **2. 1917 йил 5 апрель. Пишпек уездидаги Шамши бўлияс қирғизларининг телеграммасидан:**

Бизнинг қирғизларимизнинг ерларини тўртиб олиб, ҳайдамоқдалар, тўқайларни кесиб, далаларимизни яқсон қилиб, қирғизларни қириб ташлаймиз деб кўрқитишмоқда, бу ерда бизни ғимоя қиладиган ҳокимият ҳам, бирор кимса ҳам йўқ.

#### **3. 1917 йил 15 август. Пржевальск уезди қирғизларининг телеграммасидан:**

Пржевальск уезди қирғизларини қорни тўқ руслар аёвенз қирмоқдалар... Кун ора талончилик ва одам ўлдиркишлар содир бўляпти. Қирғиз халқи ўз ерида яшаш ҳуқуқидан ажралди... Ҳеч қандай харажат ёки бўз уйлар йўқ, ўлим, очарчилик ҳукм сурмоқда, деярлик барча ўлим хавфи остида қолди. Қирғизларни сақлаб қолишингизни илтимос қиламиз.

#### **4. Туркистон Комитетининг Пишпек ижроия комитетига юборган телеграммасидан:**

Муваққат ҳукумат таъсис мажлиси ўтказилмагунча қирғизларнинг ерини бошқаларга ҳам, ўзларига ҳам қайтармасликка қарор қилди. Туркистон комитети кутулмаган фалокатдан халос бўлиш учун сизлар ер масаласини кўтармай туришингизни талаб қиладди.

#### **5. 1917 йил 13 июнь. Пржевальск Советининг Туркистон ўлкаси ишчи ва аскар депутатлари Советига юборган телеграммасидан:**

Оч қолган қирғизларда ўлим-йитим кўнаймақда. Пржевальскда юз минг пуддан зиёд маҳсулот бор. Сизлар Туркистон ижроия комитетидан маҳсулотни зудлик билан қирғизларга тақсимлаб бериш тўғрисида буйруқ чиқаришни талаб қилинглар. Аҳволни ўнглаш мақсадида маҳсулот тарқатиш Советини тузмоқдамиз.

#### **6. Иссиқота бўлияс фуқароларининг ишончли вакили Акмат Қанибаевнинг 1917 йил июнда сўзлаган нутқидан:**

Бизнинг Иссиқота бўлисимизда жамият учун хавфли бўлган машҳур Исоқ Шаймонов бор, у гирт алдов билан фуқароларга кун бермаяпти. Шунинг учун менга ишонч билдирганлар Шаймоновнинг зулмидан қутулиш учун алоҳида бўлис тузишга қарор қилдилар.

#### **7. Қозоқ олями Муҳамеджон Тинишпаевнинг 1917 йил 18 декабрда «Қозоқ» газетасида босилган мақоласидан:**

... афкор қирғиз халқи мол-дунёсидан ажралган, бир амаллаб олиб қочиб учун бир-икки дона кийгиз, ўнтача идиш, қозон-товоқ, бир-икки моли бор деган-

дай. Йўлда омон қолганларнинг молини борган еридаги қалмоқлар тортиб олган, уй-жойи таланган, қолганларини ўлмай қолиш учун ўзлари сотиб юборганлар.

Ғулжа (Текес)даги консул Бродянский қалмоқлар ва бошқа маҳаллий реакцион тўдаларга қирғизларни бемалол талашга руҳсат берган бўлса керак. Буни исботлаб, Петроградга диалгиром ёзиб, консулни ишдан бўшатдик.

### Саволлар ва топшириқлар

1. Қирғизистондаги ҳақлар барча қатламларининг буржуа-демократик инқилобга муносабатини аниқланг.

2. Қирғизистонда февраль буржуа-демократик инқилоби қандай ўтди?

3. Қирғизистонда инқилобий инқироз ўсганлигини қайси воқеалар далиллайди?

4. Дарсликдаги материаллардан фойдаланиб, февраль инқилобидан кейин Қирғизистон халқининг инқилобий фаоллиги ўсганлигини фактлар билан далилланг.

5. 1917 йилда Қирғизистондаги инқилобий вазиятнинг фаол иштирокчилари, социал-демократик гуруҳлар ва ташкилотларни уюштирувчиларнинг номларини айтинг.

## 2-§. Қирғизистонда Совет ҳокимиятининг ўрнатилиши ва пролетар давлатининг тузилиши

Қирғизистонда Совет ҳокимиятининг ўрнатилиши. 1917 йил 25 октябрда (7 ноябрь) **В. И. Ленин** бошлиқ большевиклар

партияси Петроградда тўнтарини қилди, кейинчалик у тарихда Улуғ Октябрь социалистик революцияси деган ном билан қолди. Ўша куни бутун Россия советларининг иккинчи съезди очилди. Съезд ишига Туркистондан борган делегатлар ҳам қатнашдилар. Улар орасида судукталиқ кончи, большевик Д. И. Деканов ҳам бор эди. «Советлар томонидан қилинган ҳарбий исён бу» деб танқид қилиб, меньшевиклар съезддан чиқиб кетишди, уларга ўнг эсерлар ва булчилар қўшилдилар. Ю. Мартовнинг съездга барча социалистик партияларнинг вакиллари билан иборат умумий демократик ҳукумат тузиш тўғрисидаги таклифини большевиклар ҳам, меньшевиклар ҳам, эсерлар ҳам қўллаб-қувватладилар.



Тўнтарин тўғрисидаги декрет, «Известия» газетасининг биринчи бети.  
1917 йил 27 октябр

Съезд мамлакатдаги бутун ҳокимият ишчи, аскар ва деҳқон депутатлари Совети қўлига ўтганлигини эълон қилди. Шундай қилиб, Совет ҳокимияти шаклидаги пролетар диктатураси ўрнатилди. Съезд В. И. Ленин бошлиқ Халқ Комиссарлари Советини тузди. Съездда Тинчлик ва Ер тўғрисида декретлар қабул қилинди.

Тинчлик тўғрисидаги декретда адолатли демократик сулҳ тўғрисидаги музокараларни дарҳол бошлаш таклиф этилди. Ер тўғрисидаги декретга мувофиқ помешчик ер эгаллиги тугатилди.

Бир неча ой давомида овулқишлоқларда, мустамлака ҳудудларида большевикларнинг обрўси кўтарилди. Мустамлакачилик зулмидан жафо чеккан, ўз еридан ажраган, қирилиб кетиш хавфида турган қирғизларгагина маълум бўла бошлаган большевиклар уларнинг ер ва озодлик учун курашини қўллаб-қувватлайди, деган умидини мустаҳкамлаш билан бирга уларни Совет ҳокимиятини ўрнатиш учун курашга жалб қилди.

Петроград, Москва ва бошқа йирик шаҳарларда Совет ҳокимиятининг ўрнатилиши, Совет ҳукуматиининг дастлабки ҳужжатлари омманинг Совет ҳокимиятини ўрнатиш учун кураш фаолиятини оширди. 1917 йил октябрдан 1918 йил март ойига қадар Совет ҳокимияти амалда бутун Россия империяси ҳудудида қарор топди. В. И. Ленин уш «Совет ҳокимиятининг зафарли юриши» деб атади.

**Қирғизистонда Совет ҳокимиятининг ўрнатилиши. 1917 йил 18 октябрда (10 ноябрь).** Ташкент ишчилари қаттиқ курашдан сўнг Совет ҳокимиятини ўрнатдилар. Туркистонда Совет ҳокимиятининг ўрнатилиши, Совет ҳукуматиининг тузилиши жойларда Совет ҳокимиятини ўрнатиш учун курашни янада кучайтирди. Қирғизистон ҳудудида совет ҳокимияти, айниқса, Ташкент шаҳрига яқин, шунингдек, большевистик гуруҳлар кучлироқ бўлган ишчи районларида ўрнатилга бошлади. Қирғизистонда дастлаб совет ҳокимияти 1917 йилнинг ноябрида Сулукта ва Қизилқияда ўрнатилди.

Советларнинг Фарғона вилоят VI съезди Қирғизистон жанубида Совет ҳокимиятининг ўрнатилишини тезлатди. Съезд 1917 йилнинг 6—7 декабрида бўлиб ўтди. Унда большевиклар кўпчиликни ташкил



Ер тўғрисидаги декрет «Известия»  
Газетасининг биринчи бети  
1917 йил 28 октябрь

этди. Шу боис съезд большевиклар таклиф қилган резолюцияни қабул қилди, унга кўра Фарғонада ҳокимият Советлар қўлига ўтадиган бўлди. Меньшевикларнинг ҳокимиятни Таъсис мажлисига топшириш тўғрисидаги резолюцияси рад этилди. Шунингдек, съезд Қўқон мухтор ҳукуматини қўллаб-қувватламади. Съезддан кейин кўп ўтмай Фарғона водийсининг барча ҳудудларида совет ҳокимияти ўрнатила бошлади.

Декабрь ойида Жалолободда, январда Ўшда Совет ҳокимияти ўрнатилди. Шаҳарларда совет ҳокимияти ўрнатилиши билан бир вақтда овул-қишлоқларда ҳам ёппасига Советлар пайдо бўла бошлади.

Қирғизистоннинг шимолий-ғарбий қисмида — Таласда Совет ҳокимияти 1917 йилнинг декабрь ойининг бошида ўрнатилди. Бу ҳудудда Совет ҳокимиятининг ўрнатилишида Тошкент — Авлиёота темир йўли ишчилари ҳамда Авлиёота ҳарбий гарнизони, шунингдек, мазкур шаҳар орқали Еттисувга қайтиб кетаётган аскарлар ёрдам кўрсатдилар.

Қирғизистоннинг шимолий ҳудудларида Совет ҳокимиятининг ўрнатилиши кескин сиёсий кураш шароитларида ўтди. Бунда Пишпек катта роль ўйнади. Зеро Пишпек тўққиз йўлнинг бошида жойлашганлиги, Еттисув иқтисодий ва савдо маркази бўлганлиги туфайли қизғин сиёсий воқеалар марказида бўлди. 1917 йилнинг октябрь ойида Пишпек большевиклари ҳали ягона ташкилотга бирлашмаган эдилар. Улар ҳамон сўл эсерлар билан бирга фаолият кўрсатмоқда эдилар. Муваққат ҳукуматдан норозиликнинг кучайиши, Марказий Россиядаги инқилобий воқеаларда иштирок этаётган аскарлар, фронт орти ишчиларининг келиши большевиклар тарафдорлари сафини кенгайттирди.

1917 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида Пишпек шаҳрида кун сайин кўп кишилик митинглар бўлиб турди, инқилобий воқеалар орта бошлади. 1917 йил 31 декабрда шаҳардаги Дубовий паркида мингдан ортиқ киши қатнашган митинг бўлиб ўтди. Митинг иштирокчилари орасида ишчилар, ҳунармандлар, қишлоқлардан келган қашшоқ-камбағаллар ва келгинди рус деҳқонларининг вакиллари бор эди. Митингга милиция бошлиғи ишдан бўшатилди. Халқ қўшини тузилиб, унга 200 га яқин киши ёзилди. Унга большевиклар вакили раҳбар қилиб сайланди. Мазкур қўшин Қирғизистон шимолидаги Қизил гвардиянинг дастлабки отряди бўлиб қолди.

Бу воқеадан кейин кўп ўтмай, 1918 йил 1 январда большевик Г. И. Швец — Базарний Пишпек Советининг раҳбари этиб сайланди. Советларга раҳбарлик большевиклар қўлига ўта бошлади. Совет республикасига қўшилиш тўғрисида қарор қабул қилинди. <sup>1</sup>

Большевиклар Советларнинг уезд съездини чақиришга ҳаракат қила бошладилар. **1918 йилнинг бошида** Пишпек уезд советларининг съезди бўлиб ўтди, унга 66 делегат қатнашди. *Съезд мазкур ҳудудда совет ҳокимияти ўрнатишнинг тўғрисида қарор қабул қилди.* Пишпек уездида совет ҳокимиятининг ўрнатилиши Верний (ҳозирги Олмати) шаҳрида курали қўзғолоннинг галабасини бир мунча осонлаштирди.



Пржевальск ва Норин ҳудудларида Совет ҳокимиятининг ўрнатиши кескин вазиятда бошланиб, 1918 йил ёзига қадар давом этди. Совет ҳокимиятини ўрнатишда Норинда қизил аскарлар томонидан тор-мор қилинган Қўқон мухтор ҳукуматининг қуролланган отрядига қарши курашишга тўғри келди.

1918 йил июнь ойининг охирида Верний қизил гвардиячилари отряди ва Верний большевиктик ташкилоти вакиллари Пржевальскка келишди. 26 июнда Советларнинг уезд съезди чақирилди. Съезд Советларнинг эски таркибини тарқатиб юборди ва янги таркибини сайлади.

Шундай қилиб, 1918 йил ўрталарида Қирғизистон ҳудудида Совет ҳокимияти ўрнатилди. 1916 йилги қўзғолонда катта мағлубиятга учраган маҳаллий қирғиз халқи муваққат ҳукумат даврида ҳам енгиллик олмади. Уларнинг аксарияти Совет ҳокимиятини ёқлаб чиқди.

**Миллий давлат тузилишининг дастлабки ҳаракатлари.** 1917 йил 2(15) ноябрда «Россия халқлари ҳуқуқлари декларацияси», 20 ноябр (3 декабр)да «Россия ва Шарқнинг барча меҳнаткаш мусулмонларига мурожаатнома» эълон қилинди.

Туркистон халқлари, жумладан, қирғизлар большевикларнинг бутун дунёга жар солган ушбу мурожаатидан сўнг, уларнинг кўмаги билан ўз сиёсий аҳволини яхшилаш, мустамлакачилик давридан буён давом этиб келаётган кўплаб муаммолар, хусусан ер-сув масаласи ўзлари учун қудай шароитларда ҳал қилинишига умид боғлаган эдилар. Бироқ, афсуски, инқилобдан кейинги дастлабки вақтларда қирғиз халқининг совет ҳокимиятидан кутган зўр умидлари амалга ошмади. Мазкур ҳудуддаги рус большевик етакчилар шовинистик кайфиятда эдилар. Шундай қилиб, бу каби большевик етакчиларнинг маҳаллий халққа муносабати мустамлакачилик давридаги подшо амалдорларининг муносабатидан деярли фарқ қилмади. Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида буюк давлатчилик мустамлака сиёсати давом эттаверди.

Туркистонда 1917 йил 15—22 ноябрда бўлиб ўтган Советларнинг III съездида бошқарувнинг олий органи — **Туркистон Халқ Комиссарлари Совети** тузилди, унда 15 халқ комиссари тайинланди, ХКС раислигига большевик **Ф.И. Колесов** сайланди. Бу ҳукумат таркибига большевиклар партиясидан ташқари бирорта сиёсий партиянинг, шу билан бирга мазкур ҳудудда яшаган бирор маҳаллий миллат вакили кирмади. Туркистон ўлкасида кўп партиявийлик асосида коалицион ҳукумат тузиш тўғрисидаги мусулмонлар съездининг таклифи инobatга олинмади. Қолаверса, улар «буржуа миллатчилари» сифатида «ошкор» қилинди.

Шундан сўнг **Мустафо Чокаев** бош бўлган «Шўрои Ислому» партиясининг ҳудудий бўлими ташаббуси билан 1917 йил 26—29 ноябрда (9—12 декабрь) Қўқон шаҳрида мусулмонларнинг фавқулодда IV съезди бўлиб ўтди. Съездда **Россия таркибидаги «Қўқон мухторияти»** эълон қилинди ва **Мустафо Чокаев** ҳамда

**Мухаммаджон Тинишпасевлар** бошчилигидаги ҳукумат сайланди. Бу ҳукуматга маҳаллий миллатларнинг таниқли вакилларигина эмас, марказий Россиядан бўлган бошқа миллатларнинг, жумладан, русларнинг вакиллари ҳам киритилди. Бу мухторият XIX асрнинг иккинчи ярмида Россия империяси босиб олган вақтда йўқ қилинган Қўқон хонлиги доирасида буржуа-демократик республика шаклидаги миллий давлатчилиқни вужудга келтиришга ҳаракат қилди.


*Шундай қилиб, Туркистонда Қўш ҳокимият тузилди.* Унинг бир томони, Тошкентда большевиклар партияси тузган ҳукумат бўлиб, у ҳудуддаги ишчиларнинг қуроли отрядларига, Петрограддаги большевик раҳбарлар ва келгинди русларнинг бир қисмига таяниб иш кўрди. Иккинчи томони *«Шўрои Исломи» «Алаш» ва бошқа партиялар, турли миллат вакилларида иборат бўлган Қўқон мухторияти ҳукумати эди.* Мазкур ҳукумат маҳаллий миллат аҳолиси, шунингдек, русларнинг бир қисмига (зиёлилар, зобитлар, бадавлат шаҳарликлар ва деҳқонлар) таяниб иш кўрди. Қўқон ҳукумати бу ерда яшаётган рус ва бошқа миллатга мансуб бўлганларга уларнинг ҳуқуқлари албатта муҳофаза қилинади, деган эди.

**Қўқон мухториятининг йўқ қилиниши. 1917 йил 13 декабр-да** Туркистоннинг бир қатор шаҳарларида Қўқон мухториятини қўллаб-қувватлаган митинглар бўлиб ўтди. Тошкентда ана шундай митингни большевиклар тарқатиб юбордилар. Қўқон мухторияти тарафдорлари ҳудудда Совет ҳокимиятига қарши ташвиқот юргиза бошладилар. Улар қуролана бошладилар. Қўқон қуроли кучларига полковник Чанишев кўмондон этиб тайинланди. Эргаш Қўқон милициясига бош бўлди.

Туркистондаги Совет ҳукумати Қўқон мухторияти ҳукуматига қарши ташвиқот қилиб, иқтисодий диверсиялар усули билан уни йўқ қилишга ҳаракат қилди. Бироқ бу натижа бермади. Қўқон мухторияти борган сари кучая бошлади. Туркистон ҳудудидаги маҳаллий миллатларнинг ўз тақдирини ўзи ҳал қилиши ва мустақил миллий давлатини тузиши учун курашаётган *Мустафо Чокаев* ва *Мухаммаджон Тинишпасевлар*нинг, шунингдек, бошқа шу каби раҳбарларнинг маҳаллий аҳоли ўртасида, айниқса, Фарғона водийси аҳолиси ўртасида обрўси ортиб кетди.

Қўқон мухтор ҳукуматининг борган сари кучаяётганлиги Тошкентдаги большевиктик ҳукуматни ташвишга солди. 1918 йил 19 — 26 январда бўлиб ўтган Ўлка Советларининг IV съезди Қўқон мухтор ҳукуматини ноқонуний, деб эълон қилди ва мазкур ҳукумат бошлиқларини қибегга олиш тўғрисида қарор қабул қилди.

**1918 йил 19 — 22 февралда** Тошкент, Самарқанддаги Қизил Армия қисмлари, шунингдек, Скобелев, Қизилқия қизил гвардиячилари қаттиқ жанглардан кейин Қўқон мухториятининг қуроли кучларини мағлубиятга учратиб, Қўқонни забт этдилар. Шундай қилиб, Қўқон мухторияти большевикларнинг қуроли кучлари томонидан йўқ қилинди. Қўқон милицияси бошлиғи Эргаш омон қолган шаҳар



Кыргызстан 1917 — 1918 йилларда

Кыргыз Республикасынын  
 Билим, илим жана маданият  
 министрлигинин  
 Ж. В. У. А. У. К. У. К.  
 орто мектеби  
 Министрликтин орто мектеби  
 Кыргыз Республикасынын  
 Билим, илим жана маданият  
 министрлигинин  
 Ж. В. У. А. У. К. У. К.  
 орто мектеби

соқчилари билан бирга тоғларга қочиб кетди. Фарғона водийсида Совет ҳокимиятига қарши қуролли кураш бошланди.

Туркистондаги маҳаллий аҳоли зиёлилари вакилларининг миллий ва давлат мустақиллигига эришиш учун бўлган дастлабки ҳаракати большевиклар томонидан миллатчилик ва аксилинқилобий, деб эълон қилинди, миллий давлатчиликка эришишнинг дастлабки уринишлари куч билан йўқ қилинди, Фарғона ва унинг атрофидаги тоғларда яшаган қирғизлар, ўзбеклар, тожиклар большевикларнинг бу ишини Россиянинг мустамлакачилик сиёсатининг давоми сифатида баҳолаб, подшо мустамлакачилик сиёсатининг меросхўрига айланган Совет ҳокимиятига қарши курашга отландилар.

### **Ҳужжатли материаллар**

1. Халқ Комиссарлари Советининг 1917 йил 2 (15) ноябрда қабул қилган «Россия халқлари ҳуқуқлари декларацияси»дан:

Халқ Комиссарлари Совети миллий масала бўйича ўз фаолиятида қуйидагиларга асосланади:

1. Россия халқларининг тенг ҳуқуқлилиги ва мустақиллиги.

2. Россия халқларининг ажралиб чиқиш ва мустақил давлат тузишгача бўлган ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи.

3. Ҳар қандай миллий ва миллий-диний чеклашларни йўқ қилиш.

4. Россия ҳудудида яшаган миллий озчилик ва этнографик гуруҳларнинг эркин тараққий этиши.

2. Халқ Комиссарлари Советининг 1917 йил 20 ноябрдаги (3 декабрь) «Россия ва Шарқдаги барча меҳнаткаш мусулмонларга» мурожаатидан:

Бундан буён сизларнинг диний эътиқодингиз ва урф-одатларингиз, миллий ва маданий идораларингиз эркин ва дахлсиз деб эълон қилинади. Ўз миллий тиркичилигингизни бемалол ўтказавering. Бунга сиз ҳақлисиз, Россиянинг барча халқлари ҳуқуқлари каби сизларнинг ҳуқуқларингиз инқилобнинг ва унинг органлари — ишчи, деҳқон ва аскар депутатлари советларининг бутун кучи билан ҳимоя қилинишини билиб қўйинг.

### **Савол ва топшириқлар**

1. Узингиз яшаган овул, қишлоқ, шаҳар ва районингизда Совет ҳокимиятининг ўрнатилиши тўғрисида ҳикоя тузишга уриниб кўринг.

2. Большевикларнинг миллий масала бўйича дастури қандай бўлган?

3. Нима учун большевиклар Қўқон мухториятига қарши чиқдилар?

4. Дарслик материалдан фойдаланиб, Қўқон мухторияти, унинг раҳбарлари тўғрисида реферат тайёрланг.

### 3-§. Қирғизистон фуқаролар уруши ва чет эл интервенцияси йилларида (1918 — 1920 йй.)

**Туркистон ҳудудида фуқаролар уруши ва интервенциянинг бошланиши.** Большевиклар ва уларнинг муҳолифлари ўртасидаги зиддият фуқаролар урушига олиб келди. Бу кураш ўта кескин шаклда бўлди. Бироқ 1918 йилнинг биринчи ярмига қадар қуролли кураш чекланган тарзда бўлди.

1918 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб 1920 йилга қадар уруш ўлканинг ўз ичида Ўрта Осиё турмуш тарзининг асосий мазмунига айланди. Большевиклар Октябрь тўнтаришида ўз галабаларини ҳимоя қилишди. Большевикларнинг муҳолифлари эса турли мақсадларни кўзлаганлар, улар орасида «Ягона ва бўлинмас» Россия монархияси тарафдорларидан тортиб большевикларсиз Совет Россияси тарафдорларигача бўлган шахслар бор эди. Туркистон ҳудудида ўз миллий давлатини тузишга ҳаракат қилган маҳаллий миллат зиёлилари вакиллари ҳам большевикларнинг муҳолифлари сафига қўшилишди. Бу ердаги фуқаролар уруши узоқ давом этди, алоҳида хусусиятга эга бўлди ва уруш иштирокчиларини йўқотишлар, азоб-уқубатларга дучор қилди.

Большевикларнинг Совет ҳокимиятининг дастлабки вақтларида маҳаллий аҳолининг миллий манфаатларини эътиборга олмаганлиги, Қўқон мухториятини куч ишлатиб йўқ қилганлиги маҳаллий аҳоли ўртасида ишончсизлик ҳосил қилди. Маҳаллий халқ уларни подшо мустамлакачилик сиёсатининг давомчилари, деб ҳисоблади. Қўқонда миллий давлатчиликни тузишга ҳаракат қилган зиёлилар буржуа миллатчилари, асилиқишловчилар, деб эълон қилинди. Россия Халқ Комиссарлари Совети ташаббуси билан тузилган ва таркибида бирорта ҳам маҳаллий миллат вакили бўлмаган Туркистон Халқ Комиссарлари Совети динга қарши уруш очиб, шариат қонуларини бекор қилди ва христиан динига қарши эмас, балки ислом динига қарши кураш бошлади, обрўли дин пешволарини қувғин қилди. Большевиклар бундай калтафаҳмли сиёсий ва мафкуравий ишларни иқтисодий танглик, оммавий ишсизлик ва очарчилик шароитларида олиб борди.

Бу нарса ҳудуддаги халқнинг қуролли қаршичилигига сабаб бўлди. Улар ўз миллий озодлиги ва



А. Осмонбеков. Фуқаролар урушининг фаол иштирокчиси.

диний эътиқоди учун курашга отландилар. Шундай қилиб, ҳудуддаги маҳаллий аҳолининг миллий-озодлик кураши бошланди, *бу кейинроқ «босмачилар ҳаракати» деб номланди.* Маҳаллий аҳолининг қуроли курашга отланишига Совет ҳокимияти душманларининг қаршилигигина эмас, балки большевикларнинг мурасисизлиги, сиёсий ва диний муҳитдаги зўрликлар туртки бўлди. Ҳамма жойда озодлик жарчиларининг — «босмачиларнинг» отрядлари пайдо бўла бошлади.

Уларга Холхўжа, Мадаминбек, Мўйдинбек, Эргаш, Раҳмонқул, Кўршермат, Омон полвон каби кўрбошилар раҳбарлик қилишди. Улар маҳаллий аҳоли орасида катта обрў-эътиборга эга эдилар. Фарғонадан кейин Совет ҳокимиятига қарши миллий-озодлик кураши Туркистоннинг бошқа ҳудудларига ҳам ёйилди.

Шу билан бир вақтда Қирғизистоннинг шимолида оқ қозоқ ва руслар билан келгинди деҳқонлар ғалаён кўтардилар. Туркистон ҳудуди, жумладан, Қирғизистон ҳам шиддатли урушлар майдонига айланди.

Ҳар иккала тараф ҳам аёвсиз жанг қилди. Иккала томон ҳам гаровга олиш, жамоа жавобгарлиги каби ўрта асрларга хос усулларни қўлладилар. Маҳаллий ғалаёнчилар Совет ходимларига ва уларнинг оиласига, жумладан, кексаларга қарши қонли террор қўллаш билан большевикларнинг уларга қарши қилмишларига жавоб беришди.

Озодлик ҳаракати ёки босмачилик Туркистондаги маҳаллий аҳолининг кўпчилиги қўллаб-қувватлаган миллий-озодлик ҳаракати эди. Дин пешволари мусулмонларни «кофирлар»га қарши «ғазавот»га (муқаддас уруш) чақирдилар. Озодлик курашининг раҳбарлари ўз кучини намойиш қилиб, чет давлатлардан ёрдам олишган. Улар умумхалқ қўллаб-қувватлашига эришгач, 1918 йилнинг охирида бутун Фарғона водийсидаги кучли қизил аскар гарнизонлари турган йирик шаҳарлар ва саноат марказларидан ташқари барча жойларга кўз тиккан эдилар. Совет ҳокимиятига қарши кураш чоғида «босмачилик ҳаракати» миллий-озодлик ҳаракати бўлганлиги бонс туркистонлик большевиклар уни бостиришга ботина олмадилар.

Қуроли ғалаёнга чиққанларнинг таркиби ҳам турлича эди. Унга ўз ери ва халқи учун жон куйдирган чинакам ватанпарварлар, шунингдек, бундай бошбошдоқликдан фойдаланиб, ўз шахсий манфаатларини қондиришни хоҳлаганлар ҳам кирган. Уларнинг асосий мақсади талон-тароғлик билан бойиш эди. Бу кейинроқ умуман босмачилик ҳаракатини ҳаспўшлаш, уларни талон-тароғ қилувчилар тўдаси сифатида кўрсатишга асос бўлди.

**Қирғизистонда Совет ҳокимиятининг мудофасини уюштириш.** Большевиклар ҳокимиятни қўлдан бермай, душманларга зарба бериш учун кучларни сафарбар этишди. Россия маркази билан чекка ўлкалар ўртасида сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий алоқаларни ўрнатиш ҳаракатига тушдилар. Ўша вақтда В. И. Ленин ҳарбий ишни ўрганиш тарбиясининг асосий вазифаси, деб белгилади.



✓ Бутун Россияда бўлганидек, Қирғизистонда ҳам Қизил Армия отрядлари тузила бошлади. I-Пишпек полки тузилди. Унинг таркибида руслар ва украинлардан ташқари, қирғизлар ва бошқа миллат вакиллари ҳам бор эди. Қирғизистон шимолидаги аҳоли подшо ва Муваққат ҳукумат даврида кўпроқ жафо чекди. Улар большевикларнинг шиор ва чақириқларига ишониб, тортиб олинган ер ва моли қайтариб берилди, деб умид қилдилар. Натижада уларнинг кўпчилиги, айниқса, қашшоқ камбағаллар большевиклар тузган кўнгилли отрядларга ёзилдилар.

Бу каби кўнгилли отрядлар бир қатор шаҳар, овул ва қишлоқларда пайдо бўлди. Кейинроқ улар Қизил Армиянинг мунтазам қисмларига айланди.

1918 йил ёзда марказий ҳукумат Туркистонга қурол-яроғ, ўқ-дори, кийим-кечак, озиқ-овқат ва саноат товарлари юборди. Бу Туркистонда Совет ҳокимиятини мустаҳкамлашга ёрдам берди.

✓Туркистондаги Қизил Армия қисмларига ҳудуддаги аксинкилобий қарши тўрт фронтда: Оренбург, Каспийorti, Фарғона ва Етгисув фронтларида курашишга тўғри келди. Фарғона ва Етгисув фронтлари ҳозирги Қирғизистон ҳудудига яқин эди.

**Совет ҳукуматининг аграр сиёсати ва деҳқон ғалаёнлари.**

**1918 йил** кўклардан бошлаб ер-сув ислоҳотига тайёргарлик юзасидан ер-сув комитетлари тузила бошлади. Улар камбағалларга ер, уруғлик бера бошлади. Келгиндилар раҳбарияти жамғармаларидан тортиб олинган ер ҳисобидан ерсиз ва ери оз камбағалларга ер бўлиб бериш-Совет ҳокимиятининг Қирғизистондаги дастлабки аграр тадбири бўлди. Оддий рус деҳқонлари қирғизларга ҳам бошқалар қатори тенг миқдорда ер бўлиб берилишини талаб қилдилар.

1918 йил ёзда ғалла етиштириш кескин қисқариши туфайли ўлкада очарчилик хавфи пайдо бўлди. Очарчилик хавфи пролетар-якобинчи диктатура билан деҳқонлар кенг қатлами ўртасидаги кескин зиддиятга сабаб бўлди.

Очарчилик даврида қулоқлар, бой-манаплар ғалласи, мол-мулкни яшириб олган одамлар, деб ҳисобланарди. Шунинг учун Ленин ва бошқа большевик раҳбарлар овул-қишлоқлардаги «ортиқча» ғаллани куч билан йиғиштиришни талаб қилдилар. Бунинг учун шаҳардаги ишчилардан махсус озиқ-овқат отрядлари тузилиб, овул-қишлоқларга жўнатдилар. 1918 йил ёзда тузилган камбағаллар комитетлари озиқ-овқат отрядларига таяниб, овул-қишлоқлардаги обрўли ҳокимият органларига айланди.

Совет ҳокимиятининг бундай сиёсати овул-қишлоқлардаги деҳқонлар ўртасида норозилик туғдирди, уларнинг қаршилигига сабаб бўлди. **1918 йил августда** Авлиёота уездининг Дмитровка қишлоғи деҳқонлари ғалаён кўтардилар. Бироқ уларнинг қуролли отрядини Қизил Армиянинг Чимкентдан келтирилган отряди тор-мор қилди. 1918 йил 7 декабрда *Беловодск, Сўкулуқ, Қораболта, Садовое, Алексеевка* ва бошқа қишлоқлардаги келгинди деҳқонлар ғалаён



кўтардилар. Беловодскда ғалаёнчилар штаби — «Ҳарбий халқ кенгаши» тузилди. Ғалаёнчилар большевистик Советларни йўқ қилиб, уларнинг фаолларини жазолади. 14 декабрда улар Пишпек шаҳрининг ғарбий қисмини эгаллаб олдилар. Ғалаёнчилар сафи кенгаймади, чунки Тўқмоқдаги ғалаёнчилар улар ишончини оқламади. Ғалаёнчиларнинг қатъиятсизлиги большевикларнинг устун келишига сабаб бўлди.

Шимолӣ Қирғизистоннинг барча районларидаги кучлар Пишпекка тўпланди. Тўқмоқ, Юрьевка, Георгиевка, Лебединовка, Покровкадан отрядлар келди. Ғарбий Еттисув фронтида оқ казакларга қарши жангларда донг таратган 1-Пижпек полки Пишпекка ёрдамга жўнатилди. Бу полк 600 километрлик масофани 9 кунда босиб ўтиб, 22 декабрда Пишпекка келди. 23 декабрь тонгда полк ғалаёнчиларга қаттиқ зарба берди. 1919 йилнинг 1 январида ҳамма жойда ғалаёнчилар мағлубиятга учратилди. 1919 йил ёзда Пржевальск, 1920 йил ноябрда Норин уездларида келгинди деҳқонлар бош кўтардилар. Бироқ бу ғалаёнлар Қизил Армия аскарлари, ўз-ўзини мудофаа отрядлари кучи билан осонгина бостирилиб, Совет ҳокимияти яна ўз ўрнига тикланди.

**Озодлик ҳаракатининг бостирилиши.** *Монстров* ва *Муханов*нинг «деҳқонлар армияси» билан Мадаминбек отрядлари қўшилгандан кейин ғалаёнчилар кучи ортди. Уларнинг сонин 20 минг кишига етди. 1919 йил кузида уларнинг отрядлари Жалолобод ва Ўш шаҳарларини эгаллаб олди. 18 сентябрда Андижон қуршаб олинди. Улар эгаллаган жойларда Совет ҳокимияти бекор қилинди.

Ўша вақтда Туркистондаги большевистик ҳукуматнинг ҳолати кескин яхшилайди. *М.В. Фрунзе* раҳбарлигидаги Шарқий фронт аскарлари Колчак армиясини, август-сентябрь ойларида атаман Дутов, генерал Белов аскарларини тор-мор этиб, 13 сентябрда Туркистон аскарларига қўшилдилар. Бунга қадар, 14 августда Туркистон фронти тузилиб, унга Пишпекда туғилиб, маҳаллий шароитни яхши билган, таниқли большевик *Михаил Васильевич Фрунзе* қўмондон қилиб тайинланган эди.

Туркистондаги Совет ҳукумати бутун кучини ғалаёнчиларнинг бирлашган отрядларини бостиришга сафарбар этиш имконига эга бўлди. Қуршовда қолган Андижойга Қизил Армиянинг яхши қуролланган Қозон полки келди. Қизил аскарлар 21 сентябрда Андижонни қуршовдан озод қилиб, душманга қаттиқ зарба берди. Сентябрьнинг охирларида Ўш ва Жалолобод озод қилинди. Мағлубиятга учраган ғалаёнчилар отрядлари жанубий Қирғизистон тўқайларида ва Фарғона водийси қамишзорларида жон сақладилар.

Туркистондаги вазиятни ўрганиш, бу ердаги партия ва Совет органлари ишини йўлга солиш, партиявий назоратни кучайтириш учун катта ҳуқуқларга эга бўлган *махсус комиссия* жўнатилди. *Ш. З. Элиава* бош бўлган мазкур комиссияга *М. В. Фрунзе*, *В. В. Куйбишев*, *Я. Э. Рудзутак*, *Г. И. Бокний*, *Ф. Н. Голошечкинлар* кирдилар. Уларга ҳудуддаги партия ва совет органлари раҳбарларининг хатоларини тузатиш, ҳокимият органларини тартибга солиш, қуролли кучларни

қайта қуриш, омманинг Советларга бўлган ишончини шакллантириш вазифаси юкланган эди.

Комиссия ҳудуддаги нотўғри ишлари билан ўзларига доғ туширган кадрлар ва ҳокимият тизимларини қувғин қилиб, раҳбарликка маҳаллий аҳоли вакилларини жалб эта бошлади. Қизил Армияда қаттиқ интизом ўрнатилди, деҳқонлар, айниқса, маҳаллий аҳолини талаган, сиқувга олганларга нисбатан отиб ўлдириш жазоси жорий этилди. Ислom ҳуқуқий нормалари, вақф ва мачитлар аслига қайтарилди. Бу иш маҳаллий аҳолининг большевикларга нисбатан ишончини анча яхшилади, улардан ҳарбий қисмлар тузиш имконини яратди.

Большевиктик кучларни қайтадан тўплаш озодлик ҳаракати пайсайган даврга тўғри келди. Деҳқонларнинг урушлардан тинкаси қуриган эди. Тўхтовсиз уруш ҳаракатлари уларнинг хўжалигига тўсқинлик қилди, уни бузди. Энди улар ғалаёнчиларни боқишга қурби етмай қолди. Ана шундай вазиятда ғалаёнчилар ўртасида ички нифоқ, келишмовчиликлар авж олди. Бундан большевиклар усталик билан фойдаландилар. Энди ихтиёрий равишда қўлга тушган ғалаёнчилар отиб ташланмас, ўз гуноҳларини ювиш учун собиқ қуроолдош ўртоқларига қарши курашга мажбур қилинарди.

Туркистон комиссиясининг бундай фаолияти ўз натижасини бера бошлади. Натижада, 1919 йил охирида Фарғона водийсидаги озодлик ҳаракати сусайди, уни тор-мор қилиш имкони яратилди. Ғалаёнчилар ўз сафларини тўлдириш, ўқ-дори, отлар учун ем-хашак тамаш мушкул бўлиб қолганиги учун ўз базаларини баланд тоғли Олай ва Помирга кўтаришга мажбур бўлдилар. Уруш, турли йиғимлар ва талон-тароғликдан тинкаси қуриган аҳолининг бир қисми ноилож большевиклар томонига ўтиб ғалаёнчиларга қарши чиқа бошлади, большевиклар ташаббуси билан маҳаллий аҳоли орасидан ғалаёнчиларга қарши курашиш учун кўнгилли ўз-ўзини ҳимоя қилиш отрядлари, милиция ва миллий ҳарбий қисмлар тузила бошлади. Бундай ҳарбий қисмларга маҳаллий миллат вакилларидан командирлар тайинланди. Улар орасидаги жасорат кўрсатганлар юксак мукофотларга сазовор бўлдилар. Улардан *Сулаймон Кучуков*, *Арстанали Усмонов*, *Олимбек додҳо* ва *Қурвонжон додҳо*ларнинг набиралари *Жамшидбек Қарабегов*, *Қадирбек Камчибеков* ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Улар Қизил Армия қисмлари командирлари эдилар.

Большевиклар Туркистондаги маҳаллий аҳоли бир қисмининг мададига таяниб, миллий-озодлик урушини фуқаролар урушига айлантира олдилар. Омманинг мададидан ажраган ғалаёнчилар отрядлари борган сари маглубиятга учрай бошладилар. Улар Қизил Армия қисмлари билан шиддатли тўқнашувлардан хавфсираб, янги уруш усулини кўллаб бошладилар. Кутилмаганда пайдо бўлиб, узоқ муддатли урушга ботина олмадилар. Бироқ бундай усул уларга муваффақият келтирмади. Ғалаёнчилар кўплаб талафотга учраб, тўқайларда, қумли жойларда, қаминзорларда яшириниб юришга мажбур бўлишди.

1920 йил охирида ҳудуддаги миллий-озодлик ҳаракати асосан йўқ қилинди, уларнинг айримлари 30-йилларнинг бошларигача қаршилик кўрсатаверди.

**Қочоқ қирғизларнинг Ватанига қайтиши.** Қирғизистонда Совет ҳокимияти ўрнатилгандан кейин ғалабачи қирғизлар жазо хавфидан қутулдилар, уларни таъқиб қилишга чек қўйилди. Бу миллатлараро нифоқни бартараф этиш, одамлар ўртасидаги дўстона муносабатларни ўрнатиш имконини туғдирди. 1918 йил 5 июлда Еттисув вилояти ижроия комитети қошида миллатлар ишлари бўйича вилоят комиссарлиги тузилди, унда рус-қирғиз муносабатларини тартибга солиш билан шуғулланувчи махсус комитет ҳам ташкил этилди. Мазкур комитет қирғиз ва рус аҳолиси ўртасида тарғибот ишлари олиб борди.

Очарчиликка дучор бўлган аҳолига ёрдам бериш бўйича комитетлар тузилди. 1918 йил 29 октябрда Еттисув вилояти ижроия комитети Тўқмоқ озиқ-овқат комитетига оч қолганларга овқат ташкил қилиш пунктини очиб учун 100 минг сўм ажратди ва Тўқмоқ уезд Советига қўшимча ҳаражат топиш учун бадавлат қирғизларга солиқ солиш вазифасини юклади. Овқатланиш пунктлари Пишпек, Тўқмоқ, Пржевальск, Норин, Ўш шаҳарларида ва бошқа аҳоли пунктларида ташкил қилинди. Текин овқат оз бўлсада оч-ялонғоч аҳолига мадад бўлди ва бир неча минг одамни очарчилик балосидан сақлаб қолди.

Қочоқ қирғизларга ёрдам бериш ва уларнинг ўз Ватанига қайта кўчиб келиши учун ғарбий Хитойга махсус комиссия юборилди.

Омон қолган қочоқларнинг кўпчилиги 1917 йилда қайтган эди. Бироқ минглаб қочоқлар Хитойда қолган эдилар. Уларнинг баъзилари жазолардан кўрқар, кўпчилиги ноилжликдан қулчиликка сотилиб кетган эдилар. Қолаверса, кўпчилик қайтишга имкон топа олмаган.

Туркистон Марказий Ижроия Комитетининг **1920 йил 2 февралдаги** қарори билан махсус комиссия тузилди ва унга қочоқ қирғизларни Ватанига қайтариш ва ерларини қайтиб бериш чораларини кўриш, қайтган қирғизларга инсбатан зўравонликни тўхтатиш, тортиб олинган уй-жой, ер-сув, дов-дарахтларни эгаларига қайтариш, қочоқларга пул, озиқ-овқат, кийим-кечакдан ёрдам бериш, чет ўлкаларда сарсон-саргардон бўлиб юрганларни ҳукумат ҳисобидан қутқариш, руслар билан қирғизлар ўртасидаги зиддиятларни тўхтатиш вазифалари юкланди.

Шу билан бирга комиссия катта ҳуқуқларга эга эди. Масалан, комиссия маҳаллий ҳокимиятлар ва ҳарбий қисмларни комиссия ишига ёрдам кўрсатишга мажбур қилиб, қаршилик кўрсатганларни инқилобий трибунал судига бериш ҳуқуқига эга бўлган.

Қулчиликка маҳкум бўлган қирғизларни қутқариб олиш учун Хитойга икки гуруҳ элчи жўнатилди. Қул бўлган қирғизларни пул эвазига озод қилишга келишиб олинди ва улар Ватанига қайтишга муяссар бўлдилар. Тўлиқ бўлмаган маълумотларга кўра 1920 йилда Норин уездидагина қочоқларнинг 4338 оиласи ва қулликдан озод қилинган 139 киши қайтиб келди.

Қочоқларни жойлаштириш учун Совет ҳукумати 100 миллион сўм ажратди. Уларга текин қурилиш материаллари, газлама, уруғлик, мол-қўй, қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналари, бўз уйлар, шунингдек, ғалаёнлар пайтида тортиб олинган мулкнинг бир қисми қайтариб берилди.

1920 йил кўкламда Пржевальск ва Пишпек уездларига қайтиб келган қирғизларга 40 минг таноб экин-майdonи ва 80 минг таноб яйлов берилди. Улар беш йил муддатга яйлов солиғидан озод қилинди. Илгари ўт қўйиб юборилган ва вайрон қилинган ерларда қочоқ қирғизларнинг уй-жойлари қад кўтара бошлади.

### **Ҳужжатли материаллар**

**Пишпек уезди, Военно-Антоновка қишлоғи деҳқонларининг Советларнинг вилоят съездига 1918 йилги нақазларидан:**

Биз, Военно-Антоновка қишлоғи фуқаролари, мусулмонларни соҳибкор деҳқонлар билан бир хил жойлаштиришни талаб қиламиз, масалан, илгаригидек бўлмаслиги учун мусулмон фуқароларни қишлоқ-қишлоқ қилиб жойлаштиришни ёки улар учун янги қишлоқлар бунёд этишни талаб қиламиз, зеро, илгари баъзилар сувга сероб жойларга ўрнашиб, баъзилар сувсиз дашту биёбонларда қолиб кетган эди. Шунинг учун сувли ерлар тенг бўлинишини, ҳамма бир хил фойдаланиши учун мусулмон фуқароларни руслар билан баравар жойлаштиришни олтимос қилишимиз.

### **Савол ва топшириқлар**

1. «Босмачилар» ким, уларнинг мақсади, ижтимоий базаси ва уларга ёрдам берганларни аниқланг.
2. Туркистон ҳудудда Қизил Армиянинг қайси фронтлари тузилди? Уларни харитадан кўрсатинг.
3. Қирғизистон шимолидаги деҳқон ғалаёнлари Қирғизистон жанубидаги озодлик ҳаракатининг Совет Россиясидаги фуқаролар уруши билан қандай ўзаро боғлиқлиги бор?
4. Совет Россиясида ҳокимиятнинг бир партияли системаси ўрнатилганининг объектив ва субъектив сабаблари нимада?

## **4-§. Қирғизистонда пролетар-якобинчилик диктатурасининг шаклланиши**

**Ривожланиш истиқболлари. Бир партияли системанинг тузилиши.** Ўлкада ўрнатилган ҳокимият қандай бўлади? У кимнинг манфаатини ҳимоя қилади? Ўлкани бошқариш қандай усул билан амалга оширилади: демократик усул биланми ёки зўравонлик усули биланми? Октябрь инқилоби ғалабасидан кейин дастлабки ойларда бу каби саволларга аниқ ва бир ёқлама жавоб бериш қийин эди.

Россияда большевиклар томонидан ўрнатилган ҳокимият пролетариатга ва овул-қишлоқлардаги аҳолининг камбағал табақасига, бошқача айтганда, аҳолининг озчилигигагина таяна олган. Бундай шароитда зўрлик, жумладан, ошқора террор сиёсатини ўтказиш зарур эди. Халқнинг анчагина қисми сайлов ҳуқуқидан бутунлай маҳрум қилинган ёки чеклаб қўйилган. Одатда, бу каби диктатуралар бир партияли режим томонидан амалга оширилган. Совет Россиясида ўрнатилган бундай диктатурани *пролетар-якобинчилик диктатураси*, деб аташ мумкин.

Пролетар-деҳқон демократияси пролетар-якобинчилик диктатурасининг альтернативаси бўлган.

*Пролетар-деҳқон демократияси* меҳнаткашларнинг кенг қатламига: пролетарлар, деҳқонлар, шаҳар майда буржуазияси, хизматчилар, зиёлилар ва бошқаларга, бошқача айтганда, аҳолининг кўпчилигига таяниши мумкин эди. Бу эса фақат кўп партиявийлик асосидагина бўлиши мумкин бўлур эди. Ушанда қондага кўра экеплуататор синф вакиллари сайлов ҳуқуқидан ажратилмайдди. Бундай шароитда оммавий фуқаролар урушининг олдини олиш, зўравонликни кескин қисқартириш мумкин эди.

Бироқ ўлкада саводсиз ва чаласавод аҳоли кўплиги, вакиллик демократия тажрибасининг йўқлиги ўйланмаган қарорлар қабул қилинишига, популистик таъсирнинг кучайишига, тобора кучайиб бораётган анархия шартларига кўра «темир интизом» талаб қилинишига олиб келди.

Шундай қилиб, дастлабки кунларданоқ пролетар-якобинчи диктатура ўрнатилиши имкони пролетар-деҳқон демократияси имкониятидан устун бўлган. Большевикларнинг сиёсий қарашлари, бошқа партия раҳбарларининг Ленин партиясининг армия ва йирик сайоат марказларидаги таъсирини тан олмагандиги турли сиёсий кучлар ўртасидаги келишиш имкониятларини чеклаб қўйди ва якка партиявий система тузилишига қулай шароит яратди.

**Биринчи Совет Конституциясининг қабул қилиниши. 1918 йил ёзда** бўлиб ўтган Бутун Россия Советларининг V съезди биринчи Конституцияни қабул қилди. «Меҳнаткаш ва эзилган халқ ҳуқуқлари декларацияси» унинг кириш қисми қилиб белгиланди.

Биринчи Совет Конституцияси Советлар шаклидаги пролетариат диктатурасини қонулаштирди. Конституцияда фуқаролар ҳуқуқларидаги тенгсизлик мустаҳкамланди. Масалан, савдогарлар, дин хизматчилари, жумладан, мавсумда ёлдам ёллаган деҳқонлар сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинган. Бу нарса уларнинг ошда аъзоларига ҳам тааллуқли бўлган. Одамларнинг ижтимоий келиб чиқиши бундан буён анчагача уларнинг тақдирини белгилайдиган бўлиб қолди. Ишчилар деҳқонларга нисбатан сайловларда имтиёزلарга эга бўлганлар. Советлар съездига 25 минг кишидан бир ишчи, 125 минг кишидан бир деҳқон депутат этиб сайланган. Овоз бериш очиқ тарзда ўтказилган.

Мазкур Конституция ошкора синфий мазмунга эга бўлиб, синфий демократия принципларини ҳамоя қилган. Унда инсон ҳуқуқларини кафолатлайдиган ҳеч нарса йўқ эди.

**Совет бошқарув аппаратининг қурилиши.** Қирғизистонда Совет ҳокимияти ўриятилгандан кейиноқ эски давлат машинасини бузиб, янги-Совет бошқарув аппаратини тузиш ҳаракати бошланди. Муваққат ҳукуматнинг уезд комиссарлари, ижроия комитетлари, шаҳар думалари, земство йиғилишлари, суд органлари, келгиндилар бошқармалари бекор қилинди.

Жойлардаги бутун ҳокимият пролетариат диктатураси органи бўлган ишчи-деҳқон депутатлари Советлари қўлига ўтди. Янги Советлар тузилди, илгариги советлар эса большевистик руҳдаги одамлар билан янгиланди. Бироқ муҳим лавозимларни аҳолининг бадавлат қатлами вакиллари эгалладилар. Қашшоқ камбағаллар орасида саводли, бошқарув тажрибасига эга бўлган одамлар деярлик бўлмаган. Кўпчилик қишлоқларда Советлар бўлмаганлиги учун бўлис бошлиқлари, қишлоқ оқсоқоллари вақтинча ўз хизматини давом эттиришаверган. Бироқ улар Совет ҳокимияти сиёсатини амалга оширишга мажбур эдилар. Қишлоқларда Советлар тузилишига қараб илгариги бошқарув органлари тугатилиб борди. Кадрлар етишмаслиги туфайли 1918 йил ёзига қадар Қирғизистоннинг шимолӣ районларида бийлар, жанубида эса қозилар судлари фаолият кўрсатиб турди.

Қирғизистондаги Советлар кўп миллатли бўлган. Улар таркибида турли миллат-қирғиз, рус, украин, ўзбек, дунган, татар ва бошқа миллат вакиллари бор эди. Советларда миллий ишлар бўйича бўлимлар тузилган. Қирғизистоннинг ҳамма жойида Совет бошқарувининг бир хил системаси тузила бошлади. Советларга сайловлар синфий принцип бўйича ўтказилди.

Бироқ, Пишпек ва Пржевальск уездларидаги Совет ҳокимияти органларида шовинистик дунёқараидаги рус большевиклари устулик қилар эди. Шу боис бу ердаги муҳим масалалар, жумладан, миллий масалани большевиклар партияси эълон қилган қондаларга мувофиқ ҳал қилиш учун кескин чоралар қўришигина эмас, балки рус қўлоқларининг қирғиз халқига қарши зўравонликларини тўхтатишга қодир эмас эдилар. Ана шунақа зўравонликлар Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида ҳам давом этаверган.

**Совет ҳокимиятининг дастлабки иқтисодий ва ижтимоий тадбирлари.** Совет ҳукумати ҳокимиятни қўлга киритгандан кейинги дастлабки ойлар ичида бир қатор иқтисодий чораларни амалга оширди. 1917 йил 25 октябрда Смольнийда бўлиб ўтган кенгашда ишчи назорати ва мамлакатнинг бутун иқтисодий турмушига раҳбарлик қилувчи орган тузиш масаласи муҳокама қилинди. 17 ноябрда Халқ Комиссарлари Совети Ишчи назорати тўғрисида декрет қабул қилди. Корхоналарда ишчи назорати киритилишига қаршилик кўрсатилди, корхона эгалари ўз корхоналарини ёна бошладилар.

**1917 йил 1 декабрдан** Марказий Ижройи Комитети Халқ Хўжалиги Олий Кенгаши (ХХОК) тўғрисидаги низомни тасдиқлади. ХХОК қатта ҳуқуқларга эга эди: корхоналарни конфискация қилар, бўш қолган корхоналарни ўз эгаллигига олган айрим ишхоналарни ёпиб қўя оларди. ХХОК корхона эгаларининг иқтисодий саботажига қарши корхоналарни конфискация қила бошлади. Дастлаб айрим заводлар давлат тасарруфига ўтказилган бўлса, 1918 йилнинг январидан бошлаб бутун-бутун тармоқлар давлат тасарруфига ўтказила бошлади.

Бундай тadbирлар Қирғизистон ҳудудидагина амалга оширилди. Туркистон республикасининг **1918 йил 5 март**даги декрети бўйича Қизилқия ва Судуктадаги кўмир конлари давлат тасарруфига ўтказилди. Бундан ташқари Қирғизистон ҳудудидаги бир қатор майда ва ўрта корхоналар ҳам давлат ихтиёрига ўтди.

Совет ҳукуматининг бундай дастлабки тadbирларини кўшлар, жумладан, партиявий раҳбарлик социалистик қайта қуришнинг бошланиши сифатида қабул қилдилар. Совет ҳукуматининг дастлабки кунлариданоқ меҳнаткашларнинг манфаатига оид бир қатор тadbирлар ўтказилди. 30 октябрда 8 соатлик иш куни тўғрисида декрет қабул қилинди. Аёллар ва ўспиринлар меҳнатини муҳофаза қилиш тизими, касал бўлганда ва ишга яроқсиз бўлиб қолганда таъминланиш, бепул медицина ёрдами ва бепул ўқитиш амалга оширилди. Ишчилар ва хизматчиларнинг иш ҳақи, пенсия ва нафақалар миқдори кўпайтирилди. 1917 йил декабрда меҳнат тўғрисидаги қонулар Мажмуаси тасдиқланди.

Аёлларнинг тенг ҳуқуқсизлигини бекор қилган декрет эълон қилинди. 1918 йил 20 январда диний-эътиқод эркинлиги тўғрисида декрет чиқди. Унга кўра, диний идораларнинг барча имтиёзлари бекор қилинди. Дин давлат ва мактабдан ажратилди.

**«Ҳарбий коммунизм» сиёсати.** 3,5 йиллик уруш ва инқилобдан кейинги 8 ой давомида мамлакат иқтисодиёти тушқунликда эди. Украина, Болтиқбўйи, Волгабўйи, Ғарбий Сибирь каби бой районлар большевиклар назоратида эмас эди. Шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги иқтисодий алоқалар узилди. Иш ташлашлар ва корхона эгаларининг локаутлари иқтисодиётга салбий таъсир кўрсатди. Иқтисодий инқироз даврида амалга ошмай турган ишчиларнинг ўз-ўзини бошқариш тартибидан бош тортиб, большевиклар бир қатор қатъий чоралар кўрдилар. Бундай қатъий чоралар Советлар тарихида «Ҳарбий коммунизм» номи билан маълумдир.

«Ҳарбий коммунизм» фуқаролар уруши шароитида мамлакатда социализм қуриш қондасига айланди. «Ҳарбий коммунизм» сиёсати аста-секин пишиб етилди. 1918 йил ёзда бутун саноат давлат тасарруфига ўтказилгандан кейин барча темир йўллар, сўнгра банклар давлат ихтиёрига ўтди. 1918 йил 21 ноябрдаги Халқ Комиссарлари Советининг декретига мувофиқ тақсимотнинг бутун тизими давлат қарамоғига ўтди. Энди озиқ-овқат олиш учун ҳар бир фуқаро қандайдир бир матлубот жамиятига рўйхатга туриши керак бўлиб қолди. Бундай жамиятлар «кооператив»лар ёки «иетёмолчилар коммунаси» деб номланиб, келажақда улар ҳам давлат тасарруфига ўтказилиши керак эди.

«Ҳарбий коммунизм» тарафдорларидан бири — В. Мешчеряков коммуналар тўғрисида бундай деб ёзган эди: «Бу ерда хусусий мулк, капитал, фойда ва бошқа шунга ўхшаган буржуача тушунчаларни бутунлай йўқ қилиш керак. Коммунада хусусий мулк йўқ, унда ҳамма нарса умумийлиги, ҳамма нарса тенг ва эҳтиёжни қондира олишига қараб бир хил тақсимланади».

**1918 йил** кузда деярли ҳамма жойда хусусий савдога барҳам берилди. **1919 йил 11 февралда** мамлакатда озиқ-овқат солиғи киритилди. Ҳар бир область, уезд, волость, ҳар бир деҳқон жамоаси мўлжалдаги ҳосилга муво-фиқ дон ва бошқа маҳсулотларни олдиндан белгиланган миқдорда давлатга топшириши керак бўлиб қолди. Дондан ташқари, асал, тухум, ўсимлик мойи, гўшт, қаймоқ ўрнига деҳқонлар газлама, қанд, туз, гугурт, тамаки, ойна, керосин, баъзан бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари олардилар. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етарли эмас эди. Деҳқонлар бунга жавобан ҳайдаладиган майдонларни қисқартирдилар. Бу очарчилик ҳавфини туғдирди.

16 ёшдан 50 ёшгача бўлган барча фуқаролар ишлашга мажбур бўлганлар. «Ишламаган — тишламайди» деган принцип бўйича иш юритилган. Улар ишлашга мажбур эканлиги бўйича ҳарбий хизматга чақирилганлар билан тенглаштирилган.

Маҳсулотларни тақсимлашнинг давлат қўлига ўтиши ёш республика турмушидаги салбий кўринишлар бюрократизмнинг ўсишига олиб келди. Фуқаролар уруши йилларида маъмурий — буйруқбозлик системасининг элементлари шакллана бошлади.

**1920 йилнинг** иккинчи ярми «Ҳарбий коммунизм» сиёсати авж олган вақт бўлиб қолди. Ҳукумат пул системасини бекор қилишни бошлади: транспортда бепул юриш, корхоналардан почта, телеграф операциялари учун тўловлар бекор қилинди, телефон, водопровод, газ, электр энергияси, ёқилғи, турар жойлардан фойдаланиш бепул бўлиб қолди. Дори-дармонларга, шунингдек кенг истеъмол молларига тўловларни бекор қилиш бўйича декрет қабул қилинди.

«Ҳарбий коммунизм» сиёсатининг натижалари қандай бўлди? Бир томондан, у ички ва ташқи контрреволюцияга қарши курашиш учун бутун кучни тўплаш имконини берди. Бу жиҳатдан олганда у ноқўлликдан қўйилган қадам эди.

Иккинчи томондан, етарли бўлмаган моддий ва маданий шароитда социалистик ғоялар бутунлай ўзгартирила бошлади: ижтимоийлик ўрнига — давлат тасарруфига ўтказиш, ҳар бир одамнинг эркин ривожланиши ўрнига — меҳнат мажбурияти, илғор демократия ўрнига — қаттиқ диктатура, адолат ўрнига — тенглаштириш келди. Иқтисодий қонуналарга, инсон манфаатларига, унинг эҳтиёжларига назар солмаслик мамлакатни янада оғир иккирозга дучор қилди.

**Пролетар диктатураси режимининг ўрнатилиши.** «Ҳарбий коммунизм» йиллари пролетар диктатураси режимини ўрнатиш даври бўлди. Советлар Россиясидаги пролетар диктатурасининг яқобинчилик



диктатураси билан ўхшаш томонлари бор эди. «Рус якобинчилиги» нинг асосий принциплари қуйидагича эди:

— ҳокимиятни қўлга киритиш учун инқилобий озчилик томонидан қилинган сиёсий тўнтаришни инқилоб сифатида тушуниш;

— инқилобий диктатура инқилоб ғалабаларини мудофаа қилади ва «юқоридан» туриб ижтимоий қайта қуришни амалга оширди;

— инқилобий диктатура ҳокимиятни инқилобий террор, зўравонлик йўли билан амалга оширади.

Диктатура ошқора партиявий мазмунга эга эди. Барча муҳим сиёсий ва ташкилий масалалар партиянинг иштироки билангина ҳал қилинди. Партиянинг таъсири барча соҳага: иқтисодиётга, маданиятга, оила ва жамиятга ўтказилди. Бундай шароитларда ижтимоий ва сиёсий муҳитдаги партиявий назоратга тўсқинлик қилиш саботаж сифатида баҳоланди. Шундай қилиб, мамлакатда ягона партия диктатураси, партиянинг ўзида эса, партиявий аппаратнинг диктатураси ўрнатилган. Бу демократияга берилган кучли зарба эди.

Пролетар диктатураси большевистик бўлмаган газеталарни ёпди ва уларнинг бундан буён чиқишини таъқиқлаб қўйди. Туркистонда «Туркестанский вестник» номли газета чиқмай қолди.

Большевистик бўлмаган сиёсий партиялар эса турли йўллар билан йўқ қилинди. 1917 йилнинг 28 ноябрида кадетлар партияси «Халқ душманлари партияси», деб эълон қилинди. Туркистонда «Алаш», «Шўрои Ислом» партиялари миллий-буржуа партиялари сифатида тақиқлаб қўйилди.

Большевиклар партиясидан бошқа социалистик партиялар пролетар диктатураси системасида йўқолиб кетди ёки ўз номларини ўзгартирди. Меньшевиклар ва эсерлар ҳамма жойда ўй-фикр монополиясига ва бошқача фикр юритишга йўл қўймаган большевиклар партияси диктатурасига қарши курашга отланди.

Кейинроқ меньшевикларнинг баъзилари совет ҳокимиятини таниди ва уни мудофаа қилди. Кейинги келишмовчиликлардан сўнг меньшевикларнинг бир қисми чет давлатларга кетиб қолишга мажбур бўлди. Улар у томонларда демократик системанинг ашаддий танқидчиларидан бўлиб қолишди.

Сўл эсерлар камбағаллар комитетига, озиқ-овқат отрядларига, sanoатни давлат тасарруфига ўтказишга қарши чиқишди. Уларнинг тақдирини ҳам меньшевиклар партияси тақдиридек бўлди. 1918 йил июль ойида Москвада бўлиб ўтган сўл эсерлар кўзғолонидан кейин Қирғизистонда ҳам большевикларнинг «Сўл» эсерларга қарши кураши кучайиб, уларнинг маҳаллий ташкилотлари таъқиқлаб қўйилди. Қирғизистонда сўл эсерлар ташкилотлари 1918 йил ноябрь ойида йўқ қилинди. Шундай қилиб, мамлакатда ягона партияли режим ўрнатилди.

1917 йил 7 декабрда контрреволюция ва саботажга қарши Бутун Россия Фавқулодда Комиссияси (ВЧК) тузилиб, унга Держинский раҳбар этиб тайинланди. ВЧК қамоққа олиш, тергов ва жазо чорала-

рини амалга ошира бошлади. ВЧК га илгари Россияда қўлланилмаган жазоларнинг икки тури: кафилликка қамаш ва меҳнат лагерлари киритилди.

## Ҳужжатли материаллар

**1. Туркистон ўлкаси Халқ Комиссарлари Советининг «Туркестанский вестник» газетасини ёпиш тўғрисида 1917 йил 12 (25) декабрдаги бўйруғидан:**

Ишчи ва деҳқонлар ҳукуматининг «Матбуот тўғрисидаги декрети»ни бузгани учун «Туркестанский вестник» газетаси ёпилсин ва унинг мулки конфискация қилинсин.

**2. Пишпек уезди большевистик фракциясининг эсерлар партиясини тугатиш тўғрисида большевистик фракциянинг шошилинч мажлиси баённомасидан:**

Большевикларнинг—коммунистлар сафига қўшилмаган сўл социал инқилобчилар партиясини аъзоларининг қолдиқлари сўл эмас, унинг душманлари сифатида танилсин ва тугатилсин, маъмур партиясининг Пишпекда ва Пишпек уездида бундан буён фаоллиги кўрсатиши тўхтатилди, деб эълон қилиниш, йиғилишларини таъқиқлаш Ижроия Комитетига таклиф этилсин.

**3. Ж. Абдрахмановнинг «1916 йилдаги қирғизлар қўзғолони тўғрисида» деган китобидан:**

Октябрь инқилобидан кейинги дастлабки йилларда... миллий масала ҳусусида... ўз олдига қўйган мақсадларини Туркистон большевикларининг ўзлари тўла тушунган эмаслар... Туркистон Советларининг учинчи съездида ўртоқ Таболни... қўйидаги декларацияни эълон қилди: «Ҳозирги вақтда ўлкадаги инқилобий ҳокимият юқори органларига мусулмонларни жалб этиш ўринсиз, зеро маҳаллий халқнинг аскар, ишчи ва деҳқон депутатлари совети ҳокимиятга нисбатан муомаласи мавҳум бўлиб турибди, инкинчидан, маҳаллий халқ орасида асл пролетар ташкилотлари йўқ, ўлканинг Олий ҳокимият органларида уларнинг вакиллари бўлса, фракция бунини таъбирлаган бўлур эди».

Шунинг учун ўша вақтдаги Туркистон большевикларининг чинакам вакиллари тўпланиган Тошкенда... миллий масалани ҳал этиш... ошқора мустамлақчилик маъносидан қўйилгандан кейингина Еттиев ва Қирғизистоннинг жануби каби олдчи қишлоқларда қай аҳволда эканлигинини тушунишимиз мумкин.

Миллий масалани большевикларча ҳал этиш жиҳатидан радикал чораларни куриш учунгина эмас, шу билан бирга, қулоқларнинг қирғиз халқига қарши тўравоқлигини тўхтатишга ҳам яроқсиз эканлигини айтиб ўтдим, бундай тўравоқлик Совет ҳокимияти ўрнатилишининг дастлабки вақтларида ҳам давом этверган.

Контрибуция, конфискация, реквизиция каби янги ҳокимиятнинг ҳужжатлари маҳаллий аҳолининг бутун оммасига қарши бўлиб қолган, натижада... маҳаллий меҳнаткашлар айрим қисмининг камбағаллашувига олиб келди.

Муваққат ҳукуматга ва унинг издошларига қарши курашиш учун тузилган партизан отрядлари (Муроев, Мамонтов ва бошқаларининг отрядлари) ўз зарбларини бир вақтнинг ўзида маҳаллий аҳолига қарши қўйган вақтлар ҳам кўп бўлган.

**4. Фуқаролар уруши иштирокчиси В.И. Першковнинг эсдаликларидан:**

Биз томонга, Бистровка бўлисининг Орловка қишлоғига бир киши келиб йиғилиш ўтказгани эсимда, у большевик даъватчи экан (исми эсимда йўқ). Коммунистлар партиясининг дастури ҳақида гапиргандан кейин у шундай деди:

«Кимда-ким коммунистлар партияси, Ленин тарафдори бўлса, чап томонга, кимда-ким эсерлар тарафдори бўлса, ўнг томонга ўтсин».

Ингилишдаги кўпчилик ёшлар, даладан келганлар, жумладан мен ҳам чап томонга ўтдик, ундан ошiq бойлар ва давлатмандлар ўнг томонга ўтишди. Бир тўп одамлар у томонга ҳам, бу томонга ҳам қўшилмай, турган жойида қолаверди.

Шу тарада Бистровка бўлисининг бошқа қишлоқларида, Бистровканинг ўзида, Оқ бекатда, Атайкеда, Березовкада, Михайловкада ҳам большевистик гуруҳлар аниқланди. Михайловкадан бошқа қишлоқлар 1910—16 йилларда пайдо бўлиб, уларда кўпинча камбағаллар, деҳқонлар истиқомат қилишарди.

### Савол ва топшириқлар

1. Совет ҳокимиятининг ўрнатилиши, унинг дастлабки иқтисодий ва ижтимоий қайта қуришлари ҳақида гапиринг.

2. Мазкур дарслик материалларидан фойдаланиб, Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида қирғизларнинг турмуши ҳақида ҳикоя қилинг.

3. «Ҳарбий коммунизм» сиёсатининг натижалари қандай бўлди?

4. Ягона партиявий система ўрнатилиши сабабларини айтинг.

5. Большевикларнинг аграр сиёсати қандай бўлган ва у нима учун деҳқонларнинг норозилигига сабаб бўлди?

6. Ўз юртига қайта олмаган қирғизларни юртига қайтариш бўйича қандай чоралар кўрилди?

## II боб. ҚИРҒИЗИСТОН ЯНГИ ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТ ЙИЛЛАРИДА (1921—1928 йиллар)

### 5 §. Янги иқтисодий сиёсат йилларида Қирғизистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши

**Қирғизистонда тинч қурилишнинг бошланиши.** 1920 йил охирида Қирғизистонда фуқаролар уруши ниҳоясига етди, Совет ҳокимияти мустаҳкамланди. Бироқ вазият жуда оғир эди. Жаҳон уруши, 1916 йилги кўзғолон, фуқаролар уруши ва «ҳарбий коммунизм» сиёсати уни янада оғирлаштирди.

Россиянинг қолоқ мустамакламаси бўлган Қирғизистон иқтисодиёти бундан ҳам оғир аҳволда эди. Худудда йирик корхоналар оз, кўмир конлари ускуналари эскириб кетган эди. Ишчиларга озиқ-овқат етишмас, тегирмонлар ва заводлар тўхтаб қолган. Пахта тозалаш ва ёғ заводлари вайрон қилиниб, талон-тарож қилинган. Қирғизистондаги саноат ишлаб чиқариш ҳажми урушгача бўлган даражанинг ўн етти фоизинигина ташкил қилар эди.

Қирғизистон аҳолисининг аксарият кўпчилиги меҳнат қилаётган қишлоқ хўжалиги тушкунликка учраган. Экинзорлар урушгача бўлган даврдан икки мартадан зиёд қисқарган, ҳосилдорлик кескин

пасайиб кетган. Қишлоқ хўжалигининг ривожланиши экстенсивлигича қолаверди.

Қирғизистон иқтисодиётининг асосий тармоғи — чорвачилик ҳам тушқуликка учраган. Моллар умумий миқдори икки ҳиссадан зиёд камайиб кетган эди.

Темир йўл ва тош йўллар бутунлай бўлмаган. Алоқалар ёлғизоёқ, чап-тупроққа беланган йўллар орқали амалга оширилди. Буларнинг бари хўжалик қийинчилигини янада кескинлаштириб юборди.

Маъмурий жиҳатдан Қирғизистон илгаригидек тобелигича қолаверди.

**Қирғизистонликларнинг оч қолганларга ёрдами.** 1921 йилда Россиянинг Волга бўйидаги 10 губернасида даҳшатли очарчилик бошланди.

В. И. Ленин очарчиликка қарши курашда Туркистондан катта умид қилди ва зудлик билан 2500 минг пуд дон жўнатишни илтимос қилди. Бу илтимос бажарилиб, июль ойининг охири — август бошларида дон юкланган бир неча эшелон жўнатилды. Очарчиликка қарши курашда Туркистоннинг ҳиссасини кўпайтириш мақсадида озиқ-овқат солиғига алоҳида эътибор берилди. Марказдан фарқ қилиб, солиқ ернинг ҳосилдорлигига, хўжаликдаги моллар бош сонига қараб белгиланган. Пахта, лавлаги ва бошқа ўсимлик билан шуғулланган хўжаликларгагина енгиллик берилган.

Шимолий Қирғизистондан бир миллион пуд дон, 1500 бошга яқин мол, 80 миллион сўмдан зиёд пул йиғилиб, очарчиликка дучор бўлганларга жўнатилды. Жалолобод районида 15 минг пуд дон, 60 миллион сўм тўпланди. Бундан бошқа ёрдам ҳам уюштирилди.

Ўша вақтда Қирғизистоннинг ўз аҳолиси, айниқса, қирғиз халқининг аҳволи жуда оғир эди. Хитойдан қайтиб келган қирғизлар оч-яланғоч эдилар. Уларга ёрдам кўрсатиш ва жойлаштиришнинг муҳим муаммолари ҳал қилинмоқда эди.

**Янги иқтисодий сиёсатнинг дастлабки қадамлари.** Қирғизистонда ҳам озиқ-овқат разверткаси озиқ-овқат солиғи билан алмаштирилди. Бироқ Россиянинг Марказий районларидан фарқ қилиб, бу ерда солиқ ҳар бир теша ерга, ундан олинган ҳосилгагина эмас, хўжаликдаги моллар миқдorigа яраша белгиланган. Одамлар солиқдан ортиб қолган маҳсулотни ўз хоҳишича фойдалана олган, бошқача айтганда, эркин равишда сота олганлар. Бу нарса қирғиз қишлоғидаги натурал хўжаликнинг, патриархал-феодал муносабатларининг бузилишини жадаллаштирди.

Янги иқтисодий сиёсатга ўтилиши муносабати билан саноатни қайта қуриш ва қишлоқ хўжалигини оёққа турғизиш кенг қулоч ёйди. Корхоналар хўжалик ҳисобига ўтказилди. Янги сиёсат корхоналарга аста-секин ўзини оқлаш, ўзини-ўзи молиялаштириш, ўзини-ўзи бошқариш тартибига ўтиш имконини берди. Корхоналар ўз маҳсулотларининг бир қисmini ихтиёрий равишда сота олардилар. Ишчилар моддий жиҳатдан рағбатлантирила бошлади. Кўплаб корхоналар

кооперативларга ва хусусий шахсларга ижарага берилди. Баъзи майда корхоналарга собиқ эгалари раҳбарлик қила бошладилар. Давлат ихтиёрида тошкўмир конлари ва бошқа йирик корхоналаргина қолди.

Хўжалик ҳисобидаги корхоналарнинг бечиким ишлаши жуда қийин бўлди. Барқарор валютанинг йўқлиги натижасида бозорларда нархнаво ўзгариб турди, маблағ етишмасди. Транспорт хўжалик эҳтиёжларини қондира олмай қолди. 1922 йилдаги пул ислохотидан кейин корхоналарнинг аҳволи яхшилана бошланди.

Савдо ривожлана бошлади, бозорлар ишга тушди. Сотувда газлама, керосин, тугурт ва бошқа товарлар пайдо бўлди. Бошқа ҳудудлар билан товар алмашиш кўпайди.

Кооперация жонлана бошлади. Кооперациянинг кўп хилли шакллари ривожланди. Давлат органларининг аралашувиға қарамай кооператив ишлаб чиқариш натижалари давлат корхоналарига қараганда икки баравар юқори бўлди.

Кустар ишлаб чиқариш жонланди. Бир қатор жойларда туз ва кўмир конлари кустарлик усули билан ишлатила бошлади. 1925 йилда бундай корхоналарнинг сони 4 минг 900 га етди, уларда 8 мингга яқин одам ишлар эди.


Шу билан бир вақтда саноатни оёққа турғизиш ишлари бошланиб кетди. Ўрта Осиё учун катта аҳамиятга эга бўлган кўмир конларини ривожлантириш қўлга олинди. Ана шу мақсадлар учун Марказий ҳукумат олтин баҳосида 200 минг сўм ажратди. 1924 йилда кўмир қазиб олиш ҳажми урушгача бўлган даражага етди. Авлиё ота — Пишпек темир йўли ишга тушди. Эски корхоналарни тиклаш билан бирга янгилари қурила бошлади.

**1921—1922 йиллардаги ер-сув ислоҳоти.** Қирғизистондаги мустамлакачилик қолдиқларини бартараф этишнинг асосий масалаларидан бири ер-сув масаласи эди. 1916 йилдаги миллий озодлик кўзғолони мағлубиятга учрагандан кейин, Қирғизистоннинг шимолий районларида истиқомат қилаётган қирғиз халқининг катта қисми жазо отрядларидан қочиб Хитой томон кетишди. Улар фойдаланиб турган ерларнинг кўп қисмини келгинди деҳқонлар ва қозоқлар, руслар эгаллаб олдилар.

Шу билан бирга подшо замонларида қирғизларнинг деҳқончиликка қулай кўп ерларини тортиб олиниб, кўчириб келтирилган рус деҳқонларига бўлиб берилган эди.

Февраль инқилоби ғалаба қозонгандан кейин қирғизлар ўз ерларига қайтиб кела бошладилар. Улар рус қулоқлари ва қозоқ-руслар тортиб олган ерларини қайтариб беришни илтимос қилиб, Муваққат ҳукуматнинг Тошкентдаги вакилига мурожаат қилдилар. Бироқ масала ҳал этилмади. Аксинча, қирғизларнинг қайтиб келишига тўсқинлик қилинди. Илгаригидек мустамлакачилик сиёсати давом этаверди.

Октябрь инқилоби ғалаба қозонгандан кейин рус қулоқлари ва қозоқ-русларнинг ерларини маҳаллий халқ ерлари миқдори билан тенглаштириш ҳарақати бошланган эди. Бироқ Совет ҳокимиятининг



1921—1922 йилларда Қирғизистондаги ер-сув ислохоти.

дастлабки йилларида бу масала тўлиқ ҳал этилмади. Ер масаласи бўйича подшо мустамлакачилик мероси қолдиқларини қисқа муддат ичида бартараф этиш керак эди. Ана шу масала ер-сув ислоҳотини амалга ошириш орқали ҳал қилинди.

*Бундай ислоҳот 1921—1922 йилларда Қирғизистоннинг шимолидаги деҳқончилик районларида ва қисман Жалолобод, Бозорқўрғон районларида ўтказилди.*


Ер-сув ислоҳоти 1921 йил қиш мавсумида қишлоқ бўлиб мустақил ўтроқлашиб қолган келгиндиларни илгариги жойларга қайтариш билан бошланди. Бир йилдан сўнг бой қозоқ-ўрислар ва келгинди деҳқонларнинг рўзгор буюмларини ўртага кўйиш амалга оширилиб, уларнинг бир қисми ерсиз қирғиз деҳқонларига тақсимлаб берилди. Умумий ҳисобда қирғизларнинг ерларини тортиб олиш билан мустақил ҳолда 13 та қишлоқ бўлиб ўтроқлашган келгиндилар қишлоқларининг ҳалқи яна илгариги жойларига кўчирилиб, 963 хўжаликнинг ўрнига 1578 қирғиз оиласи жойлаштирилди.

Келгиндилар озроқ бўлган Норин уезида уларни бир поселкага кўчириб, бўшаган 15 минг теша ер қирғизларнинг жойлашиши учун тақсимлаб берилди. 1921 йил 15 мартдан 20 апрелга қадар Пишпек уезида қулоқлар ва ўзлари хоҳлаганча эгаллаб олганлардан бўшатилган ерларга 4 минг 500 қирғиз оиласи жойлашди. Жанубий Қирғизистонда ҳам ана шу каби тадбирлар ўтказилди. Қирғизистоннинг жанубида босмачилар ҳаракати давом этаётганлиги учун ер-сув ислоҳоти ўтказилмади.

Ислоҳот оқибатида ер-сув жамғармасига 198 минг теша ҳайдаладиган ерлар кўшилди. Бундан ташқари, 20 минг теша давлат ерлари, шопипоялар, яйловлар ўтказиб берилди. 6 мингга яқин ерсиз қирғизлар суғориладиган ер ва яйловларга эга бўлдилар. Пишпек ва Пржевальск уездларидагина 50 дан зиёд қирғиз қишлоқлари пайдо бўлди. Қулоқлар ва қозоқ-руслар ерларини конфискация қилиш давомида 11 коммуна ва 33 деҳқончилик ширкатлари тузилди. Уларнинг бештаси қирғиз қишлоқларида ташкил этилди. Қирғизистоннинг шимолида 10 совхоз ташкил этилиб, уларга қулоқлардан тортиб олинган 40 минг бош мол бўлиб берилди.

Ер-сув ислоҳоти подшонинг аграр масалалардаги мустамлакачилик меросига зарба берди, рус қулоқларининг иқтисодий қувватини кескин сусайтирди. Ислоҳот қирғиз хўжаликлари аҳволини ўнглашга ёрдам берди, кўчманчи хўжаликларнинг ўтроқлашиш жараёнини тезлаштирди.

**1927 — 1928 йилларда Қирғизистоннинг жанубидаги ер-сув ислоҳоти.** 1927 йил 12 ноябрда Қирғизистон АССР Марказий Ижроия комитети ва Халқ Комиссарлари Совети Қирғизистоннинг жанубида ер-сув ислоҳотини ўтказиш тўғрисида декрет қабул қилдилар. Ер-сув ислоҳотининг асосий мақсади 1921-1922 йиллардаги ислоҳотдагидек бўлиб, ерга эгалик қилишнинг феодал қолдиқларини тугатиш, партирхал – уруғчилик уклади қолдиқларини йўқ қилиш,



1927 — 1928 йилларда Қирғизистондаги ер-сув ислохоти.



бой манаплар ерларини тортиб олиб, ерсиз ва ери оз деҳқонларга бўлиб бериш, меҳнат нормалари бўйича ердан фойдаланишни жорий этиш бўлди.

Ислоҳот 1927 йил ноябрнинг ўрталаридан бошланди. Декабрь ойи охиригача Жалолобод кantonида 18 нафар бойнинг, бир бой савдогарнинг хўжалиги тугатилиб, 400 танобдан ортиқ ер тортиб олинди ва 55 чоракорга бўлиб берилди. Ўш кantonида 11 кун ичида 1107 камбағал 13459 таноб сувли ва 43 таноб қайроқ ер, шунингдек, 164 от, 140 хўкиз, 22 омов, 182 от-улов ва бошқа қишлоқ хўжалик ускуналари олдилар.

Ислоҳот 1929 йил ноябрда бошланиб, 1928 йилнинг февраль ойида ниҳоясига етди. Ислоҳотни қишлоқлардаги ер бўйича «учлик»лар ўтказишди. Батраklar билан камбағаллар унга фаол қатнашдилар. Ислоҳот давомида бойлар ва манапларнинг ортиқча бўш ерлари тортиб оlinиб, ери оз ва ерсиз деҳқонлар билан батраklarга берилди. Хўжалигини изга солиш учун камбағаллар давлатдан қарз, асбоб-ускуна, уруелик ва мол олдилар. Ҳаммаси бўлиб ёрдам кўрсатишга 2,1 миллион сўм сарфланди.

Ислоҳот натижасида умумий ҳажми 68610 гектар бўлган давлат ер жамғармаси тузилди. Ҳаммаси бўлиб 18587 оилага меҳнат нормалари бўйича 2 гектардан 3 гектаргача миқдорда ер берилди. Мактаблар, агро-участкалар, касалхоналар каби идоралар ҳам оз-оздан ер олдилар. Ислоҳот вақтида Қирғизистонда қишлоқ хўжалигини жамоалаштириш суръатлари кучайди. 850 дан зиёд оилани бирлаштирган 65 жамоа хўжалиги ташкил этилди.

## Ҳужжатли материаллар

**1.1920 йил 19 — 25 сентябрдаги УмумТуркистон советлари IX съездининг «Ер масаласи бўйича» резолюциясидан:**

12. Босиб олиш ҳолатларини чеклаш мақсадларида мустамлақачилик вақтида тузилган барча рус қишлоқлари ер ва сувдан фойдаланиш ҳуқуқларини маҳаллий халқ билан тенглаштириш зарур.

13. Келгиндиларга меҳнат нормаси бўйича ер қолдириш билан бир қаторда барча ортиқча ерлар олиб кўйилгани ва биринчи навбатда маҳаллий халқни жойлаш-тиришга берилгани.

14. Қўзғолон кўтарганлиги учун подшо ҳукумати томонидан қувғинга учратилган маҳаллий халқ ўзининг илгари яшаган ерларига қайтиб келгани ва биринчи навбатда 1916-1918 йилдаги воқеалар вақтида рус келгиндилари томонидан босиб олинган ерлардан ва келгиндилардан меҳнат нормасидан ортиқча сифатида олинган ерлардан берилгани.

15. Туркистон ҳудудида ҳар қандай кўчириб келиш, шунингдек, республика ерларини ўз хоҳишича эгаллаб оlinишига мутлақо йўл кўйилмайди.

16. Утроклашнинг хоҳлаган кўчманчи халққа умумий тартибда ерлар бўлиб берилгани.

17. Қишлоқ жойлари ва яйловлар бир хўжаликдаги мол сонига яраша тенглаштириб тақсимланади, бироқ ерлар чорвачилиқнинг нормал эҳтиёжларидан ташт бўлмаслиги керак.

18. Республиканинг кўчманчи халқи мол боқини учун ҳайдов йўллари билан таъминланадилар.

**2. 1927 йил 12 ноябрдаги Қирғизистон АССР Халқ Комиссарлари Советининг ер ислоҳотини ўтказиш тўғрисидаги декретидан:**

Ерларнинг қуйидаги тоифалари тўлиқ олиниб, муҳтож бўлган ерсиз ва ери оз деҳқонларга берилиши учун давлат ер жамғармасига ўтказиб берилсин: а) сувлик ер майдони 32 гектардан ортиқ хўжаликларнинг барча ерлари; б) доимий ҳайдаладиган қайроқ ер майдони 75 гектардан ортиқ хўжаликларнинг барча ерлари; в) қишлоқда яшамайдиган ва ерни ўз кучи билан ишлатмаган одамларга тегишли бўлган хўжаликларнинг барча ерлари; г) вақфларга тегишли бўлган ерлар; д) ўз кучи билан ишламаган хўжаликларнинг ерлари; е) чет давлатга қочиб кетган фуқаролар хўжаликларининг ерлари мазкур район учун меҳнат нормасидан ортиқча ерлар олинсин. Олинган ерлар одамларнинг жинси ёки миллатидан қатъий назар, деҳқончиликни касб қилган аҳолига ўтказиб берилсин. Ер-сув ислоҳоти ўтказилган вақтда ерга ва сувга бўлган хусусий ва уруғчилик мудкий ҳуқуқнинг ҳозиргача сақланиб келаётган қолдиқлари бутунлай тугатилсин.

### **Савол ва топшириқлар**

1. Қирғизистон янги иқтисодий сиёсатга ўтиш арафасида қай аҳволда эди?
2. «Ҳарбий коммунизм» дан янги иқтисодий сиёсатга ўтиш зарурлигини далилланг.
3. Янги иқтисодий сиёсатга ўтиш натижасида Қирғизистон иқтисодиётида қандай ўзгаришлар рўй берди?
4. Ер-сув ислоҳотларини ўтказиш мазмуни қандай эди?

### **6-§. Қирғиз миллий давлатчилигининг тузилиши ва мустақамланиши**

**Миллий сиёсатдаги большевистик позиция.** Большевик етакчиларининг мазкур масалага муносабати бир томонлама эмас эди. Масалан, 1919 йилнинг бошида бўлиб ўтган партия VIII съездида қабул қилинган дастурнинг миллий сиёсат бўлими муҳокамасида асосий келишимовчиликлар, талаш-тортишлар миллатларга ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини бериш теварагида бўлди.

Съездда фақат Ленингина миллатларга ўз тақдирини ўзи ҳал этиш ҳуқуқини беришни қатъий туриб талаб қилди. Партиянинг биринчи дастури қабул қилинаётганда ҳеч қандай қаршиликсиз қабул қилинган мазкур қонда нима учун иқтилобдан кейин тортишувга сабаб бўлди? Буни тушуниш учун ўша вақтдаги баҳслардан намуналар келтирамиз:

Н. Бухарин: «Миллат деган тушунча маълум бир жамиятдаги барча табақаларни ўзида мужассамлаб туради. Шунинг учун ҳозир биз

пролетариат диктатураси томон бораётганлигимиз боис миллатларнинг ўз тақдирини ўзи ҳал этиш шioriни қўя олмаймиз, мен шундай деб ўйлайман...»

«Комиссияда мен Советларнинг III съездида ўртоқ Сталиннинг гапларига таяниб, ҳар бир миллатнинг меҳнаткаш қатлами ўз тақдирини ўзи ҳал этиши лозим, деган қондани таклиф қилганман».

Г. Пятаков: «...Биз мамлакатни хўжалик жиҳатидан бириктириб, бир аппарат, халқ хўжалигининг бир олий советини, темир йўлларнинг ягона бошқармаси, ягона банк ва шу кабиларни ташкил этсак. Ўз тақдирини ўзи белгилаш деган қонданинг барчаси еб ташланган тухум пўчоғидек бўлиб қолади. Бу ё бошқа вақтларда ўйналадиган оддий дипломатик ўйин ёки уни қабул қилсак, ўйиндан ҳам ёмон нарсага айланиб қолади».

М. Томский: «Мен бу залда миллатларнинг ўз тақдирини ўзи ҳал қилиши, миллий ҳаракат табиий ёки талабга мувофиқ деб айтадиган бирор киши топилмайди, деб ўйлайман. Биз мазкур масалага ҳал қилиб бўлмайдиган, тескари кўриниш сифатида муносабатда бўлаемиз».

Н. Осинский: «Ҳар қандай зулми йўқ қилиш «миллатларнинг бўлинишга, ўз тақдирини ўзи ҳал қилишга ҳуқуқли» деган шiori олиб ташлаш деган маънони билдирмайди, чунки у шартли, намойишкорона шior, биз бу каби шiorларга пролетар ҳаракатнинг дастлабки вақтларида бир неча бор мурожаат қилганмиз».


Демак, ўша вақтда ҳам партия ва ҳукуматнинг Лениндан бонқа раҳбарларининг аксарият кўпчилиги партиянинг миллий сиссати асосий талабини — миллатларнинг ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш ҳуқуқини вақтинча тактик қонда, ташвиқотчилик шiori сифатида тушунишган. Лениннинг қатъияти ва зўр ҳурмат-этиборигина иккинчи дастурда миллий масала бўйича Ленин йўлини сақлаб қолди.

Ўша вақтда дастурга ўз тақдирини ўзи ҳал этиш масаласи табақавий позицияда туриб ҳал этилади, деган қондани киритиш билан миллатларнинг тарихий ривожланишини ўрта асрдан буржуа демократиясига ёки буржуа демократиясидан совет демократиясига ёхуд пролетар демократиясигача бўлган босқичлар ҳисобга олинади, деб ёзилди. Илгари орда қолган халқларнинг ўз тақдирини ўзи ҳал этишга бўлган табиий ҳуқуқини партия амалда шубҳа остига қўйди.

Бундан ташқари, дастурда «тўла бирлашинга томон йўлдаги ўтгувчи шакллардан бири сифатида, совет тиши бўйича ташкил этилган давлатларнинг федератив бирлигини» таниш билан келажакдаги совет давлатида тоталитар давлат тузилишига асос солина бошлади.



А. Сидиқов, Т. Токбаев,  
Э. Арибаев



Торгай Қирғиз вилоятининг тuzилиши

Бироқ партиянинг мазкур дастурий йўли қирғиз халқининг тақдирига дарҳол таъсир этмади. Бу табиий ҳуқуқларни амалга ошириш учун ҳали қийин йўл босиб ўтилиши керак эди.

**Тоғли Қирғиз вилоятини тузиш ҳаракатлари.** 1918 йил апрель ойида собиқ Туркистон генерал губернаторлиги ҳудудида **Туркистон автоном Республикаси тузилди.** Совет ҳокимияти ўрнатилгандан кейин ҳам қирғизлар бирмунча вақт Туркистон АССРнинг Еттисув, Сирдарё, Фарғона ва Самарқанд вилоятлари таркибида бўлиб, ҳамон илгариги ҳолатда қолаверди. Бу вилоятларда улар миллий озчиликни ташкил этганлар ва кўн вақтларда уларнинг маданий-миллий манфаатлари эътиборга олинмай қолди. Қирғизларнинг амалда бошқа миллатларга араланиш кетиб, халқ сифатида йўқ бўлиб кетиш хавфи пайдо бўлди.

Ана шундай вазиятда **1921 йилда Олмаотада бўлиб ўтган кенгашда биринчи мартаба Туркистон АССР таркибида Тоғли Қирғиз вилоятини тузиш масаласи кўтарилди.** Бироқ унда бу масала ҳал қилинмади. 1921 йили Қозоғистон АССР таркибига Еттисув ва Сирдарё вилоятларини бериш тўғрисидаги фикр қирғизларнинг сиёсий ҳолатини бирмунча қийинлаштирди. Агар бунгача қирғизлар бир автоном республика ҳудудида жойлашган бир неча вилоятлар таркибига кирган бўлса, энди улар икки автоном республика, бошқача айтганда, Туркистон ва Қозоғистон таркибига кирадиган бўлиб қолди. Қирғиз зиёлиларининг илғор вакиллари бу масаладан четда қолмадилар. 1922 йил мартда Ж. Абдрахманов, Э. Арабаев, А. Сидиқовлар ташаббуси билан қирғиз уездларини бўлиб ташлаб, алоҳида Тоғли қирғиз автоном вилоятини тузиш таклифи қайта кўтарилди.

1922 йил 25 мартда Туркистон компартияси Марказий комитетининг қотибияти Туркистон республикаси таркибидаги Тоғли қирғиз вилоятини тузиш тўғрисида қарор қабул қилди. Шундан кейин Туркистон Марказий ижроия комитетининг кичик президиуми 26 мартда таркибида Пишпек, Қоракўл, Норин уездлари ва Авлиёота уездининг тоғли қисми кирган, маркази Қўчқор шаҳрида жойлашган Қора Қирғиз тоғли вилоятини тузиш тўғрисида қарор қабул қилди. Қирғизистоннинг жанубий ҳудудлари ва бу ерда яшаган қирғизлар тўғрисидаги масала Фарғона vodiёсида тиричлик ўрнатилганча вақтинчалик очик қолаверди.

1922 йил 19 апрелда Еттисув вилоят партия комитети 1922 йил 1 июндан кейин таъсис съездининг ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиб, махсус комиссия тузди.

Шундай қилиб, қирғиз халқи олдида улар яшаган ҳудудларнинг фақат бир қисмини ўзичига олган, автономия шаклида бўлса-да, ягона, мустақил миллий давлатчилик вужудга келтиришнинг реал имкониятлари пайдо бўлди.

Бироқ Тоғли вилоятини тузиш бўйича тайёргарлик ишлари бошланганда, «партиявий», бошқача айтганда уруғ ёки гуруҳий кураш бошланиб кетди. Бир-бирига қарама-қарши икки гуруҳнинг раҳбар-

лари А. Сидиқов ва Р. Кудайкуловлар маҳаллий халқ ва ҳокимиятга таъсир кўрсатиш учун роса ҳаракат қилдилар. Сидиқов мустақил маъмурий ҳудудий бирлик сифатида Тоғли вилоят тузишнинг фаол ташаббускори бўлган.

Р. Кудайкулов бошлиқ таниқли қирғиз миллатига мансуб ходимларнинг бир қисми Тоғли вилоят тузишга қарши чиқишди. Улар съезднинг қақирдилишига қарши иш олиб бордилар. Уларни Тошкент ва Олмаотадаги қозоқ миллатидан бўлган раҳбар ходимлар қўллаб-қувватлашди. Вилоят раҳбарларининг аксарияти Кудайкулов томонида эдилар. Бу нарса воқеаларнинг бундан буёнги ривожига салбий таъсир кўрсатди. Бироқ съезд ўз ишини бошлади.

**1922 йил 4 июнда Пишпекда съезд очилди, унга 425 делегат қатнашди.** Лекин съезд ўз ишини бошламай турибоқ, Туркистон ва еттисувлик маъмурларнинг розилиги, Сталиннинг бевосита кўрсатмаси билан тарқатиб юборилди. Бунга делегатлар орасидаги гуруҳий кураш ҳам салбий таъсир кўрсатди. Съездни қақиритиш ташаббускорлари буржуа миллатчилари, аксил инқилобчилар деб айбландилар.

Шундай қилиб, чекланган автономия шаклидаги миллий давлат бирикмасини тузиш тўғрисидаги қирғиз халқининг талабини амалга ошириш номаълум муддатга қолдирилди. Автоном вилоятнинг тузилиши миллий бирликни мустаҳкамлашга йўл очиб, ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривожланиши масалаларини ҳал этиш учун қулай шароит яратган бўлур эди.

**Миллий давлатчилиқни тузиш учун кейинги ҳаракатлар.** 1924 йил январда Туркистон республикаси советларининг XII съездидаги қирғиз делегатлари гуруҳи РКП (Б) Марказий комитети ва СССР Марказий ижроия комитетининг Миллатлар советига хат билан мурожаат қилди.

Хатда партия ва давлат ҳокимиятининг раҳбар аппаратида Туркистонда ўзбеклар, тожик ва қозоқлар билан бир қаторда яна бир миллатнинг — қора қирғизларнинг бор эканлиги номаълумлигича қолиб кетаётир, дейилган эди. Қорақирғизларнинг номаълумлиги бошқа сабаблари — тилидаги баъзи ўхшашликлар, турмуш тарзи ва ҳўжалик юритишининг бир хиллиги (кўчманчи чорвачилик), бунинг натижасида европаликлар қозоқлар ва қирғизларни ва қора қирғизларни бир миллат сифатида қабул қилмоқдалар. Хат муаллифлари бу Туркистондаги айрим раҳбар ходимларининг қорақирғизларни қозоқ-қирғизларга қўшиш ва уларни бир миллатга бирлаштириш учун бўлган ҳаракатдир, деб кўрсатишган.

Қирғиз делегатларининг бу хати юқори партия ва давлат раҳбарияти эътиборини қирғизларнинг бу каби маъхумлиги салбий натижаларига буриш учун ҳаракат эди. Улар хатда автоном вилоят тузиш масаласини кўтарган эмаслар. Чунки бу вақтда партия марказий комитети бутун Урта Осиёни миллий-ҳудудий тақсимлаш масаласини кўтариб, бу масалани ўрганишни ўлкадаги партия ташкилотларига топширган эди.

Ўрта Осиёни миллий-худудий тақсимлаш масаласи Туркистон компартияси марказий комитети, Туркистон марказий ижроия комитети, Ўрта Осиё бюроси аъзоларини ва партия-совет ходимларининг 1924 йил 10 мартдаги қўшма кенгашида муҳокама қилинди. Кенгашда Раҳимбоев маъруза қилди. Унинг гапларида қирғизларнинг тақдири ҳақида лом-лим дейилмаган. Маърузачига берилган саволнинг жавобига кўра, Фарғона вилояти қирғизлари Еттисув вилояти қирғизларига қўшилиб, Қозоғистон республикаси таркибидаги автоном вилоят бўлиши аниқ бўлди.

Кенгашда нутқ сўзлаганлар орасида фақат **Эшенаали Арабаев** гина норозилик билдириб, қора қирғизлар сон жиҳатидан маижаатлари ҳаммадан кўп камситилаётгани, мустақил республика тузиш ҳуқуқи берилмаганлигини айтди. Фарғона ва Еттисув қирғизлари ўртасида иқтисодий алоқалар йўқ, деган фикрларга норозиликни билдириб, у қирғизларнинг автономияси тўғрисидаги масалани шошилинич ҳал қилишни ва қора қирғизларнинг Туркистонга, Қозоғистон республикасига ёки Россияга қўшилиши масаласини ҳал қилиш ҳуқуқини халқнинг ўзига беришни таклиф қилди.

Шундай қилиб, кенгашда қора қирғизларга автономия бериш билан бирга Қозоғистон республикасига қўшиб юбориш бўйича қарор қабул қилинди. Қирғиз автоном вилоятини тузишнинг кейинги босқичи, у қайси республика — Россия Федерацияси ёки Қозоғистон таркибида бўладими, деган масала атрофида қирғиз раҳбар ходимлари ўртасида қизгин тортишувлар бўлиб ўтди.

**Қорақирғиз автоном вилоятининг тузилиши.** 1925 йил январда РКП(б) Марказий комитети бутун Ўрта Осиё ҳудудида миллий давлатчилик тақсимоти масаласини кўтариб чиқди ва уни ўлка партия ташкилотларига топширди. Бу кўрсатмани бажара бориб, Ўрта Осиё бюроси апрель ойининг охирида ҳудудда миллий-худудий тақсимотнинг зарурлиги тўғрисида қарор қабул қилди. Вақтинчалик комиссиялар тузилиб, унинг таркибига қирғизларнинг вакиллари ҳам киритилди. Комиссиялар Ўрта Осиёдаги республикалар билан вилоятларни тузиш борасида ўз таклифларини ишлаб чиқди ва уларнинг чегараларини белгиллади. 11 майда Ўрта Осиё бюроси комиссиянинг маърузаси бўйича Қорақирғиз автоном вилоятини тузиш заруратини тан олди. 12 июнда РКП(б) Марказий комитети «Ўрта Осиёда миллий-худудий тақсимлаш тўғрисида»

#### ВЫПИСКА

*Из постановления ВЦИК*

*от 14 октября 1924 г.*

Всероссийский Центральный Исполнительный Комитет постановляет: «...4. Во исполнение выраженной всеобщей воли рабочих, техканских масс каракиргизского народа, предоставить право каракиргизскому народу выйти из автономной Туркестанской ССР и образовать Кара-Киргизскую автономную область в составе РСФСР.

РСФСР таркибида Қорақирғиз автоном вилоятини тузиш тўғрисида бутун Россия марказий ижроия комитети қароридан кўчирма 1924 йил, 14 октябрь

қарор қабул қилди. Сентябрь ойида Туркистон республикаси советларининг марказий ижроия комитети Ўрта Осиёнинг миллий давлатчилик тақсимоти ҳақида қарор қабул қилди. Марказий комитет Ўрта Осиё бюроси илтимосини эътиборга олиб, Марказий Ижроия комитетининг 2-сессияси **1924 йил 14 октябрда** Ўрта Осиёнинг миллий давлатчилик тақсимоти тўғрисидаги Туркистон республикаси Марказий ижроия комитети қарорини тасдиқлади. Унга мувофиқ Қирғизистон Туркистон АССР таркибидан чиқиб, бевосита Россия Федерацияси таркибидagi мустақил Қорақирғиз автоном вилояти сифатида шаклланди. Қорақирғиз автоном вилояти (ҚАВ) Фарғона, Сирдарё, Еттисув ва Самарқанд вилоятларидан тарқоқ ҳолда ажраб қолган қирғиз халқини чекланган автономия шаклида бўлса-да, битта миллий давлатга бириктирилди.

Миллий-давлатчилик тақсимоти, РСФСР таркибида ҚАВ тузилгандан кейин Қирғизистонда вақтинчалик партия ва совет органилари тузилди. 1924 йилнинг 18 октябрида РКП (б) Марказий комитетининг вақтинчалик вилоят партия бюроси тузилди. Вилоят партия ташкилотининг биринчи котиби этиб *М. Каменский*, иккинчи котиби этиб *Ж. Абдрахмановлар* тайинландилар.


1924 йил 21 октябрда Бутун Россия Марказий ижроия комитети ҚАВ Ревкоми таркибини тасдиқлади, улар 12 ноябрда иш бошладилар. Ревком раиси этиб, **И. Айдарбеков** тайинланди. Уша йилнинг декабрь ойи охирида вилоят ревкоми Тошкентдан *Пишпекка* кўчиб келди. *Шундан буён Пишпек шаҳри Қирғизистоннинг пойтахти бўлиб қолди.*

1925 йил март ойида ҚАВ советларининг таъсис съезди бўлиб ўтди. Съездда Қирғиз давлати эълон қилинди. Съезд автоном вилоят бошқарув органиларини сайлади. Вилоят ижроия комитети раислигига **Абдиқодир Ҳрозбеков** сайланди.


1925 йил 25 майда Бутун Россия ижроия комитетининг қарорига мувофиқ Қорақирғиз автоном области бўлиб қолди. Уша қарорда шундай дейилган эди: «Қорақирғиз халқи тарихий ва этнографик жиҳатдан қирғиз халқи бўлиб ҳисобланганлиги ва подшо мустамакачилари қирғизларни бўйсундирган пайтларда «қора» деган сўз қирғиз халқига қўшимча қилиб айтилганлигини инобатга олиб, Бутун Россия Марказий Ижроия Комитетининг Президиуми қарор қилади: «Қорақирғиз автоном вилояти Қирғиз Автоном Вилояти деб аталсин».

**Қирғиз Автоном Вилояти тузилишининг аҳамияти.** Ўрта Осиёда миллий-ҳудудий тақсимот ва Қирғиз автоном вилоятининг тузилиши, унинг ҳуқуқий жиҳатдан чекланганлигидаи қатъий назар, қирғиз халқининг тақдирини учун катта аҳамиятга эга бўлди. Патриархал уруғчилик, қарамлик ва Россия империясининг чекка ўлкаси бўлиши туғайли Туркистоннинг турли вилоятларида бўлиниб қолган қирғиз халқи қайтадан маъмурий бир бутун ҳудудга-автоном вилоят ҳудудига бириктирилди. Чекланган автономия шаклида бўлса-да, қирғиз халқининг бир миллий давлатга бириктилиши — халқнинг ҳудудий, иқтисодий, маданий алоқаларини мустаҳкамлаш ҳамда миллат бўлиб шаклланиши учун қулай шароит яратди.





Кыргызстан Автоном вилояти.



Урта Осиеннің миллий-мамтакатли бөлүннши.

Қирғиз халқи ўзининг миллий давлатчилигини бундан буён ривожлантириш, давлат ҳокимияти ва давлат бошқаруви тизимини тузиш имкониятига эга бўлди. Қирғизистоннинг иқтисодий ва маданий тараққиёти тезлашди.

Миллий автономиянинг эълон қилиниши қирғиз халқи тарихидаги кескин бурилишлардан бири бўлиб қолди. Халқ ҳудудий жиҳатдагина бирлашмай, ўз автоном вилоятини бошқаришда ҳам иштирок эта бошлади. Ижтимоий турмушнинг барча жабҳаларида она тилидан фойдаланиш имконияти яратилди.

**Қирғиз Автоном вилоятининг Автоном республикага айланиши.** Қирғиз автоном вилояти биринчи ташкилий съезди делегатлари марказий ҳокимиятга уни Россия Федерацияси таркибидаги автоном республикага айлантириш таклифи билан мурожаат қилишга қарор қилдилар. Бу таклиф марказда дарҳол қўллаб-қувватланди. **1926 йил 1 февралда** Бутун Россия Марказий Ижроия Комитети Президиуми Қирғиз Автоном вилоятини Россия таркибидаги Автоном республика қилиб қайта тузиш бўйича қарор қабул қилди. Бутун Россия Марказий Ижроия Комитети учинчи сессияси 1926 йил ноябрда мазкур қарорни тасдиқлади.

**1927 йил 7 мартда** Фрунзе шаҳрида Қирғизистон Советларининг биринчи таъсис съезди очилди. Съездда Қирғиз автоном Совет Социалистик Республикасини тузиш тўғрисидаги декларация қабул қилинди. Таъсис съезди 122 аъзо ва 27 аъзоликка номзодлардан иборат Марказий Ижроия Комитетни сайлади.

**1927 йил 12 мартдаги** Марказий Ижроия Комитетнинг биринчи сессияси 17 аъзо ва олти аъзоликка номзоддан иборат Марказий Ижроия Комитети президиумини тасдиқлади. *Қирғизистон АССР Марказий Ижроия Комитети президиумининг раислигига Абдиқодир Ўрозбеков* сайланди. Сессия республика ҳукуматини — Халқ Комиссарлари Советини тузди. *Жусуп Абдирахманов* Халқ Комиссарлари Советининг раиси этиб сайланди. Шундай қилиб, Автоном республика давлат ҳокимияти ва бошқарув органилари тузилди. Икки йилдан кейин, **1929 йил апрель** ойида Советларнинг иккинчи съезди бўлди. *Съезд Қирғизистон АССРнинг биринчи Конституциясини қабул қилди.* Конституция қирғиз миллий давлатчилигини қонулаштирди. У Россия Конституцияси асосида ишлаб чиқилган эди. Конституция республикадаги давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари тизимлари ва уларнинг вазифалари, республика ва умумий федератив органларнинг ўзаро муносабатларини белгилади. Қирғиз ва рус тиллари давлат тили деб эълон қилинди.

Конституция бўйича советлар съезди, съездлар орасида Марказий Ижроия Комитети қонун чиқарувчи, тартибга солувчи ва назоратчи орган ҳисобланган. У вақти-вақти билан сессияларга туپланиб иш олиб борган. Марказий Ижроия Комитетининг сессияси унинг президиуми томонидан ҳар уч ойда бир марта чақирилиб турган.



Э. Арабас



А. Үрзбеков



И. Айдарбеков.

Мазкур Конституция бошқа совет Конституцияларидек, табақавий асосда тузилган. Унда советларга сайлов тизими ва унинг тартиби, уларнинг ваколатлари, фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва бурчлари белгилаб берилди. Тенг ҳуқуқсиз сайлов тизими жорий этилган эди. Унга мувофиқ халқнинг айрим табақалари: бойлар, манафлар, қулоқлар, дин хизматчилари, полиция ва жандармериянинг собиқ агентлари сайлов ҳуқуқидан маҳрум этилди.

**Сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилиш.** Сайловларга тайёргарлик чоғида сайловлар тўғрисидаги йўриқномага мувофиқ сайловчилар ва сайлов ҳуқуқидан маҳрум этилганлар рўйхати тузилган.

Кўпинча сайловлар тўғрисидаги кўрсатмалар бузилиб, бир шогирд ёки бир ишчи бўлган корхона эгаси ёки ҳунарманд, шунингдек, ишчилар бўлмаган корхона эгалари баъзида «алдамчи», «бойнинг малайи», «бегона» каби номлар билан аталиб сайлов ҳуқуқларидан ажратилганлар.

Баъзи районларда бундай рўйхатга «динга ишонганлар», «сиёсий жиҳатдан ишончсиз» деб аталган одамлар ҳам кўшилган. Расмий маълумотларга кўра, 1926—1927 йилларда 18488 киши, 1928-29 йилларда 29058 киши сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинган. Жумладан, 5652 киши меҳнатсиз фойда ҳисобига яшаганлар, 4936 киши савдогарлар, 1881 киши дин хизматчилари, 2718 киши собиқ полиция ходимлари, 12954 киши «бошқалар» деб рўйхатга олинган. Кейинчалик улардан 5236


#### ИЗ ПОСТАНОВЛЕНИЯ 3-Й СЕССИИ ВЦИК

О ПРЕОБРАЗОВАНИИ КИРГИЗСКОЙ АВТОНОМНОЙ ОБЛАСТИ В КИРГИЗСКУЮ АВТОНОМНУЮ СОВЕТСКУЮ СОЦИАЛИСТИЧЕСКУЮ РЕСПУБЛИКУ

18 ноября 1926 г.

1. Принимая во внимание общее хозяйственное и политическое значение в составе РСФСР Киргизской автономной области и национально-территориальную компактность (целостность) Киргизстана, утвердить в соответствии с волеизъявлением киргизского трудового народа, постановление Президиума ВЦИК от 1-го февраля 1926 г. о преобразовании Киргизской автономной области, в существующих границах в Киргизскую Автономную Советскую Социалистическую Республику, вводящую как федеративная часть в состав РСФСР.

Киргиз Автоном вилоятини Киргизистон Автоном Совет социалистик республикасига айлантириш тўғрисида БМНКнинг қарори.



Киргизиянын АССРи.

кишининг сайлов ҳуқуқлари қайтадан тикланди. 1930-1931 йилларда сайлов ҳуқуқларидан маҳрум этилганларнинг сони 18 минг кишига яқин бўлди.

## Ҳужжатли материаллар

### 1. Туркистон АССР Марказий ижроия комитети фавқулдда учинчи сессиясининг 1924 йил 15 сентябрдаги миллий-давлатчилик таъсироти тўғрисидаги қароридан:

Ишчи ва деҳқонларнинг Октябрь инқилоби феодаллар, дворянлар, помещик ва капиталистлар томонидан эзилган халқнинг ва қулларнинг барчасини озодликка чиқарди. Меҳнаткашларни асрлар давомида кулчиликка маҳкум этган оғир зулм барҳам топди. Собиқ подшо империясининг эзилган халқлари тўла озодликка эга бўлдилар, инқилобдан кейин мустақил бўлишга қадар миллий ўз тақдирини ўзи ҳал этиш ҳуқуқини олдилар.

Етти йил давом этган инқилобий кураш ва янги жамиятни қуриш меҳнаткашларга зўр энгиликлар келтирди. Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ҳозир барча Совет республикаларининг тенг ҳуқуқли халқлари биргаликда яшайётган энг қудратли ижтимоий турмушга айланди. Ҳозир Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи жаҳоннинг тенгсизлиги ва қулликнинг барча қолдиқлари таг-томири билан йўқ қилинган бирдан-бир қисми ҳисобланади.

Подшо даврида ҳуқуқсиз, мазлум қул ҳолатида бўлган Туркистон халқлари ҳозирги вақтда озод ва тенг ҳуқуқли бўлиб қолдилар, меҳнаткашларнинг саъй-ҳаракати билан ўз давлатини қурмоқдалар. Улар миллий озодликка эришиб, маданий ва иқтисодий қурилишни оғишмай кенгайтириб ва мустаҳкамлаб, ишчи-деҳқон ҳокимияти асосларини мустаҳкамлаган Туркистон халқлари Туркистон автоном Совет Социалистик Республикасининг ягона миллий мамлакат қилиб қайта тузиш учун тўлиқ имкон берадиган шартларга эга бўлдилар.

2. Қирғизистон Автоном совет социалистик республикасининг тузилиши тўғрисидаги декларациядан (1927 йил, март)

«Ҳозир Советларнинг биринчи таъсис съездида Қирғиз автоном совет социалистик республикасини эълон қилиш билан Қирғизистоннинг меҳнаткаш оммаси барча Совет Социалистик Республикалари меҳнаткашларининг ягона оиласида бир аъзо сифатида қолаверади ва Қирғизистон АССРнинг ҳудудида яшайётган барча миллатларнинг тўла ва тенг ҳуқуқлилиги, иқтисодий ва маданий жиҳатдан муваффақиятли ривожланишининг зарур шарти деб ҳисоблайди... Қирғизистон Автоном Совет Социалистик Республикаси меҳнаткашлари барча меҳнаткашлар билан ягона бирликда келажакдаги умумжаҳон пролетар инқилобининг байроқдори - Совет Социалистик Республикалар Иттифоқини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга бутун қуларини сарфлайди».

## Савол ва топшириқлар

1. Қирғизларнинг миллий давлатини тузишга нималар асос бўлди?
2. Қирғизистондаги миллий-давлатчилик учун кураш қандай қийинчиликларга дуч келди?
3. Қирғиз халқининг миллий-давлатчилик тузилиши шаклланиши учун қандай шарт ва имкониятлар бор эди?
4. Қирғиз автоном вилоятининг Автоном республика бўлиб тузилиши тўғрисида ҳикоя қилинг.

## 7-§. 20—30-йилларда Қирғизистоннинг иштинмой-сиёсий ҳаёти

**20-йиллар ўртасидаги гуруҳлар кураши.** 20-йилларнинг 2-ярмида қирғиз хизматчилари ўртасида ҳокимият учун курашаётган икки гуруҳ зиддияти кучайиб кетди. Бир гуруҳда Абдиқарим Сидиқов, Эшенаали Арабаев, Жусуп Абдрахманов кабилар бор, эди. Гуруҳ иштирокчиларининг кўпчилиги ўша даврдаги қирғиз зиёлиларининг илғор, билимдон вакиллари бўлганлар.

Иккинчи гуруҳда Раҳмонқул Кудайқулов, Дуйшенали Бобохонов, Ибрай Тойчинов ва уларнинг тарафдорлари бўлишган. Гуруҳ иштирокчиларининг кўпчилиги совет ҳокимияти йилларида кадр танлашдаги табақавий муносабат туфайли юқори лавозимларга келиб қолган кишилар бўлиб, уларнинг аксарияти у қадар юқори билим даражасига ҳам эга эмасдилар.

Бу икки гуруҳ ўртасидаги курашга феодал ва уруғчилик манфаатларининг қолдиқлари ҳам ўз таъсирини кўрсатган. Уларнинг деярли барчаси қирғизлар орасидан биринчилардан бўлиб большевиклар партияси сафига кирган, совет ҳокимиятини ўрнатишда фаол иштирок этган, ташкилотчилик қобилиятлари юксак бўлганлиги боне Қирғизистонда бирмунча обрў-эътиборга эга бўлиб, партия ва совет аппаратларидаги масъул лавозимларда ишлашарди.



Ж. Абдрахманов



Н. А. Уноков

Бир қатор иттифоқдош республикалар, жумладан, Қирғизистоннинг 20—30-йиллардаги партия, совет, хўжалик ва жамоатчилик ходимларининг аксарияти Маркс, Энгельс, Ленин асарларидан у қадар хабардор бўлмаганлар. Уларнинг марксизм-ленинизмни, партия сиёсатини ўзлаштиришлари кўпинча насиҳат, баъзи кўчирмалар ва шиорлардан нарига ўтмаган.

Улар инқилобга, социализм ишига содиқ ва чин дилдан ишонган кишилар бўлишган, бироқ иқтисодий, сиёсий муаммолар ҳаддан зиёд кўплигидан баъзан доврираб қолишган. Ана шундай шароитда улар

иқтисодий ва сийосий муаммоларни ҳал этишнинг оддий, енгил, дурустроқ, тўғри ва қисқа йўлини тутиш чораларини қидирганлар. Уларнинг фаоллиги етарли бўлишига қарамай, долзарб муаммоларни ҳал этиш тажрибаси оз эди. Шунинг учун ҳам социализм қуришнинг сталинча соддалаштирилган схемаси, маъмурий буйруқбозлик, қатағон системасини бажонидил қабул қилишган.

**Абдикерим Сидиқов** Умум Туркистон советлари XI съездида Туркистон Марказий ижроия комитети аъзоси, Бутунроссия советларининг X съездига делегат этиб сайланган. Кейинроқ бу съезд Бутуниттифок советларининг биринчи съездига қўшилиб кетди. Шундай қилиб, А. Сидиқов СССРнинг ташкил топишига асос солганлардан бири бўлиб қолди. **Э. Арабаев** Бутунроссия советлари IX съездининг, Ж. Абдрахманов РКП(б) XIII съездининг, РКСМ III съездининг, Р. Кудайкулов РКП(Б) XI-съездининг делегатлари бўлиб сайландилар. Уларнинг дунёқарашида халқ демократияси ғоялари устун бўлиб, патриархал-уруғчилик одатларидан халос бўла олмаганлар.

«Большевик **М. Каменский** Қирғизистон компартияси Ўш вилоят комитетининг биринчи котиби бўлганидан кейин турли гуруҳлар ўртасида зиддиятлар кучайиб кетди. Жусуп Абдрахманов М. Каменский каби одамларни «чўнтакларига партия билетлари бўлган босқинчилар», деб атади. Унинг бошланғич билими бор эди холос. У ўзи учун мутлақо нотаниш бўлган Қирғизистонга келган куниданоқ, унинг ўзига ҳос ҳусусиятларига эътибор бермади, сталинча яккахокимликни авж олдиришга ҳаракат қилди. Унинг ишларига бу ердаги А. Сидиқов ва Р. Кудайкуловлар бош бўлган ўзаро низолашиб қолган гуруҳларнинг кураши тўсқинлик қилди. М. Каменский иккала гуруҳ ўртасидаги кураш Қирғизистон учун зарарли эканини тушунтириб, иккала гуруҳни яраштириш ўрнига «бўлиб ташла ва бошқар» деган мустамлакачиликнинг сигналган усулини танлади.

М. Каменский иккала гуруҳни бир-бирига гиж-гижлаб, уларнинг бирини қўллаб-қувватлади. Бу нарса Қирғизистондаги вазиятни янада кескинлаштирди. У ўзига бўйсунган партия аппарати ва Р. Кудайкулов гуруҳининг кучидан фойдаланиб, А. Сидиқов томонидагиларни масъул давозимлардан бўшатишга эришди. 1925 йил март ойида бўлиб ўтган биринчи вилоят партия конференциясида Жусуп Абдрахманов обкомнинг иккинчи котиби вазифасидан бўшатилди.

Шундан сўнг навбат Қорақирғиз автоном вилояти Ревкоми раиси Иманаали Айдарбековга келди. Унга қарши таъйиқлар кучайди. Биринчи вилоят таъенс-съездида Айдарбековни бой-манап унсурларига алоқадорлик, порахўрлик, коррупцияга алоқадор, қашшоқ камбағаллар билан тил тоъа олмайди, деб айблашди. Унинг вилоят ижроия комитети раислигига сайланмай қолишига эришдилар.

Съезд М. Каменский раҳбарлиги остида ўтиб, вилоят ижроия комитетига сайловлар чоғида сайлов қоидаларининг қўпол бузилишига йўл қўйилди. Вилоят ижроия комитетига сайланган 66 кишининг 27



нафари депутат эмасдилар, бошқача айтганда, бутунлай ёт одамлар бўлишган. Шундай қилиб у ўзига қарши лом-мим дея олмайдиган ҳокимият аппаратини тузишга эришди.

Қирғизистондаги партиявий раҳбарликка Н.Узюков ва В.Шубриковлар келиши билан гуруҳий кураш бирмунча пасая бошлади. Бундай кураш раҳбарлари лавозимларидан бўшатиладилар. Д.Бабаханов обкомнинг иккинчи котиблигидан, Р.Кудайкулов «Қўшчи» уюшмаси раҳбарлигидан, К.Айтбаев вилоят назорат комиссияси аъзолигидан олиб ташланди. Р.Кудайкулов ва Д.Бабаханов жинорий қилмишлари учун судга берилди. И.Тойчинов обком бюро аъзолигидан, вилоят ижроия комитети раиси ўринбосарлигидан бўшатилиб, Москвага жўнатилади.

Вилоятдаги раҳбарлик лавозимларга кўпинча ёшлар ва патриархал-уруғчилик қолдиқларига қарши курашганлар тайинланди. Ж.Саадаев обкомнинг иккинчи котиби этиб сайланди. Ж.Абдрахманов Қирғизистонга қайтиб келиб, вилоят ижроия комитети раисининг ўринбосарлигига тайинланди. Кейинчалик у Қирғизистон АССР Халқ Комиссарлари Советининг биринчи раиси бўлиб қолди.

**«Ўттизлар» хати.** Қирғизистон компартияси обкомининг биринчи котиби раҳбарлигидаги бундай иш усули 1925 йил ёз ойларида муҳоли-фатчиликнинг тузилишига ва «Ўттизлар» гуруҳининг пайдо бўлишига олиб келди. «Ўттизларнинг» (имзо чекканларнинг миқдорига қараб шундай ном берилган) хатида Қирғизистоннинг бир қатор масъул ходимлари М.Каменский бошчилигидаги обкомнинг сиёсатини танқид қилишди. Асосан обкомнинг совет органлари ишига ҳадеб аралашавериши, гуруҳий курашлар кучайиб кетиши, кадрлар сиёсати гуруҳий принцип бўйича амалга оширилганлиги танқид остига олинди.

«Ўттизлар»нинг раҳбари ва ғоявий ташаббускори, уларнинг манифести муаллифи **Абдукерим Сидиқов** эди. У миллий зиёлилар вакиллари орасидаги билимдон кишилардан бири сифатида қирғиз халқи ўртасида катта обрў-эътиборга эга бўлган.

**Абдукерим Сидиқов** 1889 йили ҳозирги Оламедин туманидаги Бош Қорасув қишлоғида манаплар оиласида дунёга келди. У мусулмон мактабида ўқиб хат-савод чиқарган. Русча ёзиш ва ўқишни ўрганган. 1904 йилда Вернийдаги ўғил болалар гимназиясига кириб, уни 1911 йилда муваффақиятли тамомлади. 1912 йилдан бошлаб, Пишпек уезд бошқармасида таржимон бўлиб ишлай бошлади. 1917 йилда Абдукерим «Алаш» партиясининг Пишпекдаги ташкилотига асос солди. Уша вақтнинг ўзидаёқ сўл эсерлар партияси сафига ўтган. 1918 йилда большевистик партия сафларига кирди.

1919 йилда Сидиқов Еттисув вилояти мусулмонлар партия конференциясига делегат бўлди ва унда партия обкоми мусулмон бюроси раисининг ўринбосарлигига сайланди. 1920 йил мартда, бирлашган партия ташкилоти тузилгандан кейин, Туркистон компартияси Еттисув обкоми ташкилий бўлими раҳбарлигига сайланган. Кейинги йилларда у партия ва совет органларида ишлади.

«Ўттизлар» сафида халқ орасида обрў-эътиборга эга бўлган Э.Арабаев, А.Урозбеков, С. Мураталин каби бошқа кишилар ҳам бор эди. Афсуски, партиянинг Ўрта Осиё бюроси адолатли танқидга қарамай, бу хатни «партияни бўлиб ташлашга қаратилган бой-манапча қилмиш» деб баҳолади. 1925 йил август ойида «ўттиз кишидан иборат гуруҳ» ишини Қирғизистон область партия комитетининг учинчи пленуми ошкор қилди. Ундан кейин вилоят иккинчи партия конференцияси уни партияни бўлиб ташлашга қаратилган катта урниш, бой-манапча гуруҳ ҳаракати сифатида изоҳлади.

Ундан бироз олдинроқ, 1925 йил 22 июнда М. Каменскийнинг фаол ёрдами натижасида «Ўттизлар хати»нинг асосий ташкилотчиси А. Сидиқов партиявий «учлик» томонидан «фаол бузғунчи» сифатида партия сафидан ўчирилди. Ўрта Осиё бюросининг комиссияси учликнинг бу қарорини тасдиқлади.

«Ўттизлар хати» ташаббускорлари ва муаллифларидан бири Э.Арабаев кейинчалик Ўрта Осиё бюросининг қарори билан партия сафидан ўчирилди. Унинг барча иштирокчилари турли партиявий жазога тортилдилар, баъзилари лавозимларидан бўшатилиб, Қирғизистондан бадарға қилинди.

**Кўчманчи қишлоқларни советлаштириш.** Қирғизистон АССР тузилган пайтда республика аҳолисининг ярмидан кўпи кўчманчилик билан турмуш кечирганлар. Улар ёз ойларида ўзларининг мол-қўйлари билан баланд тоғли яйловларга кўчиб бориб, у жойларда кузга қадар бўлишган. Ўша жойларга кўчиб борган хўжаликларнинг сони 10 мингтага етган. Ёзи яйлов районларида ўтроқлашиб қолган аҳоли жуда оз эди.

Чорвадорлар ўзларининг мол-қўйи билан яйловларга чиққан вақтларида узок вақтгача ўзлари доим яшаб келган ҳудудий, маъмурий ва ижтимоий-сиёсий марказларидан узоқлашиб кетишган. Ҳудудий бўлиниш жиҳатидан яйловлар бўйсунган маъмурий марказлардан узоқлашиб кетиши билан улар орасида партия ва совет ҳокимиятининг таъсири сусайиб кетди.

Яйлов советларининг ташкил этилиши яйловлардаги чорвадорлар орасида партиявий таъсирни кучайтириш ва советлаштириш тadbiri эди. **1927 йил кўкламда** Қирғизистон АССР Марказий Ижроия Комитети Сусамирда Муваққат яйлов совети ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Яйлов советларининг асосий вазифаси яйловларда Советлар ҳокимиятини мустаҳкамлаш ва инқилобий қонунчиликни жорий этиш, бой-манаплар таъсирига қарши курашиш, шунингдек, кўчманчи чорвадорлар ўртасида маданий ишларни ташкил этишдан иборат эди. Яйловлар совети кантон ижроия комитети қандай ҳуқуқдан фойдаланган бўлса, у ҳам шундай ҳуқуққа эга бўлган. Бундай советнинг иш вақти 15 майдан 15 сентябргача қилиб белгиланган.

Яйлов совети ўша ҳудуддаги ҳокимиятнинг олий органи эди. Унга ўша ҳудуддаги барча бўлис ижроия комитетлари, қишлоқ советлари, шунингдек, бу ҳудудда ишлаган ходимлар бўйсунушган. Давлат инти-

зоми ва жамоатчилик ҳавфсизлигини муҳофаза қилиш ва яйловда инқилобий қонунчиликни таъминлаш, хўжалик ва маиший масалаларни ҳал этиш, марказий органларнинг декретлари ва қарорларини амалга ошириш, молиявий органларга ўз вақтида солиқлар ва бошқа йиғимларни йиғишга ёрдам кўрсатиш каби масалалар советлар фаолиятининг мазмунини ташкил этган.

Кейинчалик бундай советлар Қирғизистоннинг барча яйловларида ташкил этилди. Улар кўчманчи аҳоли ўртасида камбағалларга таяниб, синфий асосда тўқнашувларни вужудга келтирди. Обрули бой ва манапларни суд жавобгарлигига тортиб, уларни ҳудуддан ташқари жойларга кўчириб юборишди. Яйлов советлари кўчманчи хўжалиқларни ўтроқлаштириш ва уларни коллективлаштириш ишларига раҳбарлик қилишди. Ўтроқлик турмушига ўтиш қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш асосида олиб борилди. Коллективлаштириш чоғида молнинг кўп қисми колхозларнинг мулкига айланиб қолди. Энди яйловга колхознинг барча аъзоларигина эмас, чорвадорлар ҳам чиқадиган бўлди. Коллективлаштириш ва кўчманчиларни ўтроқлаштириш бошланиши билан яйлов советлари барҳам топди.

**«Маҳаллийлаштириш» сиёсати.** Қирғизистон, миллий чекка ўлкаларда бўлгандек, социализм қуриш ишига ривожланган саноати, миллий ишчилар синфи, миллий зиёлиларигина эмас, балки оддий ҳарф танишга яроқли миқдордаги одамлари йўқ ҳолда киришди. 1926 йилда, Совет ҳокимияти ўрнатилгандан кейин 9 йил ўтгач, бу ерда 1600 нафар саноат ишчиси бўлган, 510 миң кишилик қирғиз аҳолисидан 19 миң нафарга яқини (3,7 фоиз)гина саводли бўлган. Уларнинг асосий кўпчилиги инқилобдан кейин билим олган ёшлар, катта ёшдагилар орасида ўзларининг мол-мулки туфайли ўқиш имконига эга бўлганлар бир-икки киши бўлган, ҳолос.

Қирғиз автоном вилояти тузилгандан ярим йил ўтгач, яъни 1925 йилнинг биринчи мартига қадар вилоят ташкилотлари ва муассасалари аппаратларидан 63 нафар қирғиз ёки вилоят миқёсидаги ходимларнинг 10,5 фоизи ишлаётганлиги асосан ана шу сабаблар билан изоҳланади.

Иш қоғозларини маҳаллий халқ тилида юритиш ўта жиддий масала эди. 1925 йилнинг ўрталарида бу иш бўдиё аппаратларининг ярмида, вилоят ва округ аппаратларида эса, ундан ҳам оз даражада эди. Саводли одамлар, тайёргарлик кўрган кадрлар, маблағ ва тажриба етишмасди.

«Маҳаллийлаштириш» деб ном олган партиянинг махсус сиёсати ана шундай вазиятда амалга оширила бошлади. «Маҳаллийлаштириш» сиёсати, бир томондан, иш қоғозларини маҳаллий аҳоли тилида юритиш билан совет давлат аппаратини оммага яқинлаштириш бўлса, иккинчи томондан, халқнинг саводсизлигига барҳам бериш, уларнинг сиёсий фаоллигини ошириш йўли билан оммани совет давлат аппаратида яқинлаштириш мақсадини кўзлаган. Миллий кадрларни тайёрлаш, шу билан бирга, маҳаллий аҳоли тилини билмаган ходимларга уни ўргатиш «маҳаллийлаштириш» сиёсатининг ижтимоий мазмунини, унинг асосий қисмининг ташкил этган.

«Маҳаллийлаштириш» сиёсати партиянинг синфий кўз қарашида «капитализмни четлаб ўтиб, социализм куриш» шароитларида амалга оширила бошлади. Натижада инқилобгача саводини чиқарган қирғиз миллатига мансуб кўплаб одамлар янги давлатни бошқариш аппаратларига жалб этилмай қолди. Унга уларнинг ижтимоий келиб чиқиши, мустамлакачилик даврида бошқарувнинг маҳаллий органларида турли ишларни бажарганликлари тўсқинлик қилди.

Давлатни бошқариш аппаратини «маҳаллийлаштириш» сиёсатига шунингдек, партия, совет, хўжалик аппаратларидаги қирғиз ходимлари ўртасидаги синфий кураш ҳам салбий таъсир кўрсатди.

Ўша йилларда кадрларни, айниқса, камбағаллар орасидан чиққан кадрларни марказий районларга практикага, стажировкага жўнатиш, қисқа муддатли курсларда, билим юртларида, партиявий маориф тизимида ўқитиш кадрлар тайёрлашнинг асосий омили бўлиб қолди.

Дастлабки йилларда партия, совет, хўжалик ва бошқа органларга маҳаллий халқ вакиллари кўпроқ жалб қилина бошлаган. 1931—1932 йилларда мазкур органларга жалб этилган 1023 кишининг 710 нафари қирғиз бўлган. Жумладан, 240 нафар хотин-қизларнинг 135 нафари қирғиз аёллари эди.

Бу нарса маҳаллий аҳоли ўртасида Совет ҳокимияти обрў-этиборининг кўтарилишига шароит яратди, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, умумий билими, маданияти ва сиёсий даражасини ўстиришга ёрдам берди. «Маҳаллийлаштириш» натижасида қирғизлар давлат бошқарувининг барча соҳаларига кўтарилдилар. Буларнинг барчаси кадрларнинг миллий отрядини тузиш учун қулай шароит яратди.

Шу билан бир вақтда, кадрларни ўстириш вақти-вақти билан ўтказилувчи, шошилинч кампанияга айланганлиги кадрларнинг сифатига салбий таъсир кўрсатди. Кадрларни кўтаришда биринчи навбатда уларнинг ижтимоий келиб чиқиши, кейин уларнинг сифатига эътибор берилиб, ишчанлик ва маънавий сифатларига етарли аҳамият берилмади. Бунинг натижасида бошқарув аппаратида қобилиятсиз, баъзан тасодифан келиб қолган амалпараастлар ишга олинди.

Камбағаллар орасидан ишга кўтарилганларнинг аксарияти ўзларининг ишбилги эмасликларини ёдлаб олган шиорлар, умумий чақириқлар ва раҳбарликнинг буйруқбозлик усуллари билан алмаштиришга ҳаракат қилишган. Раҳбарлик лавозимларига етарли ишбилармонлик қобилиятлари йўқ одамларни кўтариш партия комитетларининг совет, хўжалик ходимлари ишининг майда-чуйдаларига қадар аралашувининг кучайишига маълум даражада шароит яратди. Барча хўжалик кампаниялари, ер ҳайдаш, экин экиш, суғориш, ўрим-йиғим ва бошқа ишлар партия комитетлари белгилаган режа-график асосида амалга оширила бошлади. Бундай усул «Сталинча йўл-йўриқ» деб номланган, унда ишнинг бутун технологияси майда-чуйдасигача белгилаб қўйилган.

Бироқ кейинчалик, сталинча қатағон йилларида зўр машаққат билан ўстирилган маҳаллий кадрларнинг деярли барчаси ёлғон туҳмат билан қатағон қилинди. Ўрта ва қуйи звенодаги партия, совет, хўжалик органларида, жамоат ташкилотларида ишлаган маҳаллий кадрлар ҳам ана шундай тақдирга дучор бўлишди. Бу нарса Қирғизистондаги давлат қурилишига катта зарар келтирди.

## **Ҳужжатли материаллар**

### **1. Жусуп Абдрахмановнинг 1925 йил 5 майда Сталинга ёзган хатидан:**

Қорақўрғиз коммунистлари Ўрта Осиёдаги миллий давлат тақсмотини яқдил эмас, гуруҳларга бўлинган ҳолда, бошқача айтганда, уни ёқлаган ва унга қарши бўлган шароитда кутиб олинди. Бироқ Қорақўрғиз автоном вилоятини тузиш тўғрисидаги масала кун тартибига қўйилиб, тегишли партиявий тизимлар қарор қабул қилгандан кейин Қорақўрғиз коммунистлари ўртасидаги кураш бошқача тус олди Қорақўрғиз автоном вилоятининг РСФСР таркибига киришини ёқлаган ва унга қарши бўлган фикрлар айтиламоқда.

...Қорақўрғиз автоном вилоят Ташкилий бюроси вилоят, совет ва округ партия-совет органларини тузиш бўйича амалий ишга ўтиб, ўз олдига ходимларнинг иш сифати бўйича танлаш масаласини қўйди, РКП(б) Қорақўрғиз ташкилотигадики зиддиятларга қарши курашмоқда.

...Қорақўрғиз автоном вилоят кабинети вилоятда, менимча, кўп нарса ходимларнинг ишбилармонлиги ва онгининг тозаллигига қараб танланишига боғлиқ.

...Маҳаллий халқ коммунистлари орасидан чиққан анчагина тайёргарликка эга бўлган ходимларни масъул лавозимлардан четлаштириш ва қуйи табақалар орасидан кўтарини каби шпор остида ўз вазифасини уддалай олмаган ҳолларда омма олдидан партия ва совет ҳокимиятининг обрўсини туширадиган тарзда танлаш менингна эмас, бошқа кўйлаб коммунист ходимларни ҳам бу иш европаликлар томонидан илгари сурилган бемаъни усул деб ўйлашга мажбур қилади.

### **2. Жусуп Абдрахмановнинг 1926 йилда РКП(б) Марказий Комитетига ёзган хатидан:**

«РКП(б)нинг Қирғиз обкоми энг ҳавфли йўлга — маҳаллий инқилобий кучларга, ходимларнинг маҳаллий кадрларга ишонмаслик йўлига ўтган, обком гуруҳларининг бир-бирига ўчакиштириш йўлига ва партиявий тарбия усулларини эътиборга олмай, унга қарши курашда маъмурий-тўрачилик (жарроҳлик) йўлига ўтиб олди. Бунда ўта содда ва партия учун ноҳуш натижаларга тўла ҳолатини мустаҳкамлаш учун обком барча усулларни баъзи маҳаллий ходимларга юзаки гомхўрлик кўрсатишдан тўртиб партиянинг айрим шпорларини, оммани, совет аппаратини батрақлардан тузиш керак, деган шпорни гуруҳбозлик кураши учун қалқон сифатида фойдаланиш усулларини қўлламоқда. Бундан ташқари, ўзининг кундалик ишида обком вилоят ижроия комитетини ҳар қандай ташаббусдан ажратиб, амалда ижроия комитет вазифасини ўзи бажараётир. Бунинг натижасида оммадан (партиявий ва партиясиз оммадан) ажраб қолиш билан бирга РКП(б) обкоми аслида ҳавфли, шунинг учун ҳам узоққа бормайдиган паст обрўга эга бўлди».

### **3. «Ўттизлар» хатидан:**

«Ўрта Осиёдаги миллий тақсмот ва Қирғиз Автоном вилоятини тузиш қирғиз халқи орасида яқдиллик ўрнатишга, секин-аста уруғчилик индодларини ҳамда под-

шо ҳукумати томонидан олис чет ўлкаларда узоқ йиллар давомида ўтказиб келинган мустамлакачилик сиёсати натижасида келиб чиққан барча гуруҳларнинг сени-аста бартараф этилишига олиб келиши керак эди...

... партия-совет аппарати гуруҳий принцип бўйича обкомнинг раҳбар қатламларига у ёки бу ходимларнинг яқинлиги ва шахсий алоқаларига қараб тузилди. Бундай иш натижасида ишдаги яқдиллик, ошкоралик ва ўзаро алоқаларни яхшилаш зарурлиги масаласи четда қолиб, аксинча, ички партиявий гуруҳий кураш, омма ўртасидаги уруғчилик кураши кучайиб, ишларнинг издан чиқишига, нари борса, бир жойда тўхтаб қолишига олиб келди. Шу билан бир вақтда етарли тажрибага эга бўлган, маҳаллий шаронти яхши билган ва жойларда партия ва совет ҳокимиятининг тўғри йўлини амалга оширишга фойдаси тегадиган бир қатор маҳаллий ходимларни четлаштириш тартиби очик кўрилиб қолди...

Бундан ташқари, обком раҳбариятининг майда-чуйда ишларга ҳам қаршилик кўрсатиши ва совет аппаратининг техник ишларига ҳам аралашуви кўпроқ сезилмоқда, совет ва партия аппарати ишидаги чеклаш сира сезилмаяпти, обком барча масалалар, жумладан, квартиралардан ҳайдаб чиқаришга қадар бўлган масалалар билан шуғулланмоқда, бу ишни издан чиқармоқда ва кенг омма олдида унинг обрў-эътиборини туширмоқда. Совет ва партиявий ишларга қаттиқ чек қўйиш бўйича партия съездлари ва конференцияларининг қарорлари бутунлай назорат қилинмаяпти. Айрим мутахассисларни обкомга чақириб ва бўлис раҳбарларини четлаб ўтиб, уларга топшириқлар бериш кузатишмоқда, албатта, бу нарса ўртоқларнинг партиясиз ходимлар олдидаги обрўсига раҳна солаётир. Советлар фаолияти бўйича РКП(б) обкомнинг тартибсиз ва шошилинч кўрсатмалари ишлаб чиқариш манфаатини кўзлаган иш режаларини бузмоқда».

#### **4. РКП(б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюроси ижроия комиссиясининг 1925 йил 29—30 июлдаги қароридан:**

а) Сидиқовнинг уч марта партия сафидан ўчирилгани, гуруҳларга иштирок этганлиги ва партия мактабига қарши чиқишларини тўхтатмаганлиги, партия ташкилотининг, шу билан бирга, совет органларининг ишига қаршилик кўрсатганлиги учун текширув комиссияси чиқарган қарор маъқул деб топилсин унинг партия-вийлиги тўғрисидаги масала ҳал этилди, деб ҳисоблансин ва, шу билан бирга, унинг Қирғиз Автоном вилоятида яшashi мумкин эмас деб топилсин; б) Арабаевга: собик мулла, гуруҳнинг фаол ташкилотчиси, партия сиёсати ва тактикасини билмайди ва билишни хоҳламайди, уни совет ишида фойдаланиш мумкин эмас, деб ҳисоб-лайди; в) Янгулатовга, Айдарбековга, Ортиқбоевга қаттиқ ҳайфсан эълон қилинади. Улар Ўрта Осиё бюроси ихтиёрига чақирилади. Алимбеков қаттиқ ҳайфсан билан ўқишга жўнатилди. Худойбергенев, Жумагулов, Муратали, Дербишев, Чонбошев, Абуканов, Зулфибоев, Қулимбаев, Ўрозбековлар қаттиқ ҳайфсан олишди. Қудайқулов уялтирилди, Николаевга эса гуруҳий курашда иштирок этганлиги учун партиявий иш бўйича қаттиқ ҳайфсан берилиб, вилоят соғлиқни сақлаш бўлимидаги вазифасидан олиб ташланди. У Норин шаҳрига оддий шифокор этиб жўнатилди.

### **Савол ва топшириқлар**

1. Қирғизистон раҳбариятидаги гуруҳий кураш сабаблари қайсылар?
2. Қирғизистондаги кўчманчи кишлоқларни советлаштиришнинг мақсади нима эди?
3. Қирғизистонда «Маҳаллийлаштириш» сиёсати қандай амалга оширилди, унинг натижалари қандай бўлди?
4. Қирғиз халқининг миллий давлатчилик ривож тарихидаги барча босқичларни иқтисодий ва ижтимоий сиёсий жиҳатдан асосланг.

### III б о б. ҚИРҒИЗИСТОН ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ҮН ЙИЛЛИҚДА (1929—1941 йй)

#### 8-§. Қирғизистоннинг индустриал тараққиёти

**Қирғизистон индустриаллаштириш арафасида.** 20-йилларнинг ўрталарида бутун мамлакатда, жумладан, Қирғизистонда хўжаликни аслига келтириш ишлари асосан ниҳоясига етиб, урушгача бўлган даражага эришилди. Янги иқтисодий сиёсат йилларидаги бу ютуқларга қарамай, СССРнинг, жумладан, Қирғизистоннинг техник-иқтисодий жиҳатдан ортда қолиши анча кучайди. Ортда қолишни бартараф этиш учун машинасозлик, металлургия, темир йўллар ва бошқа соҳаларни ривожлантириш зарур эди. Бу мамлакатни индустриаллаштиришни тақозо этди.

Лениннинг режасига кўра, индустриаллаштириш, коллективлаштириш ва маданий инқилоб социализм куриш йўллари ҳисобланади. Индустриаллаштиришни амалга ошириш, ўз тараққиёт йўлида капитализмни четлаб ўтган Қирғизистон шароитида жуда оғир кечди. Худуднинг иқтисодий ва маданий жиҳатдан қолоқ эканлиги, алоқа йўллари ва умуман алоқаларнинг йўқлиги буни янада оғирлаштирди.

Индустриаллаштириш маҳаллий шароитларни ҳисобга олган ҳолда бош-қачароқ шаклда бўлиши зарур эди. Бироқ у маҳаллий шароитларни ҳисобга олмаган ҳолда амалга оширила бошлади.

**Қирғизистонни индустриаллаштиришнинг бошланиши.** Умумиттифоқ режасига мувофиқ, иқтисодиётни аслига келтириш ишлари битмай туриб, Қирғизистонда индустриаллаштириш бошлаб юборилди. Қирғизистонда табиий ер ости бойликларини қазиб олиш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини саноат асосида қайта ишлайдиган корхоналарни куриш ҳамда уни аграр индустриаллашган республикага айлантириш вазифаси қўйилди.

Саноатнинг ўсиш сурати умумиттифоқ даражасидан юқори қилиб белгиланди. Шу билан бирга унинг техник-иқтисодий жиҳатдан қолоқлигини барҳам топтириш, маҳаллий миллат вакилларидаан ишчи кадрлари ҳамда муҳандис-техник зиёдиларни тайёрлаш вазифаси қўйилди.

Умумиттифоқ режаси асосида ишлаб чиқилган республиканинг биринчи беш йиллик режаси 1929 йил декабрда бўлиб ўтган Қирғизистон АССР сессиясида қабул қилинди. Уни ўша ойда РСФСР Халқ Комиссарлари совети, 1930 йил февралда СССР Халқ Комиссарлари совети тасдиқлади. Мазкур режа кейингиларидан фарқ қилиб, янги иқтисодий сиёсат тамойилларига асосланиб тузилган эди. Хўжалик ҳисобини янада кенг ёйиш, уни ҳар бир корхонада жорий этиш вазифаси қўйилди. Режада Қирғизистон манфаатларини СССР манфаатлари билан мослаштиришга ҳаракат қилинган. Қирғизи-

стондаги индустрлаштириш маҳаллий минерал ва хом ашё ресурсларига дастлабки ишлов берадиган, фойдали қазилмалар қазиб оладиган корхоналарни қуришдан бошланди. Бу корхоналар ўзларини оқлай олмади. Қирғизистоннинг ўзида саноат корхоналарини қуриш учун маблағ етмаганлиги туфайли, уларни молиялаштириш борасида Қирғизистон марказга бевосита қарам бўлиб қолди.

Қирғизистон саноатининг, биринчи навбатда, йирик саноатнинг ривожига анчагина маблағ ажратилди. Бой хом ашё базасига эга бўлган саноат тармоқларини вужудга келтириш ва мавжудларини қайта қуриш, янги корхона ва кўмир конларини қуриш белгиланди.

Қирғизистондаги индустрлаштиришнинг дастлабки қалдирғочлари. Қорасув пахта тозалаш заводи, Ўш ипак фабрикаси, Фрунзе шаҳридаги завод, Чуйдаги Оламедин ГЭСи ҳисобланади. 1926 йили бошланиб, 1930 йилда ниҳоясига етказилган Туркистон-Сибирь темир йўли қурилиши Қирғизистонни иқтисодий тараққиётида катта роль ўйнади. Мазкур темир йўл Ўрта Осиё билан Қозоғистонни энг қисқа йўл орқали Сибирь ва Урал билан боғлади, мамлакатнинг шарқий районларини индустрлаштириш суръатларини жадаллаштиришга туртки берди.

Қирғизистондаги саноат корхоналари қурилишида Чехославакия ва Венгриядан келган ишчилар иштирок этишди. 1925 йилдаёқ Қирғизистонда «Интергельпо» («Ўзаро ёрдам») деб номланган интернационал кооператив ҳамдўстлиги тузилган эди. Қирғизистон ҳукумати унинг учун Пишпек станцияси яқинидан 43 гектар ер ажратиб берди. «Интергельпо» кооперативи аъзолари бу ерда фабрика, завод, электр станцияси, устахона, корхоналар қурди. Улар учун ускуналар Чехословакиядан олиб келинди. «Интергельпо» интернационал ташкилот эди. Кооператив аъзолари 14 миллат ишчилари: чехлар, словаклар, венгерлар, руслар, украинлар, қирғизлар, белорусслар, ўзбеклар ва бошқа миллат вакилларидан иборат эди. Улар ташкил этган корхоналар саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш билан Қирғизистондаги маҳаллий аҳоли орасидан малакали ишчиларни ҳам тайёрладилар.

Шундай қилиб, биринчи беш йилликда Қирғизистонда саноатнинг муҳим тармоқлари: нефть, кўмир, металлургия, тўқимачилик, озиқ-овқат ва бошқа тармоқлар ташкил топди. Биринчи беш йилликда Қирғизистонда 41 саноат корхонаси қурилди. 1932 йил охирида Республикада 1,5 мингга яқин кичик ва ўрта корхоналар билан бирга 106 йирик корхона мавжуд эди. Саноатда 79 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Кўмир қазиб олиш ҳажми 745 минг тоннага етди. Хайдаркон ва Қадамжойда симоб ва сурма ишлаб чиқаришга мосланган корхоналар дастлабки маҳсулотларни бера бошлади.

**Қирғизистон саноатининг иккинчи беш йилликдаги ривож.** Умумиттифоқ режасига мувофиқ Қирғизистон АССР халқ ҳўжалигини ривожлантиришнинг иккинчи беш йиллик режаси ишлаб чиқилди. Мазкур режа кўплаб нуқсонлар, контрол рақамларни ошириш



бўйича кўплаб таклифларга қарамай, анча дуруст шароитларда амалга оширилди. Турар жойлар ва мактаблар қурилишига эътибор берилди.

Иккинчи беш йилликда Қирғизистоннинг техникақисодий ва маданий жиҳатдан қолақлиги туфайли патриархал-феодал тузуми қолдиқларини бартарағи этиш асосий вазиға деб ҳисобланди. Республика халқ хўжалиғи учун 657,4 миллион сўмлик капитал маблағ сарфланди, унинг 115 миллион сўми кўмир саноатига ажратилган эди. Капитал маблағларнинг ярмидан кўпи Иттифоқ бюджетидан ажратилган.

Иккинчи беш йилликда олдинги йилларда бошланган янги корхоналар қурилишини ниҳоясига етказишга кўпроқ эътибор берилди. 1935 йилда Тошкўмир кони ишга тушди. Бошқа кўмир конлари қайта қурилиб янги машина ва механизмлар билан таъминланди. Бунинг натижасида кўмир қазиб олиш ҳажми 1937 йилга келиб 1,2 миллион тоннага етди. Нефть қазиб олиш иши йўлга қўйилди. Симоб, сурма ва бошқа баъзи рангли металллар ишлаб чиқариш бўйича Қирғизистон СССРда олдинги ўринга чиқиб олди.

Енгил саноат ҳам ривожланди. Жун ва ипак газламалар, тикувчилик буюмлари, пойафзал ишлаб чиқариш бирмунча кўпайди. Енгил саноатдаги эски корхоналар янги техника билан таъминланди.

Қирғизистоннинг озиқ-овқат саноати йирик тармоқлардан бирига айланди. Қанд, консерва, ёғ, қандолатчилик ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарила бошлади. Беш йиллик давомида республикада 61 йирик корхона қурилди.

Транспорт тармоғи янада ривожланди. Фрунзе билан Москвани боғлайдиган хаво йўли ишга тушди. Телефон, телеграф, радио республиканинг энг олис туманларига ҳам етиб борди.

**Қирғизистон саноати учинчи беш йилликда.** 1939 йилнинг март ойида ВКП(б) нинг XVIII съезди бўлиб ўтди, унда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг учинчи беш йиллик режаси тасдиқланди (1938—1942 йй). Съездда СССРнинг шарқий районлари — Волга бўйида, Уралда, Сибирда, Ўрта Осиё ва Қозоғистонда саноат тармоқларини **А.О.Шахрай** ривожлантириш бўйича партиянинг яқин йиллардаги иш йўналишлари белгилаб қўйилди. Съезд, шунингдек, Қирғизистоннинг учинчи беш йиллик режасини тасдиқлади. Учинчи беш йилликда Қирғизистонда СССРнинг стратегик маиғаатларига жавоб берадиган саноат корхоналарини, бошқача айтганда, рангли ва подир металлари ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантиришга асосий эътибор қаратилган эди. Қирғизистон



А. О. Шахрай

халқ хўжалиги учун ажратилган капитал маблағлар ҳажми 486 миллион сўмни ташкил этди. Рангли ва нодир металл ишлаб чиқарувчи корхоналарни қуриш учун катта миқдордаги капитал маблағ ажратилди. 1938 — 1940 йилларда 40 дан зиёд саноат корхоналари ишга туширилди. Симоб ва сурма ишлаб чиқариш бўйича Қирғизистон СССРда олдинги ўринлардан бирини эгаллади. 1940 йилда Қирғизистондаги саноат корхоналари 1937 йилдагига қараганда 1,5 баробар кўп маҳсулот ишлаб чиқарди.

Қирғизистонда саноат маҳсулотларининг асосий турларини ишлаб чиқаришнинг ўсиши қуйидагича бўлди: электр энергияси 1936 йилдаги 24 миллион киловатт-соатдан 1940 йилда 52 миллион киловатт соатга, кўмир 1167 минг тоннадан 1475 минг тоннага, гишт 28,9 миллион донадан 60 миллион донага, пахта толаси 12,9 минг тоннадан 27,9 минг тоннага, жун газламаси 184 квадрат метрдан 254 минг квадрат метрга, чарм-пойафзал 58 минг жуфтдан 181 минг жуфтга, шакар 29,5 минг тоннадан 65,5 тоннага, макарон 263 тоннадан 345 тоннага етди. Транспорт алоқаларини яхшилаш бўйича ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди. 1941 йилда Қант-Тўқмоқ темир йўли қурилиши ниҳоясига етди, республика жанубидаги конлар жойлашган туманлардаги темир йўллар қайта қурилди ва кенгайтирилди. Икки миллион километрдан зиёд автомобил йўллари қурилди ва яхшиланди. Ана шу қурилишларда 10 минглаб колхозчи деҳқонлар ва махсус лагерларда қамоқда бўлганлар қуну тун меҳнат қилишди.

Колхозчи деҳқонларнинг меҳнати уларнинг колхоздаги мажбурий меҳнат қуни ҳисобланган. Масалан, 420 километрлик Фрунзе-Сусамир-Жалолобод-Ўш автомобил йўли қурилиши учун умумий миқдори 47,4 миллион сўмлик бўлган маблағнинг 20 миллион сўми умумиттифоқ бюджетидан, қолгани эса, маҳаллий аҳоли меҳнати ҳисобига бўлди. Булардан кўриниб турибдики, мазкур қурилиш ҳаражатларининг ярмидан кўпи колхозчи-деҳқонларнинг бепул меҳнати эвазига бўлди. Шундай қилиб Қирғизистон урушдан олдинги йилларда қуруқликда юрадиган транспортнинг барча турига эга бўлди, хаво флоти тузила бошлади.

Учинчи беш йилликда республика иқтисодиёти ва маданияти юксалишида катта роль ўйнаган почта, телефон ва телеграф алоқалари, радио эшиттириш бирмунча ўсди. 1938 йил бошида Фрунзе ва Москва ўртасида бевосита телефон алоқаси ўрнатилди.

Ўша йилларда жадал суръатлар билан ривожланаётган Қирғизистон саноатини кадрлар билан таъминлаш масаласи долзарб масалалардан бири бўлган. Масалан, 1938 йилда кўмир конларида мингдан зиёд ишчи, асосан ер остида ишлайдиган ишчилар етишмас эди. Конларни муҳандис-техник кадрлар билан таъминлаш ҳам қоникареиз аҳволда эди. Ишчи кучи етишмаганлиги озиқ-овқат саноатида, ўрмон хўжалигида ва транспортда ҳам сезилиб турди.

Колхозчи-деҳқонлар ишчи кадрлар билан таъминлашнинг асосий манбалардан бири бўлиб қолди. 1938—1949 йилларда саноат ишлаб

чиқаришига 10,6 минг қишлоқ аҳолиси жалб этилди. Ўша вақтда 2,4 минг ёш ишчи махсус мактабларда тайёргарлик кўрди, касб маҳоратини ошириш курсларида 30 мингдан зиёд ишчи таълим олди. Республика саноат тармоқларига мамлакатнинг марказий туманларидан малакали ишчи кадрларни жўнатиш давом эттирилди. Уларга биринчи навбатда уй-жойлар берилар, улар бошқа ижтимоий имтиёزلардан ҳам фойдаланардилар. Бунинг натижасида 1940 йилда республика саноат тармоқларида ишлаган ишчиларнинг сони 36,1 минг кишига етди. Миллий ишчи кадрларнинг бирмунча кўпайганига қарамай, уларнинг салмоғи ҳамон оз эди. Уларнинг кўпчилиги қишлоқ хўжалик маҳсулотларига дастлабки ишлов бериш корхоналарида, конларда ишлаганлар. Маҳаллий миллат ишчиларининг етарли билими ва касб тайёргарлиги бўлмаганлиги учун қуйи малакадаги, иш ҳақи оз бўлган ишларни бажаришга мажбур бўлишган.

Бутун мамлакатда бўлганидек, Қирғизистон саноатининг баъзи тармоқларида ўсиш бўлганлигига қарамай, умуман олганда, меҳнат унумдорлиги паст эди, деярли барча корхоналар ўзини-ўзи оқлай олмади. Асосий эътибор кон бойликлари ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ҳамда қайта ишлашга бурилиб, кенг истеъмол моллари ишлаб чиқаришга етарли эътибор берилмади. Кенг истеъмол моллари ишлаб чиқараётган майда корхоналар, масалан, гугурт ишлаб чиқарувчи, терига дастлабки ишлов бериш ва бошқа майда корхоналар ёпилиб қолди.

Ишчилар сафини кечагина кўчманчи, чаласавод ёки саводсиз бўлган қишлоқ аҳолиси ҳисобига тўлдириш, улар орасида меҳнат интизомининг пасайиб кетишига, техника ва бошқа ускуналарнинг ишдан чиқиши, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сифатининг ноқорлашуви ҳамда ишчи кучларининг ўзгариб туришига олиб келди. Бундай аҳвол 30-йилларнинг охиригача, бошқача айтганда, ўлка раҳбарияти меҳнат интизомини бузувчиларга қарши қаттиқ чора кўргунга қадар давом этди.

**1938 йил 20 декабрда** ишчи ва хизматчиларга бериладиган, улар бошқа ишга ўтган вақтда талаб қилинадиган меҳнат дафтарчаларини жорий этиш тўғрисида қарор қабул қилинди. **1939 йил 8 январдаги** қарор бўйича ишга 20 дақиқадан ортиқ вақт кечикиб келиш ишга сабабсиз келмай қолиш билан тенглаштирилиб, агар бундай иш қайта содир этилса, ишдан бўшатилиб, судга бериладиган бўлди.

**1940 йил 26 июнда** илгариги олти кунлик иш ҳафтаси ва етти соатлик иш кунидан етти кунлик иш ҳафтаси ва саккиз соатлик иш кунига ўтиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Бу билан ишчи ва хизматчиларнинг корхона ва муассалалардан ихтиёрий равишда кетиб қолишига барҳам берилди. Ишга келмай қолишнинг барча ҳолатлари халқ судида кўрилиб, айбдорлар олти ой муддатга қадар тузатиш ишларига ҳукм қилинадиган бўлиб қолди. Бундай ишчи илгариги иш жойида ишнини давом эттираверган, бироқ улар иш ҳақининг 25 фоизи корхона фойдасига ушлаб қолинган. Бу қарор 1956 йилдагина бекор қилинди.

**Миллий ишчи кадрларнинг шаклланиши.** Индустрлаштириш давомида аста-секин миллий ишчилар синфи ва муҳандис-техник кадрлар шакллана бошлади. Малакали ишчи кадрларга эҳтиёж ортаётганлиги ҳисобга олиниб, Қирғиз вилоят партия конференцияси маҳаллий миллат вакилларидан малакали ишчи кадрларни тайёрлаш ва уларни саноат корхоналарига жалб этиш тадбирларини белгилади.

Республикада ишчи кадрларни фабрика-завод таълими (ФЗО), тоғ-кон саноат мактабларида тайёрлаш бошлаб юборилди. Корхоналарда тўғарақлар, ишчиларнинг техник малакасини ошириш бўйича курслар ташкил этилиб, биринчи беш йилликда 14 минг ишчи тайёрланди. Ана шу даврда қишлоқлардаги кўчманчи чорвадорлар ва деҳқонлардан саноат корхоналарига ишлашга кўплар тортилди. Россия ва бошқа республикаларнинг йирик шаҳарларидаги олийгоҳларда, ишчи факультетларида кечаги кўчманчилар таълим ола бошлади.

Ишчилар янги техникани ўргана бошладилар. Қирғизистон конларида, фабрика ва заводларида, қурилишларида техник таълим тўғарақлари ва курслари ташкил этилиб, «Техника кечалари» ўтказиб турилди. Ишчиларни техник жиҳатдан тайёрлашда давлат техник имтиҳонлари катта роль ўйнай бошлади. Бу ишда қийинчиликлар ҳам кўп бўлди. Айниқса, кечагина саводсиз бўлган чорвадорнинг техникани ўрганиши қийин кечди. Чунки техникани ўрганиш учун аввало саводли бўлиш керак.

Бироқ миллий ишчилар синфини шакллантириш дастлабки кунларданоқ нуқсонларга бой эди. Саноат корхоналари, жумладан, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарини жойлаштиришда, ўтроқликка кўникаётган кўчманчиларнинг хусусиятларига эътибор берилмади. Шу билан бирга маҳаллий миллат вакилларидан тайёрланган ишчилар паст малака талаб қиладиган ишларда ёки бутунлай малака талаб қилмайдиган ишларда фойдаланилганлиги боис, уларнинг бир қисми қишлоқларига кетиб қолишди. Бу нарса маҳаллий миллат вакилларидан ишчи кадрларни тайёрлашга салбий таъсир кўрсатди.

Қирғизистон ҳудудида қурилаётган корхоналардаги ишчиларнинг сафлари кўпинча Москва, Ленинград ва бошқа шаҳарларда чиниққан ишчилар ҳисобига тўлдирилган. Биринчи беш йилликда Қирғизистоннинг ишчи кадрларга бўлган эҳтиёжининг 47 фоизи бошқа республикалардан келган ишчилар ҳисобига қаноатлантирилди.

Республикада маҳаллий ишчиларнинг сони борган сари ўсиб бораётганига қарамай уларнинг улуши ҳамон пастлигича қолаверди. 1939 йилги маълумотларга кўра қирғиз миллатига мансуб ишчилар барча ишчиларнинг 18 фоизининггина ташкил этди. Уларнинг аксарият кўпчилиги тоғкон, кўмир қазиб олиш ва қишлоқ хўжалик корхоналарида ишларди.

**«Учликка бўйсунуш» оқибатлари.** Қирғиз АССРнинг тузилиши қирғиз миллати ва миллий давлатчиликнинг шаклланишига ёрдам берди, халқ хўжалигини оёққа турғизиш ва ривожлантириш

жараёнини жадаллаштирди. Бироқ қирғиз давлати ташкил топган дастлабки кунларда ноқ у «учлик» усулида бошқарила бошлади. Бу вақтда Қирғизистон автоном республика сифатида Россия таркибига кирган ва унга бўйсунарди. Иқтисодий алоқалар ва географик ҳолат бўйича у Ўрта Осиё таркибида бўлиб, умуман Ўрта Осиёдаги органларга — Ўрта Осиё бюросига, Ўрта Осиё иқтисодий кенгашига, Урта Осиё сув хўжалигига ва ўша вақтда СССРнинг таркибий қисми сифатида унга бўйсунуш ҳамда Иттифоқ органларининг ҳам кўрсатмаларини бажаришга тўғри келган. Шундай қилиб, Қирғизистон, бир томондан, Россия ҳукуматига, иккинчи томондан, Ўрта Осиёдаги органларга, учинчи томондан эса бутуниттифоқ органларига бўйсунуб, аслида «учликка» қараб иш тутадиган бўлиб қолди. Республиканинг бундай бўйсунуши чекланган автономия ҳукукига эга бўлган Қирғизистоннинг сиёсий ва иқтисодий аҳволини анчагина сусайтирди, автономия ҳукуқининг янада чекланиши, унинг хўжалик ва маданий ривожига тўсқинлик қилинишига олиб келди.

Қирғизистон учун халқ хўжалигини ривожлантиришнинг директив режалари уч марказдан: умумиттифоқ, Россия ва Ўрта Осиё органлари томонидан белгиланган. «Режалаштиришнинг «учлик» системаси (РСФСР, Ўрта Осиё, Иттифоқ) ўзининг тамомила яроқсиз эканлигини кўрсатди, — деб ёзган эди Ж.Абдрахманов. Бундан ташқари, Қирғизистоннинг режалаштириш органлари директив режаларни ишлаб чиқиб республикага жўнатишган, уларни амалга оширишни ташкил этиш ва моддий жиҳатдан таъминлашда бир-бирларини рўқач қилишган. Кўпинча икки марказдан (Москва ва Тошкент) бир-бирига мос келмайдиган кўрсатмалар келиб турарди. Бу каби кўп бошқичли бошқарув Қирғизистон партия ва совет органларининг нормал ишлашига салбий таъсир кўрсатди, унинг хўжалик ва маданий ривожланиши оқсаб қолди».

Ўша даврдаги Қирғизистоннинг давлат арбоблари буни аниқ сезишган ва республиканинг чекланган автономия ҳукуқини кенгайтириш йўлларини излаганлар. Ж.Абдрахманов бундай вазиятдан чиқишнинг бирдан-бир йўли Ўрта Осиё Федерациясини тузиш, деб билган эди. Ўшандай бўлганда Федерацияга Қирғизистон Ўрта Осиёдаги бошқа республикалар билан тенг ҳукуқли аъзо бўлган бўлур эди. Мазкур масалани ҳал қилиш чўзиб юборилганлиги сабабли у вазиятни ҳал қилишнинг бошқача йўлини, Қирғизистон АССРни иттифоқдош республикага айлантиришни таклиф қилган. Қирғизистон ҳукумати Ўртага ташлаган мазкур масала иттифоқ маъмурлари томонидан қўллаб-қувватланмади, ҳал қилувчи қарорлар қабул қилинмади.

### Ҳужжатли материаллар

1. 1926 йил март ойидаги Ўрта Осиё бюроси пленумининг «Ўрта Осиё республикаларида саноатнинг ривожланиши тўғрисида»ги қароридан:

1. Ўрта Осиёни индустриалаштириш муаммоси СССРни индустриалаштиришнинг таркибий қисми бўлиши зарур. СССР умумий иқтисодиётидаги Ўрта Осиё-

нинг роли, географик ва табиий шароитларни ҳисобга олган ҳолда саноатнинг тегишли тармоқлари учун хом ашё базаси сифатида белгиланган. Бироқ, бу маҳаллий саноатни ривожлантириш зарур деган гап эмас.

2. Ўрта Осиё саноатини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари куйидагича бўлиши керак:

а) Ўрта Осиёдан олиб чиқишга мўлжалланган техник хом ашёларни қайта ишлаш учун қурилган ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантириш;

б) Ўрта Осиё республикаларини ва унга чегарадош бўлган ўлкаларнинг эҳтиёжларини таъминлай оладиган маҳаллий хом ашёни қайта ишлаш учун мўлжалланган ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантириш;

3. Ўрта Осиё саноатини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари бир вақтнинг ўзида қишлоқ хўжалиги тақдири билан ўлчанади, чунки бу ерда бошқа жойларга қараганда сотишга чиқариш учун фабрикаларда қайта ишлашни талаб қиладиган техник ўсимликлар ва озиқ-овқатлар кўпроқ етиштирилади. Қишлоқ хўжалик тармоқлари рентабеллигини ошириш билан Ўрта Осиёдан экспортга мўлжалланган махсулотлар, баҳосини ҳамда уларнинг бозорлардаги рақобат-бардошлигини ошириш мақсадида биринчи навбатда қишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишловчи саноат тармоқларини ривожлантириш зарур.

**2. Қирғизистон АССР Халқ Комиссарлари Советининг раиси Ж.Абдрахмановнинг 1930 йил 15 апрелдаги ВКП(б) Марказий Комитетига ёзган хатидан:**

РСФСР таркибига кирадиган миллий автоном республикалар орасида Қирғизистон АССР алоҳида ўрни тутати. Бу унинг иқтисодийтидан, унинг географик ҳолатидан келиб чиқади.

Конституциявий-миллий жиҳатдан олганда биз РСФСРнинг таркибий қисми ҳисобланамиз, демак, бизнинг маданий-хўжалик турмушимизга РСФСР ҳукуматининг бевосита раҳбарлигини таъминлаш жиҳатидан РСФСР халқи билан ўзаро муносабатларимизни олдинроқ белгилаб қўйиш зарур эди.

Бироқ, Қирғизистон АССР ўз иқтисодийи ва географик ҳолати бўйича Ўрта Осиё ягона иқтисодий бирлигининг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланган вазият; амалда бизнинг «учлик»ка бўйсунишимиз; бир томондан, РСФСР ҳукуматига, иккинчи томондан, Ўрта Осиё органларига (Марказий Комитетнинг Ўрта Осиё бюроси, Ўрта Осиё иқтисодий кенгаши, Ўрта Осиё сув хўжалиги, Иттифоқ савдо халқ комиссариати вакиллари, ишчи-деҳқон инспекцияси халқ комиссариатининг вакиллари, почта-телеграф халқ комиссариатининг вакиллари ва бошқалар), учинчи томондан, СССРга бўйсунадиган аҳволда қолишимизга олиб келди. Республиканинг бу каби «учлик»ка бўйсуниши, тажриба кўрсатганидек, Қирғизистоннинг хўжалик ва маданий вазифаларини ҳал этишда салбий таъсир кўрсатаётир, бинобарин, Республиканинг хўжалик-маданий ривожига тўсқинлик қиладиган унсир бўлиб ҳисобланади. Режалаштиришнинг «учлик» тизими (РСФСР, Ўрта Осиё, Иттифоқ) ўзининг бутунлай яроқсиз эканлигини кўрсатди, бундан ташқари Қирғизистонда режалаштириш органларининг барчаси Қирғизистон АССР бўйича белгиланган тадбирларни амалга ошириш бўйсунишининг бутунлай бошқа жиҳатидан амалга оширилади, деб ўйлайдилар: масалан, Ўрта Осиё иқтисодий кенгаши билан Қирғизистон бўйича йиллик хўжалик режасини белгилаш ва унинг амалга оширилиши Иттифоқ томонидан бажарилади, деб ўйлайдилар. Иттифоқ Қирғизистон республикаси хўжалик режалари бўйича тадбирларни Ўрта Осиё режаларини амалга ошириш ишларига қўшиб юбордилар. Мазкур режага моддий база яратиш бўлса, РСФСР тасарруфидадир, РСФСР Қирғизистон ўз таркибига кирган республика қаторида унинг режаларини ишлаб чиқаётганда, Ўрта Осиёдаги

барча республикалар ишлаб чиқариш кучларининг мувофиқ ривожланишини олдинроқ белгилаган Ўрта Осиё хўжалик режасининг умумий тузилиши тўғрисида бутунлай беҳабар бўлганлиги учун Қирғизистонни РСФСРда бўлганидек, режалаштираётир.

### Савол ва топшириқлар

1. Қирғизистонда индустрлаштириш қандай шароитларда амалга оширилди?
2. Дастлабки беш йилликлар чоғида саноатни ривожлантиришнинг асосий вазифалари қандай эди?
3. Қирғизистондаги миллий ишчи кадрларнинг шаклланиши тўғрисида нима-ларни биласиз?
4. Ўз туманингизда, шаҳрингизда саноатнинг ривожланиши тўғрисида ҳикоя, маъруза, реферат ёки иншо тайёрланг.

### 9-10-§§. Қирғизистон қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш йилларида

**Ғалла тайёрлаш инқирози ва кескин чораларнинг системага айланиши.** 1927 йилда СССР қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулот бўйича урушгача бўлган даражадан ортиб кетди. Бироқ қишлоқ хўжалигини ривожлантириш суръатлари саноатга қараганда бирмунча суст амалга оширилди. Чунончи, дон етиштириш орта қолди, маҳсулотнинг ўсиши ички бозор эҳтиёжлари ва экспорт муҳтожлигини қаноатлантира олмади.

1927 йил кузда бозор ва дўконларда дон маҳсулотларини сотиш ҳажми қисқара бошлади. Нарх-наво кескин ўсиб, бу аҳвол келгуси йилда ҳам давом этди. Бундан ташқари, ялпи дон ўрими илгариги йилга солиштирганда 45 миллион центнер камайди. Ғаллани давлатнинг арзон баҳосида сотиш деҳқонлар учун фойдасиз бўлиб қолди. Улар арзон баҳода давлатга дон сотиш ўрнига уларни сақлаб, ўз эҳтиёжларини гўшт, сут, техник ўсимликлар сотиш билан қондирдилар, уларни етиштириш қулай бўлиб, баҳолари ҳам дуруст эди. Бунинг натижасида давлат дон тайёрлаш ҳажми қисқарди.

Давлат дон тайёрлаш ҳажмининг қисқариши билан уни чет давлатларга сотиш ҳажми ҳам қисқарди. Натижада ўлканинг валюта захираси озайди, бу индустрлаштиришнинг тез давом этаётган суръатларининг узилиб қолиш хавфини туғдирди. Иқтисодий бухрон кучайди, шаҳар ва қишлоқларда ижтимоий зиддиятлар кескинлашди. Шаҳарларда яна карточка тизими киритила бошлади.

Аслини олганда, бундай қийинчиликларни нархни белгилашдаги пухта ўйланган сиёсатни амалга ошириш йўли билан бартараф қилиши мумкин эди. Бироқ бу нарса катта хўжалик омилкорлигини ва иқтисодий билимни талаб қиларди. Мазкур масалани ҳал қилиши керак бўлган раҳбарларда эса бундай фазилатлар йўқ эди. Шундай қилиб, бундай вазиятдан чиқиш йўлини юқори раҳбарият деҳқонлар оммасининг энг

қашшоқ қатламларига таяниб, ўрта ҳол ва бой-деҳқонларга тазйик ўтказиш деб билди.

1928 йил январда партия Сиёсий Бюроси ихтиёрида 30 тоннадан зиёд «ортиқча» дони бор йирик хўжаликларга қондадан ташқари ҳокимият тазйиқини ўтказиш мумкин, деб ҳисоблади. Вазиятни ўрганиш учун жой-жойларга партиянинг катта арбоблари жўнатилди. Сталин Сибирга кетди, бош котиблик хизматиани бажара бошлагандан кейин бу унинг қишлоқ жойларига дастлабки ва сўнгги маротаба бориши эди. Бу сафар халқ хўжалиги ва миллионлаб одамлар тақдирини учун жуда катта зиён келтирди.

Мамлакатда илгари бир неча марта қўлланилиб, таниш бўлиб қолган озиқ-овқат разверсткаси яна киритила бошлади. Энди деҳқон ўзининг ортиқча донини бемалол сота олмас, уни давлатнинг арзон баҳосида топширишга мажбур эди. Агар деҳқон бундай талабларга бўйсунмаса, у қулоқ деб эълон қилинган ва унга қизил қулоқ қолдиғи деб гуноҳ қўйилиб, судга берилган, дони эса тортиб олинган.

Юқоридаги чоралар натижасида ҳайдов ерларининг озайиб кетиш хавфи пайдо бўлди, қамоққа олиш, тинтув, калтаклаш деҳқонларнинг норозилигини кучайтирди. Қирғизистоннинг жанубида партиянинг аграр сиёсатиға қаршилиқ кўрсатиш вазияти яна жонлана бошлади. Мамлакатни, жумладан Қирғизистонни йирик хўжалик ва сиёсий инқироз хавфи кутаётганлиги аниқ бўлиб қолди.

**1929 йил — «Буюк бурилиш йили».** 1929 йил май ойида биринчи беш йиллик режаси тасдиқланди. Унга кўра, қишлоқларда социалистик укладни кенгайтириш, беш йиллик давомида деҳқон хўжаликларининг 18—20 фоизини колхозларға, қишлоқ хўжалик кооперациясининг барча формаларига ҳамма деҳқон хўжаликларининг 85 фоизини жалб этиш кўзда тутилган эди. Буларнинг барчаси пировард натижада Лениннинг кооператив режасини амалға оширишда ҳал қилувчи қадам бўлиши зарур эди.

1928 йилдаги дон тайёрлаш инқирози муносабати билан раҳбарият давлат учун арзон маҳсулот етиштирувчилар сафида колхоз ва совхозлар ролини кучайтиришға қарор қилди. Якка хўжаликларға қараганда колхозлар бир қатор афзалликларға, масалан, солиқ бўйича имтиёзларға эришдилар.

**1929 йил ёзда Сталин «ёппасига» коллективлаштириш шиорини ўртаға ташлади.** Уша йилнинг 7 ноябрида «Правда» газетасида босилган «Буюк Бурилиш йили» номли мақоласида Сталин колхозларға деҳқонларнинг асосий оммаси, ўрта ҳол деҳқонлар кириши, қишлоқ хўжалигини социалистик қайта куриш ишининг «ҳал қилувчи ғалабаси» деб белгилади. Аслида бу вақтда деҳқон хўжаликларининг 6—7 фоизигина колхозларға кирган ва уларнинг учдан биридан кўпроғи қашшоқлар эди. Партиянинг ноябрь пленуми коллективлаштириш сурьатларини жадаллаштириш тўғрисида кўрсатма берди. Декабрь ойида Сталин ёппасига коллективлаштириш базасида қишлоқларда қулоқларини синф сифатида йўқотиш шиорини эълон қилди. Шу



йилдан бошлаб қулоқларнинг оилаларини колхозга қабул қилиш маъ қилинди.

Ерни ижарага бериш, одам кучидан фойдаланиш тўғрисидаги илгариги қонунлар бекор қилинди, ҳукумат бадавлат деҳқонлар имкониятларини чеклаб қўйди. Ҳукумат қулоқ қилишни тақиқлашни бекор қилиб, деҳқонларга қулоқларнинг моллари ва бошқа бойликларини колхоз фойдасига конфискация қилишга рухсат берди.

**«Қулоқларни синф сифатида йўқ қилиш» сиёсати.** Қулоқларни синф сифатида йўқ қилиш сиёсати коллективлаштириш сиёсати билан бир вақтда олиб борилди ва улар партиянинг қишлоқдаги ягона сиёсатининг икки томони эди. 20-йилларнинг охирига келиб қулоқларнинг аҳволи колхозга аъзо бўлган деҳқонлар аҳволидан кескин фарқ қила бошлади. Қулоққа тортилмай қолган деҳқонлар коллективлаштиришнинг қийин даврини бошидан ўтказаётган эдилар. Партия қулоқларни бартараф этиш билан қишлоқларда янги тартиб жорий этилишига нисбатан деҳқонларнинг қаршилигини бостиришни мўлжаллаган эди.

Ёппасига коллективлаштиришга ўтиш давридаги қулоқлар, бой-манапларга қарши қаттиқ кураш уларни синф сифатида йўқ қилиш билан кўшилиб кетди. 1929 йилга қадар совет ҳукумати қулоқларни чеклаш сиёсатини олиб борди. Деҳқонларнинг ерларини сотиб олиш ҳисобига ўз ерларини кўпайтириш учун қулоқ хўжаликларига рухсат берилмади, қулоқларга оширилган солиқлар солинди, улар донни давлатга қатъий баҳода топширишга мажбур бўлдилар, ишчи кучини ёллашга чек қўйилди. Қулоқларни чеклаб қўйиш сиёсати уларнинг янада ўсишини тўхтатиб қўйди, бироқ уларнинг хўжалик асосларини йўқ қилмади, қулоқларнинг йўқ қилинишига олиб келмади.

**1929 йил 27 декабрда Сталин «Қулоқларни синф сифатида йўқ қилиш» шиорини эълон қилди.** «Ёппасига коллективлаштириш» районларида қулоқ хўжаликларини бекор қилиш чоралари тўғрисида партия Марказий комитетининг қарори қабул қилинди. Февраль ойида СССР Марказий ижроия комитети, Халқ Комиссарлари Советининг уни конкретлаштирган қарори эълон қилинди. Қарорда қулоқларни синф сифатида йўқ қилишнинг мазмуни, уларни асосий ишлаб чиқариш ҳаражатларидан ажратиш бўлиб ҳисобланади, деб айтилган эди. Партиянинг мазкур кўрсатмаларига мувофиқ, Қирғизистон Автоном республикаси обкоми, Марказий Ижроия Комитети ва Халқ Комиссарлари Совети қулоқлар ва бой-манапларни синф сифатида йўқ қилиш тадбирларини қабул қилиб, йўриқномалар ишлаб чиқишди. Уларга мувофиқ, қулоқлар ва бой-манаплар 3 гуруҳга бўлинган. Биринчи гуруҳ «аксиланқиллобчи бой-қулоқ элементлари» бўлиб, улар советларга қарши ишлари учун суд жавобгарлигига тортилган. Иккинчи гуруҳ йирик бойлар, манаплар, бадавлат деҳқонлар, уруғ оқсоқоллари, таниқли дин хизматчилари эди. Улар асосан Қирғизистон тупроғидан ташқари томонларга кўчириб юборилди. Учинчи гуруҳ қолган бой-

манап ва қулоқ хўжаликлари бўлиб, улар ўз қишлоқларидан бошқа жойларга кўчириб юборилган.

Директив хужжатларга мувофиқ, районлардаги деҳқон хўжаликларидида қулоқ қилиш 3—5 фоиздан ортмаслиги керак эди. Бироқ, 1929—1933 йилларда қулоқ қилинган бой манап хўжаликлар республика районларидаги кўчманчи ва ярим кўчманчи хўжаликлар умумий сонининг 10 фоизини ташкил этган. Аслида кўчманчи қирғизлар яшаган районларда бу миқдорда қулоқлар бўлган эмас. Солиқ ҳисоби бўйича 1928—1929 йилларда 3406 «қулоқ хўжалиги» бўлган. Кўплаб бой манаплар, қулоқлар совет ҳокимияти йилларида камбағаллашиб кетишди. Барча хўжаликларнинг бир фоизда яқинигина бир амаллаб кун кўрадиган хўжаликлар эди. Бу вақтда қулоқ қилиш қайси йўл билан олиб борилган? Берилган топшириқларни бажариш ва орттириб бажариш учун фактлар ўзгартирилиб, керакли миқдордаги қулоқлар қидирилган ва топилган ҳам. Масалан, 1931 йил ноябрь-декабрь ойлари давомида Калинин районидан қулоқлар, бой-манапларнинг 194 оидаси, Оламедин районидан 165 оила топилган. Натижада ўрта ҳол деҳқонлар, баъзи пайтларда камбағал деҳқонлар ҳам қулоқ қилинган. Қишлоқларда қулоқ қилинганлар рўйхати «учликлар» томонидан тузилган. Улар, асосан, партком котиби, қишлоқ совети аъзоси ва милиция ходими эди.

Қулоқ қилинганларнинг бутун мулки тортиб олинар, ўзлари қувғин қилинар, сайлов ҳуқуқларидан махрум қилинардилар. Улардан тортиб олинган уйларга маданий муассасалар жойлаштирилди ёки қашшоқ деҳқонларга берилиб, мулкларининг қолган қисми коллективлаштириш жамғармасига кўшиб юборилди.

Сталин ва унинг теварағидагилар томонидан тайёрланган ва қондага айланиб қолган ғалла тайёрлаш кампанияси ва коллективлаштириш давридаги кескин чоралар колхозларга бой манаплар, қулоқлар ва уларнинг оида аъзолари кириши мумкин эмаслиги тўғрисида қарорнинг бажарилишига тўсқинлик қила бошлади. Қишлоқдаги бой манаплар барча деҳқонларга қарши қўйилди. Бу уларнинг ғашини келтирди, ноҳуш фожиалар ва қурбонларга олиб келди, ҳатто қуролли қаршилик кўрсатиш ҳаракатлари ҳам бўлди. Иссиқкўл, Норин, Отбоши, Балиқчи районларида деҳқонларнинг норозилиги қуролли кўзғолонга айланди. Чегарага яқин жойдаги бойлар молларини чет давлатга ҳайдаб кетган ҳоллар кўп бўлди, маҳаллий аҳоли ўртасида муҳожирлик кайфиятлари вужудга келди. Қирғизистоннинг жанубида қуролли қаршилик кўрсатиш ҳаракати яна бошланди. Биргина Олай-Гулча районидидаги ғалаёнчилар сафида 50 дан ортиқ одам бўлган. Баъзи жойларда ғалаёнчиларга қурол-яроғ, ўқ-дори ва озиқ-овқат бериб, рус деҳқонлари ҳам бу ҳаракатга қўшилдилар.

Большевикларнинг деҳқонларга нисбатан зўравонлик сиёсатидан норозилик билдиришнинг энг кўп тарқалган тури ўз мол-мулкини, меҳнат қуролларини йўқ қилиш, ёқиб юбориш бўлди. Масалан, Талас бўлисидаги бир «қулоқ» 1928—1929 йилларда ўзига қарашли 560 қўй

ва 52 йилқини, 1929—1930 йилларда 170 қўй ва 27 йилқини, яна бир «қулоқ» эса, 1928—1929 йилларда 316 йилқи ва 31 қўйини, 1929—1930 йилларда эса 101 қўй ва 15 йилқисини сотиб, сўйиб йўқ қилганлиги ҳақида расмий органларга маълумот беришган.

Большевиклар бунга жавобан «бой манаплар ва қулоқларга» қарши репрессияни кучайтирдилар. Қанча одам қатағон қилинганлиги ҳақида аниқ маълумотлар йўқ. 1931 йил август-сентябрь ойларидагина 6 минг оила Украина ва Шимолий Кавказга кўчириб юборилди. 1933 йилда республика бўйича 2113 «қулоқ бой элементлар» деб эълон қилинди ва «зарарсизлантирилди». Улар орасида кўплаб ўрта ҳол деҳқонларгина эмас, балки қашшоқ деҳқонлар ҳам бор эди.

Большевиклар қишлоқлардан синфий кураш оловини қандайдир бир даражада ушлаб туриб, режим тарафдорлари орасидаги қурбонларга қарши курашга қишлоқ аҳолисининг энг қашшоқ тоифаларини жалб этишга эришди. Бундай «кураш» ни кучайтириш учун большевиклар улар оғидаги қулоқларни ёмон кўриш туйғусини бутун воситалар билан кучайтиришга ҳаракат қилдилар. Бундай «ёмон кўриш» туйғулари бошқаларни кўра олмайдиган, енгил овқат излаган кимсалар ва тухматчилар, ҳокимият вакиллари томонидан кучайтирилди.

Бутун мамлакатда, жумладан, Қирғизистонда ҳам «лагерлар», «махсус кўчирилганлар», бошқача айтганда, қулоқ қилинганлар ва уларнинг оилалари истиқомат қиладиган қишлоқлар пайдо бўлди. Ўз еридан ажраган минглаб кишилар беш йиллик қурилишларида текин иш бажарадиган кучга айланиб қолди. Қирғизистондаги Отбоши, Георгиевка каналлари, Чўмич тўғони ва унинг қирғоқларида жойлашган Карл Маркс номи, «Янги Ер», «Янги пахта», «Нижнечуйский» совхозлари Саратов, Куйбишев, Рязань областларидан, ғарбий Сибирдан, Мордовия, Кавказдан ва бошқа томонлардан келган «махсус» кўчирилганлар кучи билан қурилди. Улар яшаган ерлар ўта ноқулай бўлиб, озиқ-овқат етишмас, уларнинг ҳуқуқлари муҳофаза қилинмас ҳам эди. Большевиклар қулоқ қилинганларнинг меҳнатидан фойдаланиш билан бирга мазкур қурилишлардаги давлат ҳаражатларининг 3—4 ҳисса қисқаришига ҳам эришдилар.

**«Вшпасига коллективлаштириш сибсати»** 1930 йил 5 январда ВКП(б) Марказий Комитетининг «Коллективлаштириш суръатлари ва колхоз қурилишига давлат ёрдами кўрсатиш тадбирлари тўғрисида» ги қарори қабул қилинди. Қарорда коллективлаштириш графиги тасдиқланди. Большевиклар партияси ҳар бир районнинг ўзига хос шартлари ва коллективлаштиришга ўтиш бўйича уларнинг тайёргарлиги бир хил эмаслигини эътиборга олиб, коллективлаштиришни ниҳоясига етказишнинг турли суръат ва муддатларини белгиледи. Мазкур қарорга мувофиқ, Қирғизистонда коллективлаштириш 1933 йилда тугалланиши керак эди. Колхоз ҳаракатининг асосий шакли сифатида қишлоқ хўжалик аргелига ўтиш таклиф қилинган. Мол ва жиҳозларни коллективлаштириш даражаси, бўлинмас фондлар тузиш тартиби тўғрисидаги ва бошқа қондалар бекор қилинди. Бу масалалар

бўйича таклифлар қишлоқ хўжалик артелининг намунавий Уставида ўз аксини топди.

Ҳокимиятдагилар коллективлаштиришни муваффақиятли ўтказиш мақсадида илгари қишлоқларга ҳосил йиғинида қатнашиш учун юборилганларга қўшимча равишда 25 минг ишчини жўнатдилар. Улар кейинчалик «25 мингчилар» деб аталиб қолди. «25 мингчилар»дан 219 киши Қирғизистонга келган. Партиянинг вакилларига қишлоқларда ёппасига коллективлаштиришни тайёрлаш ва уни ўтказиш графигини амалга ошириш вазифаси юклатилган эди. Уларнинг кўпчилиги янги ташкил этилган колхозларга раҳбар бўлишиб қолди.

Большевикларнинг омма орасида тушунтириш ва ташкилотчилик ишлари очикдан-очик мажбурлаш, кўрқитиш, қуруқ ваъдалар бериш, алдаш билан алмашиб, деҳқонларни колхозларга киритишда буйруқ-бозлик ва мажбур қилиш усулига ўтилди. Республиканинг ўзига ҳос хусусиятлари, колхоз тузумига мос моддий техника базаси, кадрлар билан таъминланиши ҳисобга олинмай, коллективлаштириш жадаллаштирилди, уларнинг миқдоригагина эътибор берилди.

1930 йил март ойида Қирғизистонда режадаги 28,9 фоиз ўрнига деҳқон хўжаликларининг 37,2 фоизи, айрим районларда деҳқон хўжаликларининг 80 фоизи коллективлаштирилди. Чуй, Қораболта районлари бу ишни уч ой ичида тугатдилар. Коллективлаштиришнинг юқори фоизи кетидан қувиб, кўп ҳолларда колхознинг ўзи эмас, унинг номига ташкил этилди. Кўп жойларда бой деҳқонларгина эмас, колхозга киришни хохламаган ўрта ҳол деҳқонлар ҳам қулоқ қилиниб, сайлов ҳуқуқларидан маҳрум қилинди.

Буларнинг барчаси қишлоқ хўжалигига, айниқса, чорвачиликка салбий таъсир кўрсатди. Коллективлаштириш хавфи остида қолган деҳқонлар молларини сўя бошладилар, натижада уларнинг сони кескин қисқариб кетди. 1930 йилда Қирғизистонда қорамоллар сони 24,4 фоиз, йилқи 18,5, қўй-эчки 15,5 фоиз қисқарди. Ҳосилнинг конфискация қилиниши натижасида уруғлик етишмай қолди.

1930 йил март ойида Сталинни «Муваффақиятлардан эсанкираш» мақоласи, кейинроқ Марказий Комитетнинг «Колхоз ҳаракатида партиявий линиянинг бузилишига қарши кураш» тўғрисидаги қарори эълон қилинди. Унда коллективлаштириш чоғида ҳаддан ошишлар танқид остига олинди. Бироқ унда ўз-ўзини танқид йўқ эди, барча масъулият маҳаллий ҳокимиятларга юклаб қўйилган. Коллективлаштириш тамойилларини қайта кўриб чиқиш тўғрисида бирон нарса дейилмади.

Қирғиз область партия комитети апрель ойининг охирида коллективлаштириш суръатларини жадаллаштириш тўғрисида ўзининг илгариги кўрсатмаларини бекор қилди. Шундан кейин сохта тузилган колхозлар тарқай бошлади. Мажбуран киритилган кўп хўжалиklar колхозлардан чиқарилди. Шундай қилиб, 1930 йил 1 июнига келиб коллективлашган хўжалиklarнинг ҳиссаси 37,2 фоиздан 25 фоизга қисқарди.

1930 йил кузда ҳосил йиғими компанияси бошланиши билан коллективлаштириш иши яна жонланиб кетди. Уша йили ҳосилдорлик яхши бўлиб, ўрим-йиғим кампанияси муваффақиятли ўтди. Колхозлардаги ҳосилнинг 50—60 фоизини, баъзида 70 фоизини ҳукумат олди. Бу нарса ҳокимиятдагиларда коллективлаштиришни янада давом эттириш истагини тугдирди. Деҳқонларга яна турли йўللار билан тазйиқ кўрсатила бошлади. Коллективлаштиришдан бош тортганлар саноат маҳсулотлари ола олмай қолишди. Колхозларга ҳайдов ерларигина эмас, илгари умумий фойдаланиладиган яйловлар, тўқайзорлар берилди. Қулоқ қилишлар давом этди.

1931 йил ҳосили яхши бўлмади. Сталин хусусий хўжаликлар ва колхозларнинг барча ҳосилини йиғиштириб олишга буйруқ берди.

Халқ қишдан бир амаллаб чиқиб олди. Ҳосил энди етила бошлаганда, оч қолган одамлар уни ўғирлай бошладилар. Ўрим-йиғим бошланганда ҳам оч қолишдан хавфсираган аҳоли ҳосилни чўнтакларига, кўнжларига тиқиб ўғирлай бошлади, оз бўлса ҳам тирикчилик учун дон тўплашга киришди. Бу қаби кўринишлар мамлакатнинг кўпчилик жойларида бўлганлиги боис ҳукумат унга қарши қаттиқ чоралар кўрди. 1932 йил 7 августда СССР Марказий Ижроия комитети «Социалистик мулкни сақлаш тўғрисида» қонуни қабул қилди. Мазкур қонун халқ орасида «Уч бош дон тўғрисидаги қонун» деган ном олди. Мазкур қонун бўйича дон ўғирлаганлар камида 10 йилга ҳукм қилиниб, уй-жойи тортиб олинган. Бу қонун бўйича Қирғизистонда ҳам юзлаб одамлар судланди, баъзилари отиб ташланди. Улар орасида аёллар ҳам бор эди.

Бунинг натижасида Украина, Дон, Шимолий Кавказ, Волгабўйи, Жанубий Урал, Қозоғистонда катта очарчилик бошланиб кетди. Уша йилларда Қозоғистондан 100 минг, Сибир томондан 30 мингга яқин оч қолган, азоб-уқубат тортган одамлар Қирғизистонга келишди. Бу озиқ-овқат танқислигини янада кучайтирди. Очарчилик балоси секин-аста Қирғизистонга ҳам ёйилиб, баъзи жойларда очарчиликка дучор бўлган колхозчилар шишиб кета бошлади. Мамлакатимизда ҳукуматнинг ташаббуси билан бепуд овқат берадиган жойлар, ошхоналар очилди, оч қолган кишиларга ёрдам кўрсатилди. Бунинг натижасида минглаб одамларнинг ҳаёти сақлаб қолинди. Шундай қилиб, очарчилик республикамизга у қадар таъсир этмади. Бироқ Республика юқоридан белгиланган маҳсулот тайёрлаш режасини бажара олмади.

Орадан кўп ўтмай, бу қадам учун жавоб беришга тўғри келди. **1933 йил май ойида** партия Марказий Комитети «Қирғизистонда ҳосилни талон-тарож қилиш ва ўғирланиши тўғрисида» қарор қабул қилди. Қарорда оч қолган одамларга дон улашини ўғирлик, исрофгарчилик деб аталди. Кейинроқ партия обкомининг биринчи котиби А.Шахрай, ЭКС раиси Ж.Абдраҳманов вазифасидан бўшатишди. Ж.Абдраҳманов кейинчалик партия сафларидан ўчирилди.

Очарчилик коллективлаштириш суръатларини сусайтирди. Қишлоқлардаги партия сиёсатини қайта кўриб чиқиш бўйича фикрлар

айтила бошлади. Бундай шароитларда колхозчиларнинг хусусий хўжалигини кенгайтиришга руҳсат беришга тўғри келди. Кўчманчи районлардаги хўжаликлар юз бошга яқин қўй, 8—10 бош мол, 3—5 бош туя, 8—10 бош йилқи боқиш, ўтроқ районлардаги чорвалар эса, 2—3 бош мол, 10—20 бош қўй ва қўзи, 10—20 бош чўчқа ва бошқа жониворларни боқиш ҳуқуқини олишди.

Партиянинг бундай сиёсати узоқ давом этмади. 1934 йил июнь ойида мамлакат раҳбарияти коллективлаштиришнинг янги, яқунловчи босқичи бошланганлигини эълон қилди. Хусусий хўжаликларга солинган хўжалик солиғи миқдори ҳам оширилди. Давлатга мажбурий топшириш нормаси 50 фоиз ортди.

*Шундай қилиб, коллективлаштириш катта қурбонлар билан ниҳоясига етди. 1937 йилда деҳқон хўжаликларининг 90 фоизга яқини колхозларга бирлашди. Улар республика ҳайдов майдонининг 97 фоизига эгалик қилардилар.*

**Қирғизистондаги кўчманчи ва ярим кўчманчи хўжаликларнинг ўтроқлашуви** коллективлаштиришни муваффақиятли амалга ошириш учун кўчманчи ва ярим кўчманчи хўжаликларни ўтроқлаштириш зарур эди. 1918—1928 йилларда ер-сув ислохоти, ўтроқлаштириш ишлари ўтказилиб, уларга ер ва бошқа ишлаб чиқариш воситалари берилиши натижасида қирғиз кўчманчи хўжаликлари ўтроқлаша бошладилар. 20-йилларнинг охирига келиб ана шундай хўжаликлар 42 мингтага етди. Бироқ 30-йилларнинг бошида ҳали ўтроқлашмаган 85 мингта яқин кўчманчи ва ярим кўчманчи хўжаликлар бор эди. Шунинг учун олдинда ўтроқлаштиришни амалга ошириш бўйича катта давлат чора-тадбирларини ўтказиш вазифаси турарди.

Собик кўчманчилар ва ярим кўчманчиларни ўтроқлаштириш, коллектив хўжаликларни ташкил этиш учун қуйидагиларни ҳисобга олиш зарур эди: биринчидан, ўтроқлашадиган ерлар сув, экинзор ва яйлов билан таъминланган бўлиши, иккинчидан, тақсимланган майдонларда турар жойлар, ишлаб чиқариш ва маданий-маиший бинолар қурилишини ҳисобга олиш, учинчидан, хўжалик ерлари ва ҳовлилар мавжуд бўлган қишлоқларга, янги ташкил этилган совхоз ва машина-трактор станцияларига ўша майдонлар яқин бўлиши керак эди.

Кўчманчи ва ярим кўчманчи хўжаликларни ўтроқлаштириш ишига марказда ва жой-жойларда раҳбарлик қилиш ва бу ишни ташкил этиш учун Қирғизистон АССР Халқ Хўжалиги Кенгаши ҳузурида ўтроқлаштириш бўйича комитет, деҳқончилик халқ комиссариатида ўтроқлаштириш сектори, район ижроия комитетлари ҳузурида эса бу иш бўйича район комитетлари тузилди.

1931 йил февралда Қирғизистон область партия комитетининг иккинчи пленуми ўтроқлаштириш бўйича муддатларни белгилади. Унга мувофиқ 1931 йилда 10 минг хўжалик, 1932 йилда 30 минг, 1933 йилда 22 минг, 1934 йилда 23 минг хўжалик ўтроқлашуви зарур эди.

Ўтроқлаштириш асл моҳиятига кўра, катта ўзгаришга олиб келадиган энг долзарб қайта қуриш эди. Кўчманчилар турмушидаги кўп

нарсалар, ҳаёт тарзи, баъзи касбларга кўникиш, қолаверса, азалий одатлар, шубҳасиз, ўзгариб кетарди. Одамлар кўниб қолган, асрлар давомида кўчманчилик билан турмуш кечиришдан бош тортиш осон кечмади. Бироқ кўчманчи хўжаликлар ўтроқлаштирилмай туриб, қирғиз қишлоқларидаги асрлар давомида давом этиб келаётган патриархал укладни йўқ қилиш мумкин эмас эди. Кўчманчиларни ўтроқлаштириш қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш, уларнинг моддий ва маданий даражасини кўтариш учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратди.

Ўша йилнинг май ойида кўчманчи аҳолини ўтроқлаштириш ишига бир йилда 370 минг сўм сарф қилинган, бу маблағнинг 300 минг сўмини Россия Федерацияси бюджети берган. Иттифоқ ҳукумати томонидан йилнинг учинчи чорагида бу мақсадлар учун 210800 сўм миқдоридан узоқ муддатли қарз берилган.

1932 йилда кўчманчиларнинг оммавий тарзда ўтроқлашуви республиканинг 12 районида, жумладан, илгари бошланиб ниҳоясига етмаган яна тўрт районда амалга оширилиб, бу иш учун 19 950 минг сўм сарфланди.

Барча районларда 1932 йилга келиб турар жойлар қурилиши жадаллаштирилди. Давлат ўтроқлашганларга ёрдам сифатида 61 700 куб метр қурилиш материаллари ажратди. Уй қуриш топшириқлари ортиги билан бажарилди, 52 мактаб, 12 касалхона ва 107 хўжалик, ишлаб чиқариш бинолари қурилди, бунинг учун 15193 минг сўм сарфланди. 1932 йилда 22 минг хўжалик ўтроқлашди, 105 та янги қишлоқлар вужудга келди.

1932 йил кузда СССР Халқ Комиссарлари Советининг қарорига мувофиқ Қирғизистон ҳукумати ўтроқлашган, собиқ кўчманчи ва ярим кўчманчи чорвачилик хўжаликларига имтиёзлар бериш тўғрисида қарор қабул қилди. Ана шу қарорга биноан 1933 йилнинг 1 январидан тортиб, 60 минг хўжалик марказлаштирилган дон ва гўшт тайёрлаш мажбуриятидан икки йилга озод қилинди.

1931—1934 йилларда ўтроқлаштириш ҳаракати 40 минг хўжаликни қамраб олди, 100 қишлоқ ташкил қилинди, 2,5 миллион гектар ҳайдов, емхашак майдонлари ажратилди. Битта хўжаликнинг экин майдони билан таъминланиши 3,6 гектар бўлиб, ўтроқлашган аҳоли яшайдиган районлар даражасига етказилди. Ана шу тўрт йил давомида ўтроқлаштириш ишига 34 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди.

1935—1937 йилларда ўтроқлашувга ўтишнинг режали иш чоралари яхши олиб борилди. Ана шу йиллар давомида ҳукумат дастурида кўзда тутилган 8459 уй жой ўрнига 13085 уй қурилди. 1931—1937 йиллар давомида 78 минг кўчманчи ва ярим кўчманчи хўжалик ўтроқлашди. Бироқ бу ҳали ҳаммаси эмас эди. 1938—1939 йилларда бу мақсад учун харажатлар 8903 минг сўмни, 1940 йилда эса 1173 минг сўмни ташкил этди.

Шундай қилиб, ўтроқлашаётган кўчманчилар учун хўжалик марказлари, турар-жойлар, тиббий ва маданий-оқартув муассасалари,

мактаблар, маиший корхоналар қурилди. Давлат уларга уруғ, қишлоқ хўжалик жиҳозлари ва мол сотиб олиш учун қарз берди. 1931—1940 йилларда ўтроқлаштириш ишига деярли 44 миллион сўм сарфланди.

Кўчманчиларни ўтроқлаштириш каби долзарб вазифа нақадар масъулиятни талаб қилсада, кўп жойларда жиддий янглишишлар, афсусликлар рўй берди:

— ўтроқлаштириш мажбуран коллективлаштириш билан қўшилиб, ҳамма жойда колхозлар ташкил этилди. Маҳаллий шароитларга мос бўлган деҳқончилик ҳамдўстликлари ўрнига қишлоқ хўжалик артеллари, қишлоқ хўжалик коммуналари ҳам ташкил этилиб, бунга хоҳламаганлар колхозлардан чиқарилган, қувғин остига олинган;

— қирғиз халқининг турмуш тарзи ва хусусиятлари ҳисобга олинмай, Европа типидаги кўп қаватли уйлар қурилган, қишлоқларни ташкил этишга кўпроқ эътибор берилиб, тоғли ўлканинг кичик қишлоқларга мослашганлиги ҳисобга олинмади;

— баъзи вақтларда аҳолининг фикри ҳисобга олинмай, сувдан олис, ем-хашак танқис бўлган, чорвачилик учун ноқулай, улар илгари яшаган жойларидан анча олис ерлар белгиланган. Натижада баъзи қишлоқ учун бўлинган жойларда кейинчалик аҳоли яшамай қолди (Олай, Отбоши районлари ва бошқалар);

— бир қатор районларда кўчманчи аҳолининг илгариги турмуш тарзи, қобилияти ҳисобга олинмай, товар дон экиш жорий этилди;

— кўчманчиларни ўтроқлаштириш ишига Қирғизистондан ташқари томонлардан келган қирғизларнинг тили, урф-одати, моддий турмуш шароитларидан беҳабар бўлган кишилар раҳбарлик қилишди;

— қирғиз обкоми тўртинчи пленуми (1932 йил январь) қарори бўйича хўжаликлар ўтроқлашганда қариндош-уруғчилик асосидаги қишлоқларни барпо этишга йўл қўйилмади. Бу одамларни кўрқитди, ўтроқлашишга ишончини йўқотди.

Бундай ноқулайликларга қарамай, ўтроқлаштириш қирғиз халқи учун прогрессив аҳамиятга эга бўлди. Қирғиз халқи замонавий цивилизацияга аралашини грантини олди. Ўтроқлашув қирғизлар орасида мунтазам такрорланиб турувчи иллатлардан сақлади, аҳоли сонининг ўсишига имкон яратди.

**Коллективлаштириш якунлари.** Бутун мамлакатда бўлганидек, Қирғизистонда ҳам хусусий деҳқон ва кўчманчи чорвачилик хўжаликларининг аксарияти коллектив хўжаликларга бирлаштирилди. Коллективлаштириш, асосан, мажбурий усулларни қўллаш билан амалга оширилди. Янги ташкил этилган колхозларининг моддий-техника базасини тузиш, кадрлар билан таъминланишига эътибор берилмай, уларнинг миқдорий ўсишигагина эътибор қаратилди. Коллектив хўжаликларининг бошқа кўплаб шакллари бор эканлигидан қатъий назар, унинг фақат бир шаклигагина - қишлоқ хўжалик артелига асосий эътибор берилди.

Шу билан бир қаторда, колхозларда ўзгаришлар давом этди. 1933 йилда колхозлардаги озиқ-овқатни арзон баҳода давлатга мажбурий



тарзда топшириш қондаси киритилди. МТСлар ҳам ер ҳайдаганлиги учун колхозлардан катта миқдорда натура билан ҳақ оладиган бўлди. Натура ҳақи миқдори юқоридан белгиланган. Колхозларнинг ишлаб чиқариш қобилияти давлат органлари томонидан қабул қилинган қарорларга мувофиқ юритилиб, ягона давлат халқ хўжалиги режасига мос равишда ишлай бошлади. Маъмурий буйруқбозлик тизими нарх-наво, кредит, бозор муносабатларини ташкил этиш каби иқтисодий қондаларни қўлланиш йўли билан колхоз ишлаб чиқаришига таъсир этишга ноқулай бўлганлиги учун бевосита буйруқ билан таъсир кўрсатиш йўлига ўтилди.

Эндиликда колхозлар ўзларининг «Устав»ларига мувофиқ экин экиш ва ўрим йиғим бўйича юқоридан берилган режа топшириқларни сўзсиз бажаришга мажбур бўлиб қолдилар. Амалда эса бундан ҳам баттар эди. Колхоз ишлаб чиқаришини ташкил қилишнинг ипидан игнасигача барча жиҳатлари регламентлаштирилди ва марказлаштирилди. Булар колхоз бошқарувининг колхоз кадрларининг мустақил иш олиб боришларига тўсқинлик қилди.

Колхозлар ўзлари ишлаб чиқарган товар маҳсулотини колхозларнинг жамоат хўжалигининг нормал ўсишини таъминлай оладиган, фойда кўриладиган баҳода сотмай, давлат томонидан белгиланган арзон баҳолар билан сотишга мажбур бўлиб қолди. Бу қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига салбий таъсир кўрсатди. 30-йилларда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ўсиши сезилмади. Ўша вақтда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришнинг давлат режалари тез-тез орта борди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ҳарид қилиш нарҳининг паст бўлиши коллектив хўжаликларда иш ҳақининг паст бўлишига олиб келди. Уларнинг иш ҳақи миқдори 30-50 йиллар давомида сира ҳам ўзгармади. Ҳолбуки, ўша вақтда саноат товарлари баҳоси 10 мартадан зиёд кўпайди. Колхозчиларнинг меҳнат ҳақи уларнинг даладаги меҳнат куни сони ва колхозлар даромади ҳажмига яраша бўлган. Колхозлар давлат ва МТСлар билан ҳисоб-китоб қилганларидан кейин уларда жуда оз миқдордаги даромад қолди, у колхозчиларнинг турмуш кечир-иш минимумини таъминлай олмасди. Ана шундай вазиятни бироз яхшилаб, колхозчилар турмушини оз бўлса-да, ўнглаш учун ҳукумат 1933 йилда чекланган миқдорда шахсий хўжаликка эга бўлиш ва ҳайвон боқишга руҳсат беришга мажбур бўлди. Улар деҳқонлар эҳтиёжларини тўла қондира олмасда, кундалик зарур эҳтиёжларга етиб турди. Колхозчилар колхоздаги ишларидан ташқари йўл қурилиши, дарахт кесиш ва бошқа кўп-лаб ишларга дам олиш кунлари ҳисобидан қатнашишга мажбур бўлдилар.

Шунингдек, 1932 йилда СССР фуқароларига берилган паспорт колхозчиларга берилмади. Колхозчилар паспортлари йўқ бўлганлиги учун мамлакат ҳудудида эркин меҳнат қилиш имконидан ажралиб қолдилар.

1937 йил 17 мартда қабул қилинган қонунга мувофиқ колхозчиларнинг ўз ихтиёрича колхозларни ташлаб кетишлари таҳқиқлаб

қўйилди. Бунинг учун колхоз раҳбарияти ва ишга жойлаштирадиган корхона ўртасида келишим талаб қилинди. Шундай қилиб, крепостной деҳқонлар ерга тиркаб қўйилгани каби колхозчилар ҳам колхозларга тиркаб қўйилди, улар мажбуран ишлашлари зарур эди. Бундай чеклашлар уларгагина эмас, балки уларнинг оила аъзоларига ҳам дахлдор эди.

1939 йилда колхозчиларнинг ховлилари яна бирмунча қисқартирилиб, Уставда кўрсатилганидан ортиқча мол-мулклари колхоз ҳисобига тортиб олинди. Меҳнат куни ишлаб топмаганлар колхозлардан чиқарилди, кўпинча улар жиноятчи сифатида қувғин қилинди. Уларнинг барчаси колхозчиларнинг шахсий хўжаликларида озиқ-овқат етиштиришнинг қисқаришига ва моддий турмуш шароитлари ночорлашувига олиб келди.

## Ҳужжатли материаллар

### 1. ВКП (б) МК 1929 йил ноябрь Пленуми резолюциясидан:

Бир қатор миллий районлар аслига келтириш вақтини тўлиқ тамомламай ва шу вақтга қадар феодал-уруғчилик уклади элементларини сақлаб, бу билан йирик социалистик хўжалик элементларини тузишга киришдилар. Бунда коллективлаштириш ва совхоз қурилишини кенг ёйиш феодал-уруғчилик уклади сарқитларини йўқ қилиш билан боғлиқдир, бу нарса баъзи вақтларда қишлоқда ҳанузгача ўз таъсирини бир мунча сақлаб келаётган ва «миллий манфаатлар»ни ҳимоя қилмаиз деган баҳоналар билан социалистик қурилишга қарши зўр бериб курашаётган қулоқ ва ярим феодал элементларнинг аёвсиз қаршилигини туғдирмай қўймайдн. Шунинг учун бу ишда омманинг иқтисодий ва маданий жиҳатдан орқада қолганлиги бонс социалистик реконструкция мажбуриятларини амалга ошириш иттифоқ пролетар давлатининг қишлоқ хўжалигини режа асосида йўлга қўйиш роилининг ўсини ва пролетар марказлар томонидан мазкур районларга ташкилий, техникавий ёрдамнинг ҳар томонлама кучайтирилишига, айниқса, боғлиқ бўлади.

### 2. Жусуп Абдрахмановнинг кундалигидан:

Зеленскийнинг таклифига мувофиқ Жалолободга яна бордим. Зеленский иштирок этган йигилишда аҳолидан мажбурий равишда пахтани тортиб олиш бўйича иш чоралари ишлаб чиқилди. Бу чораларда илгаригига қараганда деҳқонларга ишбатан маъмурий чораларининг таъсири алоҳида белгилаб қўйилган эди.

1. Ҳар бир уйни синчковлик билан текшириш ёки пахта эккан ҳар бир оилани тинтувдан ўтказиш.
2. Келишим бўйича ўз режасини бажарган айрим хўжаликларга пахта топшириш бўйича қўшимча топшириқлар бериш.
3. ГПУ органлари томонидан қулоқ-бой хўжаликларининг оилаларини тинтув қилиш.
4. Пахта топшириш бўйича майда савдогарларга қатъий топшириқлар бериш.
5. Контракция асосида колхознинг барча аъзолари билан бирга пахта топшириш режасини бажармаган колхозчиларга алоҳида талаб қўйиш.
6. Бошқарувчиларини судга тортиш билан бирга ишлаб чиқариш ширкатларига талаб қўйиш.

7. Илгари аниқ белгиланган топшириқларни бажарган айрим қулоқ бой хўжаликларга қўшимча топшириқлар бериш.

8. 1 январга қадар далада қолиб кетган пахтаи ўта маъсулиятсизлик деб ҳисоблаш.

9. Пахта далаларидаги ҳайвонларни тортиб олиш ва бунга йўл қўйган қишлоқ кенташларини судга бериш.

10. Пахта сотиб олиш мақсадида ўзбекларнинг уйларини текширувчи кўчма савдогарларни уюштириш, бошқача айтганда, товар алмаштириш.

Яна бошқа шунга ўхшаш чоралар.

Бу чоралар, албатта, айрим натижаларни берар, бироқ вазиятдан чиқиш имконини бермайди. Нима бўлганда ҳам режани бажара олмаймиз, бироқ деҳқонлар билан алоқамизни ҳаддан зиёд бузиб оламиз.

### Савол ва топшириқлар

1. Хўжалик юртиши шакллариини ривожлантиришда кооперациянинг роли қандай?

2. Қирғизистонда қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш қандай олиб борилади?

3. Кўчманчи ва ярим кўчманчи қирғиз хўжаликларининг ўтроқ турмушга ўтиши тўғрисида айтиб бering.

4. Қирғизистонда ёлпасига коллективлаштириш ва кўчманчиларни режа асосида ўтроқлаштириш якуналари тўғрисида ҳикоя қилинг.

5. Ўзингиз туғилган қишлоқларда коллективлаштиришнинг ўтиши тўғрисида ҳикоя, реферат, маъруза ёки ишро тайёрланг.

### 11-12-§§. Қирғизистонда тоталитар режимнинг мустаҳкамланиши

**Бюрократлаштириш ва бюрократия.** Бутун мамлакатда, жумладан Қирғизистонда ҳам 30-йилларда раҳбарликнинг илгари шаклланган оддий маъмурий-буйруқбозлик усулларида сталинча маъмурий буйруқбозлик системасига ўтила бошлади. Бу нарса яққа ҳокимлик ва яққа шахс буйруқ-бозлигига ўтиш учун қулай шароит яратди.

Совет маъмурий буйруқбозлик системасининг дастлабки кўринишлари «Ҳарбий коммунизм» даврига тўғри келади. «Ҳарбий коммунизм» йилларида барча масалалар буйруқ бериш йўли билан ҳал этилган. Бу янги иқтисодий сиёсат йилларида бошқарувнинг бирмунча сусайганига қарамай, давом этаверди.

Жадал суръатлар билан индустриллаштириш ва мажбуран коллективлаштиришнинг бошланиши билан маъмурий буйруқбозлик усуллари яна жонланди, кейинчалик у ижтимоий турмушнинг барча соҳаларини бошқаришнинг бир бутун системасига айланиб қолди.

Мамлакатда шаклланган бошқарувнинг маъмурий буйруқбозлик системаси ижтимоий турмушнинг барча соҳаларига: иқтисодиётга,

сиёсатга, ижтимоий соҳага, миллий муносабатлар ва одамларнинг шахсий турмушигача сингиб бориб, ўзининг салбий таъсирини кўрсати.

30-йиллардаги совет жамиятида устиворлик қилган тоталитар режимга муносабати бўйича СССРдаги фуқаролар уч гуруҳга бўлиниши мумкин:

— раҳбарга ва қурилаётган социализмга, унинг тенглаштириш ва коллектив ҳолатига чинакам берилиб ишонганлар;

— амалга оширилаётган сиёсатнинг тўғрилигига шубҳа билан қараганлар, унга ишонмаганлар, бироқ умумий оқимга, унга эргашганларга қаршилик кўрсатмаганлар;

— Сталиннинг якка ҳокимлигига қаршилик кўрсатганлар.

Жамиятда маъмурий буйруқбозлик, тоталитар система ҳукмрон бўлиб турган шароитларда одамларнинг жамиятда рўй бераётган воқеаларга нисбатан фикрларининг бир-бирига қарама-қарши бўлган икки типи шаклланди:

— ошқора, мазмунли, ижодий;

— махфий, ўзгармас, тоталитар.

**Ижтимоий муносабатлар.** Ишчилар синфининг, биринчи навбатда, ёшларнинг инқилобий сабрсизлиги, уларнинг сиёсий маданияти ва билимининг пастлиги мамлакатда маъмурий-буйруқбозлик системасининг мустаҳкамланишига имкон берди ва унинг асосий таянчи бўлиб қолди. Улар давлат томонидан берилган баъзи имтиёزلардан рози бўлишган ва кейинчароқ турмуш яхшиланиб кетади, деб ишонганлар. Маъмурий-буйруқбозлик системаси тенглаштиришнинг «гадой бўлсак ҳам, барчамиз тенгимиз» қабилдаги оммавий психологиясини шакллантирди. Мамлакатимизда 30-йилларда ана шундай фикрловчи ходимлар кўпчиликини ташкил этган. Социализмнинг сталинча концепциясида ана шундай ишчиларга, колхозчи-деҳқонларга ва зиёлиларгагина ўрин берилган. Аслида совет кишиси мулкдан ва ҳокимиятдан ажраб қолган эди.

Маъмурий-буйруқбозлик бюрократик системанинг мазмунини мулкни расмий равишда умумлаштириш, аслида эса, ёппасига давлат ихтиёрига ўтказиш муносабатлари ташкил этган эди. Бу нарса ишлаб чиқарувчилар ишлаб чиқариш воситаларидан ажралган, меҳнати ва мулкидан ажраган ишлаб чиқариш муносабатларининг алоҳида типи эди. Ишлаб чиқарувчилар расмий равишда, бошқача айтганда, қонун бўйичагина мулк эгаси бўлиб, аслида ишлаб чиқариш воситаларидан ва ишлаб чиқарилган маҳсулотларга эгаллик қилиш имконидан маҳрум эди. Меҳнат мажбурий бўлиб қолди. Мулк эса эгаси йўқ, «ҳеч кимники эмас» бўлиб қолди. Мулк эгасининг энг асосий вазифаларидан бири уни бошқариш вазифаси меҳнаткашлардан тўла ажратилган ва у давлатнинг, унинг бюрократик органлари қўлига ўтиб қолди.

Совет жамиятидаги эсклуатация маъмурий-буйруқбозлик бюрократик система доирасида кўпинча сирли, яширин тарзда намоён бўлган. Социализм давридаги тоталитар режим томонидан махсус лагерларга

жўнатилган миллионлаб кишиларнинг эркин меҳнати расмий маълумотлар билан яшириб келинди.

Қишлоқлардаги энг камбағал табақалар коллективлаштириш даврида аппаратни қандайдир бир ижтимоий зинапоёга айлантириб, катта обрўга эга бўлди. Улар энди бошқа барча одамлар билан тенг эканлигидан ғурурланиб, ўзини бахтиёр ҳис этди. Социализмнинг тенглаштириш ғоялари 1917 йилда большевиклар ҳокимият тепасига келганларидан сўнг алоҳида таъсир кучига айланиб қолди.

Аппарат ва омманинг муносабатлари «буйруқ бериш-бажариш» алоқаларининг кўп босқичли системаси орқали амалга оширилган. Жамиятнинг ўзида давлат ва партия аппаратини қуйи томондан назоратга олишни амалга оширувчи, қуйидан юқорига томон алоқанинг механизми йўқ эди. Бундай алоқалар «горизонтал» алоқаларини таъминлайдиган пул-товар муносабатлари ҳукм сурган жойлардагина бўлади. *Бундай жамият фуқаролик жамияти деб аталади.* 30-йилларда мамлакатимизда «вертикал» алоқалар, бошқача айтганда, қайта тақсимлаш алоқалари устиворлик қилган. Бундай алоқалар тарихда бўлмаган эди. Партия органлари иқтисодиётда, ижтимоий ва маънавий муҳитда мустаҳкамланиб олиб, давлат аппарати билан чирмашиб кетди.

**Сийёсий муҳит.** XVIII асрдаёқ таниқли француз тарихчиси ва файласуфи Монтескье «тўғри қурилган давлатда ягона ҳокимиятнинг бўлиши мумкин эмас, бир-бирига бўйсунмайдиган уч ҳокимият: қонун чиқарувчи, ижрочи ва суд ҳокимияти яшаши керак. Уларни қандайдир бир орган ёки одам қўлига бириктириб қўйиш умумий манфаатларини нутишга, хиёнатчиликка олиб келади ва инсоннинг сийёсий эркинлиги билан қовушмайди», деган эди.

Мамлакатимиздаги ҳокимият партиявий аппаратнинг сийёсий устиворлигига айланиб қолди. 1918 йил март ойидаёқ Ленин Париж Коммунасининг тажрибасидан келиб чиқиб, совет ҳокимияти тўғрисидаги 10 тезис орасида «мамлакатнинг қонун чиқарувчи ва ижрочилик ишларини бирлаштириш. Бошқарувни қонун чиқариш билан қўйиш» фикрини таклиф қилган. Бундай бириктириш Халқ Комиссарлари Совети орқали амалга оширилган. Фуқаролар уруши йилларида суд ҳокимияти Халқ Комиссарлари Советига бўйсунган ВЧКнинг, бошқа махсус суд бўлмаган органларнинг маҳаллий ижроия комитетлари қўлида тўпланган эди.

Янги иқтисодий сийёсат йилларида суд органлари ва бошқарув органларининг вазифалари бирмунча чеклаб қўйилган. Бироқ 30-йилларда ҳокимиятни тақсимлаш жараёни бузила бошлади. Вакиллик органлари бўлган советларнинг роли пасайтирилиб, ижроия комитетларининг бошқарув вазифалари ҳаддан зиёд кўтарилиб кетган. Вакиллик демократиясининг суётлиги унинг тарихан шаклланмаганлиги оқибати эди. Вакилчилик демократиясининг суётлигидан фойдаланиб, партиявий аппарат бутун ҳокимиятни ўз қўлига одди ва меҳнаткашлар номидан бошқариш имкониятига эга бўлди. Бундай йўл билан тузилган

партиявий давлат аппаратининг суд ҳокимияти, суд органлари ишларига доимий аралашуви натижасида судларнинг ҳукмлари, алоҳида сиёсий аҳамиятга эга бўлган ҳукмларнинг мазмуни олдинданок аниқланиб қолди.

Мамлакатнинг юқори раҳбарлиги учун тайёрланган «альбом ишлари» деб номланган иш қоғозлари пайдо бўлди. Алоҳида варақларга одамларнинг фамилиялари ёзилган иш қоғозлари, Сталиннинг ихтиёрига жўнатилган. Ҳар бир саҳифанинг остки қисмида уч кишининг Ульрих, Ежов, Вишинскийларнинг фамилиялари бўларди. Агар Сталин ундаги фамилияларнинг ёнига «1» деган рақам қўйса, бу отиш деган эди, агарда «2» рақами қўйилса, у 10 йилга қамалган. Агар Сталин саҳифадаги фамилиялар ёнига «1» ёки «2» деган рақамларни қўймаса, демак уларнинг тақдирини Ульрих, Ежов, Вишинскийлар ҳал этиши зарур эди.

Бундан кўриниб турибдики, 30-йиллардаги совет жамияти *фуқаролик жамияти* бўлган эмас, шунингдек, *ҳуқуқий давлат* бўлиши ҳам мумкин эмас эди. *Ҳуқуқий давлат* деган тушунча буржуача тушунча сифатида рад этилган. Шундай қилиб, *бу даврдаги совет жамияти сталинча тоталитар жамият бўлган.*

Тоталитар жамиятни қўйидаги белгилар билан таърифлаш мумкин:

«1) ҳамма учун мажбурий бўлган мафкура; 2) иерархияга асосланиб тузилган ягона партия; 3) махфий полиция; 4) қурол-яроққа монополия; 5) ахборот воситаларига монополия; 6) режали иқтисодиётнинг бўлиши»...

Тоталитар жамиятга хос бўлган юқоридаги белгиларнинг барчаси 30-йиллардаги совет жамиятида мавжуд эди. Ана шу даврдаги совет жамиятида барча учун мажбурий бўлган мафкура-марксизм-ленинзм мафкураси, иерархия бўйича тузилган коммунистик партия, ВЧК, ГПУ, кейинчалик КГБ каби махфий полицияси, партиявий аппарат назорати остидаги армияси, оммавий-ахборот воситалари ва режали иқтисодиёти бор эди.

**Иқтисодий муносабатлар.** 30-йилларга келиб иқтисодий ривожланишнинг ҳозирга қадар давом этиб келаётган модели шаклланди. Шундай қилиб, марказдан берилаётган директив режа ва буйруқларни сўзсиз бажаргандагина яхши ишлайдиган иқтисодий бошқарувнинг буйруқбозлик системаси ташкил топди. У ишлаб чиқаришнинг айрим тармоқларига имтиёз бериб, иқтисодиётнинг тенг ўсишини бузди. Иқтисодий ўсиш экстенсив йўл билан олиб борилди. Машинасозлик, кон қазиниш, электр энергия ишлаб чиқариш каби имтиёз берилган тармоқларга катта капитал маблағ сарфланди. Натижада халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқариш иккинчи ўринга тушиб қолди. Бу халқ турмуш даражасини пасайтирди.

Уша йилларда Совет Иттифоқининг бир қатор республикалари, жумладан, Қирғизистонда ҳам бир томонлама иқтисодий система шакллана бошлади. Марказ, бир томондан, Қирғизистоннинг

иктисодий ва ижтимоий тараққиёти учун анчагина моддий ва молиявий ёрдам кўрсатса, шу билан бир вақтда, ўз сиёсий ва иқтисодий устуниги билан унинг ҳуқуқларини, миллий манфаатларини камситди. Буларнинг барчаси партиянинг асосий йўли — жадаллаштирилган социалистик қурилишни амалга ошириш манфаатларини кўзда тутган эди.

Ўрта Осиё ҳудуди, жумладан, Қирғизистон мамлакатнинг пахта мустақиллигини таъминлайдиган ҳудуд сифатида баҳоланди. Қирғизистоннинг кўпчилик хўжаликлари пахтакор районлар учун мева ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириб берадиган жойга айлантирилди. Республикага ўша давр учун жуда оғир бўлган топшириқлар берилди. Автоном республиканинг шимолий районлари дон, жун ва чорвачилик маҳсулотлари, жанубий районлар эса пахта етиштиришга ихтисослаша бошлади.

**Тоталитар жамиятда инсон.** Мулкдан, ҳокимиятдан, давлатни бошқа-ришдан четлаб қолган одам ҳуқуқий жиҳатдан тўлиқ инсон бўла олмайди. Ўзини инсон сифатида тушуниш совет фуқароларининг кўпчилигида барқарор эмас, ўзгариб турган. Совет фуқароларининг аҳволи партиявий бошқарув аппаратиغا, социализм қуришнинг умумий ишига қатнашиш даражасига боғлиқ эди. Совет жамиятида инсон ҳуқуқи авлод, гуруҳ, жумладан партиявий манфаатлар билан алмаштирилди. Партиявий давлат бюрократиясида борган сари кўпроқ синфий белгилар кўзга ташлана бошлади. Инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш кафолатлари амалда йўқ қилинди. Синфий муносабат ва сиёсий принципаллик қаршисида инсонга нисбатан муомаланинг расмий, инсоннинг руҳий ҳолатлари ва қувончу ташвишларига эътибор берилмаётганлиги яққол намоён бўлди. Мактабларда ўқувчилар «Халқ душманларига» нисбатан муросасизлик руҳида тарбияланди. Баъзи вақтларда уларнинг ота-оналари, қариндошлари, танишлари халқ душманларига айлланиб қолдилар. Жамиятда оммавий жазолаш руҳидаги кайфият шаклланди. Барча даражадаги раҳбарият «халқ душманларини» фош этиш ҳаракатига тушди.

Буйруқбозлик, тоталитар система «озод инсон» деган тушунчага кирган барча нарсаларни: эркин фикрлаш ва мустақиллик, сиёсатчилик, орқага қайтмаслик, ташаббускорлик, ижодкорлигини йўққа чиқарди. Одамлар кўпинча оддий ижрочиларга, бефарқ одамларга айлана бошлади. Ижодкор инсон тоталитар системага қай даражада керак бўлса, ўша даражадагина камол топди. Агар ижодкор инсон тоталитар системага дойиқ келмай қолса, у ном-нишонсиз йўқолиб кетган ёки жазоланган.

Совет жамияти ривожлана борган сари тоталитар система ўзига тегишли бўлмаган кўплаб вазифаларни ҳам бажара бошлади. У ижтимоий турмушнинг барча соҳаларига, инсоннинг ички дунёсига қадар сингиб борди. Унга қаршилик кўрсатиш жуда қийин, кўпинча мумкин ҳам бўлмаган. Тоталитар системага қаршилик кўрсатганлар қувғин остига олинган.

**Зиддиятли 30-йиллар.** 20-йилларнинг охиридан бошлаб совет жамияти бир-бирига қарама қарши бўлган икки хил турмуш кечири бошлади. Жамиятнинг бир томонида, мамлакатни қайта куриш бўйича одамларнинг фидокорона меҳнати ва осойишта яшаш тўғрисидаги орзу-тилаклари, иккинчи томонда, оммавий тарзда бутунлай йўқ қилиб ташлаш конвейерига дуч келган миллионлаб бегуноҳ одамларнинг оғир тақдир турарди. Мазкур томонларнинг ҳар бирида ўзларига хос бўлган қонунлари бор эди. Суд органларидан ташқари «уч кишидан иборат бўлган комиссия» дан ўтиб, унинг қийноқларини бошдан кечирган, бироқ ўлмай қолган одамлар учун «Ахлоқ тузатиш лагерлари тўғрисида» ги қонун чиқарилди. Бундай тақдирга дуч келмай эсон-омон қолганлар бошқа қонунлар билан кун кечиравердилар.

30-йилларнинг ўрталарида ҳам индустрия гигантларига сарфланган катта ҳажмдаги маблағлар қайтарилгани сезилмади. Бунинг асосий сабабларидан бири малакали мутахассисларнинг етишмаслиги эди. Агар ГЭСлар, комбинатлар ва бошқа корхоналарни куришда малакаси паст бўлган ишчилар меҳнати етарли бўлса, уларга ўрнатилган янги техникани, ускуналарни ўзлаштириш учун билимли муҳандис-техник мутахассислар ва малакали ишчилар талаб қилинди.

Ана шундай оғир шароитларда партиявий раҳбарият ишчи ва колхозчи деҳқонларни фидокорона меҳнатга сафарбар этишнинг шошилини чораларини излай бошлади. Партиявий раҳбарият учун меҳнат жасоратини улуғлайдиган қаҳрамон керак эди. 1935 йил 31 август тунида кончи Алексей Стаханов ўзининг икки ёрдамчиси билан бирга бир сменада 15 нормага яқин, кейинги ойда эса бир сменада 32 нормадан ортиқ кўмир қазиб олди. Стахановнинг рекордлари марказий матбуотда кенг овоза қилинди. Мамлакат бўйлаб янги рекордлар тўлқини бошланиб кетди, улар дастлабки рекордчининг номи билан «стахановчилик ҳаракати» деб ном олди. Рекордлар тўғрисидаги матбуот хабарлари одамларни ҳайратга солди ва минглаб ишчи ва колхозчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Стахановчилик ҳаракати Қирғизистонга ҳам ёйилди. У Қизилқия кўмир конларида бошланди. 1935 йил 22 сентябрда кончи С.А. Сопин бир сменада 22 тонна ўрнига 100 тонна кўмир қазиб олди. Сулукта қонидаги Д.Сулаймонов 12 октябрда 110 тонна кўмир қазиб олиб, Сопиндан ўзиб кетди. Рекордчилар ҳаракати секин-аста республика саноатининг барча тармоқларига, колхоз ва совхозларига ҳам ёйилди. Тўқимачилик саноатида Т.Бакалова, Е.Арапаева, Р.Хамутбаева, қанд саноатида Блинов, Сулаймонов, пахта теришда У.Матибраимова, давлагикорликда Ш.Тезекбаевлар донг чиқаришди.

Рекордчилар, меҳнат илғорларида алоҳида кайфият шакллана бошлади. Улар ўз меҳнат қаҳрамонликларини революция ишига қўшган ҳиссалари деб билиб, улар билан фахрланардилар. Тоталитар система рекордчилар ва меҳнат илғорларининг меҳнат зафарларини бутун мамлакатга ёйиш, бу билан меҳнат унумдорлигини ошириш ва ишлаб чиқариш ҳажминини кўпайтиришга ҳаракат қилди. 1935 йилнинг 14-15



декабрида стахановчиларнинг биринчи бутун Қирғизистон слёти бўлиб ўтди. Слётда меҳнат қилишнинг стахановча усулларини ёйиш вазифалари муҳокама қилинди, слёт иштирокчилари Қирғизистонни СССР нинг илғор республикаларидан бирига айлантириш бўйича мурожаат қабул қилдилар.

Бутун мамлакат, жумладан, Қирғизистоннинг ҳам иқтисодиёти оғир аҳволда бўлиб турганда бундай янги кампания фалокатли натижаларга олиб келиши мумкин эди. 1936—1937 йилларда Қирғизистон корхоналарида стахановча смена, сутка, беш кунликлар, 10 кунликларнинг ўтказилиши анча вақтгача ишчиларнинг, қолаверса, жамоаларнинг бир маромда унумли ишлашига ҳалақит берди. Сарфланган хом ашё захиралари тўдиқланмади, ускуналар эскирди, ишлаб чиқариш фожеаларининг сони ўсди, «рекордлар» эса ишлаб чиқаришнинг узок вақт давом этган пасайиши билан кўшилиб кетди. Ҳамиша рекорд учун курашиш иш сифатига салбий таъсир кўрсатди. Бу нарса махсус билимли одамларнинг юзага келишига шароит яратмади, Махсус билимдиларнинг камлиги ишлаб чиқариш маданиятига салбий таъсир этди, ишлаб чиқариш интизомининг бузилиш ҳоллари кўпайди. Иш куни ва режа нормалари кўтарилиб кетди. Малакали ва ваколатли раҳбарият юқоридан келаётган нуфузли буйруқ ва унинг ижроси билан алмаштирилди. Ишлаб чиқаришдаги фалокатлар, брак маҳсудотлар учун конкрет айбдорлар топилиб, улар зиён келтирувчилар сифатида қувғин қилинди.

Бироқ стахановчилик ҳаракати ҳам, зиён келтирувчиларнинг йўқ қилиниши ҳам янги техникани ўзлаштириш масаласини ҳал қила олмади. Ишлаб чиқариш малакасини ошириш учун ФЗОларда, тўғарақларда, техникумларда ўқитиш системаси шошилиш тарзда ўзгартирила бошлади.

Буйруқбозлик тоталитар система қахрамонларга мухтож эди, улар жамиятда топилди. Уларнинг қахрамонликларини кўкларга кўтариш билан бир қаторда системанинг ўзи ҳам шарафланди. Қахрамонларнинг барча жасорати ва меҳнатлари «Сталинча доно сиёсат» натижаси сифатида қабул қилинди. Рекордлар, кашфиётлар, муваффақиятлар доҳийнинг муваффақиятлари билан боғланди ва унинг обрў-эътиборини тўхтовсиз оширди. Кўпчилик одамлар учун ватанга муҳаббат социализм, раҳбариятга, Сталинга муҳаббат синоними бўлиб қолди. Улар шу билан бирга ғам-ташвиш, раҳмсизлик, ўзболарчилик натижаларини ҳам сезиб туришган. Барча муваффақиятсизликни улар конкрет одамлар билан, муваффақиятларни эса Сталин ва унинг теварагидаги шахслар билан боғлаганлар.

Шундай бўлсада, аҳоли бундай раҳбарликка хавф эди. Шунинг учун Сталин тузган система тизимларига қарши бўлганларнинг барчаси йўқ қилиб юборилган. Ошкоралиқнинг йўқлиги туфайли бундай ишлар кўпчиликка маълум бўлмади қолаверди.

Мамлакатга раҳбарлик қилишда Сталиннинг асосий таянчи аппарат эди. Аппарат ўрта звенолари раҳбарларининг салоҳияти, умуман

олганда, Сталинга энг яқин бўлган кишилар салоҳиятидан паст бўлган. 40-йилларнинг бошида район партия комитетлари котибларининг 70 фоиздан кўпроғи бошланғич маълумотга эга бўлса, Марказий Комитет котиблари орасида бошланғич билимга эга бўлганлар 40 фоизга етар эди. Шу боис бундай одамларнинг кўпчилиги иш давомида катта қийинчиликларга дуч келдилар, мустақил ҳолда ишлаш тажрибаси бўлмаганлигидан юқоридан ишнинг майда-чуйдасигача кўрсатма кутиб туришарди.


**СССР Конституциясининг қабул қилиниши ва Қирғизистон АССРнинг Иттифоқдош Республика бўлиб қайта ташкил топиши.** 1936 йил 25 ноябрда Москвада СССР Советларининг VIII съезди очилди. Съезд 5 декабрда «жаҳондаги энг демократик» Конституцияни қабул қилди. Янги Конституция «социализм-коммунизмнинг дастлабки босқичи» ғалаба қозонганлигини эълон қилди. Конституция лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси беш ярим ой давом этди, расмий маълумотларга кўра, унда 75 миллион киши иштирок этди.

1924 йилги Конституцияга таққослаганда, сайлов системаси, марказий ваколат органларининг тизими, мамлакат маъмурий-ҳудудий бўлиниши ўзгарди. Табақавий овоз бериш билан амалга оширилган кўп босқичли тўлиқ бўлмаган сайлов ҳуқуқи ўрнига яширин овоз бериш билан умумий, тўғридан тўғри ва тенг ҳуқуқлилиқ асосида ўтказиладиган сайлов ҳуқуқи жорий этилди. Сайлов ҳуқуқидаги илгариги чекланшлар ва тенгсизликлар бекор қилинди. Бироқ партиявий давлат аппарати томонидан танланган «коммунистлар ва партиясизлар блокидан» кўрсатилган, ягона депутатликка номзод кўрсатишнинг ҳамма жойда маълум бўлган тажрибаси янги Конституцияга киритилган демократик қондаларининг барчасини йўққа чиқарди. Марказий ваколат органларини қайта қуриш ҳам расман эди, холос. Советлар съезди ва Марказий Ижроия Комитети 2 палатадан иборат бўлган Иттифоқ Совети ва Миллатлар Советидан иборат СССР Олий Совети деб юритила бошлади. У тўрт йилда бир марта сайланадиган бўлиб қолди.

Янги Конституцияга инсон ҳуқуқлари ва фуқаролик эркинликлари тўғрисидаги қондаларининг киритилиши кутилмаган воқеа бўлди. Конституция СССРдаги барча фуқаролар учун меҳнат қилиш, дам олиш, билим олиш ҳуқуқларини, қариганда, бетоб ёки меҳнат қобилиятини йўқотганда моддий жиҳатдан таъминланиш ҳуқуқини берди. СССР фуқароларининг тенг ҳуқуқлилиги, уларнинг қайси миллат ёки ирққа мансуб эканлигидан қатъи назар қафолатланади, деб белгилади.

Янги Конституция сўз, матбуот, йиғилиш ва митинглар ўтказиш эркинлигини, жамоат ташкилотларига бирлашиш ҳуқуқи қафолатларини, инсоннинг шахсий эркинлиги муқаддас эканлигини эълон қилди.

Конституциядаги кўп қондалар, айниқса, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қондаларга амал қилинмади. Улар шафқатсиз қувғинлар,



Кыргызстан ССРи

оммавий қамоққа олишлар, отиб ташлашлар билан қўшилиб кетди.

Қонулар орасида фармонларни тасдиқлаш тўғрисидаги қонулар сон жихатидан кўпроқ бўла бошлади. Бу нарса «СССР Олий Совети СССРда давлат ҳокимиятининг олий органидир» деган ғояни йўққа чиқарди.

Конституция барча суд процессларининг ошкоралигини эълон қилди. Адолатли судни судларгина амалга оширади, судлар ҳар қандай органлардан мустақилдир, улар фақат қонунгагина бўйсунди, деган демократик принциплар эълон қилинди. Бироқ ўша вақтда мамлакатда Конституцияга бутунлай қарама-қарши бўлган суд органларидан ташқари органлар системаси иш олиб борарди. Судлар эса, мустақилликдан анча олис эди. Сиёсий ишлар бўйича «адолатли суд»ни турли вақтларда ички ишлар халқ комиссариати хузуридаги махсус кенгашлар, турли «учликлар» ва «иккиликлар» амалга оширди.

Янги Конституция бўйича Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи таркибига кирган Республикаларнинг сони 7 тадан 11га кўпайди. Ўша Конституция бўйича Қирғизистон Автоном Совет Социалистик Республикаси иттифоқдош республикага айлантирилди.

**1937 йилдаги қирғизистон ССР Конституциясининг қабул қилиниши.** СССР Конституциясининг 16-моддасида «Ҳар бир иттифоқдош республиканинг, унинг ҳусусиятларини инобатга олган ва СССР Конституциясига тўла мос келган ўз Конституцияси бўлади» дейилган эди. Ана шу моддага мувофиқ Қирғизистон ССР Марказий Ижроия Комитетининг Конституциявий комиссияси тузилди ва у янги Конституция лойиҳасини ишлаб чиқди, кейинчалик у матбуотда эълон қилинди.

1937 йил март ойида бўлиб ўтган Қирғизистон ССР Советларининг фавқулодда V съезди таҳрир комиссияси томонидан таклиф қилинган вариантни муҳокама қилди ва Қирғизистон ССРнинг асосий Қонуни-Конституцияни қабул қилди.

1937 йилда Қирғизистон ССРнинг янги Конституцияси Республикада «социализмнинг ғалаба қозонганини» эълон қилди. Қирғизистоннинг Конституциясига кўра сайлов системасида, марказий ваколат органларининг тизимида ўзгаришлар бўлди. Илгариги Конституцияга киритилган сайлов системасидаги чеклашлар ва тенгсизликлар бекор қилиниб, барча фуқаролар сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга бўлди. Энди сайловлар очик ва табақавий бўлмай, умумий, яширин, ёпиқ ва бевосита сайлов бўлиб қолди. Советлар съезди ва Марказий Ижроия Комитети ўрнинга бир палатали Қирғизистон ССР Олий Совети тузилди.

Қирғизистон ССР Конституциясига СССР Конституциясида айтилган инсон ҳуқуқлари ва фуқаролар эркинликлари тўғрисидаги қондалар тўдалигича киритилди. Бутун мамлакатнинг бошқа фуқаролари каби Қирғизистон ССР фуқаролари ҳам меҳнат қилиш, дам олиш, билим олиш, қариган чоғда, бечоб бўлиб қолганда ва меҳнат

қобилиятини йўқотганда моддий жиҳатдан таъминланиш, сўз, матбуот ва йиғилишларга эркин қатнашиш ҳуқуқига эга бўлдилар. Янги Конституцияга мазкур қондалар киритилаётган вақтда Республикада оммавий қонуи бузишлар ўзининг юқори даражасига етиб, минглаб одамлар тўхмат билан айбланиб, қувғин остига олинмоқда эди. У Республикада рўй бераётган оммавий бошоломонликларни тўхтатиб, одамларнинг фуқаролик ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қила олмади.

Янги Конституцияда давлат ҳокимиятининг, иттифоқ ва республика органларининг ваколатларини тақсимлаш кўзда тутилган эди. Бошқарувнинг иттифоқ органлари ҳуқуқларининг амалга оширилишини таъминлаш мажбурий бўлиб қолди.

Давлат ҳокимияти ва бошқарувининг умумиттифоқ тасарруфига ташқи сиёсат, уруш ва тинчлик масалалари, республикалар ўртасидаги чегараларни ўзгартириш, иттифоқдош республикалар таркибидаги автоном республикалар, областлар тузилишини тасдиқлаш, ташқи савдо, халқ хўжалиги режалари, бюджет, солиқларни аниқлаш, умумиттифоқ бўйсунувидаги банклар, корхона ва ташкилотлар, транспорт ва алоқани бошқариш ва бошқалар киритилган эди.

Иттифоқ органлари бошқарувиغا кирмаган барча ишларда республика суверен ҳуқуқларини сақлаб қолиш билан бирга давлат ҳокимиятини мустақил амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлди. Конституция бўйича республика бошқаруви тасарруфига республика Конституциясини қабул қилиш ва унинг ижросини назорат қилиш, Қирғизистон қонуналарини қабул қилиш, янги район, шаҳар ва посёлка ҳамда қишлоқ кенгайишлари тузиш, уларнинг таъсир доираларини, республика халқ хўжалиги режалари ва бюджетини тасдиқлаш, умумиттифоқ қонунарига мувофиқ давлат ва маҳаллий солиқларни белгилаш, ер, ер ости бойликлари, ўрмонлар, сувдан фойдаланиш тартибини аниқлаш ва бошқалар қолдирилди.

Давлат ҳокимияти ва бошқарувининг иттифоқ ва республика органлари ўртасидаги ҳуқуқлар тақсимоти рўйхатида қайд этилганидек, миллий республикаларининг ҳуқуқлари ҳаддан зиёд чеклаб қўйилган ва амалда Россия областлари ҳуқуқларидан деярли фарқ қилмас эди, миллий республикаларнинг тенг ҳуқуқлилиги ҳамда уларнинг суверен ҳуқуқлари тўғрисидаги қондалар амалда декларация сифатидагина қолаверди. Миллий республикалар уларнинг ҳуқуқларини бузган умумиттифоқ органларининг қонуний ҳужжатларини тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга эмас эдилар. СССР қонунари бутун мамлакатда бир хил кучга эга бўлиб, республика қонунаридан устун турар эди.

СССР Конституциясида иттифоқ органлари билан республика органлари ўртасида ҳокимиятга дахлдор ҳуқуқларни тақсимлаш умумий принциплари тўғрисидаги қондалар ишлаб чиқилмади. Конституцияда бирликка, бошқарувни марказлаштиришга ва умумиттифоқ органларининг бошқарув ҳуқуқларини бирмунча кенгайтиришга кўпроқ эътибор қаратилди. Республикаларнинг ҳақиқий суверен ҳуқуқлари тўғрисидаги қондалар қозғошда қолаверди.

## Ҳужжатли материаллар:

1. «Халқларнинг буюк доҳийси, барча меҳнаткашларнинг отаси ўртоқ Сталинга Қирғизистон меҳнаткашларининг мактуби» ҳуши-ридан:

Турмушимиз булогисан, Сталин,  
Ҳастимиз посбонисан, шубҳасиз.  
Алвон рангли байроғимиз Сталин,  
Сен ҳамиша навқиронсан, отамиз.  
Гими бўлиб рухлантирди Сталин,  
Қаршимизда маёқдирсан, Сталин.  
Онгимизда поёни йўқ бойликсан,  
Мағрибни меҳри-ла нурга чўмган,  
Машиқда ҳам порлоқ юлдуз ўзингсан,  
Нур берурсан шимолга ҳам, шарққа ҳам  
Жумла жаҳон нурга тўлтай ўзингдан.  
Абадийсан мисли қуёш Сталин,  
Қизил юлдуз абадийдир жаҳонда  
Ҳозирги нотинч даврда,  
Овозимиз жаранглар баралла,  
Отамизсан, муаллимсан, дўстимиз  
Сен Сталин-ўчмас маёқсан.  
Сен Сталин-муқаддассан ва тоза  
Ишимизга туртки бериб, завқ бериб,  
Кучимизга куч қўшасан ҳамиша  
Қанотимиз сенинг билан бақувват,  
Қошу кўзу қароғимиз-Сталин.  
Қалбларимиз сенинг билан уради,  
Завқ берувчи кучимизсан, Сталин.  
Тиниқ сувсан, ҳамма ишни биласан,  
Қайнаб турган қонимизсан, Сталин.  
Порлаб турган қуёшимиз ўзингсан,  
Фикримизсан, ақлимизсан ягона,  
Файрат бобида тенги йўқсан.  
Қувончимиз, шавқимизсан, Сталин.  
Сен бизларга равон йўлни кўрсатдинг,  
Бахтимизга ўзинг борсан дунёда,  
Раҳнамосан, устозимиз Сталин.

## Савол ва топшириқлар

1. 30-йиллардаги ижтимоий кайфиятнинг ўсишига таъриф беришга ҳаракат қилинг. У қандай бўлиши мумкин?
2. Қанақа жамият фуқаролик жамияти дейилади? 30-йиллардаги Совет жамиятини фуқаролик жамияти дейиш мумкинми?
3. Қайси давлатни ҳуқуқий давлат дейиш мумкин? 30-йиллардаги Совет давлати ҳуқуқий давлат бўлмаганлигини фактлар билан исботланг.
4. Қирғиз халқининг миллий давлатчилиги ривожланиш тарихидаги барча босқичларга иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий шарҳ беришг.
5. Қирғизистон Совет Социалистик Республикасини тенг ҳуқуқли ва суверен республика дейиш мумкинми?

### 13-§. Тоталитар режимнинг оммавий жазолашлари

#### **Муқобил ривожланиш тарафдорларининг фожиаси.**

Коллективлаштириш даврида кўп одамларга бой-манап ва қулоқ деган тамға тақилиб, Қирғизистон ҳудудидан ташқарига мажбуран кўчириб юборилди. Бу вақтда баъзи ҳолларда маҳаллий партия раҳбарларига ёқмай қолган ўрта ҳол ва камбағал деҳқон хўжаликлари ҳам бой-манап ва қулоқ деган ном билан тугилган жойларидан ҳайдаб юборилди. Жазо сиёсатининг кучайиши хўжалик юритишга салбий таъсир кўрсатиб, хўжаликнинг издан чиқишига олиб келди.

Давом этаётган оғир иқтисодий вазият ҳамда большевикларнинг қишлоқлардаги сиёсатининг салбий таъсири натижаларидан ташвишга тушган миллий зиёлиларнинг оғли вакиллари Қирғизистоннинг бундан буёнги ривожланиш йўлларини қидира бошладилар. Ана шундай шароитларда большевиклар партиясининг расмий йўлига муҳолиф ғоялар пишиб етилди. Улар бу масала бўйича ўз фикрлари билан ўртоқлашдилар, бироқ муҳолиф ташкилотни тузиш чоғида қатъий ҳаракат қила олмадилар. Улар атиги ўзларига махфий ном беришга улгурдилар, холос.

**Абдикерим Сидиқов** уларнинг таниқли раҳбари бўлиб, **«Манас»** деган махфий исм билан аталарди.

У 20-йилларнинг ўрталарида иш билги, саводли ходим сифатида ўзини кўрсатган. «30лар» мактубининг ташкилотчиси ва асосий муаллифи бўлган. А.Сидиқов биринчилардан бўлиб партиявий ҳокимиятни кучайтиришга йўналтирилган большевикларнинг расмий йўли зиён эканлигини кўра билди. Муҳолифатчилар ўз мафкуравий дунёқарашларини ўз дастурларида ва «Мурожаатнома»сида маълум қилмоқчи эдилар, бироқ у жамоатчиликка етказилмай қолди. Улар социализм ғояларини пантуркизм ғоялари билан уйғунлаштиришга ҳаракат қилганлар. Улар ташкилий ишлар олиб бориб, Социалистик Турон партиясини (СТП) тузишни ҳам ўйлаганлар.

Мазкур ташкилот эндигина тузила бошлаганда, унинг бир аъзоси чақимчилик қилиб, ташкилот тўғрисида ҳокимият органларига хабар берган. Шундай қилиб, бу ташкилот тузилмай туриб, чекистларнинг назорати остида қолди. 1933 йил ёзида янги тузилаётган СТП нинг раҳбарлари ҳибсга олиндилар. Бу партиянинг ҳужжатлари эълон қилинмаганлиги туфайли улар тўғрисида, унинг дастурий мақсадлари ва вазифалари тўғрисида, ташкилот аъзоларининг архивда сақланиб қолган сўроқ протоколларидангина бирор бир маълумот олиш мумкин. Уларнинг қанчаси ҳақиқат ва қанчаси ёлғон эканлигини бугунги кунда ҳам аниқ айтиш қийин. Шундай бўлсада, сақланиб қолган ҳужжатлардаги партия дастури тўғрисидаги маълумотларга таяниб, унинг асосий дастур ва мақсадлари қуйидагилардан иборат эди, дейиш мумкин:



Т. Айтматов



М.К. Аммосов

1. Социализмни бир мамлакатда қуриш мумкин эмас. Социализмни юқори даражадаги техникага эга бўлган ҳолда жаҳон миқёсидагина муваффақиятли қуриш мумкин. Бошқача айтганда, СССРда социализм қуриш ҳаракатлари халқнинг, иқтисодий ва маданий жиҳатдан орқада қолган, собиқ подшо Россиясининг мустамлака жойларида яшаган аҳолининг камбағаллашувиغا олиб келади.

2. Қирғизистондаги совет ҳокимияти томонидан бой-манапшларга қарши юридикалаётган сиёсий ва иқтисодий мазмундаги йирик тadbирлар мамлакатда хўжалик вайронгарчилигини вужудга келтиради.

3. Давлат хизматларига техник билимлари етарли бўлмаган ва давлат бошқаруви учун назарий тайёргарлиги бўлмаган ишчиларни, деҳқонларни тайинлаш бошқарувнинг бузилишига, ўзи бўларчилиқнинг кучайишига олиб келади. Бугунги кунда керакли кадрлар бўлмаганлиги учун бундай принципдан воз кечиш керак.

4. Ленинча миллий сиёсат асосан тўғри ва ибратли бўлгани билан амалда Қирғизистонда нотўғри талқин этилмоқда.

Дастурда, шунингдек, СТП ўзига қарашли кадрлар орасидан мураббийлар ва ташкилотчиларни тайёрлаш, ташкилот ишига раҳбарлик қилиш учун комитет тузиш зарур эканлигини қайд этилган. Ушундай қилинганда партиянинг барча аъзолари комитетга бўйсунушар эди.

Партиянинг асосий мақсади барча туркий халқлар таркибига кирган Турон Федератив Республикасини тузиш эди. Уларнинг фикрича, Турон Республикасида синфсиз демократия бўлиши зарур эди. Олий ҳокимият қурултойга, қурултойлар ўртасида ижроия комитетига тегишли бўлиши керак эди. Қандайдир бир синфдан бўлганлиги учун фуқаролик ҳуқуқларидан маҳрум қилинишига йўл қўйилмайди. Турон ҳокимияти ўрнатилгунга қадар СТП сафларидаги барча фракциялар тақиқлаб қўйилади. Барча туркий тиллар умумий бир тилга айланиши лозим эди.

СТПнинг «Мурожаатнома»сида Қирғизистон халқи ўзининг 3000 йиллик тарихида подшо империализми ишнини давом эттириб келган



қизил милитаризм давридагидек аянчли аҳволга дуч келган эмас, дейилган. Жамиятда ҳарбий-феодал монархия тузуми устулик қилиб, унда райком, марказком котиблари раҳбарлик қилишмоқда. Туронни индустриалаштириш Россия манфаатлари асосида олиб боришмоқда. Большевиклар «босмачилар» деб атаган довюррак йигитлар қизил милитаризмга қарши курашувчилар ҳисобланадилар. Уларга қарши курашиш учун ГПУ (бош сиёсий бошқарма) тузилган, у подшо давридаги жанлармерия каби орган эди.



Б. Исакеев

Турончилар олдиди икки вазифа турар эди: миллий озодликка эришиш принципи ва социализм принципи. Биринчиси бўйича мамлакатни партиявий раҳбарлар бошқариши керак эмас. Иккинчисининг вазифаси-бирорта синф имтиёзли ҳуқуққа эга бўлмаган социализмни тезроқ куриш. Фермер хўжаликларини тузган деҳқонлар СТПини тавлич бўлиши керак. Саноатда ва қишлоқ хўжалигининг йирик корхоналарида давлат капитализми жорий этилади. Улар хусусий мулк бўлиши мумкин эмас. Турон республикасидаги ижроня ҳокимияти тепасида халқ томонидан сайланган президент туради. Турон президенти ҳузурда оқсоқоллар комитети тузилган бўлиб, бу комитет президент қарорларини бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

Юқоридагилардан маълум бўлганидек, СТП теварагига ўз халқининг тақдирини тўғрисида қайғурган, ватанпарварлик руҳидаги зиёлилар гуруҳи тўпланди. Улар ҳибсга олинганларидан кейин турмаларнинг оғир режими, сўроқ ва қийноқларни ботдан кечирингга тўғри келди. Мазкур ташкилот раҳбарларидан А.Сидиқов, А.Шабданов, С.Курмановлар отиб ташланди, қолганлари турли муддатларга сургунга жўнатилди, лагерларда бўлишиб, барчаси таяиниш йўқ бўлиб кетди. Шундай қилиб, Қирғизистон ҳудудида большевикларнинг расмий сиёсатига қарши чиққан ва ривожланишининг муқобил вариантини таклиф қилган муҳолифат ҳаракати тузила бошлаган вақтдаёқ йўқ қилиб ташланди. Кейинроқ Социалистик Турон партиясининг номи ўзгариб НКВД ҳужжатларида «Социал турон партияси» деб атади, унга даҳддор деган айбловлар қўйилиб, кўплаб таниқли сиёсий ва давлат арбоблари қамоққа олинди, отиб ташландилар ёки махсус лагерларга жўнатилдилар.

**Қирғизистон оммавий жазолашлар вақтида.** 1934 йил 1 декабрда Ленинградда, Смольнийда таниқли большевик С.М.Кировнинг ўлдирилиши қатағонларнинг янги тўлқини бошланишига туртки бўлди. Ўша кун Москвада СССР Марказий Ижроня Комитети

✓  
Президиуми террорчилик ҳаракатларини тайёрлаш ва амалга оширишдаги айбловларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисида қарор қабул қилиб, ўшандай ишлар бўйича тергов ва суд олиб боришни, ишнинг барча томонларини адолат билан текширилишига имкон бермайдиган шароитга тушириб қўйди. Ана шундай ишлар бўйича тергов учун 10 кунгача вақт берилди. Ишлар прокурор ёки адвокат иштирокисиз кўриладиган бўлиб қолди. Шикоят қилиш ёки кечирим сўрашга йўл қўйилмади. Ўлим жазоси ҳукм чиқарилгандан кейиноқ амалга ошириларди. Бундай тартибларга 1937 йилда «зарарку-нандалик ва диверсиялар тўғрисида» ги ишларга ҳам дахлдор бўлди. Мамлакатда жиноят бўйича озодликдан махрум қилиш муддати 10 йилдан 20 йилгача кўпайтирилди.

1937 йилда ВКП(б) Марказий Комитетининг февраль-март пленумида Сталин социализм куриш жараёнида синфий курашнинг кучайиши тўғрисидаги янглиш тезисни илгари сурди. У ўзининг «Партиявий ишдаги нуқсонлар, троцкийчилар ва бошқа иккиюз-ламачиларни йўқ қилиш чоралари тўғрисида»ги маърузасида шундай ҳудосалар чиқарди:

1. Чет давлатларнинг осойишталикни бузувчилари ва диверсия-жосуслик ишлари, жумладан, анчагина фаол роль ўйнаган троцкий-чилар озми-кўпми бизнинг хўжалик, маъмурий ва партиявий ташки-лотларимизга ёйилди.

2. Чет давлатларнинг жосуслари, жумладан, троцкийчилар қўйи ташкилотларинигина эмас, балки баъзи бир масъул хизматларни ҳам эгаллаб олдилар.

3. Жой-жойларда бундай бузғунчилар, диверсантлар, жосуслар-нинг ва қотилларнинг чинакам афт-ангорини таниш у ёқда турсин, улар шу қадар очиқ кўнгиллик ва анқовликларини намоён этганлик-лари гуфайли кўп ҳолларда чет давлатлар жосуслари у ёки бу масъул лавозимларга кўтарилишига ёрдам берган.

Сталинининг бундай фикри НКВД, Олий Суд ва СССР Про-куратураси учун «жуда қулай» шароитни вужудга келтирди. Бутун мамлакатда «халқ душманлари»ни оммавий жазолашлар учун йўл очилди. Энди сиёсий айбловлар бўйича ишлар яккама-якка эмас, рўйхат билан кўриб чиқиладиган бўлди. Ҳар бир ишга бир неча дақиқа вақт бериларди. Ўша вақт ичида анкетадаги саволларга жавоб олиш, айбланувчининг ўз гуноҳини бўйнига олганлигини расман билиш ва анча олдин тайёрлаб қўйилган ҳукми эълон қилишга зўрға улгурилган.

Мамлакатда ижтимоий зўравонлик, чидамсизлик, қасд қилиш, шубҳа, чақимчилик вазияти вужудга келди. Бутун мамлакатда бўл-ганидек, Қирғизистонда ҳам партия ва халқнинг «дushmanлари», «жосуслари», «зараркунандалари» ни топиш бўйича катта ҳаракат бошланиб кетди. «Халқ душманлари» ни фoш этиб ёзилган хатлар ҳамма даражадаги ҳокимият органларига ёғилиб кетди. Хоҳ Марказда бўлсин, хоҳ жойларда бўлсин, бундан қатъи назар аксилинқилобчи социал турон партияси аъзоларининг, «алаш-ордо»чиларнинг,

«буржуа миллатчилари»нинг ва бошқа «халқ душманлари»нинг ишлари фoш этила бошланди.

Республика совет ва партия ходимларига махсус уюштирилган ва пухталиқ билан ёзилган сиёсий тухматлар 1937 йил кузида кулминацион нуқтасига етди. Қирғизистон Компартияси биринчи съезидан кейинoқ, Марказкомнинг икки марта пленуми чақирилиб, уларда асосан ана шу, бошқача айтганда, буржуа миллатчиларни «фoш этувчи» масалалар муҳокама қилинди.

1937 йил 4 сентябрдаги Қирғизистон Компартияси Марказий комитети бюросининг қарори билан республикада қатагонликни бошлаган Қирғизистон ички ишлар халқ комиссари Четвертаков ўз лавозимдан бўшатилиди ва СССР НКВДсига жўнатилиди. Янги халқ комиссарлигига Ежов таклиф этган И. Лоцманов тайинланди. Четвертаков билан Лоцманов 1937—1938 йиллардаги репрессиялар чоғида Қирғизистон тарихида қонли из қолдириб кетдилар. Бу лавозимга Лоцманов тайинлангандан кейин қувғинлар ва оммавий жазолашлар янада кучайди. У ўз қариндошини ҳам «халқ душмани» сифатида ўз қўли билан ушлаб берган. Халқ душманларини «қандай вужудга келтириш», уларнинг «гуноҳларини» ва «қилмишларини» далиллаш йўллари Лоцмановга яхши таниш бўлган. Ҳаддан зиёд зўравонлик, буйруқ кучига астойдил ишонган ва уларни ижро этганларнинг жазосиз қолишлари репрессия механизмининг узоқ давом этишига имкон берди.

Ана шундай вазиятда Қирғизистон ҳудудидангина минглаб дехқонлар, ишчилар, зиёлилар, совет ва партия ходимлари ноқонуний жазолаш қурбонлари бўлиб қолдилар. Ноқонунийлик ва зўравонлик қурбонлари орасида Қирғизистонда Совет ҳокимиятини ўрнатдиш, Қирғиз миллий давлатини тузиш учун курашган Қирғизистоннинг асил ўғлонлари **Абдикерим Сидиқов, Жусуп Абдрахманов, Иманали Айдарбеков, Баяли Исакеев, Тўрақул Айтматов, олимлардан Эшенали Арабаев, Қосим Тўнистанов, Евгений Поляванов**, республика партия ташкилоти раҳбар ходимларидан **М.К.Аммосов, Х.Жээнбаев, Ж.Свадаев, К.Кененбаев, Х. Колбаев, Е. Султанбеков** ва бошқа кўплаб ходимлар бор эди.

Оммавий жазолашлар натижасида энг яхши ҳўжалиқ ва партия раҳбарларини йўқотиш, республикада Совет ҳокимияти йилларида миллий ҳаракат ва оғглиликнинг ўсиши натижасида шаклланган кадрларнинг миллий заҳирасидан ажратиш мақсади кўзланган эди. Шовинистик дунёқарашдаги М.Л.Белоцкийнинг партиявий раҳбарликда туриши уни амалга оширишни енгиллаштирди. Кейинчарoқ унинг ўзи ҳам репрессия қурбонига айланди. Хўжалиқдаги муваффақиятлар репрессияга учрамаганлар ёки уларнинг ўрнига келганларга, камчиликлар эса, «халқ душманларига» тўнкалди. Омон қолганлар орасида янги потенциал гуноҳкорларнинг сояси кўришиб турарди.

Таниқли сиёсий, давлат арбобларини, ижодкор ва муҳандис зиёлиларнинг сарасигина эмас, оддий коммунист ва партиясизлар ҳам репрессия қилинган. Улар орасида тасодифан ёки қўшиларнинг қора

ниятли чақимчилиги билан айбланган, ҳеч қандай ишга алоқаси бўлмаган, саводсиз, сиёсатдан олис одамлар ҳам бор эди. Бутина эмас, мактабларда ҳам ёш «халқ душманлари» топилиб, кўпинча уларга қандайдир бир айб юкланиб қўйилганки, уларнинг ўзлари ҳам унинг маъносини тушунмас эдилар.

Ўша йилларда олис Тиёншондаги қишлоқлардан бирида бир чўпон ушланиб, уни Троцкийчи деб айблашган ва қийноққа солишган. Бечора барча нарсани ўз бўйнига олгиси келсада, чорасини топа олмайди. Ниҳоят унинг миясига бир фикр келди.

—Тўғри,— деди у рози бўлиб,— мен троцкийчиман. Троцкийни кўрганман ҳам.

— Қандай? Қанақа одам экан?, — деб сўрашди терговчилар.

— Қўй ҳайдаб кетаётиб тепаликда кўрдим. Қарасам, Троцкий турибди. Манасдай ботир экан. Мўйлабининг узунлигини айтмайсанми, пальтоси узун. Пулёмет тасмаларини келиштириб боғлаб олибди. ёнбошида тўппонча. Икки қўлида биттадан граната. Менга бўйсунасанми, — деб сўраб қолса бўладими. Қўрқиб кетганимдан рози бўла қолдим...

Шундай қилиб, у «троцкийчи» бўлди — қолди. Қийноқ тўхтади. Чўпон суд қилинди, Сибирь лагерларидан бирида номаълумлигича йўқолиб кетди.

Ўша таҳликали йилларда Ўш вилоятида алоҳида топшириқлар бўйича терговчи бўлиб ишлаган бир ходим кейинчалик ана шу вақтлар ҳақида ҳамкасбларидан бирига сўзлаб берибди. У 1937—1938 йиллардаги қонли жазолашлар чоғида бир кечада юздан юз эллик нафаргача «халқ душманлари» ни йўқ қилишига тўғри келибди. Уларнинг қўл-оёғини бойлаб, оғзига латта тиқиб, олдиндан қазиб қўйилган чуқур қирғоғига юзтубан ётқизишган. Кейин масъул ходимлар уларни бир-бир отиб чиқишган. Бу иш кўпинча тунда амалга оширилганлиги учун улар ярадор бўлишган, чала ўлик ҳолича чуқурга тегиб туширилган ва устидан тупроқ тортилган. Отилганларнинг кўпчилиги тирик бўлганлигидан тупроқ бети анчагача кўтарилиб тушиб турган. Ўша одам кейин полковник даражасига етган, пенсияга чиққан ва қариб, ўз ажали билан ўлган.

Ўша йиллардаги жазо органлари вакиллари — суд ва прокуратура ходимлари, НКВД терговчилари ва аппарат ходимларининг ўзлари ҳам оммавий жазо қурбони бўлишди. Москвага чақирилган собиқ ички ишлар халқ комиссари Четвертаков, Олий Суд раиси Б.Сегизбоевлар ҳам қатағон қилинди.

Оммавий жазолашлар натижасида энг яхши ходимлар ижтимоий турмушдан четлатилдилар. Бу бутун давлат ва ижтимоий ташкилотлар фаолиятига салбий таъсир кўрсатди, иш самарадорлигини пасайтирди. Ўша қонли йилларда Қирғизистонда қанча одам оммавий жазолашлар қурбони бўлганлиги ҳақида бугунги кунгача ҳам аниқ маълумот йўқ. Баъзи аниқ бўлмаган маълумотларга кўра, Қирғизистонда қатағон қилинганларнинг сони 40 минг кишига етади. Ўша йилларда Респуб-

ликамизда 2 миллионга яқин аҳоли яшар эди. Демак, ҳар 53 кишидан бири қатағон қилинган, деган ҳулоса чиқариш мумкин. Бугунги кунда уларнинг 13 мингдан кўпроғи аниқланди.

Ҳозир Республикамиз ҳудудида қатағон йилларида йўқ қилинган одамлар дафн этилган учта жой маълум. Улардан бири Бишкекдан 25 километр наридаги Чўнг Тош чанғичилик базаси тепаликларида жойлашган. Бу ерда Қирғизистонда машҳур бўлган 137 нафар давлат ва партия ходимларининг ҳоқи ётибди. Улар 1938 йил 6—8 ноябрда, Октябрь инқилобининг 21 йиллигини нишонлаш чоғида отилиб, ўша ердаги гиштхонага ташлаб кўмиб юборилган. Иккинчиси Ўшдаги Оқбура дарёси қирғоқларида, учинчиси Иссиқкўлнинг жанубий тарафидаги Тўнг жарлигида жойлашган. Ўша даврдаги қонли воқеалар тўғрисида «1937 йил» номли ва бошқа китобларда кенг маълумотлар берилган.

## Ҳужжатли материаллар

**1. Қирғизистон КП(б) МК бюросининг 1937 йил 15 сентябрдаги протоколидан:** Қирғизистон КП(б) Марказий Комитети ВКП(б) Марказий Комитетининг ва Уртоқ Сталиннинг халқ душманларини таг-томири билан йўқ қилиш учун қатъий ва аёвсиз кураш олиб бориш тўғрисидаги кўрсатмаларини бажармади, буржуа миллатчиларига қарши большевикларча курашин талаб қилган партия фаоллари ва партиявий омма овозига қулоқ солмади, натижада халқ душманлари республика партия ва совет органларига қадар бўлган раҳбар лавозимларига кўтарилиб, (Исакаев, Орозбеков, Жўзибаев, Эсенаманов, Юбулатов, Абулатов, Айилчиев ва бошқалар) кейинги вақтгача ҳам Қирғизистон Компартияси Марказий Комитети бюроси таркибида қолишган (Исакаев, Эсенаманов, Орозбек, Жўзибаев)...

Қирғизистон КП(б) МКда ҳозир фош этилган миллатчилар-Исакаев, Жўзибаев, Орозбеков, Айилчиев, Эсенаманов, Жилкибаев, Далбаев ва бошқаларнинг миллатчилик, аксининқилобчилик ҳаракатлари тўғрисида етарли материаллар бўлган, бироқ МКнинг бюроси уларни ошкор қилмаслик учун ҳаракат қилган, уларни партия сафларидан чиқариш тўғрисидаги масалани ҳал қилишни чўзиб юборишган, бу нарса халқ душманларини яширишининг ўзидир...

**2. Қирғизистон ССР Халқ Комиссарлари Советининг қамовқа олинган раиси Б.Исакаевнинг турмадан 1937 йилнинг 4 декабрида Сталинга ёзган хатидан:**

Шу вақтгача қирғизлардан совхоз ёки МТСнинг бирорта ҳам директори, (уларнинг сони республикада 100 га яқин) бирорта ҳам хўжалик раҳбари йўқ, маданият ходимлари, ўқитувчилар, адабиётчилар, таржимонлар ва шу каби ходимлар бутунлай танқис. Шу билан бир вақтда аксининқилобчи миллатчилар (илгарироқ қамовқа олинган А.Сидиков, Ж.Абдрахманов, Д.Бабаханов, Р.Кудайкулов) деярли барча республика миқёсидаги қирғиз ходимларини аксининқилобчи, Социал турон партиясида иштирок этганлар, деб айболомқдалар. Бу иш бўйича юздан ортиқ қирғиз хизматчилар қамалди, уларнинг кўпчилиги бутунлай беғуноҳ жафо чекмоқдалар ва уларнинг обрўсига путур етди. Бундай оммавий қамовқа олишларни халқ тушуинмаяпти.

**3. Этнограф З. Л. Амитий Шاپиронинг 1937 йилги Тошкент турмасидаги воқеалар тўғрисидаги эсдаликларидан:**

Билми тергов чоғида қийнадилар, суткасига бир неча соат дўзах азабига солинди. Жосусликни бўйинимизга олдира бошладилар. Камерадошимиз – бир уй-

ур киши ҳеч бир жойи шикастланмаган ҳолда тез орада қайтиб келди. Биз нима бўлганлигини, нима учун калтакланмаганлигини сўрадик. Уйғур чала-чулига ўрича қилиб айтиб берди. «Сен жосусмисан?», — дебди терговчи. «Жосусман», — дедим. У: «Имзо чек», — деди. Имзо чекдим. Кейин мени қўйиб юборди. Кейин учрашганимизда: «Сен кимнинг жосусмисан, Япониянингми?» — деб сўради. «Японияники», — дедим. «Имзо чек — деди. — Кейин кетавер», — деди.

Бўлган савол — жавоб шу, холос.

— Тентак, — камерадагиларнинг жаҳди чиқди, сен ўзингга ўзинг ўлим ҳукмига имзо чекибсанку?

— Нега тентак бўлар эканман? Сизларни қийнашмоқда, кейин отиб ташлайдилар. Мени эса қийнашмайди, уришмайди, шундоққина отиб ташлашади. Нега тентак бўлар эканман?

**4. И.П.Лоцмановнинг «20 йиллик фидокорона меҳнат» мақоласидан:**

Ўртоқ Ежовнинг раҳбарлиги остида халқ душманларини Қирғизистонда ҳам тор-мор қилиш муваффақиятли бораётир. Узоқ вақтдан буён бу ерда троцкийчилар-белокныйчилар, страмблерлар, чистяковлар ва бошқалар, ўнг бухаринчи ялангосқлар-шчербаковлар, шахрайлар, прохоровлар, буржуа миллатчилари, чет эллик жосусларнинг малайлари — Аммосовлар, Абдрахмановлар, Исакеевлар, Орозбековлар, Камбаровлар ашаддий қора ниятли иш олиб бордилар... Уларнинг саёй-ҳаракатлари бекорга кетди. Қирғиз халқи ўзининг барча душманларини таг-томиригача қириб ташлайди ва аёвсиз йўқ қилади, уларнинг бузғунчилик иш касофатларини бартараф этади...

Ф.Э.Дзержинский ва М.И.Ежов тарбиялаган чекистлар — ички ишлар халқ комиссариятидагилар жамоаси халқ ишончини оқлаш, барча душманларни таг-томиригача йўқ қилиш учун бутун куч-қудратини сарфлайди.

Халқ душманлари ҳар қанча яширинишмасини, НКВДнинг жазоловчи қўлидан чиқиб кета олмайдилар.

### **Савол ва топшириқлар**

1. 30-йилларда ривожланишнинг муқобил йўли тарафдорлари кимлар эди? Уларнинг кейинги тақдирини қандай бўлди?
2. Оммавий жазолашлар кимларга қарши йўналтирилган ва бу сиёсатнинг мақсади нимада эди?
3. Оммавий жазолашлар жамиятнинг ривожига қандай таъсир кўрсатди ва унинг натижалари қандай бўлди?
4. Ўз кишлоғингиз, районингиз, шаҳрингизда оммавий жазолашлар қурбонларини тўғрисида ҳикоя, реферат тайёрланг.
5. 30-йилларда жамиятдаги вазиятни таҳлил қилишга ҳаракат қилинг.

## **14-§. 20-30-йилларда Қирғизистоннинг маънавий ҳаёти**

**Таълим.** Совет ҳокимияти ўрнатилгандан кейин маориф масалалари бўйича бир қатор декретлар қабул қилинди. Черков давлатдан, мактаб черковдан ажаратилди. 1918 йил 16 октябрда қабул қилинган «Ягона меҳнат мактаби тўғрисидаги низом» таълимнинг илгариги тизимини йўқ қилиб, унинг ўрнига совет тизимини ўрнатишга йўналтирилган эди. 1919 йил сентябрда Туркистон республикаси советларининг съезди бу низомни тасдиқлади. Қирғизистонда ҳам

қабул қилинган низомга мувофиқ таълим тармоғини тузиш бошланиб кетди. Илгариги мактаблар йўқ қилинди, мактабларда диний эътиқодларни ёйиш тақиқланди, Ўғил болалар ва қиз болалар бирга ўқитила бошланди. Аҳолининг билим ва маданий даражаси пастлиги Қирғизистондаги хўжалик ва маданий қурилишга тўсқинлик қилди. Саводсизликни тугатишдан тўртиб олийгоҳларни барпо этишгача бўлган барча соҳада таълимни ташкил этиш вазифаси турар эди. Аҳолининг саводсизлигини тугатиш масаласи долзарб масалалардан бири бўлди. 1927 йилда Қирғизистондаги умумий аҳолининг атиги 15,1 фоизигина саводли эди. Таълим тармоғи моддий базасининг ночорлиги, мактабларнинг она тилидаги дарсликлар билан таъминланмаганлиги, ўқитувчиларнинг етишмаслиги ва қирғизларнинг кўчманчилик турмуш тарзи аҳоли саводсизлигини бартараф этиш ишини қийинлаштирди.

Уша йилларда Қирғизистон мактабларида большевикларнинг раҳбарлиги остида ўқитувчиларнинг сиёсий ва педагогик билимларини текшириш ўтказилди. Натижада Октябрь инқилобига қадар билим олган, бадавлат тоифалардан чиққан ўқитувчилар индан ҳайдалдилар. Бу нарса ўқитувчи кадрлар билан таъминлаш масаласини янада оғирлаштирди.

Ана шундай шароитларда бутун мамлакатда бўлганидек, Қирғизистонда ҳам жадал индустрлаштириш бошланиб кетди. Қурилаётган янги корхоналарга саводли кишилар керак эди. 1929 йилдан бошлаб таълимга ажратилган маблағлар ҳажми кўпайтирилди. Саводсизликни тугатиш бўйича оммавий кураш кучайди. Бу ишга барча ўқитувчилар, маданият ходимлари, барча саводли одамлар жалб этилди. Дарсликлар ва таълим асбоб-анжомлари билан таъминлаш бирмунча яхшиланди. 1930 йилдан бошлаб чаласаводларга ёрдам сифатида «Саводли бўл» деган газета чиқа бошлади.

Умумий таълим мактабларининг тармоғи кенгайди. 1937 йилда Қирғизистонда 1516 та бошланғич, 203 та тўлиқсиз ва 35 та ўрта мактаб ишлаб турди. Урушга қадар бўлган йилларда 6 олий, 33 махсус ўрта ўқув юрлари очилди.

Уша йилларда тўлиқ бўлмаган қирғиз мактабларининг сони 79 та эди. Бироқ юқори синфларда қирғиз болалари жуда кам бўлиб, улар-



«Эркин-Тоо» газетаси, 1926.



«Кизил Қирғизистон» газетаси  
1928.

нинг сони жуда суст ўсди. Қирғиз мактабларида 9—10-синфлар деярли бўлмаган.

20—30 йилларда оммавий таълим мактаби системаси шаклланди. У бошланғич ва ўрта таълимнинг бир қатор масалаларини ҳал этиш имконини берганига қарамай, ўзини тўла оқлай олмади. Мазкур система ўқувчиларнинг шахсий қобилиятларининг ўсишига имкон бермади, уларнинг ташаббускорлигини боғлаб қўйди, миллий хусусиятлар ҳисобга олинмади. Шу билан бирга ўқувчиларнинг умумий билим даражаси ҳам паст эди. Мактабларда тарбиявий ишларга табақавий муносабат берилиб, умуминсоний қадриятлар ва инсоний идеалларга эътибор берилмади.

1932 йилда Фрунзе шаҳрида дастлабки билим юрти – Қирғизистон

давлат педагогика олийгоҳи ташкил топди. Ундан кейин бошқа олийгоҳлар очилди. Шундай қилиб, урушгача бўлган йилларда Қирғизистонда 6 та олийгоҳ ва 34 та махсус ўқув юртлири ишлаб турган.

**Фан.** 20-30 йилларда Қирғизистонда фаннинг айрим тармоқлари ривожлана бошлади. СССР Фанлар академияси илмий экспедициялари ташкил этилиб, улар республиканинг табиий ресурсларини ўргана бошладилар. 1928 йилда Қирғизистонда дастлабки илмий муассаса—Қирғизистон ўлкашунослик илмий тадқиқот институти очилди. Унда зоология, ботаника, озуқа етиштириш, зоотехника, тил ва имло бўлимлари бор эди.

1931 йилда ўлкашунослик институтидан чорвачилик илмий тадқиқот институти ажралиб чиқди ва наслчилик ва озуқа базасини яхшилаш бўйича тадқиқотларни бошлаб юборди. Кейинчалик ўлкашунослик институтидан тил ва имло институти ажралиб чиқди. У кейинчалик тил, адабиёт ва тарих институтига айланди. Институт қирғиз адабиёти, тил ва тарих бўйича тадқиқот ишлари олиб борди.

**Зиёлилар.** Қирғиз халқининг зиёлилари Октябрь инқилобигача шакллана бошлаган бўлса ҳам, улар сон жиҳатидан жуда оз эдилар. Қирғизистон ҳудудида истиқомат қилаётган бошқа миллатга мансуб зиёлилар сони ҳам оз эди. Дастлабки қирғиз зиёлилари кўпинча ўқиш имконияти бор бўлган бадавлат бой манаплар оилаларидан чиққан. Октябрь инқилобидан кейинги йилларда большевикларнинг табақавий



сиёсати натижасида уларнинг кўпчилиги билимга лойиқ ишлай олмадилар. Бу нарса билимли кадрлар танқислигини янада оширди. Шундай қилиб, совет ҳокимияти йилларида миллий зиёли кадрларни амалда янгидан тузишга тўғри келди. Қирғиз зиёлilarининг шаклланиш жараёни оғир кечди ва узоққа чўзилди.

Қирғиз миллий зиёлilarи большевиклар партияси ва Совет ҳокимияти ишига содиқ батрак, камбағал деҳқон ва ишчилар вакиллари партия, совет раҳбар хизматларга кўтариш йўли билан тўлиқланиб турган. Уларнинг умумий билими ва сиёсий даражасини кўтариш учун қисқа муддатли курслар, совет, партия мактаблари ташкил этилди. Доимий фаолият кўрсатадиган билим юртлари бўлмаганлиги туфайли Қирғизистонда узоқ вақтгача кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш курсларида ўқитиш системаси кенг қўлланилган. Шу билан бирга улар қисқа муддатли тайёрлов бўлимларида, ишчи факультетларида ва бошқа ўқув юртларида ўқитилганлар.

Миллий зиёли кадрлар сони 1928 йилдан бошлаб тез ўса бошлади. 1928-1929 йилларда бир ҳунар мактаби, 5 техникум, 4 деҳқон ёшлари мактаби, ишчи факультетлари ва бошқа ўқув юртлари ишлаб турган, уларда 1630 нафар ўқувчи ўқиган. Ана шу ўқув юртларини тамомлаганлар асосан қирғиз зиёлilarининг дастлабки гуруҳи эди.

Ўрта ва олий малакали зиёлilarнинг ўсиши биринчи навбатда таълим ва маданият, медицина ходимлари ва қишлоқ хўжалик мутахассислари, кейинроқ муҳандис-техник ва илмий кадрларни жадал суръатларда тайёрлаш ҳисобига таъминланган. Республикада зиёлilarнинг катта гуруҳи вужудга келди. 1941 йилда саноат, қишлоқ хўжалигида, мактабларда, илмий муассасалар, театрлар ва бошқа муассасаларда 12830 нафар ўқитувчи, 956 агроном, 532 муҳандис, 357 ёзувчи ва журналист, 269 санъат ходимлари, 247 илмий ходим, 191 ветеринария врачлари ва бошқалар фаолият кўрсатган. Уларнинг 3700 нафардан кўпроғи олий, 7300 нафари ўрта махсус билимга эга эди.

Буйруқбозлик, тоталитар система учун Совет ҳокимиятининг маданият соҳасидаги ютуқларини жаҳонга тарқатадиган зиёлilar зарур эди. Системанинг бундай фикрига, «социалистик реализмга» мос келмаганлар очикдан очик қувғин қилиниб, оммавий жазолаш йилларида уларнинг аксарияти йўқ қилинган.

Шундай қилиб, «маданий революция» йилларидаги табақавий сиёсат натижасида миллатнинг интеллектуал турмушининг олий даражасини сақлаб қолиб, унинг янада камол топишини таъминлайдиган янги ва эски зиёлilar ўртасидаги интеллектуал ва маънавий боғланиш бузилди. Бунга қадар Қирғизистонда мустақил фикр юритишга лаёқатли бўлган интеллектуаллар сафи жуда оз эди. «Маданий революция» йилларидаги янги совет зиёлilarида бундай кўникмаларни атайлаб йўқ қилишга ҳаракат қилинган, Шунинг учун омма-



К. Тишистанов



А. Токомбаев



Т. Сидайбеков

вий жазолашларнинг қонли тўлқини биринчи навбатда интеллектуалларнинг худди ўша табақасига таъсир қилди.

**Маданият ва санъат.** 20—30-йилларда Қирғизистон ёзувчилари, шоирлари, барча санъат усталарининг фикри-зикри қирғиз халқининг социализм ғалабаси учун қилаётган меҳнати, кураши, Ленинга, коммунистик партияга ва Ватанга муҳаббатини ёритиш, патриархал феодал тузумни, бойлар, маоналар ҳокимиятини мақтаб ёзган буржуа миллатчиларига қарши курашга йўналтирилди.

Ўша йилларда Қирғизистон ҳудудида адабиётчиларнинг кўплаб ташкилотлари, бирлашмалари, секциялари тузилди. Қирғиз ёзувчилари «Қизил Қирғизистон» газетаси ҳузуридаги «Қизил учкун» бирлашмасига, рус ёзувчилари Қирғизистон пролетар ёзувчилари ассоциациясига киришди. Дунган, ўзбек секциялари ҳам алоҳида иш олиб боришди. Республика бўйича бундай бирлашмалар 23 тага етди. 1930 йилда мазкур адабий бирлашмалар Қирғизистон пролетар ёзувчилари ассоциациясига бирлашиб, Россия пролетар ёзувчилари ассоциацияси (РАПП) таркибига кирдилар. Буларнинг барчаси пролетар маданият мафкурасига мувофиқ олиб борилди.

ВКП(б) Марказий Комитетининг «Адабий-бадиий ташкилотларни қайта қуриш тўғрисида»ги қарори 1932 йилнинг 23 апрелида қабул қилинди. Қарорга мувофиқ, пролетар ёзувчилари ассоциациялари, жумладан, Қирғизистон пролетар ёзувчилари ассоциацияси тугатилди. Ёзувчиларнинг бу ташкилотларига адабий жиҳатдан партия сиёсати принципларини қўпол равишда бузган ва совет адабиётининг ижодий усуди билан назарийси ўртасидаги масалаларда марксизм-ленинизмга ёт қарашларни тарғиб қилган, оғзаки халқ ижодиётининг бой хазинасига нисбатан ингилистик муносабатда бўлган, ўтмишнинг маданий бойликларини танқидий ўзлаштиришда ва фойдаланишда ленинча ўқинишга таг-томири билан қарши иш олиб борган, деган айб қўйилди.

1934 йил апрелда Қирғизистон ёзувчиларининг съезди бўлиб ўтди. Съездда Ёзувчилар уюммаси тузилиб, унинг раислигига А.Токомбаев сайланди. Съезд ёзувчиларни, шоирларни социалистик реализмни ўрганишга, юксак ғоявийлик ва бадний ижод учун курашга чақирди. Улар ўз асарларини яратишда партия кўрсатмаларини раҳбарликка олишга мажбур бўлиб қолдилар. Шундай қилиб, мазкур ижодий ташкилот устидан партиявий назорат ўрнатилди.

20—30 йилларда адабиётнинг деярли барча жанрлари — роман, повесть, поэма, ҳикоя, пьесалар яратилди. Т.Сидиқбеков, К.Жантошев, М.Элебаев, А.Токомбаев, К.Баялинов, Ж.Турусбеков, Ж.Бокомбаев, К.Маликов, А.Токтомушев ва бошқа ёзувчиларнинг асарлари чоп этилди.

Токтоғул, Тоголок Молдо, Барпи Аликулов, Қалиқ Акиев, Осмонкул Болобалаев ва бошқа шоирлар қирғиз поэзиясининг ўсишига хисса қўшдилар. Шоирлар оғзидан «Манас», «Курманбек»,

«Кожожаш», «Жанип-Байиш», «Эр Табибди» ва бошқа асарлар ёзиб олинди. Ҳақиқатан ҳам 20—30 йилларда классик адабиётнинг кўпгина асарлари қирғиз тилига таржима қилинди.

20-30 йилларда Қирғизистонда миллий профессионал театр, музика ва бадний рассомчилик санъати шаклланиб, бир мунча ривожланди. 1926 йил охирида Фрунзеда театр студияси очилди, у 1930 йилга келиб музика драма театри бўлиб қайта тузилди. 1935 йилда Луначарский номли давлат театр институтининг хузурида миллий кадрларни тайёрлаш мақсадида қирғиз студияси очилди. 1936 йилда Қирғизистон давлат филармонияси ва унда халқ асбоблари оркестри ташкил этилиб, унга Муратаали, Карамолдо, Муса, Атай каби йирик музикачилар тўйландилар. Ҳақиқатан ҳам 20—30 йилларда яқиндорли қирғиз композитори А.Малдибоевнинг дастлабки асарлари вужудга келди. 1935 йилда рус драма театри дастлабки спектаклларини халққа тақдим этди. Манзара графика, ҳайкалтарошлик каби санъат турлари ҳам ривожланиб, 1935 йилда расмлар галереяси, 1939 йилда эса, бадний рассомчилик билим юрти очилди. Г.Айтиев, С.Акилбеков, С.Чуйков ва бошқа рассомларнинг ижодий ишлари бошланиб кетди.

Ҳақиқатан ҳам 20—30 йилларда мамлакатда буйруқбозлик, тоталитар режим мустаҳкамланиб, большевик раҳбарият жамият турмушининг барча соҳаларига, жумладан, маданият ва санъат соҳасига ҳам кўпроқ аралаша бошладди.



Қирғиз санъатининг Москвада ўтган 10-йиллик юбилейи концерни дастури

Кўплаб шоир ва ёзувчиларга «бой-манав», «аксилнқилобчи» «буржуа миллатчиси» каби айблар тўнкалиб, мафкуравий, сиёсий жиҳатдан зарарли деб топилди, қувғин қилинди. 20-йилларда алоҳида китоб бўлиб чиққан «Семетей» эпоси, Боогачининг «Куйган», «Секетбай», К.Баялиновнинг «Ажар» асарлари эскиликни мадҳ этувчи асарлар сифатида айланди. Иқтидорли шоир Казибек аксилнқилобчи сифатида Қирғизистон ҳудудидан ташқарига сургунга жўнатилди, унинг асарлари таҳқиқлаб қўйилди. 30-йилларнинг бошида баъзи қисмлари А.Сопиев, Ш.Коконев К.Жантошевлар



Х. Карачев

иштирокида ёзилган К.Тинистановнинг «Академик оқшомлар» пьесаси «зарарли», «буржуача миллатчи» асар деб айбланиб таҳқиқлаб қўйилди.

К.Тинистанов, С.Карачев, Ш.Коконев, С.Наматов, Б.Кененсариевларга «аксилнқилобчи», «буржуача миллатчи мафкура тарқатувчилари» деб айб қўйилди. Кейинчалик К.Тинистанов «аксилнқилобчилик ва буржуача миллатчиликнинг бош идеологи» деб аталди.

Жазо чоралари маънавий турмушни ҳам ўз домига олди. Қирғизистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг 1938 йил 8 сентябрдаги қарорига мувофиқ, китоб дўконларидан ва жамоатчилик кутубхоналаридан олиб ташланиши керак бўлган «халқ душманлари» ва «буржуа миллатчилари» деб номланган муаллифларнинг китоблари ва брошюралари, шунингдек, портретларнинг, муаллифларнинг, рўйхати тасдиқланди. Улар Ж.Абдрахманов, О.Алиев, Т.Айтматов, Ж.Абдуллин, М.Белоцкий, Т.Жолдошев, Б.Данияров, Х.Жээнбаев, Б.Исаев, А.Идрисов, К.Камбаров, Е.Полливанов, С.Сарманов, А.Тоқонбаев, К.Тинистанов, И.Тойчинов, А.Орозбеков, В.Шукурбеков, А.Шабданов, Э.Эсенаманов ва бошқалар эдилар.

Шунингдек, юқорида номлари зикр қилинганлардан бошқалар «халқ душманлари», «буржуа миллатчилари» қаторига қўшилганларнинг шеърлари, мақолалари ва расмлари босилган қирғиз тилидаги китобларни сотиш таъқиқлаб қўйилди. 1935 йил декабрнинг охирларида Фрунзе шаҳрида ўтказилган «Манас» эпоси бўйича Бутуниттифоқ конференцияси материаллари илмий жамоатчилик эътиборидан четда қолиб кетди. Тез орада бу материаллар эпосга миллатчилик руҳидаги фикр-мулоҳазалар кириб қолган, деган баҳона билан ички ишлар халқ комиссариатининг маҳсус жойига яшириб қўйилди. Конференция ташкилотчилари ва маърузачилари, шунингдек, «Манас» эпосини нашр этиш бўйича таҳрир ҳайъатининг баъзи аъзолари, жумладан, *Қозоғистоннинг таниқли давлат арбоби, иқтидорли ёзувчи Сакен Сейфуллин қувғин қилинди.*

## Ҳужжатли материаллар

1. Ҳусани Қарасай ўғлининг «Мен билган Қосим» номли эсдаликларидан:

Ҳозир ёнибасига колхозлар тузилиб, тинка куриб, оғиздан чиққан ҳар бир сўздан айб излаган одамлар кўпайди. Менинг кетимдан ҳам, айниқса, Қосим кетидан санқиб юрган одамлар чиқди. Тил ва адабиёт институтида: Қосим, К.Жантошев, А.Шабданов, М.Шадибаев ва Мамбетадиллар билан ишлар эдик. Қосимнинг анчадан буён чиқиб келаётган «Морфология»сига айрим одамлар ёпишиб олишди. Ундаги «Доининг бўлса ўрада, молининг бўлса қўрада» деган мақолидан ўяи топган баъзи танқидчилар кўпайди. Ушанда Қосим:

— Мен бир нарсани ўйлаб юрибман,—деган эди. —Санъатни ўз манфаати йўлида қандай фойдаланганлигини сахнага олиб чиқмаймизми? Унинг номини «Академик оқшомлари» деб кўяйлик. Мен Алмамбет билан Чубакнинг йўл талашганини пьеса қилай. Шабданининг мулласи Сидиқ ўғлининг «Қирғизистон тарихи»ни ёзиб ўтирганини, унга ўгли Камол ва бошқа ўғилларининг кўшимча киритганини кўрсатайлик. Ҳусани, сен Айчурекининг қирқ қиз билан Урганч бўйида турганини пьеса қил. Таниқли манап Баатирканининг хотинларини тирик пайтида кўшиб берганини, унинг чий орқасида ётганини кўрсатайлик. Ана шулар орқали олий санъатни ўз манфаатига фойдаланганлигини кўрсата оламиз. Драма театрини олиб кўрайлик, мен бош режиссерман. Бўлажак К.Жантошевнинг бу борада тажрибаси катта. У ҳам режиссердир. Бу ишга Шарип Коконовни жалб этайлик, бошқалар ҳам ёрдамга келишар.

Биз келишиб, барчамиз пьеса ёзишга киришдик. Бир ойгача театр артистларини ҳоли-жонига қўймадик. Ҳаммаси тайёр бўлганда, обком бюро аъзоларининг барчасини таклиф қилдик. Қосим қирқ минутча сўзлади. Мехмонлар унинг сўзларини маъқулладилар. Пьеса қўйилди, кўп одам келди. Мен ёзган пьесам — «Қирқ қиз» кўп кийим-кечак керак бўлганлиги туфайли қўйилмай қолди. Томошани кўрамиз деб одамлар узоқ-узоқлардан кела бошладилар. «Хамирдан қил суғурган»дек демоқчи, Қосимга осилганлар ишга киришдилар, биров-кетин мақолалар чиқа бошлади. Уларнинг баъзиларида колхозчилар «Манас»ни кўрамиз деб ишларини таълаб шаҳарга келишяпти. «Қонхўр Шабдан қиёфаси кўрсатиляпти» каби сўзлар айтила бошлади. «Правда» газетаси Қосимни «миллатчи» деб айблади. Шундай қилиб, қирғиз тилини, миллий маданиятини камол топтираётган, унга асоё солган Қосим Тинистановнинг тақдирини ҳал бўлди.

## Савол ва топшириқлар

1. Дарслик материалдан фойдаланиб, таълим ва фаннинг ривожланишига характеристика беринг.

2. 20-30- йилларда Қирғизистон миллий зиёлиларининг шаклланиши жараёни қандай шароитларда юз берди?

3. Адабиёт дарсларида олган бидимларингиздан фойдаланиб, уша вақтдан и маданий ривожланишнинг асосий тенденцияларини кўрсатинг.

## **IV боб. ҚИРҒИЗИСТОН УЛУҒ ВАТАН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА (1941—1945)**

### **15-§. Қирғизистон жангчилари Улуғ Ватан уруши жанггоҳларида (1941—1945 йй.)**

**Урушнинг бошланиши ва Қирғизистонда ҳарбий хизматга қақирув.** 1941 йил 22 июнда фашистик Германия ва унинг итти-фоқчилари қўшинлари Совет Иттифоқига бостириб кирдилар. Шундай қилиб, фашист босқинчилари ва совет «қизил» тоталитар режими ўртасида бир неча йиллар давом этган мудҳиш уруш бошланди. Совет давлатининг тинч ҳаётига раҳна солган бу воқеа тарихда Улуғ Ватан уруши деган ном билан маълум. Қирғизистон халқи бутун мамлакатда бўлганидек, фашистларнинг ҳужумини ўз бошига тушган офат сифатида қабул қилди. Уруш ҳаракатлари бораётган жойлардан олис бўлганига қарамай, Қирғизистон ҳам жанговар сафга қўшилди. Бутун Совет давлати ягона ҳарбий лагерга айлантирилди, унда барча ишлар фронт манфаатларига бўйсундирилди.

Уруш бошланган кунданок Қирғизистон ҳудудида ҳам 16 ёшдан 50 ёшгача бўлган ҳарбий хизматга лаёқатли кишилар ҳарбий ишга ўргатилиб, фронтга жўнатилга бошланди. Қирғизистон уруш бошлангандан тўртиб то уруш охирига қадар ўзининг 380 мингдан зиёд ўғил ва қизларини ёки республиканинг ҳар бешинчи фуқаросини жангга жўнатди. Урушга кетганлар орасида 1395 нафар хотин-қизлар бўлган.

Уруш даврида партиявий раҳбарлик ўзининг ижобий сифатларини намойиш қилиб, халқ қаҳр-ғазабини зарур жиҳатга бура олди. Коммунистлар фронт ортида ҳам, жанггоҳларда ҳам чинакам пешқадам бўлдилар. Республика партия ташкилотлари 121112 нафар коммунистни ёки урушга қадар партия аъзолари бўлганларнинг учдан икки қисминини урушга жўнатди.

Қирғизистондан ҳарбий хизматга қақирилган ишчилар, колхозчи-деҳқонлар ва зиёлилар вакилларида бир қатор ҳарбий қисм ва бирлашмалар ташкил топди. Биринчилардан бўлиб 385-ўқчи дивизияси, 40-ва 153-махсус ўқчи бригадалари, қирғизистонлик ва қозоғистонлик жангчилардан иборат бўлган ва кейинчалик 8-гвардиячи ўқчи дивизия деб ном олган 316-ўқчи дивизияси, 107-108-109-миллий ўқчи дивизиялари, учувчилар полклари, автоматчиларнинг айрим батальонлари ва бошқа бўлинмалари тузилди.

**Қирғизистон жангчилари 1941 йилги жангларда.** Гитлерчилар Германиясига қарши уруш ҳақиқатдан ҳам умумхалқ Улуғ Ватан уруши бўлган. Урушнинг бошидан охирига қадар СССРдаги барча миллат ва элатларнинг вакиллари немис фашист босқинчиларига қарши мардона курашдилар, унутилмас қаҳрамонлик намуналарини кўрсатдилар. 1941 йил 10 июлда Белоруссиянинг Борисово шаҳри яқинида кўрсатган қаҳрамонлиги учун қирғизистонлик жангчи Николай

Дмитриевга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди. У бундай олий мукофотга сазовор бўлган қирғизистонлик биринчи жангчи эди.

Москва мудофааси учун бўлган оғир жанг кунларида генерал Иван Васильевич Панфилов қўмондонлик қилган 316-ўқчи дивизияси ўзини шон-шухратга буркади. 1941 йил 10 октябрда Волоколамск йўналишида мудофаа жанглари олиб борилди. Душманга қарши курашда панфиловчилар қаҳрамонлик ва қатъият намойиш қилдилар. Улар душманнинг кўплаб жангчилари ва ҳарбий техникасини йўқ қилишди. Октябрнинг охирларида бу йўналишдаги душман ҳужуми тўхтатилди.

Ноябрь ойининг ўрталарида гитлерчилар қайта ҳужумга ўтишди. Волоколамск йўналишини илгаригидек 316-ўқчи дивизияси мудофаа қилиб турган эди. Дубосеково темир йўл разъезди яқинида сиёсий раҳбар Василий Клочков қўмондонлигидаги танкларга қарши курашувчи взводнинг 28 жангчиси қаҳрамонлиги Улуғ Ватан уруши тарихида душманга қарши курашдаги қаҳрамонлик, қатъият рамзи бўлиб қолди.

Сиёсий раҳбар Василий Клочковнинг жангчилари эгдлаб турган жойга гитлерчиларнинг 50 та танки ва автоматчиларнинг катта гуруҳи ҳужум қилди. 16 ноябрда кучлар тенг келмаган уруш бошланди. Танкка қарши урушда милтиқ ўқлари, гранаталар, ёнилги куйилган шишалар билан танкларни, душманнинг кўплаб жангчиларини гумдон қилдилар. Уруш тўрт соат давом этди. Энг қийин пайтда сиёсий раҳбар Клочков ўзининг унутилмас сўзлари билан мурожаат қилди: «Россия жуда кенг, бироқ чекинишга ўрин йўқ — оптимизда Москва!» Москвага ошиққан фашист танклари йўлига тов бўлган 28 нафар панфиловчиларнинг деярли барчаси қаҳрамонларча қурбон бўлдилар. Мазкур жанг иштирокчиларига вафотидан кейин Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонлари берилган. Улар орасида қирғизистонлик жангчилар Дуйшенкул Шопоков, Николай Ананьев, Григорий Конкин, Иван Москаленко, Григорий Петренко, Григорий Шемякинлар бор эдилар. 18 ноябрь кунини жанговар постда турган дивизия командири И.В.Панфилов ҳам ҳалок бўлди.

Москва остоналарига жангларда кўрсатган қаҳрамонлиги, мардлиги ва жасорати учун 316-ўқчи дивизияси Жанговар Қизил Байроқ ордени билан тақдирланиб, 8-гвардиячи дивизия деб номланди ва унга **Панфилов** номи берилди. Дивизия командири **Иван Васильевич Панфиловга** вафотидан кейин Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди.

1941 йил 6 декабрда Қизил аскарлар Москва остоналарида душманга қарши қатъий зарба бердилар. 1942 йил 20 апрелига қадар бўлган жангларда душман марказдан 150—400 километр узоқликка улоқтириб ташланди. Москвага бевосита хавф бартараф этилди. Шундай қилиб, гитлерчилар иккинчи жаҳон урушида биринчи марта мағлубиятга учрадилар, бу «яшин тезлигидаги уруш» режасини пучга чиқарди.

3 **Қирғизистонлик жангчилар 1942—1943 йиллардаги душман билан бўлган жангларда.** 1942 йил ёзда ва кузда Совет Иттифоқи яна оғир аҳволда қолди. Қрим ва Харьков остоналарида катта йўқотишларга дуч келгандан кейин жанубий ва жануби-ғарбий йўналишдаги ҳарбий вазият очорлашиб кетди. Душман ўзини тутиб олиб, қаттиқ ҳужумга ўтиши учун шароит вужудга келди. Немис фашист кўшинлари Донбассни забт этиб, Ростов-Дон шаҳрини яна босиб олди.

Июнь ойининг охирида душман Волгага ва Шимолий Кавказга ҳужум қила бошлади. Сталинград шаҳри учун бўлган оғир жанглар 1942 йилнинг 18 ноябрига қадар чўзилди. Жанубий йўналишдаги душманнынг янги ҳужуми даврида ҳам у билан бўлган жангларда қирғизистонлик аскарлар қаҳрамонлик намуналарини кўрсатишди.

Кавказни мудофаа қилиш жангларида қирғиз халқининг ўғлони, рота снѐсий раҳбари *Кубат Жуматаев* ўзини шон-шуҳратга бурқади. Жуматаев-нинг ротаси Грозний шаҳрига кираверишда душманнынг танклар билан қилган икки ҳужумини қайтарди, икки танк ер билан яксон қилинди, 30 дан зиёд фашист аскарлари йўқ қилинди. Куч жиҳатидан бирмунча ортиқ бўлган душманнынг учинчи ҳужуми даврида ўқ-дори тугаб қолганлиги учун Кубат бир неча граната билан ўзини боғлаб, унга қарши келаётган танк филдираклари остига ташланди, душман танки портлатилди. Снѐсий раҳ-барнинг бу қаҳрамонлиги ротанинг жанговар руҳини кўтарди, душманнынг учинчи ҳужуми ҳам қайтарилди. Жуматаев вафотидан кейин Қизил Юлдуз ордени билан тақдирланди.

Қирғиз халқининг яна бир ўғлони *Чўлпонбой Тулебердиев* 1942 йил ёзда мислсиз жасорат кўрсатди. У хизмат қилаётган полк олдида Дон дарѐсидан ўтиб, унинг ўнг қирғоғидаги муҳим стратегик пунктни эгаллаш вазифаси турар эди. 1942 йил 6 августда 11 нафар жангчи дарѐни кечиб ўтди. Улар орасида Чўлпонбой Тулебердиев ҳам бор эди. Жангчилар душман дзотига яқинлашиб келиб, унга гранаталар отишди. Гранаталар тугагандан кейин Чўлпонбой олдинга эмаклаб бориб, душман дзотидаги амбразурани ўз танаси билан тўсди. Жангчилар траншеяга сакраб тушиб, дзотидаги гитлерчиларни ер тишлатдилар. Чўлпонбой Тулебердиевга вафотидан кейин Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди, унинг исми 636 ўқчи полкнинг 9-ротаси шахсий таркибида абадий қолдирилди. ✓

Сталинград ва Харьков ёнидаги жангларда сержант *Дайир Асанов* алоҳида ҳарбий билимдонлик намунасини кўрсатди. У 1942 йилда Қизил Армия сафларига қақирилиб, 1208-танкка қарши артиллерия полкида хизмат ўтаган. 1943 йил январда у бир ўзи душман танкини, миномѐт батареясини ва ротасини йўқ қилди. Кўрсатган жасорати учун бир неча орден ва медаллар билан тақдирланди. **23 мартда** Харьков ёнидаги Пятницкое қишлоғи учун бўлган жангларда яна қаҳрамонлик кўрсатди. Душманнынг ўйлаб танклари, бронемашина ва автоматчилар тўдаси уларга ҳужум қилди. Артиллериячилар «ўлсак ўламызми, душманини ўтказмаймиз!» деб олт ичдилар. Улар душман



танкини 300 метр масофагача қўйиб бериб, кейин ўққа тутишди. Дастлаб биринчи танк, бир неча дақиқадан кейин иккинчи, ундан кейин учинчиси ёниб кетди. Қолган танклар орқаларига бурилиб қочишга мажбур бўлди. Бироқ орадан 20—25 дақиқа ўтгандан кейин гитлерчиларнинг иккинчи ҳужуми бошланди. Асанов мудофаада турган жойга душман самолётларидан бирин-кетин бомба ташланди, пулётлардан ўқ ёғилди. Барча замбаракчилар сафдан чиқди. Ёлғиз қолган Асанов бир ўзи душманнинг икки танкини йўқ қилди, ҳужум қайтарилди.



Д. Асанов. Совет Иттифоқи  
Қаҳрамони

Кундузги соат 3 ларда гитлерчилар танклар билан учинчи марта ҳужумга ўтишди. Дайир Асанов яна

уч бронемашинани ёндиришга улгурди. Шу пайтда душман снарядидан унинг замбараги ишдан чиқарилди. Ёрдамга улгуриб келган икки жангчи билан бирга душманин автомат ўқлари билан қайтариб, мудофаа чегараси сақлаб қолинди. Тўрт соатга чўзилган жангда Асанов душманнинг 8 танки, 6 бронемашинасини, кўплаб ўқ отувчи нуқта-ларни, миномёт батареяларини ва 40 га яқин гитлерчинини йўқ қилди. Сержант Дайир Асановга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди. *Ҳозирги вақтда генерал майор Дайир Асанов Қирғизистон Давлат миллий ҳарбий лицейига раҳбарлик қилиб, ёшларни ҳарбий руҳда тарбиялаш соҳасида тинимсиз меҳнат қилаётир.*

Қирғизистонлик яна бир Совет Иттифоқи Қаҳрамони Андрей Титов душманнинг 6 танкини йўқ қилди.

Жангчиларнинг қаҳрамонлиги, қатъияти, ҳарбий маҳорати ва командирларнинг қобилиятлари туфайли Сталинград немислар қўлига ўтмади. Гитлерчилар шаҳар теварагида кўп сонли жангчилари ва зобитларини йўқотди, кўп техникадан ажради, уларнинг барча ҳужумлари қайтарилди. Совет жангчиларининг ҳужумга ўтиши натижасида Сталинград яқинида душман қўшинларининг катта гуруҳи куршаб олиниб йўқ қилинди. Сталинград жанги Улуғ Ватан ва иккинчи жаҳон урушидаги туб бурилиш учун ҳал қилувчи ҳисса бўлиб қўшилди. Стратегик ташаббус яна Қизил Армия қўлига ўтди. Курск ёнидаги жанглардан сўнг стратегик ташаббус тўлалигича Қизил Армия томонида бўлди ва уруш охиригача сақланиб қолди.

1943 йилда Қизил Армиянинг ҳужумларида Қирғизистонда ташкил этилган 207-ўқчи дивизияси алоҳида намуна кўрсатди. Дивизия ўз жанговар ҳаракатини Гжатск шаҳрини озод қилишдан бошлаб 1943 йил ёзда Орша шаҳрига етиб борди, Смоленск областини озод қилишда

иштирок этди, Днепр дарёсини кечиб ўтиб, аҳоли яшайдиган 418 та катта қишлоқ, 7 шаҳар, жумладан, Смоленск шаҳрини озод қилди. Дивизия Қизил Байроқ ордени билан тақдирланди.

Улуғ Ватан уруши майдонларида 1943 йилда кўрсатган мардлиги ва жасорати учун Мамасоли Тешабоев, Хамид Гадильшин, Анварбек Чортеков, Тошмамат Жумабоев, Александр Фуковский ва бошқа кўплаб жангчиларга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонлари берилди. Совет жангчиларининг 1943 йил ёз ва куздаги ҳужумлари натижасида гитлерчилар босиб олган жойларнинг учдан икки қисми озод қилинди.

**Қирғизистонлик жангчиларнинг Улуғ Ватан уруши низоҳидаги жасорати.** 1944 йилда қирғиз жангчилари душманга қарши жангларда зўр ғайрат кўрсатдилар. Улар қаторида Ленинград шаҳрини душман қуршовидан озод қилишда қатнашган Жамил Чўлпонқулов, Омурқул Жетикашкаев, Абдиқадир Абдиқайиров ва бошқалар бор эди.

Қирғизистонлик жангчилар фронтнинг бошқа жанггоҳларида ҳам қаҳрамонлик кўрсатдилар. Фрунзе шаҳридаги 7-ўрта мактаб битирувчиси лейтенант Николай Рудь ўзининг жангвор учувчи эканлигини намойиш этди. Унга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди.

1944 йил апрель ойида Днестрнинг ғарбий қирғоғига ўрнашиб олган қисмларимизни ҳайдаб чиқаришга ҳаракат қилган гитлерчилар ҳужуми чоғида қирғизистонлик тўпчи Казак Жарқимбаев ўз сафдошлари билан душманининг ҳужумини қайтариб, икки пулемёт ва 37 фашистни йўқ қилди. Сўнгги бешинчи ҳужум чоғида ўз тўпи снарядлари тугаб қолганлиги учун пулемётни ишга туширди. Казак Жарқимбаевга ҳам Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди.

Ғарбий Двинани кечиб ўтиш чоғида душман контр ҳужумини пулемёт билан қайтарган қирғизистонлик жангчи Жапар Асаналиев йигирмадан зиёд гитлерчинини ер тишлатди. Унинг ёнидаги барча дўстлари ўқлари тугаб, душманининг асир тушиш тўғрисидаги талабига жавобан Асаналиев ўзини ўзи граната билан портлатиб юборди. Вафотидан кейин Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди.

Генерал Панфилов номидаги 8-гвардиячи ўқчи дивизия шонли уруш йўлини босиб ўтди. 1944 йил июль ойида дивизия иккинчи Болтиқбўйи фронтдаги бошқа бирлашмалар орасида биринчи бўлиб ҳужумга ўтди ва душман мудофаа чизиғини бузиб, Латвия ҳудудига кириб борди. Бир ой давомида 300 километрдан зиёд йўл босди, минглаб душман жангчи ва зобитларини йўқ қилди, 90 га яқин қишлоқларни озод қилди. Дивизияга «Режицкийчи» деган ном берилди.

Гитлерчилар Германиясига қарши олиб борилган сўнгги жангларда Қирғизистон ҳудудида тузилган 385-ўқчи дивизияси алоҳида ажралиб турди. 1945 йил қишда дивизия Польшада Нарев дарёсини кечиб ўтиб, Мазур кўллари атрофида душман билан жанг қилди. Данинг (Гданьск)ни душмандан озод қилишда иштирок этди. Апрель ойида Одер дарёсини кечиб ўтиб, ғарбга томон тўхтовсиз ҳаракат

қилди ва ўз жанговар йўлини Берлиннинг ғарбидаги Эльба дарёсида ниҳоясига етказди.

Урушнинг сўнги кунларида Қирғизистондан борган жангчилар-икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, учувчи, капитан Талгат Бегелдинов ва Совет Иттифоқи Қаҳрамони лейтенант Қалийнуур Усенбековлар чинакам қаҳрамонлик намуналарини кўрсатишди.

## Ҳужжатли материаллар

**1. Армия қўмондони генерал К.К.Рохоссовскийнинг Қирғизистон ССР Олий Совети Президиуми ва қирғизистон КП (б) Марказий Комитетига ёзган телеграммасидан:**

Улуғ Октябр Социалистик революцияси қайта дунёга келтирган қирғиз халқи Қизил Армия билан чамбарчас боғлиқдир. Қирғизистон ССР меҳнаткашлари фашист босқинчиларига қарши бутун совет халқи олиб борган курашда фаол иштирок этмоқда. Улар фашизмга қарши курашда қаҳрамонлик ва душманга чексиз нафрат намуналарини кўрсатдилар. Ватаниниг бир қатор қаҳрамон мудофаачиларини тарбиялаб етиштирди. Қирғиз халқининг мард ўғлонларидан тузилган 316-ўқчи дивизияси Москва остоналарида фашизмга қарши жангларда ўзини ҳарбий шон-шўҳратга буркади. Қизил Байроқ ордени билан тақдирланди, гвардиячи ўқчи дивизияси деган ном олди. Большевиктик партия тарбиялаган 8-гвардиячи ўқчи дивизия командири генерал-майор Панфиловнинг исми, унинг жанговар ишлари қаҳрамонлик намунаси, унинг она Ватанга садоқати рамзидир, барчамиз учун ҳарбий илмин яхши билганлик намунаси. Совет Иттифоқи халқлари ўзлари қурбон бўлган, бироқ фашист танкларини ўтказмаган бу дивизиянинг 28 қаҳрамони хотираси олдида бош эгиб таъзим қиладилар!

**2. Фронтдаги қирғиз ўғлонларига қирғизистон меҳнаткашлари номидан ёзилган хатдан:**

Сизлар душманга қарши жанг қилиб сақлаб қолган Волга ва Кавказ шаҳарлари, Марказий Россия шаҳарлари, Иссиқкўл, Сўнқўл, Оқсой, Талас ва Олай vodiylarida қирғиз тили ва маданиятини, ота-оналаримизнинг ҳаётини, қариндош-уруғларингиз умрини, сеvimли фарзандларингиз умрини сақлаб қолганингизни ҳамisha ёдингизда тутингиз! Шунинг учун ҳам фашистларни қириб ташлангиз, уларни Сталинград ва Режев атофларига қор остида қолдириб, Молдок теvarатига ер билан яксон қилингиз, бу ярамасларни балиқларга ем қилиб Қораленгизга улоқтирингиз... Гитлерчилар зулмидан халос бўлган қардош халқларимиз сизларга, Қирғизистон ўғлонларига миннатдорчилик билдирганангиздан faxрланамиз.

*Кришкер*

## Савол ва топшириқлар

1. Дарс материалларидан фойдаланиб қирғизистонлик жангчиларининг ҳарбий хизматга чақирилиши тўғрисида гапириб беринг.

2. Улуғ Ватан уруши жангтоҳларида қирғизистонлик жангчиларининг иштироки ҳақида гапиринг.

3. Сизлар томонда Улуғ Ватан урушининг қайси қаҳрамонига ёлғорлик ўриятилган?

4. Улуғ Ватан урушида ҳамюртларингиз ёки ақин қўшиқларингиз, танишларингиздан кимлар ҳарбий ордон ва медаллар билан тақдирланганлигини сўраб-суриштиринг. Улар қандай жасоратлар учун тақдирланганлар?

## 16—17-§§. Қирғизистон иқтисодиёти Улуғ Ватан уруши йилларида

**Кўчирилган корхона ва аҳолини жойлаштириш ҳамда янги корхоналар қурилиши.** Улуғ Ватан урушидаги мағлубиятлар ва душман томонидан кўн жойларнинг босиб олиниши хавфи мамлакат олдига шовилинч иқтисодий муаммоларни қўйди: қаршилик кўрсатишни давом эттириш учун омон қолган саноат қувватларини сақлаб қолиш, душман қўшинлари босиб олгунча асосий ишлаб чиқаришни ва аҳолининг бир қисmini фронт ортига кўчириш зарурати вужудга келди. 1941 йил 24 июнда Н.М.Шверник раислигида эвакуация қилиш бўйича кенгаш тузилди. Минглаб саноат корхоналари мамлакатнинг шарқий районларига кўчирилди.

Қирғизистон мамлакатнинг ҳарбий хўжалик таянч пунктига айлан-тирилди. Бу томонга Украина ва Россиядан 38га йирик корхона кўчириб келинди ва ишга туширилди. Улар қисқа муддат ичида миномёт, торпедо, ўқ-дори ва бошқа қурол-аслаҳа турларини ишлаб чиқара бошлади. Бундай корхоналар ускуналари одатда темир йўлдан бевосита чала битган цехларга ва очик ерларга туширилиб, уларни монтаж қилиш, ишга киритиш қисқа муддат ичида битирилар эди. Биноларнинг қурилиб битмаганлиги, коммуникацияларнинг тўла ишга тушмаганлигидан қатъи назар, улар ишлай бошлади. Ишга туширишни жадаллаштириш мақсадида уларнинг айримлари маҳаллий корхоналар билан бириктирилди. Москва областининг Павловский посалдан кўчириб келинган ипак комбинати Ўшдаги ипак фабрикасига қўшилиб, қуввати йилига бир миллион метр газлама ишлаб чиқарувчи йирик корхонага айланди.

Кўчириб келтирилган корхоналарни янги ерларга жойлаштириш оғир шароитларда ўтказилди. 1941 йил октябрининг ўрталарида Украинанинг Бердянеск шаҳридаги қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводининг ускуналари ва кадрлари Фрунзедаги механика заводи ҳудудига кўчириб келиниб, янги йирик корхона — қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи тузилди. 20 октябрда собиқ «Интергельпо» ва станокларни монтаж қилиш бошлаб юборилди. Бир вақтнинг ўзида янги бинолар қурила бошлади. Одамлар фидокорона, куч-ғайрат билан куну туи, ёғин-сочинга қарамай 11 соатдан, баъзи вақтларда сутка давомида ишлардилар. Ноябрь-декабрь ойларида завод маҳсулотларининг янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. 1942—1943 йилларда чала қолган бинолар битказилиб, тўла қувват билан ишга тушди.

Республика ҳудудида ишлаётган кўнлаб саноат корхоналари фронт учун зарур бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ўтди. Ҳарбий техника, қурол-яроғ ва ўқ-дорилар ишлаб чиқариш катта миқдорда рангли металларни талаб қилди. Ҳарбий эҳтиёжлар учун катта аҳамиятга эга бўлган кўрғоштин, сурма, снмоб ва бошқа рангли металларни қазиб олиш ва қайта ишлаш кескин кўнайтиди.

Қадамжойла сурма, Хайдарконда симоб, Оқ Тузда кўрғошин ишлаб чиқариш комбинатлари ишга туширилди. 1941 йил охирида СССРда ишлаб чиқарилган сурманинг 85 фоизи, деярли ҳар бир бомбанинг қапуласи ва ёндиргичларидаги симоб, ҳар бешинчи ўқ кўрғошини Қирғизистонда эритилган эди. Уша йилларда Новотроицкийдаги қанд, Қизилқиядаги химия, Жалолободдаги витамин заводлари иш бошлади.



Катта Чуй каналининг қурилиши  
1941 йил.

**Иқтисодиётнинг ҳарбий изга туширилиши.** Уруш мамлакат ҳаётини тубдан ўзгартирди. Урушнинг оғир шароитларида иқтисодиётни ҳарбий изга тушириш бошлаб юборилди. Мамлакатдаги барча бойликларни фронт эҳтиёжларига мос равишда қайта тақсимлаш, ҳарбий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кескин кўпайтириш ва аҳоли учун маҳсулот ишлаб чиқаришни қисқартириш, ишлаб чиқаришни фронт ортидаги районларга кўчириб, қисқа муддат ичида ишга тушириш лозим эди.

Етакчи иқтисодий районларнинг душман томонидан босиб олинishi, 1500 дан зиёд корхоналарининг шарқий районларга кўчирилиши sanoatga салбий таъсир кўрсатди, Мамлакат sanoati 1941 йил ноябрь ойида 30-йилларнинг бошларидаги даражага тушиб қолди. Бироқ 1942 йил ёздан бошлаб иқтисодий кўрсаткичлар тез ўса бошлади. Бунда совет ҳукуматининг кескин чоралари алоҳида роль ўйнади, 1941 йил 26 июндаги фармонга мувофиқ, ишчи ва хизматчилар ҳафтасига олти кун 11 соатдан ишлаб меҳнат таътиллари берилмай қўйди, Июль ойи охиридаги қарорга мувофиқ, маҳаллий органларга ишчиларни уларнинг розилигисиз бошқа ишга ўтказиш ҳуқуқи берилди. Бу каби кескин чоралар одамлар сонини кўпайтирмай туриб ишлаб чиқаришни сезиларли ўстиришга, ишчи кучларини ҳарбий ишлаб чиқариш талабларига мос равишда жойлаштириш имконини берди.

Ишчи кучи етишмаганлиги боис аёллар, ўспиришлар ва қариялар ҳам ишлайдиган бўлди. 1942 йил 13 февралда меҳнатга лаёқатли шаҳарликларни sanoatda ва қурилишда ишлашга сафарбар этиш бўйича алоҳида фармон қабул қилинди. Қирғизистонда 1941 йил июль ойидан 1944 йил январь ойигача бўлган давр ичида 22 мингдан зиёд меҳнатга лаёқатли одамлар сафарбар этилди. Меҳнат армиясига сафарбарликдан бош торгганлар 5 йилдан 8 йилгача жазога маҳкум этиладиган бўлди.

Аёллар билан ўспиришлар энг катта куч эдилар. 10 минглаб аёллар фронтга кетган ишчиларнинг ўрнида меҳнат қилдилар. Қизилқия конларида 8 минг аёл ишлади. Ушадаги ишак комбинати, Тўқмоқдаги

консерва заводи ва Фрунзе гўшт комбинатида ишчиларнинг кўпчилигини аёллар ташкил қилар эди. Қанд заводларида, тикувчилик ва трикотаж фабрикаларидаги ишчиларнинг деярли барчаси аёллар эди. 1943 йилда Қирғизистон саноати ва транспортда ишлаётган аёлларнинг сони 28 мингга етди. 1943 йилда саноатда ишлаган аёллар ҳиссаси 55,7 фоизни, енгил саноатда эса 70—90 фоизни ташкил этди.

Уруш йилларида саноатни ривожлантиришда қувғин қилинганларнинг меҳнати ҳам катта роль ўйнади. Айниқса, улар кўчириб келтирилган корхонларни жойлаштиришда ва ишга туширишда баракали меҳнат қилишди.

**Қирғизистонда ҳарбий саноат базасининг мустаҳкамланиши.** Халқнинг фидокорона меҳнати натижасида 1942 йил ўрталарида бутун халқ хўжалиги, жумладан саноатни ҳарбий изга кўчириш ниҳоясига етди. Кўчириб келтирилган корхоналарнинг кўпчилиги ишлай бошлади. Қирғизистонда 38 та йирик завод, фабрика, кон ва электр станциялар ишга туширилди. Ҳарбий саноат учун зарур бўлган рангли ва подир металлларни ишлаб чиқариш кескин кўпайди, кўмир қазиб олиш ҳажми ўсди.

Қирғизистон енгил саноати Совет армияси учун кўплаб кийим-кечак етказиб берди. Уруш йилларида 6 миллиондан кўпроқ кийим-кечак, 628 минг жуфт пойафзал, 2900 минг трикотаж маҳсулотлари, 821 минг жуфт пайпоқ ва катта ҳажмда парашютлар учун ипак, шинель тикиш учун керак бўладиган газлама, қанд ва ун тайёрлаш учун керак бўладиган қоплар, қадокловчи буюмлар ишлаб чиқилди.

Республика халқ хўжалиги асосий тармоқларидан бири — озиқ-овқат саноатида ишлайдиганлар уруш йилларида тинч даврдигига қараганда ишлаб чиқаришни 1,2 баравар кўпайтирдилар. Улар фронт учун миллионлаб банка консерва, катта миқдорда қанд, колбаса, тамаки ва бошқа турдаги озиқ овқат маҳсулотлари жўнатиб турдилар. Фрунзе гўшт комбинати фақат 1943 йилдагина 23 миллион банка консерва ишлаб чиқарди. Бунгача бундай ишлаб чиқариш бўлмаган эди.

Уруш йилларида Республикада ҳашар йўли билан Ворошилов ГЭСи ва Оламедин ГЭСи қурилди. Улар Фрунзе шаҳри ва областининг саноат корхоналарини электр-энергияси билан таъминлай бошлади. Мазкур электр станциялар қурилиши натижасида Қирғизистоннинг энергетика базаси урушгача бўлган даврга солиштирганда икки баробар ўсди.

Темир йўлчилар уюшқоқлик билан ишладилар. Улар фронтга қурол-яроғ, кийим-кечак, озиқ-овқат, заводларга эса, ўтин ҳамда хом лашени бетўхтов етказиб турдилар. Қирғизистон ишчилари ўзларининг қаҳра-монона меҳнати билан гитлерчилар Германиясини мағлубиятга учратишга салмоқли ҳисса қўшдилар.

**Қирғизистон қишлоқ хўжалиги уруш йилларида.** Уруш йилларида қишлоқ хўжалиги ҳам иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида бўлганидек, оғир аҳволда эди. Эркакларнинг кўпчилиги урушга кетиб

қишлоқлар хувиллаб қолди. Кечаги тракторчилар, комбайнчи ва шоферлар фронтга кетишди. Колхозлардан кўплаб тракторлар, деярли барча юк ташувчи машиналар фронтга олиниб кетди. Улар ўрнига яна отлар, хўкизлар ва туялардан фойдаланила бошлади. Уруш ва меҳнат армиясига кетганлар ўрнига аёллар, ўспиринлар, чол ва кампирлар, уруш ва меҳнат ногиронлари ишлай бошлади.

Колхоз ва совхозлардаги асосий хўжалик ишлари аёллар зиммасига тўғри келди. Колхоз ишлаб чиқаришида аёлларнинг ҳиссаси 1944 йилда 68,3 фоиз бўлди. Кўплаб аёллар бригадалар, чорвачилик фермаларининг раҳбарлари, тракторчи, комбайнчи, бухгалтер ва ҳисобчи, МТСлар ва таъмирлаш ходимлари вазифаларини бажара бошладилар.

Фронт ва ҳарбий саноат корхоналарига янги чақириқ ўтказилиши натижасида қишлоқлар аҳолиси йил сайин камайиб борди. 34 мингдан зиёд колхозчи Қирғизистон саноат корхоналарига, 36 мингдан кўпроғи Урал, Волга бўйи, Сибирь саноат корхоналарига сафарбар этилди. Бунинг натижасида 1943 йилда меҳнатга яроқли аҳолининг сони уч баравар қисқарди. Уларнинг ўрнини тўлдириш мушкул эди.

1942 йил февралдаги қарорга мувофиқ колхозларда мажбурий меҳнат куни ишлаб топиш ҳажми урушгача бўлган йилларга солиштирилганда 1,5 хисса ўсди. Ўспиринлар учун 50 кун ҳажмида мажбурий меҳнат қилиш тартиби киритилди. Меҳнат куни ишлаб топмаган колхозчилар оила аъзолари билан судга берилар, шунингдек меҳнат кунига ишлаб топган маошининг бир қисми колхоз фойдасига ушлаб қолинар эди. Т. Сидиқбековнинг «Замонамиз кишилари», Ч. Айтматовнинг «Юзма-юз», «Сомончининг йўли» повестларида уруш вақтидаги қирғиз қишлоқларидаги аҳвол батафсил тасвирланган.

Дала ишлари қизиган вақтда ишламай юрган меҳнатга лаёқатли одамлар, муассаса ходимлари, 6—10 синф ўқувчилари, олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг талабалари қишлоқ хўжалик ишларига сафарбар этилди. 1943 йилда қишлоқ хўжалик ишларига 69,3 минг киши жалб қилинди. Уруш охирида колхоз ва совхозларда ишлаган шаҳарликлар сони 400 минг кишига етди.

Меҳнатга лаёқатли аҳолининг қисқариши ва қишлоқ хўжалик техникаси етишмовчилиги, мавжуд тракторлар, комбайнлар, автомашиналар учун эҳтиёт қисмларининг топилмаганлигига қарамай, мамлакатга дон, гўшт, лавлаг, пахта, жун топириш ҳажми кўпайтирилди. Уларнинг деярли барчаси фронтдаги аскарлар эҳтиёжлари учун ишлатилди.

**Уруш йилларида Қирғизистон аҳолисининг турмуши.** Мамлакатнинг барча ресурсларини фронт эҳтиёжларига йўналтириш, ривожланган саноат ва қишлоқ хўжалик районларининг душман томонидан босиб олинishi озиқ-овқат ва саноат маҳсулотлари асосий турлари ишлаб чиқариш ҳажмининг кескин қисқаришига олиб келди. Шу вақтда уруш бораётган жойлардан кўчириб келинган аҳоли ва қишлоқлардан шаҳарлардаги корхоналарга олиб келинган ишчилар ҳисобига шаҳар аҳолисининг сони кескин кўпайди. Натижада халқни

озик-овқат ва саноат товарларининг асосий турлари билан таъминлашда қийинчиликларга дуч келинди.

Шундай шароитларда савдони ва аҳолини зарур маҳсулотлар билан таъминлашни қайта қуриш бўйича кескин чоралар кўрилди. 1941 йил ноябрдан тўғиб бутун мамлакатда бўлганидек, Қирғизистонда ҳам асосий озиқ-овқат товарлари карточка бўйича тақсимлана бошлади. 1942 йилдан бошлаб бундай тартиб бошқа саноат товарларига ҳам жорий этилди.

Таъминот меъёри аҳолининг тўрт тоифаси бўйича бўлинди. Ҳарбий қорхоналарда, конлар, нефть конлари, энергетика, темир йўл транспортда ишлаётганларга таъминотнинг бирмунча юқори ҳажми — кунига 800 грамм нон, ойига 500 грамм қанд ва бошқа қандолатчилик маҳсулотлари бериларди. Саноатнинг бошқа тармоқларида ишлаган ишчиларга эса 600 грамм нон ва ойига 500 грамм қанд, қандолатчилик маҳсулотлари берилган. Бироқ ана шу ҳажмдаги таъминот ҳам жуда оғир кечди. Натижада ишчи ва хизматчиларнинг кўпчилиги кунига 400—500 грамм нон, уларнинг қарамоғида бўлганлар эса 300—400 грамм нон олардилар.

Шу билан бирга шахсий ва жамоа томорқаларида озиқ-овқат етиштиришга рухсат берилди. Ҳар бир оиланинг суғориладиган ерлардаги ер участкаси 0,15 гектар қилиб белгиланди. Шаҳарлар ва қишлоқларга яқин жойлашган ҳосилдор ерлар биринчи навбатда фронтда бўлганларнинг оилаларига, Улуғ Ватан уруши ногиронлари ва ҳарбий хизматчиларга берилган. 1944 йилда Фрунзеда 83,5 минг оила, яъни шаҳарликларнинг ярмидан кўпи ўз томорқаларига эга эдилар.

Қишлоқларда истиқомат қиладиганларга нисбатан ҳайвон боқиш бирмунча чеклаб қўйилди. 1943 йилда шаҳардаги бозорларда озиқ-овқат ва дон маҳсулотларини эркин равишда сотиш тақиқлаб қўйилди. Шу билан бир вақтда давлат аҳолини асосий озиқ-овқат билан етарли даражада таъминлай олмади. Натижада асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг бозор баҳоси кескин кўтарилиб кетди.

Уруш вақтида қишлоқларда карточка системаси жорий этилган эмас. Бу жойлардаги хизматчилар, уруш ногиронлари нон ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини рўйхат бўйича олишган. Бу вақтда қишлоқ дўконларида қанд, қандолатчилик маҳсулотлари бутундай сотилмади. Саноат товарлари билан таъминлаш кескин ночорлади.

Колхозларининг колхозчиларга меҳнат куни учун тўлайдиган даромадлари ҳам озайиб кетди. Уруш йилларида Қирғизистон колхозлари бўйича ўртача меҳнат куни учун ҳақ тўлаш қуйидагича эди:

Агар 1940 йилда Қирғизистон колхозлари бўйича ўртача меҳнат куни учун 1,6 килограмм дон, 300 грамм картошка берилган бўлса, бу кўрсаткич 1941 йилда мутаносиб равишда 1,3 килограмм ва 90 грамм, 1942 йилда 0,8 килограмм ва 70 грамм, 1943 йилда 390 грамм ва 30 грамм, 1944 йилда 400 грамм ва 27 граммини ташкил этди.

Бироқ амалда колхозчилар меҳнат куни учун берилиши керак бўлган миқдордан анча оз олганлар. Қирғизистондаги колхозларнинг



аксарияти меҳнат куни учун картошка, кўпчилиги эса, чорвачилик маҳсулотлари олган эмаслар. 1943 йилда меҳнат куни учун Республика бўйича 287 центнер гўшт берилган. Бу берилиши дозим бўлган гўштининг атиги 1,3 фоизига тенг эди. Одамлар шахсий хўжаликлари ва урушга қадар ғамлаб қўйган маҳсулотлари ҳисобига кун кўрганлар. Қишлоқ аҳолиси душманни тезроқ тор-мор этиш мақсадида жуда катта қийинчиликларни бошдан кечиришларига тўғри келди.

Ана шундай қийинчиликларга қарамай, колхозчи деҳқонлар фронтни ва мамлакатни озиқ-овқат билан таъминладилар, ғалаба учун бутун имкониятларини ишга солдилар, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ҳажмини кўпайтирдилар.

Уруш йилларида Қирғизистон колхозлари ва совхозлари катта қийин-чиликларни енгиб, давлатга урушгача бўлган даврга қараганда кўпроқ қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бердилар. Асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш қуйидагича бўлди (минг тонна ҳисобида). Агар 1936—1940 йилларда 764,7 минг тонна дов, 81,7 минг тонна гўшт, 42,4 минг тонна картошка, 27,9 минг тонна сабзовот ва 9,8 минг тонна жув тайёрланган бўлса, 1941—1945 йилларда ана шу кўрсаткичлар мутаносиб равишда 839,3 минг тонна, 128,8 минг тонна, 57 минг тонна, 57,8 минг тонна, 15,8 минг тоннани ташкил этди. Булардан ташқари қирғизистонлик деҳқонлар мудофаа жамғармасига 4,5 миллион пуд бошқа маҳсулотлар етказиб бердилар.

Уруш йилларида меҳнатга лаёқатли аҳолининг қисқариши Қирғизистон қишлоқ хўжалигига, унинг асосий тармоғи-чорвачиликка салбий таъсир кўрсатди. Озуқа етишмовчилиги туфайли фронтга кўпроқ чорвачилик маҳсулотлари жўнатилиб турганидандан, колхоз, совхозлар ихтиёридаги моллар бош сони қисқариб кетди. Буни колхозчиларнинг шахсий хўжаликларидаги мол ҳисобига тўлдиришга ҳаракат қилинди. Масалан, 1940 йилдан 1944 йилга қадар шахсий хўжаликлардан 106 минг бош мол олинishi керак бўлса, 212 минг бош олинди, 193 минг бош қўй-эчки ўрнига 523 минг бош олинди. Моллар арзон давлат баҳосида сотиб олинган.

Колхозчиларнинг шахсий хўжаликларидан мол олиш натижасида улар ихтиёридаги моллар сони кескин қисқарди, ҳайвонга эга бўлмаган хўжаликлар сони кўпайди. Агар 1940 йилда моли йўқ бўлган колхозчиларнинг сони барча хўжаликларнинг 10 фоизини ташкил этган бўлса, 1944 йилга келиб бу кўрсаткич 35 фоизга, 1945 йилда эса 38,9 фоизга етди. Ана шу даврда колхозчиларнинг 46 фоизида сизир, 69,1 фоизида қўй-эчки, 93 фоизида отлар бўлган эмас.

**Фронтга ва гитлерчилар босиб олган жойларда жафо чекканларга ёрдам.** Бутун мамлакатга бўлганидек, уруш бошлангандан кейин Қирғизистонда ҳам мудофаа жамғармаси тузилиб, уларда аҳолидан тушган нарсаларни тўплаш ишлари бошланиб кетди. Уруш йилларида қирғизистонлик ишчилар, колхозчилар, хизматчи ва ўқувчилар мамлакат мудофаа фондига ҳаммаси бўлиб 189 миллион сум



Филармония артистлари  
намоёниш чоғида. 1943 йил

тўпладилар. Бундан ташқари уруш бошлангандан кейинги 4 йил ичида аҳоли ўртасида 1 миллиард 47 миллион сўмлик давлат заёмлари, 155,946 минг сўмлик пул буюм лотореялари тарқатилди. Қирғизистонликлар тўплаган 189 миллион сўмга 93 танк ёки 186 та ҳарбий самолёт қуриш мумкин эди.

Қирғизистон меҳнаткашлари 196 вагон (3136 тонна) совға ва 38 минг шахсий посилка, 555,6 минг дона иссиқ кийим тўплаб фронтга жўнатдилар. Бундан ташқари, кўплаб қимматбаҳо буюмлар тўпланди. Ана шу ҳарajatлар эвазига қурилган танк колонналари гитлерчиларга қарши бўлган жангларда фаол иштирок этди.

Қирғизистонликлар гитлерчи

чи босқинчилардан озод қилинган районлар ва колхозларни тиклаш ишига ўз ҳиссаларини қўшдилар. Улар ана шу районлар колхозчиларига 20 минг йилқи, 10 минг сигир, 100 минг қўй-эчки ва 1315 чўққани текин бердилар.

Қирғизистон Сталинград ишчиларига 585 гектар майдондан олинган дон ва бошқа қишлоқ хўжалик ўсимликлари ҳосилини жўнатдилар. Сталинград шаҳрини тиклашда қирғизистонлик ёшлардан 600 киши иштирок этди. 1943 йил кузида Донбасс кончиларига 16 вагон озиқ-овқат, Украинадаги корхоналарни тиклаш учун 11 вагон ускуналар жўнатилди.

**Қирғизистон зиёлилари уруш йилларида.** Илмий ходимлар ҳам душманга қарши умумхалқ курашида фаол иштирок этдилар. Зиёлиларнинг 15736 вакили қўлига қурул олиб фронтга жўнади.

Қирғизистондаги 18 илмий тадқиқот муассасалари ходимлари мудофаа саноати учун жуда зарур бўлган ер ости бойликлари ва захираларини қидириш бўйича анча иш қилдилар. Қирғизистон табиий ресурсларини тадқиқ этиш бўйича марказдан кўчириб келинган баъзи илмий тадқиқот муассасалари катта ёрдам кўрсатди. Олимлар мудофаа саноати учун зарур бўлган симоб, сурма, вольфрам, кўрғошин концентратлари ва бошқа камёб металллар конларини топдилар ва ўзлаштирдилар.

1943 йилда Фрунзеда СССР Фанлар Академиясининг Қирғизистон филиали очилди ва у республикадаги илмий тадқиқот ишларининг маркази бўлиб қолди. Уруш кийинчиликларига қарамай, билим юртла-

рида иш давом этди. Уларда ўқитувчилар, дарсликлар, ўқув куроллари ва бошқа жиҳозлар етишмас эди. Ленинград, Харьков, Ростов-Дон ва бошқа шаҳарлардан кўчириб келинган билим юртлари қирғиз ёшлари орасидан мутахассислар тайёрлашга кўмаклашди.

Қирғизистонлик ёзувчилар, шоирлар, драматург ва компози-торлар, рассомлар уруш йилларида яратган асарларида ватанпар-варлик мавзунини кенг ёритдилар, қаҳрамонлик, халқлар дўстлигини шарафладилар, немис-фашист босқинчиларига қарши нафрат туйғуларини акс эттирдилар. Ана шу йилларда инсон турмушидаги инсонпарварлик намуналарини шарафлаган бадиий асарлар яратилди.

**Уруш йилларида халқлар дўстлиги ва ҳамкорлиги.** Гитлерчи босқинчилар Совет Иттифоқига ҳужум қилганда миллатлараро тўқнашувларни кучайтириб, бундан ўз мақсадларида фойдаланмоқчи бўлишган. Уларнинг бу мақсадлари пуч эканлиги урушнинг дастлабки кунлариданоқ намоён бўлди. Мамлакатнинг барча ҳудудлари каби Қирғизистоннинг ўғил-қизлари қўлларига курол олиб, Ватан мудо-фаасига отландилар. Уруш йилларида 380 мингдан зиёд йигит-қизлар фронтга кетдилар.

Уруш жангҳоларида кўрсатган қаҳрамонлиги учун қирғизистон-лик 73 аскар, жумладан 13 нафар қирғиз Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган фахрий унвонга сазовор бўлди. 100 мингдан ошiq аскар СССР орден ва медаллари, 34 аскар учала даражадаги Шухрат ордени билан тақдирланди. Фронт ортидаги қаҳрамонона меҳнати учун 1837 киши СССР орден ва медаллари, 8 мингдан зиёд киши Қирғизистон ССР Олий Совети Президиумининг ёрлиқларига сазовор бўлди. 182 ходимга фан ва маданият соҳасида хизмат кўрсатган ходим, хизмат кўрсатган врач ва хизмат кўрсатган ўқитувчи деган фахрий унвонлар берилди.

СССР халқларининг дўстлиги ва ҳамкорлиги нафақат гитлерчи босқинчилар томонидан, балки сталинча тоталитар система томонидан ҳам қаттиқ синовдан ўтди. 1941 йилда Волга бўйидаги немисларга асоссиз гуноҳ қўйилиб улар шарқий районларга кўчирилди. 1943 йил ва ундан кейинги йилларда қалмоқлар, чечанлар, ингушлар, қара-чайлар, месхети турклари, курдлар, хемшилар, ундан кейин крим татарлари ҳам ана шундай тақдирга дуч келиб, яшаган жойларидан зўрлаб ҳайдалдилар. Уларнинг бир қисми Қирғизистон худудига кўчиб келди. Ўзларининг қаттиқ қийналаётганлигига қарамай, қирғи-зистонликлар кўчириб келинганларни янги ерларга жойлаштириш, уларнинг оғир аҳволини енгиллатиш бўйича барча имкониятларни сафарбар этдилар. Мамлакатнинг душман босиб олган ва уруш бўлган жойларга яқин районларидан Қирғизистонга 150 мингдан зиёд одам кўчириб келинди. Уруш туфайли ўз ватани ва уй жойидан ажратган минглаб одамларни жойлаштириш, овқатлантириш, ишга жойлаш, беморларни даволаш муассасаларига жойлаштириш масалаларини ҳал қилувчи махсус комиссиялар ҳар бир районда тузилган эди.

Ғарбий Украина ва Ғарбий Белоруссия СССРга қўшилгандан кейин ўша жойларда яшаган 21500 поляк фуқаролари қамоққа олиниб,

СССР Халқ Комиссарлари советининг қарорига мувофиқ Қирғизистонга жўнатилди. Поляклар турма ва лагерларга жўнатилдилар. Бироқ 1941 йил августида озод қилиниб, турар жой, ўтин, кўмир, иш ва озиқ-овқат билан таъминландилар. Полякларнинг болалари учун уларнинг она тилидаги 15 мактаб очилиб, уларда 1197 нафар ўқувчи таълим олди.

### Ҳужжатли материаллар

1. СССР Олий Совети президиумининг раиси М.И.Калининнинг 1943 йил 5 мартда «Советская Киргизия» газетаси муҳарририясига йўллаган телеграммасидан:

Қирғизистон меҳнаткашлари бошқа Совет республикалари каби фронтга катта ёрдам бермоқда... Қирғиз халқи олдида турган, айниқса, қишлоқ хўжалигига оид вазифалар бу йил шараф билан адо этилади, деб ишонч билдираман. Ҳосилдорлигини янада кўтариш ва чорвачидик маҳсулотларини кўпайтириш учун аёллар, комсомоллар ва ёшлар, катта ёшдаги кишилар ўз куч-ғайратларини янада оширадилар. Қутурган душманини енгиш учун олиб бораётган курашга бу энг қимматли ҳисса бўлиб қўйилади.

### Савол ва топшириқлар

1. Халқ хўжалигининг ҳарбий изга кўчириш қандай олиб борилди?
2. Қирғизистонда уруш йилларидаги саноат ва қишлоқ хўжалигининг ривожланиши ҳақида айтнинг.
3. Уруш жангтоҳларида Қирғизистон ССР ҳарбий иқтисодиётининг таркибий қисми бўлганлигини қайси фактлар билан далиллай оласиз?
4. Уруш йилларида аҳоли турмуши қандай бўлган?
5. Қирғизистон меҳнаткашларининг фронтни зарур нарсаларнинг барчаси билан таъминлаш учун курашини далиллайдиган фактларни кўрсатинг.
6. Уруш йилларида сизлар яшаган райондаги, шаҳар ва қишлоқдаги одамларнинг турмуши ҳақида ҳикоя тузинг.

## V боб. ҚИРҒИЗИСТОН 1945—1964 йилларда

### 18-§. Қирғизистон «ривожланган» сталинизм йилларида (1945—1953 йиллар)

**Республикадаги ижтимоий турмуш зиддиятлари. Маъмурий-буйруқбозлик системасининг мустаҳкамланиши.** Улуғ Ваган уруши охирида, мамлакат тинч ҳаётга қадам қўйди. Бутун мамлакатда бўлганидек, Қирғизистонда ҳам тинч турмушни асдига келтириш иши кенг қўлоч бўйди.

Уруш тугаганидан кейин одамлар қандайдир яхши ўзгаришларни кутиб, қийинчиликларга қарамай, хўжаликни тиклаш, уни тинч ҳаётга йўналтириш, ўз турмуш даражасини ўнганга қатъий киришдилар.

Уруш одамларга катта зиён етказди. Юз минглаб юртдошларимиз жанггоҳларда қурбон бўлдилар. Кўплаб oilалар қариндош-уруғларидан, бола-чақасидан ажраб ёлғиз қолишди. Улар ҳақида Чингиз Айтматовнинг «Сомончининг йўли», «Юзма-юз» повестларида яққол ҳикоя қилинади.

Уруш чоғида фронтдаги аскарлар ўз oilаларига, тинч меҳнатга қайтиб кела бошладилар. Фронтдан келганларни ишга жойлаштириш бўйича жойларда комиссиялар тузилди. Уларга ҳукумат ғамхўрлик кўрсата бошлади. Шу билан бир вақтда зўрлаб Германияга ҳайдаб кетилган юз минглаб совет кишилари, уруш асирлари ҳам ўз юртларига қайтиб кела бошладилар.

Бироқ уларга ўзга юртларда оғир азоб чекканларига қарамай, ҳукумат ғамхўрлик кўрсатмади. Аксинча, удар ўз юртига қайтиб келганларидан кейин шубҳа остига олиндилар, уларга ҳеч ким ишонмас, уларни тушунамас ҳам эди. Айниқса, асир тушганларга қийин бўлди. Уруш вақтида асир тушган ва бетайин йўқолганларнинг oilа аъзоларига, бола-чақаларига давлат ёрдам кўрсатмади, ғамхўрлик қилмади.

Урушдан кейин юртига қайтиб келганлар қаттиқ текширишдан ўтиб, махсус лагерларга жўнатилдилар. Асирликдан тирик қайтиб келган панфиловчилар ҳам ўз юртида азоб чекишди. Москва мудофаасида мислизи қаҳрамонлик кўрсатган 28 қаҳрамоннинг бири, юртдошимиз, Тўқмоқ шаҳридан фронтга кетган Иван Добробабин урушдан кейин ана шундай тақдирга дуч келди. У Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвоидан, бошқа орден ва медалларидан ажради, ўзи махсус лагерга жўнатилди. Унинг номи 28 қаҳрамонлар рўйхатидан ўчириб ташланди ва

бутунлай унутилди. Урушдан кейинги дастлабки йилларда уруш чоғида сусайиб қолган маъмурий буйруқбозлик системаси яна мустаҳкамлана бошлади. Партия раҳбарият бошқарувишиги «ҳарбий» таълиқ қилишнинг турли усулларидан фойдаланиб, совет ва хўжалик органлари ишга кўпроқ аралаша бошлади. Уларнинг фаолияти устидан назоратни кучайтириш мақсадида 1946 йил августда ВКП(б) Марказий Комитети Сиссий Бюросининг марказий ташкилий инструкторлик бўлими партия органлари текширувчи бошқармага айлан-тирилди. У маҳаллий партия органларининг ишини бевосита назорат қила бошлади.

Тўртинчи беш йилликда оғир, енгил ва озик-овқат саноатининг бир неча йирик ва бир қатор ўрта корхоналари, электр станциялари қуриш, транспортни ривожлантириш режалаштирилди. Режада экинзорларни кенгайтириш, ҳосилдорликни ошириш, чорва бош



И. Е. Добробабин – 28 қаҳрамон панфиловчиларининг бири. Совет Иттифоқи қаҳрамони.

сонини кўпайтириш, фан ва маданиятни ривожлантириш ҳамда халқ маданий турмушини яхшилаш кўзда тутилди. Халқнинг аксарият кўпчилиги келажакка ишонч билан астойдил меҳнат қила бошлади.

Уша йилларда ишлаб чиқариш новаторларининг оммавий ҳаракати вужудга келди. Жадал иш олиб борувчилик ҳаракати кенг ёйилди. Ана шундай усул билан Ҳайдаркон металлургия комбинати парма-ловчиларидан бири Одинцов йигирма тўрт кунда ярим йиллик, Абди-кадиров эса ярим йилда 17 ойлик иш нормасини бажардилар.

Ишчиларнинг бундай янгиликларини қўллаб-қувватлаб, уларни маънавий жиҳатдан тақдирлабгина қолмай, уларни моддий жиҳатдан ҳам рағбатлантириш зарур эди. Бироқ мамлакатда ҳукм сураётган маъмурий буйруқбозлик тоталитар система учун бундай новаторлар иши ҳукмронликни янада мустаҳкамлаш учунгина керак бўлди. Улар бу ҳаракатдан оддий, фақат ўз манфаатлари учунгина фойдаландилар. Ишчиларнинг меҳнат нормалари бирмунча кўпайтирилди. Шу билан бир вақтда ишчиларни моддий жиҳатдан рағбатлантиришга эътибор берилмади, меҳнат унумдорлигини оширганлиги учун бериладиган ҳақ озаёйди, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда буйруқбозлик усуллари кўпроқ қўлланилди. Бу ишчиларнинг меҳнатга бўлган қизиқишини сусайтирди, ижодий фаолиятларини йўққа чиқарди.

**Урушдан кейинги йилларда қишлоқлардаги аҳвол.** Уруш Қирғизистон қишлоқ хўжалигига ҳам катта зарар етказди. Ишлаб чиқариш кучлари ночорлашди, натижада аҳолини озиқ-овқат билан, саноат корхоналарини эса, хом ашё билан таъминлашда қийинчиликлар вужудга келди. 1940 йилда Республика колхоз ишлаб чиқаришида ишлаган меҳнатга лаёқатли 196,7 минг эркакдан 1946 йилга келиб 66 мингдан ортикроғи қолди. Ишчиларнинг етишмовчилиги туфайли ҳайдаладиган ерларнинг анчаси ҳайдалмай қолди, ҳосилдорлик пасайди. Озуқа олдинги йиллардагига қараганда анча оз фамланди, колхоз ва совхозлар ихтиёридаги чорва бош сони ҳам қисқариб кетди. Қишлоқ хўжалигининг техника билан таъминланиши 30-йиллар ўртасидаги даражагача пасайди.

Қишлоқ хўжалигининг бундай аҳволда эканлигига қарамай, раҳбарият колхоз ва совхозлардан давлат режасини тўлиқ бажаришларини талаб қилди. 1946 йилда 1945 йилга қараганда, давлатга 16,7 минг центнер дон, 285,4 центер пахта, 718,9 минг центнер қанд лавлагиси кўп топширилди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини топширишда колхоз ва совхозларнинг имкониятлари ҳисобга олинмади. Улар давлатга қишлоқ хўжалик маҳсулотларини 1933 йилда жорий этилган баҳода, бошқача айтганда, маҳсулотларнинг бозор баҳосидан 10-12 баравар паст баҳода сотишга мажбур қилинди.

Қишлоқ хўжалигини бошқариш илгаригидек қолаверди. Директив режалаштириш, гурачилик, буйруқбозлик ҳукм сурди. Урушдан кейинги йилларда колхоз ва совхозларнинг ички хўжалик ишларига партия органларининг аралашуви кучайди. Деярли барча колхоз бошқармаларининг раислари колхозчиларнинг умумий йиғилишларида

сайланмас, юқори партия органлари томонидан тайинланарди. Маҳаллий раҳбарлар эса колхоз мулкига хоҳлаганларича эғалик қилиб, баъзан унинг бевосита хўжайинларига айланиб қолган ҳоллар бўлган.

Ана шу йилларда бой колхозлар ҳам бор эди. Ўша даврдаги расмий маълумотларга кўра, Қирғизистондаги ҳар етти колхоздан бири миллионер колхоз бўлган. Кўпинча бундай хўжаликлар «донг қозониш» учун, юқори органларнинг ихтиёри билан вужудга келтирилар, баъзи вақтларда ана шундай хўжаликларга ишнинг кўзини биладиган, ташаббускор ва мард одамлар раҳбарлик қилганлар.

Урушдан кейинги дастлабки йилларда қишлоқ хўжалигидаги оғир аҳволни яхшилаш учун катта миқдорда маблағ талаб қилинган, бироқ бу вақтда давлатда етарли маблағ бўлган эмас. Шунинг учун давлат органлари хусусий ва ижтимоий давлат хўжаликларининг, бошқача айтганда колхоз ва совхозларнинг хўжалик ривожига қулай шароитларни тузиб, ички ишларига, майда-чуйдаларигача аралашшни бас қилиб уларнинг молиявий ҳолатини енгилаштиришлари зарур эди.

Бироқ, давлат хусусий хўжаликлар ва колхоз совхозларнинг ривожини учун фойдали, қулай шарт-шароитлар яратиб ҳақида ўйлагани ҳам йўқ. Колхозчининг мол-мулкига кўп солиқ солинганлиги учун чорва бош сонини кўпайтириш, озуқа базасини яхшилаш бутунлай фойдасиз бўлиб қолди. Турли олиқ-солиқлардан кутулиш учун қишлоқдаги одамлар ўз ҳовлиларидаги мевали дарахтларни кеса бошладилар. 1946—1947 йилларда республика бўйича 38,6 минг гектар ер, 2416 йилки, 665 қорамол, 20,2 минг қўй ва эчки, 123 кўра, 3,3 миллион сўмлик маблағ хусусий хўжаликлардан рухсат берилганидан ортиқча мулк сифатида колхоз ҳисобига тортиб олинди. Буларнинг барчаси назарий жиҳатдан асосланди: деҳқон кўп вақтини ижтимоий ишлаб чиқаришга сарфлаши зарур. Колхоз ва совхозларнинг давлатга сотадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг улгуржи баҳоси ҳаддан зиёд паст бўлганлиги учун баъзан колхозчиларга меҳнат ҳақи ҳам берилмай қоларди.

Қишлоқларда ҳамон урушга қадар бўлган қонунлар амал қиларди. Колхозчи деҳқонларга паспорт берилмаганлиги туфайли колхозчилар хоҳлаган жойларига бора олмасдилар. Шунингдек, меҳнатга вақтинча яроқсиз бўлганлиги учун пулли ёрдам, қариганлиги учун пенсия ҳам берилмас эди.

Қишлоқдаги барча кучлар ва маблағларини давлат тортиб олганлигига қарамай, деҳқонлар имкони борича қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпроқ етиштириш учун меҳнат қилишди. Уларнинг тириш-қоклиги, ҳаётини севганлиги ўз натижасини берди. Пахта, қанд давлагиси ҳосилдорлиги ўсди. Йилки, сиғир ва қўй-эчкилар бош сони кўпайди, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ҳажми ўсди.

1948 йилда «Табиатни қайта қуриш бўйича сталинча режа» пайдо бўлди. Ўша режага мувофиқ кўчат ўтқазини, суғориш ишларини яхшилаш, ҳовузлар ва сув омборларини қуриш ишига кўпроқ эътибор берилди. Ўша йилларда Ўрта Тўқай сув омбори қурилиши бошланди.

1950 йилда бутун мамлакатда бўлганидек, Қирғизистонда ҳам колхозларни йириклаштириш бошланди. Колхозларни йириклаштириш натижасида 1947 йилдаги Қирғизистон ҳудудидаги 1615 колхоздан 1950 йилга келиб 706 таси қолди. Ҳар бир хўжаликда қўй-эчки, мол, йилқи бирмунча кўнайди, озроқ бўлса ҳам ҳайдаладиган майдонлар кенгайди. Бироқ бундай қайта қуришлар деҳқонлар турмушида деярли сезилмади. Аксинча, улар маъмурий буйруқбозлик система назоратининг кучайишига, бригадалар, звенолар ва бошқарув аппаратларининг ўсишига олиб келди.

### Савол ва топшириқлар

1. Урушдан кейинги йиллардаги республика ижтимоий сиёсий турмуши тўғрисида нималарни биласиз?
2. Улуғ Ватан уруши тугагандан кейин одамларнинг умиди нимада эди ва ўша умидлар рўёбга чиқдим?
3. Ўз юрtingа қайтиб келган уруш асирларининг аҳволи қандай эди ва уларга қандай муносабатда бўлинди?
4. Улуғ Ватан уруши тугагандан кейинги дастлабки йилларда қишлоқ хўжалигининг аҳволини таърифланг.
5. Урушдан кейинги йиллардаги қишлоқнинг аҳволи ҳақида гапиринг. Унинг қишлоқланиб кетиш сабаблари нимада?
6. 40-йилларнинг охири 50-йилларнинг бошида халқ турмуши даражаси қандай эди?

### 19-§. Қирғизистоннинг 40-йиллар иккинчи ярми ва 50-йиллар бошидаги маънавий ҳаёти

**Таълим ва фан.** Урушдан кейинги йилларда республикадаги маданий муҳит катта қийинчиликларни бошидан кечирди. Ана шу вақтдаги мамлакат раҳбарияти олдида халқ хўжалигини аслига келтириш ва ҳарбий куч-қудратни бундан буён ўстириш биринчи навбатга, ижтимоий муҳит, жумладан, маданият иккинчи навбатга қўйилган эди. Маданият тармоқларида эса асосий эътибор мактабларга, махсус ўрта ва олий таълим жойларига ҳамда илмийтадқиқот муассасаларига бурилди.

Уруш республикадаги таълим тармоғига салбий таъсир кўрсатди. Уруш йилларида умумтаълим мактаблари базаси анча ночорлашиб кетди. Мактаб бинолари, ўқитувчилар, дарсликлар ва ўқув қуролилари етишмас эди. Кўп жойларда етти йиллик таълим тўғрисидаги қонуни бажарилмади. Қирғизистон олий ўқув юртлиари ҳам катта қийинчиликларга дуч келди.

Ана шундай қийинчиликларга қарамай таълим тармоғи ривожланиб борди. Аста-секин қишлоқларда ҳам шаҳарлардагидек етти йиллик умумий таълим жорий этила бошлади. 1949—1950 ўқув йилидан бошлаб Қирғизистондаги 23 қишлоқ районларида етти йиллик



мажбурий таълим жорий этилди. Ўрта мактабларнинг юқори синфларида қирғиз ёшларини, айниқса қирғиз қизларини ўқитиш яхшилана бошлади. 70 дан зиёд мактаб интернатлар очилди, уларда 4,5 минг ўқувчи ўқиди. Барча вилоят марказларидаги ўрта мактаблар ҳузурида қирғиз қизлари учун махсус интернатлар ташкил этилди.

Урушдан кейинги йилларда кечки, кейинчалик сиртдан ўқиш мактаблари тармоғи анча кенгайтирилди. Уларда уруш вақтида ва кейинги йилларда ишга жалб этилиб, ўқишни давом эттира олмай қолган ишчи ва қишлоқ ёшлари билим олардилар. Ана шу мактаблардаги ўқувчилар сони 1950 йилда 14 минг кишига етди. 1910 та бошланғич, етти йиллик ва ўрта мактаблардаги ўқувчилар сони 1950—1951 ўқув йилида 343,3 минг кишига етди, ана шу мактабларда 16,6 минг нафар ўқитувчи меҳнат қилди. Ўрта мактаблар сони аста-секин ўсиб борди, 1955 йилга келиб улар 255 тага етди.

Мактабларнинг моддий аҳволи яхшилана бошлади. Тўртинчи беш йилликда 3,1 минг ўқувчига мўлжалланган 17 та мактаб давлат маблағи ҳисобига қурилди. Мактабларга республика жамоатчилигининг ёрдами билан 42,4 минг ўрилди, 288 та янги қурилган мактаблар қўшилди.

Урушдан кейинги йилларда Пржевальск, Ўш педагогика, Фрунзеда қизлар педагогика олийгоҳи, политехника институти, шушундек, ўқитувчилар малакасини ошириш, педагогик илмий тадқиқот институтлари ва бошқа илмий методик муассасалар очилди. 1951 йилда Фрунзе педагогика институти базасида Қирғизистон давлат дорилфунуни ташкил этилди. Бу ерга республикадаги энг илғор олимлар тўпланди.

Ана шу йилларда фан ҳам анча ривож топди. **1954 йил 20 декабрда СССР Фанлар Академиясининг Қирғизистон филиали** ва бир қатор илмий муассасалар базасида *республика Фанлар Академияси* очилди. Ташқин олим, шифокор Иса Қоноевич Ахунбаев унинг биринчи президенти бўлди. Фанлар Академиясининг очилиши республика маданий ҳаётидаги катта воқеа эди. Шундан кейин олимларнинг илмий тадқиқотчилик ишлари анча жонланиб кетди.

**Адабиётнинг равнақи.** 40-йилларнинг иккинчи ярми ва 50-йилларнинг боши қирғиз маданияти равнақи учун оғир вақт бўлди. Партиявий раҳбарлик публицистикага, бадиий адабиётга катта эътибор бериб турди.

Мансабдорлар маданият ходимларида биринчи навбатда халқ хўжалигини аслига келтиришни мақтан, совет

#### Қирғиз ССР кинемдер Академиясининг тўғуз йилунда

Қирғиз ССР кинемдер Академиясининг тўғуз йилунда

Қирғизистон ССР Фанлар Академиясининг тўғуз йилунда



К. Маликов



С. Литвин

кишисини ўз давлатининг ватанпарвари сифатида тарбиялаш, ижтимоий ривожланишнинг яхши томонларинигина тасвирлашни талаб қилганлар. Бундай шароитда ҳеч бир киши ўз эркига лойиқ иш қила олмас эди.

Бироқ ана шундай қийинчиликларга қарамай, қирғиз ёзувчилари бадний асарлар яратдилар. Т.Сидиқбековнинг «Замонамиз кишилари» романи 1949 йилда Сталин мукофотига сазовор бўлди. А.Токомбаев, К.Жантошев, К.Баялинов ва бошқа ёзувчиларнинг асарлари кенг танилди. Таниқли қирғиз шоирлари Қолиқ Акиев, Осмонқул Балабалаев, Саякбай Каралаев ва бошқаларнинг асарлари қирғиз адабиётини бойитди. Қирғиз ёзувчиларининг асарлари билан бирга айрим халқ эпослари рус тилига, СССРнинг бошқа халқлари тилларига ҳамда чет тилларга таржима қилина бошлади.

Қирғиз санъати катта ютуқларга эришди. Ҳаш йилларда опера ва балет театри саҳнасида М.Абдираевнинг «Ёш юраклар», А.Малдибаев, В.Власов, Ферреларнинг «Иссиқкўл қирғоғида» опералари қўйилди. Республика марказидаги қирғиз ва рус драма театрлари ҳам бир қатор асарларни муваффақиятли сахналаштирадилар. Миллий кино санъати дастлабки қадамларни ташлади. Ҳаш йилларда рассомчилик анча ривожланди.

**Тоталитаризмнинг маданият ва фанга янги хуружи.** Тоталитар система ижтимоий турмушнинг, жумладан, маънавий турмушнинг барча соҳаларида назоратни кучайтиришга ҳаракат қилди. Ана шундай шароитда социалистик реализм доирасидан чиқиб кетган барча нарсалар, шубҳасиз, Ҳаш система билан зиддиятни вужудга келтирди. «Синфий муносабат» ёки «партиявийлик принципи» адабий бадний жараён устидан тотал назоратнинг синалган қуроли бўлиб қолди.

Шоирлар, ёзувчилар, рассомлар, мусиқачилар «буржуа миллатчиси», «ўғмишни идеаллаштирувчи» каби ёрликларга дуч келдилар.



М. Аузов



«Манас» турли тилларда

20-30-йилларда бундай айбловлар қандай натижаларга олиб келганлиги уларнинг ёдидан кўтарилмаган эди. Натижада ижодкор зиёдилар ўртасида ўзаро ишончсизлик, бир-биридан шубҳа қилиш ва чақимчилик кучайиб кетди.

Маъмурий буйруқбозлик тотадитар система, унинг қотиб қолган мафкураси ижтимоий турмушнинг барча соҳаларига, маданиятга, биринчи навбатда бадиий маданиятга ҳуруж қилди. 1944 йилдан бошлаб ижодкор зиёдиларни А. А. Жданов бошқарадиган бўлиб қолди. Сталиннинг ташаббуси, Ждановнинг бевосита раҳбарлиги остида 1946 йилда ВКП(б) М.К нинг «Ленинград» ва «Звезда» журналлари тўғрисидаги қарори эълон қилинди. Унда асосан А. Ахматова ва М. М. Зощенколар қаттиқ танқид қилиндилар. Адабиёт бўйича қарорга драма театрларининг репертуарлари, «Катта ҳаёт» кинофильми, В. Мураделининг «Улуғ дўстлик» операси тўғрисидаги қарорлар қўшилди. Ижодий ташкилотларнинг раҳбарлари уларни қораловчи мақолалар ёздилар. Журналларни ёпиб қўйиш, адабиёт, мусиқа, кинематография асарларини таҳқиқлаб қўйиш одатга айланиб қолди.

Бутун Иттифоқ бўйича мафкуравий ҳуруж киргиз маданиятга ҳам таъсир қилди. Қирғизларнинг Ахматовалари, Зощенколари кидириб топилиб, «калтакланди».

Уша вақтда Ж. Самаганов, Г. Нуров, П. Балтинларнинг «Т. Саманчининг асарларидаги буржуа миллатчилиги ва космополитизм рендивлари» деган мақоласи эълон қилинди. Мақола муаллифлари Молдо Қилич тўғрисида ёзилган асарларини қоралаб, уларга «буржуа миллатчилиги», «космополит» деган сиёсий айб қўйишди. Молдо Қиличнинг адабий мероси қораланиб, унга бўлган муносабат ижтимоий фанларда, маданият соҳасида баъзи бировларнинг мафкуравий позициясини аке эттирган мудҳиш мезонга айланиб қолди.

Молдо Қилич асарларини биринчи бўлиб эълон қилиб уни тадқиқ этган Тазабек Саманчин, халқ эпосига, халқ поэзиясига хизмат кўрсатган Т.Байжиев, З.Бектеновлар қувғин қилинди. Ж.Шукуров лавозимидан бўшатилиб, умрининг охиригача қувғинликда яшади. Шунингдек, К.Сооронбаев ва Х.Карасаевлар ҳам лавозимларидан бўшатилдилар.

Уша йилларда, шунингдек, А.Токомбаевнинг «Қонли йиллар» романи, К.Маликовнинг «Балбай» поэмаси ҳам қаттиқ танқид қилиниб, тақиқлаб қўйилди.

1951 йилда СССР Олий раҳбарияти томонидан халқларнинг миллий эпослари: озарбайжонларнинг «Деде Коркут», ўзбекларнинг «Алпомиш», қozoқларнинг «Ер Саин», «Шора Ботир» ва «Қоплон ботир», қирғизларнинг «Манас» эпослари «диний ва халққа қарши асарлар» сифатида танқид қилинди ва тақиқлаб қўйилди. Туркий республикаларнинг миллий зиёлилари маданий меросга бўлган бундай хуружини лом-мим демай қабул қилдилар. Республикада чиқадиган «Қизил Қирғизистон» ва «Советская Киргизия» газеталари саҳифаларида «Манас» эпосининг халқчиллиги тўғрисида тўрт ой давом этган мунозаралар бўлиб ўтди. П.Балтин, Ж.Самаганов, Г.Нуров каби танқидчилар қирғиз халқининг монументал ёдгорлиги бўлган «Манас» эпосини халққа қарши, реакция асар деб эълон қилдилар.

1952 йил июнь ойида Фрунзе шаҳрида Москва, Ленинград ва СССР нинг бошқа шаҳарларидан келган олимлар, жамоат арбоблари, ёзувчилар иштирокида «Манас» эпосининг халқчиллиги тўғрисида илмий конференция бўлиб ўтди. Унда профессор А.К.Боровков ва Л.И.Климовичлар асосий маърузаларини ўқидилар. Профессор А.К.Боровков ўз маърузасида Сагинбай ва Мусулмонқулнинг вариантларини реакция деб атади. Эпосда халққа қарши мазмун, ислом динини тарғиб қилиш, урушни мақташ ғоялари бор эканлигини мисол келтирди.

«Манас» эпосининг баъзи тадқиқотчилари эпоснинг вужудга келиши ва ривожланиши тарихини ўрганимай туриб унинг бой-манапча таъсирларини идеаллаштирдилар. Манас айтувчилари орасидаги устулик қилувчи тоифаларнинг вакиллари халқ эпосига муносабатларини ўзгартириб, Манасни зулмкор ва босқинчиларнинг раҳбари сифатида кўрсатганлар, деб гуноҳ қўйдилар.

Муҳокамада М.И.Богданова, А.А.Валитова, Б.Керимжанова, К.Маликов, А.Токомбаев, Т.Сидикбеков, О.Жакишев, К.Давлеткелдиев, А.Н.Бернштам, Б.Юнусалиев, А.Ауэзовлар иштирок этиб, «Манас» эпосини ёқлаб чиқдилар. Балтин, Нуров, Самаганов ва бошқалар уларга қарши чиқишди. Мухтор Ауэзовнинг «Бириктирилган вариант» тўғрисидаги фикри конференцияда катта мунозараларга сабаб бўлди. Эпоснинг «бўлиши» ёки «бўлмаслиги» тўғрисидаги масала ҳал қилинаётганда, унинг бу фикри қийин вазиятдан чиқиш йўлини очиб берди ва улуг эпосимизни сиёсатнинг катта фалокатидан сақлаб қолди. Конференция эпоснинг ғоявий-бадиий мазмуни халқчил эканлиги тўғрисида қарорга келиб «Манас» эпосининг қисқартирилган

кўшма вариантини босиб чиқариш тўғрисида қарор қабул қилди. Шунингдек, бир қатор кичик эпослар ҳам танқид қилинди.

XIX асрнинг иккинчи ярми, XX асрнинг бошларидаги таниқли шоирлар Қалигул, Астанбек, Молдо Қиличлар «реакцион оқим вакиллари, умидсизлик пешволари», «оқсуякларни шарафловчилар» деб аталиб, уларнинг асарлари яна тақиқлаб қўйилди.

Урушдан кейинги йилларда фан, айниқса, гуманитар фанлар, жумладан, тарих фани оғир вазиятни бошдан кечирди. Тарих фани бутунлай ВКП(б) тарихи қисқа курси таъсирида қолди ва мамлакатдаги тартибни оқлашга мажбур бўлди. Агар рус халқининг ўтмиш даври ҳар томонлама шарафланиб мақталса, рус бўлмаган халқлар, жумладан қирғиз халқининг ўтмиш тарихи, ундаги сиёсий ва маданий ютуқлар русларнинг яхшиликларини мақташ олдида бутунлай йўқолиб кетди.

Қирғизларнинг революцияга қадар бўлган тарихи қирғиз халқининг рус халқи билан тўхтовсиз мустаҳкамланиб бораётган дўстлиги сифатида кўрсатилди. Подшо империяси энди «халқлар турмаси» эмас, аксинча, унинг босиб олиши натижасида халқларнинг бирлигини вужудга келтирган марказга айланди. Ундан кейин у Россиядаги инқилобий ҳаракат билан бирга Февраль революцияси орқали Октябрь революциясига етиб келди, деб ёзила бошлади.

Худудни мустамлака қилиш тарихчилар томонидан «Россияга қўшилиш» деб айтилса, кейинчалик янги тушунча билан «Россия таркибига кириш» деб номлана бошлади, «Ихтиёрий равишда», «Ўз хоҳиши бўйича» деган ифодалар билан тўлиқланди. Угина эмас, 1963 йилда Қирғизистоннинг Россия таркибига ихтиёрий равишда қўшилганлигининг 100 йиллик тантаналари ўтказилиб, ана шу воқеа шарафига Фрунзе шаҳрида махсус монумент ўрнатилди. Тарихга янгича назар солиш баҳонасида подшо тузумига қаршилик кўрсатган миллий ҳаракат вакиллари танқид остига олинди. Талабларга мувофиқ келмаган номлар, воқеалар, даврлар тарих саҳифаларидан ўчирилди.

### Ҳужжатли материаллар

#### 1. 1952 йил июнь ойидаги конференция материалларидан.

##### а) профессор А.К.Боровковнинг маърузасидан:

Қирғиз эпосини реакцион қайта ишлаш, ўнглаш икки усулда олиб борилган: эпос қаҳрамонларини дин учун курашган қаҳрамонларга айлантириш, эпоснинг бош қаҳрамони Манасни феодал кўчманчи давлатнинг хонига айлантириш усули билан.

...Тўққизинчи асрдаги «Буюқ Қирғиз империяси» билан эпосни боғлаш ҳаракатлари қирғиз эпосидаги босқинчи хон образини халқ қаҳрамони сифатида кўрсатиш учун бўлган ҳаракат эканлиги аниқ.

...Босқинчилик ва кучли давлат куриш ғоялари эпосда режиссон исломчи ва пантуркизм ғоялари таъсири остида пайдо бўлган...

##### б) Профессор Болот Юнусалiev сўзларидан:

...Профессор А.К.Боровков ва Л.И.Климович маърузаларида, афсуски, эпоснинг яхши томонлари кўрсатилмай қолган. Бу эпоснинг бир неча вариантнинг обзор қилган А.К.Боровковнинг маърузасидан аниқ кўришиб турибди. Профес-

сор Климовичнинг маърузаси ҳақида бундай дейиш мумкин эмас, chunkи унинг обзори «Манас» учлигидан вужудга келган «катта қазат»гагина бағишланди. Шундай савол туғилади: Ана шундай шиклга таяниб, қандай қилиб «Манас» эпосини қоралаш ёки оқлаш мумкин? Бу мантиққа тўғри келмайди, бинобарин, бу илмий ҳулоса ҳам эмас. Илмий маъруза буларга қарши фикр юритишлардан иборат эмас. Зеро, илм мантиқ ва далилни талаб қилади.

Эпоснинг туб ғояси ташқи босқинчиларга қарши кураш, халқ бирлигини сақлашдир. Эпосдаги бутун воқеалар ана шу кураш теварагида тўпланган ва ривожланиб борган.

в) *Ёзувчи Мухтор Ауэзовнинг сўзларидан:*

Менинг лўйда саволларимдан биринчиси қирғиз совет халқига «Манас» эпоси керакми ёки йўқми? Бу савол конференция олдига ҳам қўйилмоқда. Шундай экан, бу саволга асосий маърузачи ҳамда қўшимча маъруза қилган ўртоқлар жавоб беришлари керак эди. Биз асосий маърузачи Боровковнинг гапларидан мазкур саволга очиқ жавоб олдикми? Унинг гапларидан 99 фоизи Сагинбай варианты тўғрисидагина бўлди. Маърузачининг фикрига қараганда, эпоснинг салбий томонларигина тилга олиниб, унинг ҳақиқий халқчил элементлари назардан четда қолди. Буving устига у «Манас»ни тадқиқ қилмади, балки унга ёпишиб юрган қўшимча нарсаларга эътибор бергандай бўлди.

«Манас» эпоси ҳақиқатан ҳам қирғиз халқига керак. Демак, унинг бириктирилган вариантини тузиш ҳақида ўйланиб кўриш зарур.

### Савол ва топшириқлар

1. Таълим ва фанни ривожлантириш бўйича қандай чоралар кўрилади?
2. Тоталитар системанинг маданиятнинг ривожланишига кўрсатган таъсири ҳақида гапиринг.
3. Дарслиқ материалларидан фойдаланиб, «Манас» эпоси ҳақидаги тортинчулар тўғрисида реферат тайёрланг.

### 20—21-§§. Қирғизистон хрущев даврида (1953—1964 й.й.)

**Беғуноҳ жазога тортилганларнинг оқлана бошлаши.** 1953 йил 5 мартда 30 йилдан ортиқ вақт давомида мамлакатни бошқариб турган Иосиф Виссарионович Сталин оламдан ўтди. Сталиннинг ўлими 30-йилларда шаклланган маъмурий буйруқбозлик, тоталитар система ўзининг бутун сиёсий ва иқтисодий тараққиёт имкониятларини тамомлаб, ижтимоий-иқтисодий қийинчиликларни вужудга келтирган жамиятдаги вазият мураккаблашган вақтга тўғри келди. Унинг вафоти билан алоҳида бир давр — аппаратга, жазо отрядларига таяниб камол топган, мустаҳкамланган системанинг куни битди. Ўша система ижтимоий турмушнинг барча соҳаларига: сиёсатга, иқтисодиётга, маданиятга, мафкурага кенг ёйилиб кетган эди. Сталиннинг вафотини Қирғизистондаги минглаб одамлар ҳам чуқур қайғу билан қабул қилдилар. Chunkи улар Сталинни худди Худо сингари кўрганлар ва унинг раҳбарлиги остида олиб борилаётган жинорий сиёсат тўғрисида ҳеч нарса билмас эдилар.

1953 йил сентябрда Н.С. Хрущев КПСС МК нинг биринчи котиби этиб сайланди. Унинг ташаббуси ва бевосита раҳбарлиги остида махсус лагерлар бошқармаси, суддан ташқари органлар, махсус кенгашлар, «сучликлар», ички ишлар вазирлигининг ҳарбий трибуналлари йўқ қилинди. Бегуноҳ жазоланган одамларнинг ишини кўриб чиқувчи махсус комиссия иш бошлади. Қирғизистонда ҳам бегуноҳ жазоланган, қамоқда ётган миңглаб одамлар оқланди. Улар орасида ўтмишдаги таниқли давлат ва жамоат арбоблари: **А.Орозбеков, И. Айдарбеков, Б.Исақиев, М.Л. Белоцкий, М.К. Аммосов, М.Салихов, Ж.Свадасв, Т.Айтматов, О.Алиев** ва бошқалар бор эди. Турма ва лагерларда қамоқда ётганларнинг тириклари озод қилиниб, уларнинг барча ҳуқуқлари қайтариб берилди. Давлат ва жамоат арбобларига, хўжалик ва ҳарбий кадрларга, маданият арбобларига қўйилган сиёсий айбловлар ёлғон, бўҳтон бўлиб чиқди. Бироқ бу иш ўша йилларда ниҳоясига етмади, 60-йилларнинг бошларида бутунлай тўхтаб қолди.

1957 йилда Чечен-Ингуш, Кабардин-Балкар, Карачай-Черкес АССРлари қайта тикланди. Уруш йилларида Қирғизистон ҳудудига зўрлаб кўчириб келинган қорачай, балкар, чечен халқлари ўз юртларига қайтиб кетишди. Уларнинг ўз юртларига уюшқоқлик билан қайтиб кетиши учун Республика раҳбарияти ҳам ёрдам берди. Ана шу халқларнинг кўп вакиллари Қирғизистонда қолдилар.

**Халқ хўжалигини бошқариш, давлат ва маданий қурилишда иттифоқдош республикаларнинг ҳуқуқий ҳолати.**

Иқтисодиётни ва ижтимоий муҳитни ҳаддан зиёд марказлаштириш мамлакатнинг хўжалик ривожига тўсқинлик қилар эди. Бунинг натижасида миллий республикаларнинг халқ хўжалиги ва маданиятини ривожлантириш бўйича ташаббуслари сезилмай қолди. Марказий раҳбарият ҳамиша иттифоқдош республикаларнинг миллий хусусиятларини ҳисобга олмас эди, мамлакатнинг барча жойларида иқтисодий, ижтимоий тузумларнинг бир-бирига ўхшаш бўлишига ҳаракат қилди.

Партия XX съезидан кейин кўп вақт ўтмай, 1956 йил май ойида бир қатор иттифоқ бошқарувидаги корхоналарни республика бошқарувига бериш бўйича қарор қабул қилинди. Қарорга мувофиқ, Қирғизистон ҳудудида жойлашган 225 саноат корхонаси республика бошқарувига берилди. Шундан бир йил ўтгандан кейин республикалараро иқтисодий орган тузилди ва унда иттифоқдош республикаларнинг конкрет таклифлари билан уларнинг муҳтожликлари кўриб чиқила бошлади. Бу орган Норин дарёсида энг йирик Тўктоғул ГЭСини қуриш тўғрисидаги республиканинг ташаббусини маъқуллади ва бу иш режага киртилди.

Иқтисодиётни ҳаддан зиёд марказлаштирган тармоқ бошқаруvidан уни ҳудудий бошқарувга ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Қарорга мувофиқ, бир қатор тармоқ вазирликлари йўқотилиб, уларнинг ўрнига ҳудудий бошқармалар бўйича халқ хўжалиги кенгашлари тузилди. Халқ хўжалиги кенгашларининг тузилиши миллий

республикаларнинг иқтисодий соҳасидаги ҳуқуқларини бирмунча кенгайтиришга имкон яратди.

Иқтисодий соҳадаги қайта қуришлар билан бир қаторда сиёсий соҳада ҳам дастлабки қадамлар ташланди. Иттифоқдош республикаларнинг ҳудудий бошқарувдаги, суд органлари ва бошқа тармоқларни бошқарувдаги ҳуқуқлари бир мунча кенгайди. Ана шу ҳуқуқлар асосида Қирғизистонда ҳудудий бошқарувда, суд тизимида қайта қуришлар амалга оширилди.

Олий, ўрта махсус ва касб-ҳунар билим юртлари умумиттифоқ бошқарувидан республика бошқарувиغا ўтказилди. Мазкур илмий-техникавий ва гуманитар мақсаддаги, шунингдек, sanoat, қурилиш ва қишлоқ ҳўжалиги учун ишчи кадрларни тайёрлашда республика эҳтиёжларини ҳисобга олиш имконияти яратилди.

Бироқ амалда бундай қайта қуришлар марказий ҳокимиятни сусайтирмади, аксинча, уни ривожлантирди, анчагина қулай шарт-шароит ҳам яратди. Бошқарувнинг ҳаддан зиёд марказлаштирилган системаси ўзини тўлиқ натижасиз эканлигини намоён қилди. Ўша йиллардаги қайта қуришлар натижасида қўлга киритилган иқтисодий ва маданият соҳасидаги республикага берилган ҳуқуқлар кўп ўтмай, маъмурий буйруқбозлик, тоталитар система манфаатларига зид кела бошлади. Шунинг учун бу йўлдаги қайта қуришларга тўсиқлар вужудга келди, миллий республикаларнинг ҳуқуқлари яна чеклана бошлади.

Республика раҳбариятининг ислоҳот доирасида ўз ҳуқуқларидан фойдаланиш учун бўлган ҳаракатлари марказий ҳокимият органлари томонидан қаттиқ қаршиликка дуч келди. КПСС МК нинг 1959 йил июнь пленуми Қирғизистон, Латвия, Ўзбекистон ва Қозоғистон раҳбариятини маҳаллийчилиги ва давлат интизомини бузганлиги учун қаттиқ танқид қилди ва айблади. Бу ўша давр учун оғир айблов эди. Орадан 2 йил ўтгандан кейин, 1961 йил май ойида республиканинг кўзга кўринган ва иш билги раҳбарлари — **Исхок Раззақов ва Қози Дийқанбаевлар** лавозимларидан бўшатирилди.

**Исхок Раззақов.** 1910 йилда ҳозирги Лайлак туманидаги Хурсон қишлоғида туғилган. 1918 йилдан бошлаб Хўжаандаги болалар уйида тарбияланган. 1931 йилдан Тошкент педагогика техникумини, 1936 йилда Москвадаги Режалоштириш олийгоҳини тамомлаган. 1936—1938 йилларда Ўзбекистон ССР давлат режалоштириш комитетида иқтисодчи, раис ўринбосари, раис, 1941—1944 йилларда Ўзбекистон ССР халқ маорифи комиссари, Халқ комиссарлари Совети раисининг ўринбосари, 1944—1945 йилларда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ташвиқот ишлари бўйича котиби, 1945—1950 йилларда Қирғизистон ССР Министрлар Советининг раиси, 1950—1961 йилларда Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби бўлиб ишлаган.

1963 йилда Ўрта Осиё халқ ҳўжалиги Кенгаши тузилди ва унга мазкур ҳудуд иқтисодиётига раҳбарлик қилиш вазифаси юкланди. Халқ



хўжалиги кенгашининг тузилиши билан миллий республикаларнинг мустақиллигига барҳам берилди.

**Халқ хўжалигидаги ислоҳотларнинг бошланиши.** 50-йилларнинг бошида халқ хўжалиги муаммолари орасида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши муаммолари биринчи ўринда эди. Қишлоқ хўжалигининг ривожланиш суръати sanoatга қараганда кескин пасайиб кетди. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари, енгил sanoatни эса хом ашё билан етарли даражада таъминлай олмади. Қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқларидан бири бўлган чорвачилик, айниқса, орқада қолиб кетди. Деҳқончиликда ҳам аҳвол ночор эди. Қанд давлагиси ҳосилдорлиги урушгача бўлган даражадан икки баравар, шунингдек, бошқа экинлар, пахта ҳосилдорлиги ҳам анча пасайди, картошка, сабзовот етиштириш ҳажми қисқарди.

Урушдан кейинги йилларда қишлоқ хўжалигини техника билан таъминлаш яхшиланганлигига қарамай, олға силжиш кузатилмади. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига сарфланган капитал маблағларнинг қайтими паст эди. Раҳбарликнинг маъмурий буйруқбозлик системаси, колхоз ва совхозлар ишининг майда-чўйдасигача аралашши, қишлоқлардаги бошқарув демократик нормаларининг бузилиши, моддий манфаатдорлик принципларининг бузилиши қишлоқ хўжалигининг ривожланишига тўсқинлик қилди.

Бироқ ўша даврдаги мамлакат раҳбарияти маъмурий — буйруқбозлик системаси принципларидан воз кечмади. Илгаригидек бозорга, пул — товар муносабатларига ёмон кўз билан қараш ҳукм суриб, социализмнинг афзалликлари кўпаяди, бунинг ўзига ривожланишни вужудга келтиради деган фикр устиворлик қилиб турди.

Қишлоқ хўжалигидаги вазият ҳамда мазкур тармоқдаги долзарб масалалар 1953 йил сентябрь ойида бўлиб ўтган КПСС МҚнинг пленумида муҳокама қилинди. Унда Н.С.Хрушчев ўша давр учун катта аҳамиятга эга бўлган таклифлар киритди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг давлат харид баҳоси кўтарилди. Илгаригига қараганда гўштнинг баҳоси 5,5 баробар, сут ва ёғ 2 баробар, дон 50 фоиз кўнайди. Бундай тадбирлар қишлоқ хўжалигини катта офатдан сақлаб қолди. Харид баҳосини кўтариш билан бир қаторда колхозчиларнинг шахсий хўжаликларидан мажбурий тарзда маҳсулот топшириш, қишлоқ хўжалик солиғи ҳажми озайтирилиб, шахсий хўжаликлардан олинмайдиган солиқлардан олдинги йилларда йиғилмай қолганлари тўлалигича бекор қилинди. Энди қолхозчи деҳқонлар шахсий хўжаликлардан олган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини бозорда эркин равишда сотиш ҳуқуқига эга бўлдилар. Колхозлар давлат қарзларидан қутулдилар.

Колхозчилар меҳнатига ой сайин ва квартал сайин аванслар берилиши, колхоздаги меҳнати учун қўшимча ҳақ тўлаш жорий этилди. Бунга қадар уларга йилга бир мартагина ҳақ тўлана эди. Ана шу тадбирлар натижасида колхозчиларнинг даромадлари ўсди ва бу ўсмиш 1957—1958 йилларга қадар давом этди.

Н.С.Хрущевнинг ташаббуси билан қўриқ ва кўпдан бўён ҳайдалмай келаётган ерларни ўзлаштириш бошланди. Бундан мақсад дон экинлари ялпи ҳосилини тезроқ кўпайтириш эди. Бу тадбир ривожланишнинг экстенсив йўли эди. Агротехникани ривожлантириш орқали ҳосилдорликни ошириш каби интенсив ривожланиш йўлига етарли аҳамият берилмади. Шундай бўлсада, қўриқ ерларни ўзлаштириш халқни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда катта роль ўйнади.

50-йилларнинг ўрталарида мамлакатда амалга оширилаётган қайта қуришлар халқ фаоллигини юксалтирди. Халқнинг, айниқса, ёшлар орасида фидойилик намуналари кучайди. Улар жамиятнинг моддий аҳво-лини яхшилашга интилдилар. Қўриқ ва кўп вақтлардан бўён ҳайдалмай келаётган ерларни ўзлаштиришда ёшлар, айниқса, фаоллик кўрсатишди. 1954 йилдагина Қозоғистоннинг қўриқ ерларида 120 дан зиёд совхоз ташкил этилди. Қўриқ ерларни ўзлаштириш учун борган қирғизистонлик ёшларнинг тўққиз юздан зиёд вакили Қозоғистоннинг Қарағанда вилоятида «Қирғизия» совхозига асос солдилар. Уларга берилган 56 минг гектар қўриқ ернинг 21 минг гектари дастлабки йиллик ҳайдалди. Республикамизда яна 140 минг гектардан зиёд қўриқ ва кўпдан бўён ҳайдалмай келаётган ерлар ўзлаштирилди. Санташ, Кенес-Анархай, Суу-Самир, Арпа, Оқсой яйловларида озуқа ғамланиб, 700 га яқин маданий маиший ва ишлаб чиқариш бинолари қад кўтарди. Ўша йилларда Ўттизадир, Катта Чуй канали каби йирик суғориш системалари қурилиши ниҳоясига етди.

Бутун мамлакатда бўлганидек, Қирғизистонда ҳам ўзгаришлар юз бера бошлади. Ингирманчи йилларнинг охирларида тўхтаб қолган ишлаб чиқариш кенгашлари яна ўтказила бошлади. Бунга қалар барча масалалар санокли кишилар қатнашган йиғилишларда ҳал қилинар эди. Урушгача бўлган йиллардаги «қаҳрли» қонунлар бекор қилинди. 1922 йилдаги кодекснинг инсонпарварлик қондаларини тиклаш мақсадида меҳнат тўғрисидаги қонунлар қайтадан кўриб чиқилди.

**Иқтисодийни бошқаришнинг янги усуллари янги излаш.** 1957 йилда иқтисодийни бошқаришни ислоҳ қилиш ҳаракати бошланиб кетди. Н.С.Хрущевнинг таклифи бўйича СССР Олий Совети Халқ хўжалиги кенгашларини тузиш ва ўнта саноат вазирлигини бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилди. Ана шу қарорга мувофиқ, халқ хўжалиги кенгашлари тузилиб, бир қатор вазирликлар йўқ қилинди. Бундай қайта қуришларнинг иқтисодий самараси жуда оз эди. Албатта, марказлашган раҳбарлик чоғида четда қолган маҳаллий саноат корхоналарининг ривожланиши учун қулай шароитлар яратилди. Бироқ бошқа ҳудудларда жойлашган йирик корхоналар билан алоқаси бўлган корхоналарнинг иши қийинлашди.

Қирғизистонда халқ хўжалиги кенгашининг тузилиши баъзи ижобий натижаларни ҳам берди. Илгари бир-бири билан алоқаси бўлмаган подир ва рангли металлари қазиб олиш бўйича беш корхона бирлаштирилиб, Жанубий Қирғизистон тоғкон комбинати тузилди.

Тез орада мазкур корхонада эритилган сурма жаҳон эталонига айланиб қолди. Ёғочни қайта ишловчи корхоналар ягона «Қирғизмебель» фирмасига бирлашди. Фирма 1960—1965 йилларда ишлаб чиқаришни 2 баробар кўпайтирди.

Бироқ бундай қайта қуришлар натижасида иқтисодий ривожланишда сезиларли силжишлар бўлмади. Вазирликлар ўрнига тузилган халқ хўжалиги кенгашлари корхоналар ишига ҳуда-беҳуда аралашиб, уларнинг нормал ишлашига тўсқинлик қила бошлади. Юқорида амалга оширилаётган ислохотлар корхоналарга, иш жойларига етказилмади, қолаверса, бундай мақсад ҳам йўқ эди.

**Қишлоқ хўжалигининг ривожланиши.** 50-йиллардаги қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши соҳасидаги ислохотлар колхозчиларнинг ишга қизиқишларини бирмунча оширди. 50-йилларнинг охирида, 60-йилларнинг бошида қишлоқ хўжалигида бир қатор ислохотлар амалга оширилди. Улардан бири 1958 йил февралда машина-трактор станциялари (МТС) йўқ қилиниб, уларга тегишли қишлоқ хўжалик техникасини колхозларга сотиш тўғрисидаги қарор бўлди. Бунга қадар қишлоқ хўжалик техникаси машина-трактор станциялари ихтиёрида эди. Техника хизматидан фойдаланилгани учун колхозлар МТС билан ҳисоб-китоб қилар эдилар. Ҳақиқатда ушунинг охирида колхозлар фақат юк машиналаринигина сотиб олардилар.

Қирғизистондаги 560 колхоздан 300 дан кўпроғи 128,3 миллион сўмга МТС лардан 4 минг трактор, 1327 дон комбайни ва 20 мингдан зиёд бошқа қишлоқ хўжалик ускуналари олди. Колхозларга техникани сотиш бир йилдаёқ ниҳоясига етди. Натижада кўпчилик колхозлар техникани дарҳол сотиб олишга қудрати етмаганлиги учун қарзга ботиб қолдилар. Ҳақиқатда колхозларнинг молиявий аҳволлари ёмонлашиб, меҳнат кунини учун ҳақ тўланишига салбий таъсир кўрсатди. Колхозларда техникани сақлаш жойлари бўлмаганлиги туфайли улар очик ҳавода қолиб кетди. Шунингдек, илгари МТСларда ишлаётган техник мутахассислар қишлоқларга бормай, шаҳарларга кетиб қолишди. Бунинг натижасида 20-йилларнинг охиридан буён биринчи маротаба 1958-1961 йилларда қишлоқ хўжалик машиналари сонини қисқарди.

Яна бир ислохот — урушдан кейинги иккинчи маротаба колхозларни йириклаштириш бўлди. Бунинг натижасида 1960 йилда Қирғизистондаги 706 колхоз йириклаштирилиб, 304 колхоз вужудга келди. Колхозларни совхозларга айлантириш бўйича шўшилнч ҳаракатлар ҳам қилинди. 1958 йилдаги республика ҳудудидаги йириклаштирилган колхозлар базасида 14 та совхоз ташкил қилинди. Бундай тадбирлар, ислохотни амалга ошираётганлар фикрича, қишлоқ хўжалигини индустриаллаштиришни бошлаш имконини бериши, кучли колхоз бирлашмалари тузиллишига олиб келиши керак эди. Бу лойиҳа 50-йилларнинг бошида маъқулланмай қолган агрошаҳарчалар тузини гоясини қайта вужудга келтириш мақсадида қилинган эди. Ана шу асосда социалистик турмуш тарзини ривожлантириш орқали қишлоқларда иқтисодий қайта қуришни жадаллаштириш кўзда тутилган эди.

Колхозларни йириклаштириш қишлоқлардаги объектив эҳтиёжларни ҳисобга олмаган ҳолда, маъмурий буйруқбозлик, зўрлик кўрсатиш усули билан амалга оширилди. Қирғизистондаги тоғ шароитларида колхозларни йириклаштириш умуман керакмас эди. Жарликлардаги, майда қишлоқлар йириклашган колхоз бригадаларига айланиб қолди. Ана шу бригадалар ўртасида кўпинча борди-келди муносабатлари жуда қийин кечди. Шунингдек, уларни боғлаб турган йўллар ҳам ночор эди. Оқибатда «келажаги йўқ қишлоқлар» пайдо бўлди. Ўша қишлоқларнинг маданий ва маиший турмуш шароитлари илгариги йилларга солиштирилганда анча ортада қолди. Қирғизистондаги маҳаллий аҳолининг ижтимоий сафарбарлиги пастлиги туфайли Россиянинг марказий районларида бўлганидек, қишлоқ аҳолисининг ёппасига шаҳарларга кўчиб кетиши рўй бермади.

Ўша йилларда шахсий ёки хусусий хўжаликларга тазйиқ кўрсатиш кампанияси эски тузум қолдиги сифатида намоён бўлди. Сиёсий ва хўжалик раҳбарияти коллектив меҳнатни интенсивлаштириш учун шахсий хўжаликдаги хусусий меҳнатни чеклаш зарур деб ҳисоблаган. Бундай фикр қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига салбий таъсир кўрсатди.

50-йилларнинг охирида бутун мамлакатда бўлганидек, Қирғизистонда ҳам қишлоқ хўжалигининг ривожланиш суръати кескин пасая бошлади. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ҳажми қисқарди. Моллар бош сони, озуқа базаси ўсмай қолди. Иқтисодий жиҳатдан қолоқ колхозлар сони ўсди. Бироқ қишлоқ хўжалигида илгаридек «ҳамма нарса ўз жойида» деган фикр ҳукм сурарди. Бошқарув аппарати ходимлари иш натижалари ҳақида ўйламай, кўнглига келган ишларни қилиб, кўзбўямачилик ва қўшиб ёзишларга йўл қўйдилар. Бундай ҳолатлар Тиёншон вилоятининг баъзи районларида, Ўш вилоятининг Сузоқ ва Қорасув туманларида, Иссиқкўл вилоятининг Жетиўғуз туманида кўзга ташланди.

60-йилларнинг бошида Қирғизистон қишлоқ хўжалиги умумий иқтисодий ўсишдан ортада қолган эди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш даражаси халқнинг ўсиб бораётган эҳтиёжларини таъминлай олмади. Масалан 60-йилларнинг бошида аҳолига озиқ-овқат маҳсулотларини сотиш ҳажми 35 баробар кўпайса, уларни етиштириш атиги 1,2 баробар кўпайди.

**Маданий турмуш.** Сталинчиликдан ҳалос бўлиш процесси ижтимоий турмушга, жумладан, маънавий турмушга ижобий таъсир қилди, уни жонлантирди. 50-йилларнинг охири, 60-йилларнинг бошида ҳам маданий тараққиётда қарама-қарши тенденциялар устунлик қилди. Илгаригидек маданиятни маъмурий-буйруқбозлик мафкурасига бўйсундириш ҳаракати давом этди.

Ўша йилларда бадий маданият анча жонланди. Қирғиз адабиёти Ч.Айтматов, У.Абдуқаимов, К.Каимов, С.Эралиев, Т.Уметалиев, А.Токтомишев каби иқтидорли шоир ва ёзувчилар билан тўлиқланди.

Ч.Айтматов 1963 йилда «Тоғ ва дашт қиссалари» тўплами учун Ленин мукофотиغا сазовор бўлди.

Опера ва балет театри сахнасида С. Реузовнинг «Оқ Шумкар», А.Малдибаев, В.Власов ва В.Ференинг «Тўқтағул» опералари, М.Раухвергернинг «Чўлпон», В.Власов ва В.Ференинг «Анар» балетлари қўйилди.

Қирғиз драматургияси ҳам янги босқичга кўтарилди. Санъат арбоблари Москва, Ленинград, Харьков, Минск, Тошкент, Олмаота, Болтиқбўйи республикалари ва бошқа жойлардаги сахналарда ўз асарларини намойиш қилдилар. Қирғиз санъати ва адабиётининг Москвадаги иккинчи ўн кулиги (1958 йил) катта муваффақият билан ўтди.

Миллий кино санъати дастлабки қадамларни ташлади. «Салтанат» деб номланган дастлабки бадиий фильм Франция, Англия, Хиндистон, Мисрда бўлиб ўтган кино фестивалларида намойиш қилинди. Кейинги йилларда «Менинг хатоларим», «Олис тоғларда», «Тиёншонлик қиз» ва бошқа бадиий, хроникал-ҳужжатли фильмлар яратилди.

50-йилларнинг охири, 60-йилларнинг бошида хрущевча «ёзги мавсум» қайта бошланди. Мамлакатнинг сиёсий раҳбарияти илгаригидек маданиятни қўлдан чиқармай назорат қилиб туришга интилди. Миллий маданий мерос масаласи яна кучайиб, илгариги даврларда бўлганидек яна «қора сандиқ» тубига яширилди. Бевосита юқоридан берилган кўрсатмалар асосида Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг Мўлда Қилич ва Қосим Тинистановлар адабий асарларини тақиқлаш тўғрисида қарори қабул қилинди.

Мўлда Қилич асарларини тадқиқ қилиш ва кейинчалик эълон қилиш бўйича Фанлар Академияси Тил ва адабиёт институтидаги уюшма махсус буйруқ билан йўқ қилинди. Энди Мўлда Қилич асарларини тадқиқ қилганлиги учун сталинча лагерларни кўриб келганлар ҳам ўзларининг ишончли позицияларини ҳимоя қила олмадилар. Т.Саманчин Фанлар Академиясида эмас, Педагогика институтида ишлашга мажбур бўлди.

**Таълимнинг ривожланиши.** 50-йилларда ва 60-йилларнинг бошида таълим тармоғида бир қатор ўзгаришлар содир бўлди. 1953-1954 ўқув йилидан бошлаб Қирғизистоннинг шаҳарларида мажбурий ўрта таълим жорий этилди. Биринчи беш йилликда республикадаги ўрта мактабларнинг сони 191 тадан 297 тага етди. Ҳашта йилларда етти йиллик ва ўрта мактабларни 150 мингдан зиёд ўқувчи битириб чиқди. Уларнинг 62 минг нафари қирғиз болалари эди.

Таълим соҳасида ҳам барча иш ўз ўрнида бўлгани йўқ. 1955 йилда республикада 20 мингдан зиёд бола мактабга тортилмай қолди. Булар



Ч. Айтматов

асосан тоғли хуудлардаги чорвадорларнинг болалари эди. Қирғиз, ўзбек, дунган ва бошқа миллат қизларини мактабга тортиш ҳам талаблар даражасида бўлмади. Ана шундай шароитда республика раҳбарияти таълим тармоғини яхшилаш бўйича бир қатор тадбирларни амалга оширди.

Қирғизистон Компартияси Марказий Комитети ва Қирғизистон ССР Министрлар Совети 1957 йил 11 сентябрда «Республика мактаблари ўқувчилари учун бепул иссиқ овқат уюштириш тўғрисида» 379-54 рақамли қарор қабул қилди. Қарорда 1957 йил 1 октябрдан бошлаб 1—4-синф ўқувчилари учун бепул нонушта ташкил этиш, 1958 йил 1 январидан бошлаб эса республика шаҳарлари ва ишчи посёлкаларида бошланғич етти йиллик ва ўрта мактабларнинг 1—7-синф ўқувчилари учун текин овқат, нонушта ташкил этиш, етарли моддий имкониятга эга бўлган, иқтисодий жиҳатдан бақувват колхозларга колхозчиларнинг умумий йиғилиши розилиги билан қишлоқ мактабларида колхоз маблағи ҳисобидан ўқувчилар учун текин нонушта ташкил этиш таклиф қилинган.

1958 йил декабрда «Мактабнинг турмуш билан алоқасини мустаҳкамлаш ва СССР да халқ таълими системасини янада ривожлантириш тўғрисида» қонуни қабул қилинди. 1959 йил 28 майда Республика Олий Совети ҳам ана шундай қонун қабул қилди. Етти йиллик таълим ўрнига мажбурий саккиз йиллик таълим жорий этилди. Ўрта мактабда ўқиш муддати 11 йилга узайтирилди. 9-синфдан тўртинчи ўқувчилар ҳафтасига 2 кун ишлаб чиқариш касбларини ўзлаштирадиган бўлдилар.

Бироқ бу ислохотни амалга ошириш учун республикада моддий база ҳам, ўқитувчилар ҳам етишмас эди. 60-йилларнинг бошидаги расмий маълумотлар бўйича республикада 900 мингдан зиёд бола мактабга тортилмай қолган. Ўқитувчиларнинг 33,1 фоизигина олий маълумотга эга эдилар. Ўқитувчиларнинг кўпчилиги шаҳарларда тулланиб қолиб, кўпгина қишлоқларда олий маълумотли кадрлар жуда оз эди. Мактаблар моддий базаси ночорлиги, ўқитувчиларнинг етишмаслиги қонундаги қондаларни тўлиқ амалга оширишга имкон бермади. Шунинг учун бир неча йилдан кейин ўша ислохотдан умуман воз кечишга тўғри келди.

1958 йил август ойида «Республикадаги махсус ўрта ва олийгоҳларда қирғиз ёшларидан мутахассисларни тайёрлашни яхшилаш тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилинди. Қарорда малакали кадрларни, айниқса, қирғиз ёшларидан бўлган кадрларни тайёрлаш ишида жиддий камчиликлар борлиги таъкидланди. Ўша вақтда sanoat, қурилиш, транспорт учун кадрлар тайёрлайдиган техникумларни битирганларнинг атиги 11—15 фоизигина қирғиз ёшлари эди. Бошқа ўрта махсус ва олийгоҳларда ҳам аҳвол шундай эди. Шунинг учун қарорда олийгоҳлар билан техникумларга қирғиз ёшларидан талабаларарни қабул қилишни 60—70 фоизга етказиш, қирғиз мактабларида рус тилини ўқитишни яхшилаш чоралари белгиланди.

1958 йил қабул қилинган «Рус мактабларида қирғиз тили ўқитилишини жорий этиш тўғрисида»ги қарор Улуғ Ватан урушига қадар

ўқитилиб, уруш йилларида ҳеч қандай қарорсиз тўхтаб қолган рус мактабларида қирғиз тилини ўқитиш қайтадан бошланадиган бўлди.

Қирғизистон ССР Министрлар Советининг 1958 йил 29 майда «Болалар орасида касалликни пасайтириш бўйича тадбирлар тўғрисида»ги 223-рақамли қарори қабул қилинди. Қарорда республикада болаларнинг хасталиги ва толиқиб қолаётганлиги юксак эканлиги, уларга тиббий ёрдам кўрсатиш қониқарсиз эканлиги таъкидланди.

Туғилаётган ҳар минг чақалоқдан 30 нафаридан кўпроги нобуд бўлар эди. Болалар хасталиги ва ўлимни қисқартириш мақсадида соғлиқни сақлаш вазирлигига болаларга тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш ва хизмат маданиятини ошириш вазифаси юклатилди. Шу билан бирга, йилига бир маротаба республика давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ҳаста болаларни бир ёшга қадар сут аралашмаси билан текин овқатлантиришни ташкил этиш учун 2 миллион сўм ажратилиши кўзда тутилган. Булардан ташқари, болалар саломатлигини мустахкамлаш учун бошқа тадбирлар ҳам белгиланди. Республика олий раҳбарияти томонидан қабул қилинган мазкур қарорлар КПСС МК да давлат интизомини бузиш, маҳаллийчилик кўриниши сифатида баҳоланди. КПСС МК нинг иккинчи қотиби, Сиёсий бюро аъзоси Фрол Романович Козлов республика раҳбариятига «... иттифоқ ҳукуматида қараганда яхшироқ кўриниши келдими ... коммунизмга ҳаммадан илгари борини келдими, сизлар халқ олдида енгилепи обрў орттирини келдими» деб ичинг қилди ва «... биз сизлар умрбод унутмайдиган, сизларга, болаларингизга, набираларингизга, авлод-аждодингизга сабоқ бўладиган, иттифоқ қонунини ҳеч қачон бузмайдиган иш қиламиз» деб таҳдид қилди.

## Ҳужжатли материаллар

### 1. И. Раззоқовнинг 1956 йил 29 апрелда КПСС МК га ёзган хатидан:

Қирғизистон ССР иқтисодиёти ва маданиятини бундан буюк тез ўсиши кун тартибига халқ ҳўжалиги ва маданий қурилишни бошқаришни яхшилаш учун бир қатор масалаларни кўридаланг кўяди. Умуммамлакат манфаатларини назарда тутиб, иттифоқдош республикалар иқтисодиёти ва маданиятини ривожлантириш масалаларини ҳал этиш бўйича, ҳуқуқларини янада кенгайтириш лозим.

Республика иқтисодиёти, маданияти эришган даражани, тажрибали кадрларнинг бор эканлигини ҳисобга олганда айрим корхоналарининг эмас, халқ ҳўжалигининг бутун-бутун тармоқларини ҳам республиканинг ўзи бошқара олиш имконини беради, бу нарса республика ҳукуматида ана ўша тармоқларни оператив бошқариш, уларни ривожлантириш масалаларини умумиттифоқ халқ ҳўжалиги режаларида белгилаган мезонлар доирасида мустақил ҳал этиш имконини берган бўлур эди.

2. К. Дикамбаевнинг «Асид қирғиз ўғлини» деб номланган хотира мақолисида: «... Бизларни, И. Раззоқов ва К. Дикамбаевларни 1961 йил май ойида Қирғизистон Компартияси Марказий қўмитетининг VI пленумида бутун мамлакатга дабдаба қилиб ишдан қандай ва нима учун бўшатиладиганимизни қисқача баён этмоқчиман.

Пленум И.Раззоқовни Қирғизистон Компартияси Марказий Комитети биринчи котибидан халқ хўжалигини бошқариш, кадрлар билан ишлашда катта хато ва камчиликлари учун бўшатган. К.Д.Диканбаев эса Министрлар Совети ишига қониқарсиз раҳбарлик қилгани, давлат интизомини бузганлиги ва маҳаллийчилик кўринишлари учун Министрлар Совети раиси вазифасидан бўшатилди.

Бироқ расмий ҳулосалар уларнинг жазолаш учун баҳонагина бўлган. Улар ҳақиқий сабабни била туриб жим турганлар. Уларни ўша вақтда санокли кишиларгина билганлар. Улар ҳақиқий эканлигини вақт тасдиқлади».

### Савол ва топшириқлар

1. 50-йиллардаги республика ижтимоий сиёсий ҳаёти ҳақида гапиринг.
2. 50-йилларда ва 60-йилларнинг бошида халқ хўжалигини ривожлантириш бўйича қандай чоралар кўрилди? Уларнинг натижалари қандай бўлди?
3. 50-йилларда ва 60-йилларнинг бошида халқ хўжалигини бошқарув бўйича қандай ислохотлар амалга оширилди? Уларнинг якуни қандай бўлди?
4. 60-йилларнинг биринчи ярмида республика иқтисодий тараққиётидаги зиддиятлар ҳақида таъриф беринг.
5. Ўзингиз яшаган район, шаҳар, қишлоқда ўша йиллардаги ижтимоий сиёсий вазият, хўжалик ривожланиши тўғрисида ҳикоя тайёрланг.
6. 50-йилларнинг иккинчи ярмида, 60-йилларнинг бошида Қирғизистон маданияти ривожидagi асосий зиддиятлар ҳақида инималарни биласиз?

## VI боб. ҚИРҒИЗИСТОН «РИВОЖЛАНГАН СОЦИАЛИЗМ» ЁКИ ТУРФУНЛИК ЙИЛЛАРИДА (1965—1985 йй)

### 22 §. Ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги зиддиятлар

**Жамиятдаги сиёсий турмуш.** 1964 йил кузда Н.С.Хрушчевнинг истеъфога чиқиши унинг раҳбарлигида амалга оширилаётган ислохотлардан воз кечишни билдиради. Л.И.Брежнев бошлиқ СССРнинг янги олий партия давлат раҳбарияти ижтимоий турмушда сталинча меросдан ҳалос бўлиш йўлидан аста-секин бош торта бошлади. 30—40- ва 50-йиллардаги ноқонуний жазолашлар қурбонларини оқлаш жараёни амалда тўхтатилиб, сталинчиликнинг жинсий кўриниши жамоатчилик учун ёпиқ ҳолича қолаверди. Бутун мамлакатда бўлганидек, Қирғизистонда ҳам 30-йилларда беғуноҳ жазоланган таниқли партия ва совет раҳбар ходимлари оқланмади, унутиб юборилди.

1964 йил декабридан бошлаб вилоят ва район партия ташкилотлари яна бирлашиб қолди. Бунинг натижасида партия раҳбарлиги мустаҳкамланиб, ижтимоий турмушнинг барча соҳаларига аралашув бошланди. Чинакам ҳокимият амалда партия органлари қўлида тўпланди. Турли даражадаги партия органлари раҳбарлари ўзлари бошқарган ҳудудларнинг хўжайинларига айланиб қолишди. 70-



йилларда партиявий аппаратда ишлаган кадрларнинг алмашинуви тўхтаб қолди. Энди партиявий аппарат ходимлари аввалари бўлгандагидек тез-тез алмашмайдиган бўлиб қолди. Улар ўзларининг хизмат лавозимини кўтаришни режалаштириш имконига эга бўлдилар. Юқори партия органлари кўйи партия ва совет органлари учун кадр танлашни тўдалигича ўз қўлига олди. Кадрларни уларнинг иш қобилияти бўйича эмас балки шахсий садоқати бўйича танлаш одат тусига кириб қолди. Қирғизистонда кадрлар танлаш ишига уруғчилик, туғишганлик, таниш-билишчилик, маҳаллийчилик ҳам катта таъсир кўрсатди. Бунинг натижасида лаёқатсиз, принципсиз ва ноқобил ташкилотчилар кўп вақтларда раҳбарлик лавозимларига келиб қолишди. Партия ходимлари раҳбарлик лавозимларида айланма бўйича партия органларидан хўжалик ва бошқа жамоатчилик ташкилотларига алмашиб туришди. Шундай қилиб, партия-давлат раҳбариятининг махфий тўрачилик системаси шаклланди.

Турли айблар қўйилиб лавозимларидан бўшатишган партия-совет ва хўжалик ходимлари бундай бюракратик система қурбонларига айландилар. Уларнинг номлари унутилиб, илгариги ҳуқуқларининг барчасидан ажраб, ижтимоий турмушда фаол иштирок этишдан узоқлаштирилдилар. Республикага 15 йилга яқин раҳбарлик қилган И.Раззоқов ишдан олингандан кейин Москва яқинидаги Куцевода яшаш учун жўнатилди. Бу йўл билан унинг Қирғизистон билан алоқаси узилди, у унутила бошлади. И.Раззоқов 1979 йилда вафот этди ва ўша ерда дафн этилди.

60-йилларнинг ўрталаридан тортиб 80-йилларнинг бошига қадар бўлган даврда партия аппарати ходимлари тез ўсдилар. Ўша йилларда Қирғизистон партия аппаратидаги ходимларнинг сони деярли бир ярим баробар ортиқ эди. Бироқ республикадаги чинакам ҳокимият Москванинг қўлида бўлди. Москвадаги олий партия раҳбарияти республика Марказий Комитетининг, область партия комитетлари биринчи котибларинигина эмас, совет, хўжалик ва бошқа раҳбарларни, ҳатто катта завод директорларини ҳам тайинлаган.

Республика партия ташкилотлари пленумлари, йиғилишлари ўз вақтида ўтказилгани билан улар кўпинча юқори партия органлари қабул қилган қарорларни муҳокама қилиш билан чекланиб, олдиндан тайёрлаб қўйилган қарорлар қабул қилишган. Ўша вақтда ижтимоий турмушнинг барча соҳаларида тобора кескин тус олаётган долзарб масалаларни чинакам муҳокамаси бўлган эмас. «Ҳамма иш жойида, баъзи камчиликларгина мавжуд», деган хулосалар устивор эди. Иш олиб боришнинг маъмурий-буйруқбозлик усули барча даражадаги партия органларида устунлик қилди ва конструктив фикр алмашиш, принципиал танқид бутунлай йўқ бўлиб кетди.

Халқ ҳокимияти принципи ўзгартирилиб, бутун ҳокимиятни ўз қўлларига олган партиявий аппаратларда: Марказий Комитетдан тортиб район партия комитетига қадар бўлган даражадаги аппаратларда порахўрлик, коррупция кенг ўрни ола бошлади. Баъзи вақтларда

бундай фактлар фош қилиниб жазога тортилганлигига қарамай, кўпинча улар назоратдан четда қоларди. Буларнинг барчаси жамиятнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий турмушига салбий таъсир кўрсатиб, маъмурий-буйруқбозлик системасининг инқирози бошланиши ва унинг бузилиб бораётганлигининг исботидир.

Ўзларини ўша ҳудуднинг ҳақиқий хўжайинлари деб билган партия ташкилотларининг айрим раҳбарлари номаъқул қилмишлари билан ҳам фарқланардилар. Йиғилиш бўлаётган жойда ўтирган 300—500 одамни назар-писанд қилмай, ўзи хоҳлагандек олиб ўтириш, ҳар қандай даражадаги партия, совет ва хўжалик раҳбарларини кўпол сўзлар билан сўкиш ва мазах қилиш, камситиш ва хўрлаш улар учун одатдаги кўриниш эди. Одамгарчилик, инсон ҳуқуқлари ва ор-номус деган тушунчалар уларга бутунлай ёт бўлиб, бундай тушунчалар уларнинг ҳақиқий башараси учун бир ниқоб вазифасини бажарган.

Ана шунга ўхшаган кўринишларнинг барчаси партия-давлат бошқарув аппаратининг чириб бораётганлигидан далолат эди.

**Қирғизистон ССР Конституцияси. 1977 й. 7 октябрда СССРнинг, 1978 йил 20 апрелда Қирғизистон ССРнинг янги Конституцияси (асосий қонуни) қабул қилинди.** Қирғизистон ССРнинг янги Конституцияси СССР Конституциясининг ва Қирғизистон ССРнинг 1937 йилдаги Конституциясининг асосий қондаларини қайтаради. Унга «ривожланган социализм» тўғрисидаги мафкуравий қонда киритилди.

Янги Конституцияда Коммунистик партиянинг раҳбарлик роли илгаригига қараганда бирмунча аниқ кўрсатилди. Унинг 6-моддасида Компартия «Совет жамиятининг раҳбар ва йўналтирувчи кучи, унинг сиёсий системасининг, давлат ва жамоат ташкилотларининг ядроси» деган қонда билан қонунийлаштирилди. Янги қонституция бўйича меҳнаткашлар депутатлари советлари халқ депутатлари советлари деб аталадиган бўлди.

Конституцияда расмий бўледа, асосий демократик эркинликлар: сўз, матбуот, йиғилишлар, митинглар, кўча намойишлари ва юришларга чиқиш, динга ишониш ёки ишонмаслик эркинлиги эълон қилинди. Шунингдек, Конституция меҳнат жамоалари ва жамоатчилик ташкилотларининг ўсиб бораётган ролинини тан олди.

Янги Конституциядаги кўплаб қондаларнинг қоғоздагина қолганига қарамай, у жамоатчилик ташкилотлари миқдорининг ўсишига имкон берди. Маданий турмуш, спорт ҳаракати ва бошқа соҳаларда кўнлаб жамоат ташкилотлари пайдо бўлди. Кейинчалик «қайта қуриш» ва «ошкоралик» даврида пайдо бўлган «иорасмий ташкилотлар» ҳам ўша жамоатчилик ташкилотларига таяниб ривожланди.

**Тоталитар режим мафкуравий инқирозининг кескинлашуви.** 60-йилларнинг иккинчи ярми ва 80-йилларнинг бошида коммунизм қурилмаслиги аниқ бўлиб қолди. Бу нарса мамлакатнинг ички сиёсатига асос бўлиб қолган коммунистик афсонага хавф келтирди. Янги раҳбарият ўзи учун гоявий-назарий, тарғиботчилик асосларини

қидира бошлади. Ана шундай шароитларда «ривожланган социализм» деган жумлани ўйлаб топдилар. Энди коммунистик қурилиш мақсадларини тарғиб қилиш ўрнига ривожланишнинг эришилган босқичини тарғиб қилиш афзалроқ бўлиб қолди. 1967 йилда Октябрь инқилобининг 50 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда СССРда «ривожланган социалистик жамият» қурилганлиги эълон қилинди. Партиявий раҳбарият «ривожланган социализмни» ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш воситаларининг, барча иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, илмий-техникавий ва маънавий жараёнларнинг энг етилган даври сифатида таърифлаб, у Совет Иттифоқидагина вужудга келган инсон цивилизациясининг янги типи сифатида баҳоланди.

Халқнинг асосий кўпчилиги ривожланган капиталистик мамлакатлардаги халқ турмуши тўғрисидаги ҳақиқий маълумотларни олиша олмаган. Тоталитар режим ўзининг теvarак-атрофини «темир девор билан» қуршаб олиб, радио, телекўрсатув, матбуот, мураббийлар орқали бизда ҳамма нарса яхши, чет мамлакатларда эса нарх-наво тўхтовсиз ўсмоқда, иш ҳақи оз, меҳнаткашларни иш ўрнини йўқотиб қўйиш хавфи доимо кўрқитиб туради, ижтимоий таъминот ночор, гадоилар билан бойлар ўртасида зиддиятлар кескинлашиб бораётир, деб ишонтиришга ҳаракат қилганлар. Расмий ташвиқот СССРнинг демократия ва прогресс таянчи, коммунизм эса бутун инсониятнинг асосий мақсади, унинг ёрқин келажаги деб кўрсатишга бутун куч-ғайратини сарфлади.

Совет кишиларининг «коммунизм» тўғрисида оз бўлса-да тушунчаси бўлсаҳам, «ривожланган социализм» тушунчасидан улар бутунлай беҳабар бўлганлар. Коммунизмнинг амалга ошмаслиги тўғрисида омма ўртасида фикрлар шакллана бошлади. Ана шундай нуқтаи назарни нейтраллаштириш учун улар «ривожланган социализм» тушунчаси Ленин томонидан белгиланганлиги ва у коммунизмга томон йўлдаги ўтқинчи босқич эканлиги, «волюнтарист» Н.Хрушчев эса уни «ҳатлаб ўтгиси» келган деб исботлашга уриндилар.

«Ривожланган социализм» йилларида расмий тарғибот ва кундалик турмуш ўртасидаги фарқ оммавий умидсизлик, партия қарорларига ишончсизликни, сиёсий лаганбардорлик ва беадабликни келтириб чиқарди. Амалда илмий, маданий ва маънавий турмушнинг кўпчилик тармоқларида тазйиқ кўрсатиш, чеклашлар системага айланди. Ўтган даврни ва ҳозирги даврни илмий позицияда туриб таҳлил қилишга ҳаракат қилган айрим олимлар ўз тадқиқотларидан четлаштирилдилар. Сталинчиликни аста-секин ошқора равишда оқлаш бошланиб кетди. Совет ҳокимияти йилларидаги кўплаб тарихий воқеалар бузилиб, ўша йиллардаги партия сиёсати тўғри сиёсат эди, деб кўрсатилди. Ноқонуний жазолаш фактлари ҳақида дом-лим дейилмай қўйди.

**Туб ўзгаришлар зарурлиги.** 1982 йилдан 1985 йилгача бўлган давр ичида Совет Иттифоқида уч марта олий партия давлат раҳбарияти алмашди. 1982 йил ноябрь ойида 76 ёшли КПСС МКнинг Бош котиби, СССР Олий Совети Президиумининг раиси Л.И. Брежнев

вафот этди. Унинг ўрнига Ю.А. Андропов келди. У узоқ йиллар давомида давлат хавфсизлик комитети (Д.Х.К.) Раиси, 1982 йилнинг февраль ойида КПСС МК нинг котиблигига сайланган. Янги Бош котиб 1984 йил февраль ойида вафот этди.

Ю.В. Андроповнинг ўрнига 73 ёшли К.У. Черненко олий ҳокимиятга келди. У бир йилдан ортиқроқ ишлади, у хаста эди. 1985 йил март ойида узоқ давом этган оғир касалликдан сўнг К.У. Черненко вафот этди. КПСС МК Бош котиблигига 54 ёшли Михаил Сергеевич Горбачев сайланди.

СССР даги ҳокимият олий зинапояларидаги алмашувлар кенг халқ оммасининг, оддий коммунистларнинг иштирокисиз олиб борилган. Партия совет системаси ҳокимият зинапояларида раҳбарларни алмаштиришнинг демократик механизми ишлаб чиқилмади. СССРдаги сиёсий тузум инқироzi 1982—1985 йилларда равшан бўлиб қолди. СССР иқтисодий тузумининг етук эмаслиги, унинг ортда қолганлиги, аҳоли турмуш эҳтиёжларини таъминлай олмаганлиги очиқ кўрина бошлади.

Ю.В. Андропов 1982 йил ноябрда Бош котиб бўлгандан кейин асосий эътиборни интизомни мустаҳкамлаш ва коррупцияга қарши курашга қаратди. Мамлакат марказида, Ўзбекистонда коррупциянинг мудҳиш кўринишлари фош қилинди. Коррупцияга қарши кураш шундан кейин тўхтаб қолди. Раҳбар гуруҳни янгилаш унинг асосий натижаси эди. Бироқ бу жараён чекланган бўлиб, ишдан кетган вазирнинг ўрнини унинг биричи ўрибосари эгаллаб қолди, холос.

Ишлаб чиқаришда уюшқоқлик ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш бўйича кескин чоралар кўрилди. Бироқ бу ишлар дабдабали кампанияга айлантирилиб, илгаридан кўникиб қолинган совет, маъмурий буйруқбозлик усули билан амалга оширилди, конституциявий нормаларни, инсон ҳуқуқларини қўпол равишда бузишга йўл қўйилди.

Милиция, МКК, аппарат ходимлари одамларни иш вақтида бошқа ёқда юрганлигини аниқлаш мақсадида, хужжатларни текшириш учун дўконлар, бозорлар, дам олиш боғлари, ҳаммомлар, кинотеатрлар ва бошқа жойларни қидириб чиққанлар. Иш ўрнида ўтирмаган бир ёки икки кишини фош қилиш учун юзлаб киши томоша қилиб ўтирган кино сеансларни тўхтатиб қўйиш ҳоллари ҳам бўлган. Баъзи қишлоқларда ҳам йўловчиларни ташиётган автобуслар тўхтатилиб, ундаги йўловчилар қишлоқ хўжалик ишларига мажбур қилинган.

Бироқ бундай кескин чоралар вазиятни ўзгартирмади. 1983 йилнинг 1 ярмида меҳнат унумдорлиги бирмунча ўсганлиги билан унинг иккинчи ярмида у илгариги ҳолатига келиб қолди. Шундай қилиб, бундай кескин чоралар қисқа муддатли, у қадар сезиларли бўлмаган натижаларни бериб, вазиятни ўнглай олмади. Андропов бир йилдан ортиқроқ вақт давомида ҳокимият тепасида турди, унинг қўп вақти касаллик билан ўтди.

1984 йил февраль ойида ҳокимиятга келган Черненко мамлакат иқтисодий сиёсатига ҳеч қандай ўзгариш киритмади. Унинг даврида

партия номенклатура ходимлари ўзларини анча эркин сезиб қолди. Мамлакат қисқа муддатга яна турғунлик даврига қайтиб келди. Иқтисодий турмушни жонлантириш бўйича ҳаракатлар тўхтаб қолди. Социализмнинг исми кўрилмаган ғалабалари тўғрисидаги маълумотлар яна қайтадан янграй бошлади.

### **Ҳужжатли материаллар**

**1. КПСС МК нинг, ССР Министрлар Совети ва ВЦСПС нинг 1983 йил 28 июлдаги «социалистик меҳнат интизомини мустаҳкамлаш бўйича ишларни кучайтириш тўғрисида» ги қарорид:**

1. ... ҳалол меҳнатни моддий ва маънавий тақдирлашни қўллаб қувватлаш. шу билан бирга меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини бузувчиларга нисбатан муросасасозлик фактларини кескин йўқ қилиш, бунинг учун жамоатчилик таъсир кўрсатиш чораларини, амалдаги қонуний нормалардан самарали фойдаланиш зарур. Меҳнат интизомини бузишлар СССР Конституциясида белгиланган ҳалол меҳнат қилиш мажбуриятидан бош тортиш сифатида кўриб чиқиши керак.

2. ... ўзига топширилган участкада тегишли меҳнат интизомини таъминлай олмаган раҳбарнинг иши у эгаллаб турган лавозимга мос келмайди, деб баҳола- ниши зарур.

### **Савод ва топшириқлар**

1. 60-йиллар охири - 80-йиллар бошидаги Қирғизистон ижтимоий-сиёсий турмуши хусусиятларини таърифланг.

2. 60-80 йиллардаги Қирғизистон сиёсий раҳбарларига таъриф беринг.

3. Ҳужжатли материаллардан фойдаланиб 80-йилларнинг бошида ўтказил- ган қайта қуришларга таъриф беринг.

4. Нима учун мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожини тубдан қайта қуриш зарурати келиб чиқди?

## **23-§. Иқтисодий ҳаёт, ривожланишдаги эҳдиётлар**

**Иқтисодиётни ислоҳ қилиш ҳаракатлари.** 1965 йил сентябрда иқтисодий ислоҳотларни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилинди. Бироқ уни амалга ошириш дастлабки кунларданоқ одат тусига кириб қолган маъмурий-буйруқбозлик усули билан олиб борилди. Ислоҳот янги маъмурий марказлаштириш, Халқ ҳўжалиги Советларини йўқотиш ва тармоқ вазирликларини аслига келтириш билан бошланди. Уларнинг сони тўхтовсиз ўсиб турди. 80-йилларнинг бошида Қирғизистонда 50 дан зиёд иттифоқ — республика ва республика аҳами- ятидаги давлат комитетлари, вазирликлар ва бошқармалар бор эди.

Ислоҳотларда корхоналарнинг ишларига ҳаддан зиёд аралашини тўхтатиш, корхоналарга юқоридан бериладиган режа кўрсаткичлари миқдорини қисқартириш, корхонада моддий манфаатдорлик жамғар-



Тўқтагул ГЭСи


ланган маъмурий-буйруқбозлик бошқаруви усулларини хуш кўрганлиги учун бундан воз кеча олишмади.

Бошқарувнинг умумий асосини сақлаб қолиш ва корхоналарнинг ҳисобот кўрсаткичларини ўзгартириш орқали барча муаммоларни ҳал қилишга интилиш одат тусига кириб қолди. Шунингдек, ислохотларнинг пухта юритилмаганлиги, маъмурий-буйруқбозлик бошқарув системаси, директивалар орқали режалаштиришнинг сақланиб қолганлиги корхоналарни нима қилиб бўлса ҳам режани бажаришга мажбур қилди. Корхоналар режани расмий тарзда бажариш ва ошириб бажариш билан чекландилар. Истеъмолчилар ишлаб чиқаришга таъсир ўтказиш имкониятидан маҳрум бўлишди. Бундай система ишлаб чиқаришда меҳнат қилаётганлар ташаббускорлигини сўндирди, миқдор кўрсаткичларининг бажарилиши билангина кифояланиб қолишга мажбур қилди.

Бошқа иттифоқдош республикаларда бўлганидек, 60-йилларнинг иккинчи ярмида Қирғизистон иқтисодиётининг ривожланиши жадаллашди. 70-йилларда иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш суръати сусая бошлаганига қарамай республика халқ хўжалик комплекси бир мунча олға қадам ташлади. 1966—1985 йилларда Қирғизистонда 150 дан зиёд йирик саноат корхоналари ишга туширилди. Машинасозлик, рангли металлургия, электроника, электротехника, асбобсозлик, қурилиш индустрияси ва гидроэнергетика каби саноатнинг муҳим тармоқлари вужудга келди. 1985 йилда республика саноатида 150 дан зиёд тармоқ мавжуд бўлиб уларда 4000 дан ортиқ номдаги буюмлар ишлаб чиқа-

масини тузиш, саноатдаги қурилишларни қайтариб берилмайдиган дотация йўли билан эмас, кредит орқали молиялаштириш кўзда тутилган эди.

1965 йилдаги ислохотларнинг дастлабки қадамлари яхши натижаларни берди. Бошқа иттифоқдош республикалар каби Қирғизистон иқтисодиёти ҳам тез ривожлана бошлади. Бироқ ислохотни амалга оширишда кўплаб тузатишлар, қўшимчалар киритилиб, натижада 70-йилларнинг бошларидаёқ унинг моҳияти ўзгарди, аслида кераксиз бўлиб қолди. Иқтисодий ислохот сиёсий соҳани демократлаштириш билан бирга олиб борилмаганлиги туфайли кўзда тутилган натижани бермади. Ислохотни амалга оширишга раҳбарлик қилганларнинг кўпчилиги Сталин замонида шакл-



Кыргызстан 60-жылдарынын бошмасы

рилган, 405 та йирик корхона бор эди. Ялли маҳсулотнинг 60 фоизи, миллий даромаднинг ярмига яқини саноат зиммасига тўғри келган.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон ҳудудлари учун катта аҳамиятга эга бўлган йирик саноат корхоналари қурилди. Улар орасида электрон-ҳисоблаш машиналари заводи, пармалаш заводи, Тўқмоқдаги ойна заводи ва бошқалар бор. Ўрта Осиёдаги энг йирик корхоналардан бири — йилига 82,9 миллион метр газлама тўқиб чиқариш қувватига эга бўлган тўқимачилик комбинати — Ўш тўқимачилик комбинатининг иккинчи навбати ишга туширилди. 1 миллион 200 минг кв. қувватга эга бўлган Тўқтағул ГЭСи, 800 минг кв. қувватга эга бўлган Қурпсой ГЭСи қуриб битказилди.

Ишлаб чиқаришни бундан буён йириклаштириш тадбирлари кўрилди. 70-йилларда ишлаб чиқариш ҳажми 2 миллион сўмга етмаган корхоналарнинг ҳиссаси 2 баробар қисқарди ва йирик корхоналар ҳиссаси шунча ўсди. Саноатда ишлаб чиқариш бирлашмалари тузилди. 1985 йилда республикада 123 корхонани бирлаштирган 40 та бирлашма бўлиб, улар саноат маҳсулотининг 30 фоизига яқинини ишлаб чиқаришди.

Бироқ иқтисодий ва ижтимоий тараққиётнинг бундай одимлари кўпинча эътеборсиз асосда ҳал этилди. Кўп вақтларда тармоқни ривожлантириш учун ихтиёрида бўлган ускуналардан тўлиқ фойдаланиш ҳамда илгари ишлаб келаётган корхоналарни технологик жиҳатдан қайта қуриш ўрнига, биринчи навбатда янги бошланган қурилишга капитал маблағ сарфланди. Бу нарса иқтисодиёт ривожининг эътеборсиз ҳолатини кучайтирди. Натижада меҳнат ресурсларининг суъбий етишмовчилиги вужудга келди.

Меҳнат ресурсларининг етишмовчилиги қишлоқлардаги маҳаллий ёшлардан малакали ишчи кадрларни тайёрлаш, уларни ишга жойлаштириш йўли билан ҳал этилмади, республикадан ташқари районлардан малакали ишчиларни чақириш йўли билан ҳал қилишга кўпроқ эътибор берилди. Уй-жой масаласи ҳал қилинмаганлиги ва малакаси паст, иш ҳақи оз бўлган ишда ишлаганликлари учун маҳаллий миллатга мансуб бўлган кўпчилик ёшлар шаҳарлардаги, айниқса, марказдаги йирик корхоналарда ишлаб қола олмади. Уларнинг кўпчилиги ўз қишлоқларига қайтиб бориб, ишсизлар сафини кўпайтиришди. 80-йилларнинг ўрталарида қишлоқларда доимий иш билан таъминланмаганлар сони 140 минг кишидан ошиб кетди.

80-йилларнинг бошида қишлоқлардаги бундай аҳволни ўнглаш ҳаракатлари бошланди. Янги корхоналар билан уларнинг филиаллари ўрта ва кичик шаҳарларга, шаҳар типдаги қишлоқларга жойлаштирилди. Ўша йилларда 22 та саноат корхонаси ва 20 та цех ишга туширилди. Бу кескинлашиб бораётган ижтимоий масалани бирмунча енгиллаштирди, бироқ ҳал қила олмади. Бунинг учун қишлоқларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган майда ва ўрта корхоналарни қуриш, ёшларни ишчи ўринлари билан таъминлаш зарур эди.



**Қишлоқ хўжалигидаги аҳвол.** 60-йилларнинг ўрталарида қишлоқ хўжалиги иқтисодиётнинг энг орта қолган тармоғига айланиб қолди. Н.С.Хрущевнинг қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш дастурининг бажарилмай қолиши мамлакат янги раҳбариятини аграр сиёсатни қайтадан кўриб чиқишга мажбур қилди. Раҳбариятнинг бу борадаги дастлабки қадамлари анча умид бахш этди.

КПСС МК нинг 1965 йил март пленумида миллий даромадни қишлоқ хўжалиги фойдаси учун қайта тақсимлаш, қишлоқдаги ижтимоий муаммоларни кенг ҳал қилиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улгуржи савдо нархини ошириш бўйича тадбирлар белгиланди. Колхозлар устидан бўладиган назорат енгиллаштирилди. Энди улар беш йиллик режа бўйича маҳсулотларни ўзгармас нархда сотиш имконига эга бўлдилар. Шунингдек, режадан ортиқча етиштирилган маҳсулотни 50 фоиздан кам эмас миқдорда давлатга оширилган баҳода сотиш имкониятига ҳам эга бўлдилар.

Шунингдек, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ўртача нархлари 1965 йилда 20 фоиз, 1970 йилда 25 фоиз, 1979 йилда 12 фоиз ва 1984 йилда 16 фоиз кўтарилди. Нархларнинг бундай даражада кўтарилиши кутилгандай яхши натижаларни бермади. Чунки қишлоқ хўжалик машиналари ва ўғитлар баҳоси тўхтовсиз ўсиб борди. Нархларнинг тенг эмаслиги туфайли колхоз ва совхозларнинг иқтисодий аҳволи оғирлашди. 80-йилларнинг бошида уларнинг кўпчилиги қарзга ботиб қолди.

Қишлоқ хўжалик масалаларини капитал маблағ ҳажмини кўпайтириш орқали ҳал этишга ҳаракат қилинди. 1966—1985 йилларда республика қишлоқ хўжалигига 5,3 миллиард сўм сарфланди ёки йилга ўрта ҳисобда 276 миллион сўм сарфланди. Қишлоқ хўжалигига сарфланган маблағлар яхши натижа бермади. Зеро уларнинг аксарият кўпчилиги ер ҳосилдорлигини ошириш, ишлаб чиқаришни механизациялаш, қишлоқни қайта қуриш ёки маҳсулотни сақлаш ҳамда қайта ишлаб чиқариш ўрнига қимматбаҳо катта комплексларни қуришга сарфланди.

Ўша йилларда қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш даражаси бир мунча юксалди. Машина - трактор паркн тўла янгиланди. 1985 йилда уларнинг умумий энергетик қуввати 7244 минг от кучига тенг эди. Республиканинг ҳар бир колхозига ўрта ҳисобда 4,5 минг от кучи қувватига эга бўлган 61 трактор, 12,2 дон комбайни тўғри келган. Бироқ картошка, лавлаги, пахта ва тамаки ўрими-йиғимида қўл меҳнати устулик қилди.

Хукумат шахсий хўжаликларга эътибор берди. Шахсий хўжаликларда хўжалик юритишнинг баъзи чеклашлари олиб ташланди. 1977 йилда, ундан кейин 1981 йилда хусусий мулкни муҳофаза қилувчи қарорлар қабул қилинди. Шахсий хўжалик учун бериладиган ер майдони ҳажми 2 баробар кўпайтирилиб, ўз ихтиёридаги ҳайвонларга ипсбатан миқдорий чеклашлар бекор қилинди. Марказнинг бундай сиёсати мазкур тармоқда бурилиш ясаш имконини бермади. Қолаверса, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг ўсишини таъминлаш учун эмас,

аксинча, кўшимча озиқ-овқат етиштиришга йўналтирилган коллектив хўжалик юритиш принципи устунлик қилиб турган эди. Маҳаллий ҳокимият шахсий хўжаликларнинг ривожланишига тўсқинлик қилди ва шу йўл билан колхозчилар колхоз ерларида ишлашга мажбур бўлиб қолади, деб ҳисобланган. Шундай қилиб, шахсий хўжалик ва коллектив хўжалик бир-бирига тамомила зид бўлиб қолди.

Қишлоқ хўжалиги самарадорлигини ошириш мақсадида ҳукумат бир қатор ислоҳотларни амалга оширди. Улар қишлоқ хўжалиги билан озиқ-овқат ишлаб чиқарувчи корхоналар алоқасини мустаҳкамлаш, колхоз ишлаб чиқаришини бошқаришни қайта қуриш мақсадини кўзлаган эди. 1977—1978 йиллардан бошлаб ишлаб чиқаришда мутахассисликни кучайтириш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашни ривожлантириш имконини берадиган «ишлаб чиқариш комплекслари» тузила бошлади. Улар колхоз ва совхозларни, озиқ-овқат саноати, илмий ишлаб чиқариш бирлашмаларини ўз ичига олди. 1980 йилга қадар Қирғизистонда 165 та ана шундай комплекс фаолият кўрсатган эди. Бу чоралар ҳам қутилган натижаларни бермади.

Маъмурий-буйруқбозлик усули билан бошқаришнинг устунлиги, мустақил иш юритишнинг ҳар қандай кўринишларини йўқ қилиш деҳқонларнинг ижтимоий фаоллигини йўққа чиқарди, ўз иши натижасига бўлган қизиқишини амалда йўқ қилди. Тенглаштириш психологияси деҳқонларнинг иззат-нафсига салбий таъсир кўрсатди. Ишлаб чиқаришни ташкил этиш унинг самарадорлигини ошириш учун бўлган ҳаракатлар қўллаб-қувватланмади.

80-йилларнинг бошида қишлоқ хўжалиги инқирозга юз тутди. Ўшандай вазиятда **КПСС МК Май (1982 йил)** пленуми *Озиқ-овқат дастури*ни тасдиқлади. Аграр саноат комплексларини тузиш, унинг ҳал қилувчи тадбирларидан бири бўлиб қолди. Бир ҳудудда жойлашган колхозлар, совхозлар ва қишлоқ хўжалик эҳтиёжлари учун ишлаётган бошқа корхоналар ҳудудий аграр саноат комплексига бириктирилди. Бундай чоралар қишлоқ хўжалигининг ривожланиши учун қулай шарт-шароит яратини керак эди.

Қишлоқ хўжалигидаги қайта қуришлар маъмурий-буйруқбозлик системаси доирасида олиб борилганлиги туфайли унда қотиб қолишлик, чалалик ҳамон сақланиб қолаётган эди. Ташкил этилган куниданоқ аграр саноат комплекслари ўзини оқлаган тўлақонли иқтисодий организмга айлана олмади, оддийгина моддий маъмурий бирикма бўлиб қолаверди. Қишлоқ хўжалигини бошқариш аппарати ўсиб, деҳқонлар ишини назорат қилиш ҳоллари кўпайиб кетди. Шундай бўлсада, бу иш қишлоқ хўжалигидаги асосий звено — деҳқонлар табақасини, қишлоқдаги иқтисодий муносабатларни қайта тузиш, хўжалик механизмнинг тубдан қайта қурилишини ўз ичига ола олмади.

Қишлоқ хўжалигининг ривожланиш суръати тобора пасайиб борди. Қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштиришнинг ўсиши, партиянинг

Озиқ-овқат дастурида такидлаганидек, аҳоли жон бошига зарур миқдордаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлай олмади.

Қирғизистон қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқларидан бири бўлган чорвачилик, айниқса, қўйчилик оғир аҳволда қолди. Колхоз ва совхозлар бутун даромадининг 34 фоизи шу соҳага тўғри келар эди. Мазкур тармоқни асосан маҳаллий халқ вакиллари эгаллаган эди. Бу тармоқ тоғли районлардаги хўжаликлар умумий даромадининг 90 фоизини берган. 80-йилларнинг бошида қўйчилик биринчи мартаба зарарли тармоққа айланди, кўплаб колхоз ва совхозлар давлатдан қарз бўлиб қолдилар.

### Савод ва топшириқлар

1. 60-йилларнинг ўрталарида Қирғизистон халқ хўжалиги аҳволини таърифланг.

2. 1965 йилдаги иқтисодий ислохот ва унинг натижалари тўғрисида гапириб беринг.

3. 70—80-йилларда саноатдаги севектик кўринишлар нималарда намоён бўлди? Унинг сабаблари нимада?

4. Ўша вақтдаги қишлоқ хўжалигининг ривожланишини таърифланг. Қишлоқ хўжалигининг ривожланишига нималар тўсқинлик қилди?

### 24-§. Маданияти ва маънавий ҳаёти

**Таълим ва фан.** Ижтимоий-иқтисодий соҳадаги салбий кўринишлар маданият ва маънавий турмушга ҳам таъсир кўрсатди. Бу нарса, айниқса, 70—80-йилларда аниқ намоён бўлди. Таълим тармоғида 60—80-йилларда кўплаб экспериментлар ўтказилди, сиёсатлаштириш кучайди. 1966—1967 йиллардан бошлаб республика мактабларида янги дастур асосида ўқитиш бошланди.

Илгари тақиқлаб қўйилган кибернетика, генетика билан бир қаторда фалсафа, социализмнинг сиёсий иқтисоди ва илмий социализмнинг дастлабки курси ўрта мактабларда махсус бир курсга - жамиятшунослик курсига бирлаштирилди. Партия тарихи СССР тарихи билан қўшиб ўқитила бошлади. Шу билан бир вақтда Қирғизистон тарихига оз вақт ажратилиб, ҳам дарелик етишмаганлиги туфайли амалда ўқитилмай қолди. 8-синфларда «Совет давлати ҳуқуқлари асослари» деган курс киритилди.

1972 йилда КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети «ёшларга умумий мажбурий ўрта таълим беришга ўтилишини ниҳоясига етказиш ва умумтаълим мактабларини янада ривожлантириш тўғрисида» махсус қарор қабул қилди. 1973 йилда «СССР ва иттифоқдош республикалар халқ таълими тўғрисидаги қонун

асослари» тасдиқланди. Буларнинг барчаси тенг билим бериш тармоғи сифатини яхшилашга йўналтирилган эди.

Бу муҳим ҳужжатларнинг қабул қилиниши Қирғизистоннинг ҳар бир фуқаросига ўрта маълумот олиш имкониятини таъминлаш демакдир. Ёшларнинг бепул ўрта маълумот олиш ҳуқуқи 1978 йилда қабул қилинган Қирғизистон ССР Конституциясига киритилганди. 1981—1982 ўқув йилида республикадаги барча турдаги 1734 та мактабда 909,6 минг ўқувчи ўқиди. 1979 йилда ўрта мактабларни 85,3 минг ўқувчи битириб чиқди. 1979 йилда 8-синфни тамомлаган ўқувчиларнинг 98,6 фоизи ўрта мактабларда ёки махсус ўрта билим юртларида ўқидилар.

Совет кишиларини «энг билимдон халққа айлантириш» вазифаси халқ хўжалиғи режасига киритилганлиги учун уни сўзсиз бажариш зарур эди. Шунинг учун яхши натижа бермаётган кечки ва сирдан ўқий формалари кенг қўлланилиб, уларга ўрта маълумотга эга бўлмаган 45 ёшгача бўлган фуқаролар жалб қилинди. 1981—1982 ўқув йилида 101 та кечки ва сиртки мактаблар фаолият кўрсатди, уларда 60 мингга яқин ўқувчи ўқиган. Ҳунар-техника билим юртларида махсус гуруҳлар очилиб, уларда ҳам ўрта маълумот берилган.

Ёшларни ўрта мактабларга тортишнинг юз фоизга етказилишини талаб қилиш салбий кўринишларга олиб келди. Таълим ишини сон кўрсаткичларига қараб баҳолашнинг қатъий мезони киритилиб, ўқувчиларни иккинчи йилга қолдиришга қарши ва улар контингентини сақлаб қолиш учун қаттиқ кураш олиб борилди. Буларнинг барчаси ўрта мактаблардаги таълим сифатини пасайтирди. Таълимни бошқарувчи бюрократик тизимлар ўқитувчиларни ўқувчиларга ошириб баҳо қўйишга ва шу орқали ўқув-тарбия жараёнида юқори кўрсаткичларни таъминлашга мажбур қилди. Уша йилларда ўқитувчиларнинг иш ҳақи оз бўлиб, уларнинг жамиятдаги қадр-қиммати сусайиб кетди. Ўқитувчиларни ўзларининг асосий вазифасидан ташқари кўплаб жамоатчилик ишларини бажаришга мажбур қилишган.

60-80-йилларда ўқувчи ёшларнинг меҳнат тарбиясига алоҳида эътибор берилма бошлади. Давлат уларнинг барчасини маблағ билан таъминлаш имкони бўлмаганлиги учун кўплаб мактабларни давлат корхоналарига ва колхозларга оталиқ ёрдами оладиган муассаса сифатида бирикитириб қўйди. Бу нарса мактабларнинг оталиқ корхоналарига бўйсунадиган муассасага айлантирди.

Уша йилларда мактаблараро ўқув ишлаб чиқариш комбинатларини ташкил этиш янгилик бўлди. 70-йилларнинг охирида бу комбинатларга республика бўйича 100 мингдан зиёд ўқувчи жалб қилинди. Мактабларни таъмирлаш таътил кунларида ўтказилиб, улар аксарият мактаб ўқитувчилари ва ота-оналарнинг кучи билан қилинадиган бўлиб қолди. Оталиқ корхоналар ҳам бу ишда ёрдам бердилар. Улар кўпинча таъмирлаш учун зарур материалларни топишга кўмаклашса, таъмир ишларини ўқитувчилар, юқори синф ўқувчилари ҳамда ота-оналар бажарганлар. Ота-оналар ҳам таъмирлаш ишлари учун маблағ тўплашган.

Уша вақтда Қирғизистонда олий ва ўрта махсус таълим ривожланди. Олийгоҳлар ва техникумларнинг тармоғи бирмунча кенгайди, уларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланди. Қирғизистон давлат санъат институти, Фрунзедаги рус тили ва адабиёти педагогика институти, Фрунзедаги музика-педагогика, Пржевальск, Ўш, Нориндаги педагогика билим юртлари, Ўшдаги қурилиш, савдо, Мойлисойдаги электр-механика техникумлари очилди. Қишлоқлардаги хунар — техника билим юртлари ҳам анча кенгайди.

Билим юртларида олий маълумотли мутахассисларни тайёрлашнинг миқдорий кўрсаткичларига кўпроқ эътибор берилди. 80-йилларнинг бошида республика олийгоҳларида 55 мингдан зиёд талаба ўқиди. Маркча-ленинча дунёқарашни шакллантириш олийгоҳларнинг асосий вазифаларидан бири эди.

70-йилларнинг бошида ривожланган капиталистик мамлакатларда илмий-техникавий инқилобнинг янги босқичи бошланди. Бу жараёндан СССР ҳам четда қолмади. Партия-давлат раҳбарияти иқтисодиётни экстенсив йўлдан интенсив йўлга ўтказиш, илмий-техникавий инқилобни кенг ёйиш вазифасини илгари сурди. 1971 йилда партия XXIV съездида «Илмий-техникавий инқилоб ютуқларини ҳўжалик юритишнинг социалистик системаси билан таркибий турда қўшиш» вазифаси кун тартибига қўйилди. Мамлакатдаги инқирознинг мураккаблашуви Қирғизистонда фаннинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатди.

1980 йилга келиб илмий ходимларнинг сони 8000 кишидан ортди. Қирғизистонда фан асосан маҳаллий муҳитда ривожланди. Табиат, техника ва ижтимоий билимлар бўйича муҳим фундаментал ва амалий тадқиқотлар амалга оширилди. Геология, математика, биохимия, физиология, автоматика, тоғ-кон машинасозлиги, тиббиёт бўйича бир қатор тадқиқотларнинг натижалари СССР да ва чет мамлакатларда кенг маълум бўла бошлади. Бошқа республикаларда бўлганидек, Қирғизистон олимларининг меҳнатлари ўз вақтида қўллаб-қувватланмади, самараси паст бўлди.

**Адабиёт ва санъат.** 60—80-йиллардаги зиддиятлар Қирғизистон адабиёти ва санъатига ҳам таъсир қилди. Тоталитар система бадий эътилоплардан демократияни чеклаш йўлини оқлашни талаб қилди. Санъат асарларининг кадр-қиммати партиявий раҳбарлик билан, «ривожланган социалистик жамият — инсоний цивилизациянинг олий тип», «совет халқи — одамларнинг янги тарихий бирлиги», «партия ва халқнинг бузилмас бирлиги», «социалистик демократия — демократиянинг олий тип», «социалистик турмуш тарзининг буржуача турмуш тарзидан афзаллиги» тўғрисидаги қондалар билан ўлчанадиган бўлиб қолди.

Ёзувчилар, рассомлар, композиторлар уюшмалари партиянинг расмий йўлини амалга оширувчи ташкилотлар бўлиб қолди. 1982 йилда Қирғизистон ёзувчилар уюшмасида 214, рассомлар уюшмасида 95, композиторлар уюшмасида 22 аъзо бўлган. Мазкур уюшмалар-

даги партия ташкилотлари ижодий ишларни назорат қилиб турганлар.

60-йилларнинг охиридан бошлаб адабиёт ва санъат соҳасида партия-вийлик ва халқчиллик принципига, «социалистик реализм» руҳига хос ёзилган асарлар кўпроқ қўллаб-қувватланди. Улар совет халқининг социализм ва коммунизм учун кураши, меҳнаткашларнинг Улуғ Ватан уруши йилларида фронт ортидаги меҳнат жасорати, халқлар дўстлиги жаҳон меҳнаткашларининг интернационал ҳамфикрлигини кўкларга кўтарган асарлар яратишлари керак эди.

Бадний асарлар тематикасини йўлга солиш мақсадида 70-йилларнинг ўртасидан бошлаб давлат буюртмаси системаси жорий этилди. Бу система кино асарларига кўпроқ дахлдор бўлди. Буюртма бериш системаси эркин ижодкорликни чеклаб қўйди, бадний адабиётни чеклаш одат тусига кирди. Чет мамлакатдаги бадний маданият билан танишишга чек қўйилди. Бадний танқидда догматик баҳолаш устунлик қила бошлади.

Ўша йилларда ўтмишни ва ҳозирги даврни таққослаб, бадний адабиётга янгилик киритишга ҳаракат қилган асарлар пайдо бўлди. Ч.Айтматовнинг «Гулсарат» повести 1968 йилда СССР Давлат мукофотига сазовор бўлди. Кейинги йилларда «Оқ кема», «Эрта учган турналар», «Асрга татигулик кун» асарлари яратилди. Ёзувчининг асарлари жаҳондаги 80дан зиёд тилларга таржима қилинди. Ч.Айтматов 1977 йилда СССР Давлат мукофотига, 1978 йилда Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган фахрий унвонга сазовор бўлди. 1980 йилда унга Италиянинг Этрурия мукофоти топширилди. Т.Қосимбеков «Синган қилич» номли катта роман ёзди. Унда ўтган асрда Қирғизистон жанубидаги тарихий воқеалар тасвирланиб, муҳим ижтимоий, сиёсий масалалар тилга олинган.

Бутун иттифоқ ва жаҳон экранларида «Бақай яйлови», «Манасчи», «Уркуя», «Биринчи ўқитувчи», «Гулсарат», «Оқ кема», «Эрта учган турналар», «Қизил олма» ва бошқа фильмлар юқори баҳо олдилар. Қирғизистон rassомлари ва ҳайкалтарошлари ҳам ажойиб асарлар яратишди.

**Меҳнаткаш халқ турмуши.** КПСС XXIII съездида, Қирғизистон Компартиясининг XIV съездида барча олий партиявий анжуманларда халқ турмуш даражасини юксалтириш партиянинг энг муҳим вазифаларидан бири сифатида белгиланди. 1978 йилдаги Қирғизистон ССР нинг янги Конституциясида ҳар бир фуқаро дам олиш, саломатлигини мустаҳкамлаш, уй-жойга эга бўлиш, моддий таъминот олиш ҳуқуқига эга, деб ёзилди.

70-80-йилларда меҳнаткашларнинг реал даромадлари ўсиш суръати пасая бошлади. Ўша даврда пул даромади бирмунча ўсди. Агар 1960 йилда sanoat ходимларининг ўртача ойлик иш ҳақи 88,7 сўм бўлса, 1980 йилда у 169,5 сўмга етди. Қишлоқ хўжалик ходимининг ўртача ойлиги мутаносиб равишда 52,6 ва 126 сўм бўлди. Халқнинг турмуш даражаси бирмунча ортди. Бироқ пулли даромад ҳажмининг кўпайиши

халқ турмуш даражасини ошириш масаласини тўла ҳал эта олмади. Ўша вақтда товарлар баҳоси, хизмат ҳақининг ўсиши сўмнинг харид қувватини пасайтирди. Халқнинг пулли даромади ўсиши халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқариш билан қўшиб олиб борилмади. Халқ истеъмоли товарлари танқислиги борган сари кучаяверди.

Танқисликни чет давлатлардан келтирилган истеъмол товарларни кўпайтириш йўли билан ҳал этишга ҳаракат қилинди. Бу ишга ғарб мамлакатларига нефть ва газ сотишдан тушган 10 миллиардлаб долларлар сарфланди. Ўша вақтда араб мамлакатлари ҳам нефтни кўпроқ экспорт қилар-дилар. Бироқ улар нефть сотишдан тушган долларларни саноат қурилишига, халқ хўжалигини тубдан қайта қуриш, ижтимоий-маданий соҳани ривожлантиришга сарфладилар.

70-йилларнинг охирида нефтнинг жаҳон баҳоси кескин пасайиб кетиши натижасида СССР давлат бюджетида кўп миллиардлаб пул танқислиги юзага келди. Бу оғир аҳволдан чиқиш учун раҳбарият алко-голли ичимликлар сотишни кўпайтириб, озиқ-овқат ва саноат товарлари нархини оширди. Пул танқислиги масаласини ҳал қилиш учун саноат корхоналаридан тушган фойданигина тортинч олмай, машиналарни, ускуналарни янгилашга мўлжалланган ҳаражатларнинг бир қисми ҳам олиб қўйилди. Чет мамлакатлардан арзон нархда саноат товарлари сотиб олиниб, ички бозорда қиммат баҳода сотилди. Дон ҳам кўпинча четдан сотиб олинardi. Ана шундай йўл билангина мамлакатда «ҳаммаси ўз жойида» деган хулосани тузишга ҳаракат қилинди.

Импорт товарлари ҳаммага ҳам етавермас эди. Чет мамлакатлардан олинган товарлар ҳам ноёб товарлар қаторига кирган. Улар давлат дўконларида таниш-билишлик йўли билангина олинган. Уларнинг баъзилари ўша товарларни бозорга чиқариб, 2-3 баробар ошиқча нархда сотишган ҳам. Чет элдан олинган кийимларни жуда озчилик кийган. Аҳолининг кўпчилигига ўзимиздаги ишлаб чиқаришда тайёрланган, сифати паст кийимларгина раво кўрилган. Минглаб овул қишлоқлар аҳолиси қўпол фуфайкаларда ва кирза этикларда юрганлар.

70—80-йилларда халқнинг турмуш даражаси бўйича Қирғизистон Иттифоқда энг охириги ўринларда бўлган. Қирғизларнинг турмуш даражаси эса Қирғизистонда истиқомат қилаётган бошқа миллатлар турмуш даражасидан анча паст эди. Иқтисодиётдаги салбий кўри-нишлар, хўжаликнинг бузила бошлаши яқин йилларда халқ турмуш даражаси кескин пасайиб кетишидан далolat берарди.

Раҳбарият ўша йилларда уй-жой масаласини ҳал этишга кўп ҳаракат қилди. 1961—1979 йилларда республикада 20 650 минг кв. метр уй-жой қурилиб, 2113 минг одам ёки республика аҳолисининг учдан икки қисми уй-жой шароитларини яхшилаб олди. Республика марказида янги турар жой районлари пайдо бўлди. Миллионлаб сўм пул сарфланганлигига қарамай, уй-жой масаласини ҳал этиш имкони бўлмади. 100 минглаб одамлар уй-жой шароитларини яхшилашга мухтож эдилар. Марказда қуриб битказилган турар жойларнинг

кўпчилиги СССРнинг бошқа ҳудудларидан Иттифоқ тасарруфидаги корхоналарда ишлаш учун таклиф этилган ишчиларга, муҳандис-техник мутахассисларга берилди. Қирғизистоннинг ўзида яшаган одамлар эса 20—30 йиллаб уй-жой учун навбат кутиб туришга мажбур бўлди. Узоқ йиллар давомида турар жой ололмагани учун шаҳарлардаги саноат корхоналарига ишлаш учун келган маҳаллий миллатга мансуб 100 минглаб ёшлар яна қишлоқларига қайтиб кетди. Уй-жойга эга бўлишдан умидини узган бир гуруҳ одамлар марказ шаҳри атрофидаги баъзи жойлардан ер олиб уй сола бошладилар. Марказда мустақил уй қуриш тақиқланганлиги учун улар қувғин қилинди, шаҳарда рўйхатга олинмадилар. Республика раҳбарияти бу ишга етарли аҳамият бермади, кўриб туриб кўрмасликка, билиб туриб билмасликка олди.

Уша йилларда овул-қишлоқларда бирмунча ўзгаришлар содир бўлди. 1965—1979 йилларда барча таъминот манбалари, кўпинча хусусий ҳаражатлар ҳисобидан овул-қишлоқларда 9 миллион кв. м. уй-жой қурилди. Деярли барча қишлоқларга электр токи етказилди. Бироқ КПСС нинг 1961 йилги Дастурида белгиланганидек «шаҳар билан қишлоқ фарқини йўқ қилиш» мақсади амалга ошмади. Маҳаллий аҳолининг 80 фоизи яшаган овул-қишлоқларда йўллар, маданий-маиший хизмат бинолари қурилиши давр талабларидан орта қолди.

Расмий маълумотларда кўкларга кўтарилиб мақталганига қарамай, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш ҳам талаблар даражасида эмас эди. 1980 йилда республикада 10400 врач ва 32700 ўрта махсус маълумотли ходимлар ишлаган. Шифохоналарда ҳар 10 минг одамга ҳисоблаганда ўртача 119,4 ўрин тўғри келарди, бу жиҳатдан республика жаҳондаги олдинги ўринларни эгаллаган. Бироқ шифохоналарнинг техник жиҳозланиши, хизмат сифати паст эди. Чет мамлакатларда, айниқса ривожланган илғор мамлакатларда вафот этганлар сони қисқараётган бир вақтда СССРда, жумладан, Қирғизистонда бу кўрсаткич ўсиб борди. 1000 одамга ҳисоблаганда вафот этганлар сони 1965 йилдаги 6,5 дан 1979 йилда 8,3 га етди. Айниқса, бир ёшгача бўлган чақалоқларнинг ўлими озаймади. Буларнинг барчаси жамиятдаги инқирознинг етилиб келаётганлиги, барча соҳада салбий кўринишларнинг ўсиб бораётганлигининг белгиси эди.

**Партиявий раҳбарларнинг турмуши.** Тақсимотнинг адолатсизлиги ижтимоий соҳадаги салбий кўринишларнинг вужудга келишига сабаб бўлди. Олий партия-давлат ҳокимиятидагилар куйи томондан чекланмаган ва назорат остига олинмаган ҳокимият шароитларида ўзларини озиқ-овқат ва саноат товарлари билан таъминлашининг яширин системасини жорий этишган, улар танқислик, чайқовчилик баҳоси деган тушунчаларни билмас эдилар. Министрлар совети ва партия Марказий Комитетининг махсус хўжалиги минерал ўғитлар ва гербицидларсиз етиштирилган мева ва сабзават билан таъминлашиб турган. Экологик жиҳатдан тоза маҳсулотлар партия-давлат раҳбарларига хизмат қиладиган махсус дўкон ва буфетларда сотилган. Олий раҳбарлар учун қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи



махсус махфий цехлар ишлатилган. Марказий Комитет, Министрлар совети ва бошқа олий бошқарув муассасалари аппаратида ишлаган ходимларга махсус талонлар берилиб, улар бу талонлар билан махсус корхоналардан овқатланишган. Хизмат лавозими қанча юқори бўлса, имтиёзлар ҳам шунча кўп эди. Амалдорлар махсус махфий дўконлардан арзон баҳоларда гўшт, сут, картошка, сабзавот ва бошқа маҳсулотларни харид қилганлар.

70-80 йилларда олий раҳбарият учун чет давлатлардан юқори сифатли sanoat ва озиқ-овқат товарлари унча катта бўлмаган партиялар билан олиб келина бошлади. Улар махсус санаторийларда, пансионатларда дам олишиб, саломатликларини мустаҳкамлашган. Шунингдек, улар учун кенг ва кўплаб хоналардан иборат бўлган катта ошхонали ва балконли квартиралар қурилган.

Олий партия-давлат раҳбарларининг махсус бириктирилган оилавий дала ҳовлилари бўлиб, уларнинг уйларида алоҳида уй хизматчилари ишлаган. Улар ва бошқа хизмат ходимлари махсус касаба уюшмасига бириктирилган эди. Уларнинг хизмати меҳнат стажи ҳисобланган. Вилоят ва район партия раҳбарлари учун ҳам дала ҳовлилар қурилган, уларнинг барчаси давлат томонидан таъминланиб турган. Турли даражадаги раҳбарлар ва уларнинг оила аъзолари аҳолининг аксарияти учун бориши мумкин бўлмаган шифохоналарда аволанишган. Улар энг яхши тиббий аппаратлар, зарур дори-дармонлар билан таъминланган, уларда олий малакага эга бўлган врачлар ишлаган.

Турли даражадаги раҳбарлар учун, уларнинг оила аъзолари учун махсус корхоналарда кийим тикилган, арзон баҳода сотилган. Ана шу корхоналарни моддий ва молиявий таъминлаш вазифаси энгил sanoat вазирлигига юкланиб, Министрлар Совети резерв жамғармасидан молиявий дотация берилиб турган. Раҳбарларнинг болалари ўша жойлардаги энг яхши бола боғчаларига, мактабларга қатнаганлар, уларни битиргандан кейин барча қондаларини бузиб, нуфузли олий-гоҳларга жойлашиб олганлар.

Партия раҳбарлари доимо такрорлаб келаётган адолатли, табақасиз жамият қуриш ниятлари амалда адолатсиз, тенг эмас жамият қурилишига олиб келди.

### **Савод ва топшириқлар**

1. 60-80-йиллардаги халқ таълими тармоғидаги давлат сиёсатининг асосий нуналишларига таъриф беринг.

2. Адабиёт дарсларида олган билимингиздан фойдаланиб, ўша даврдаги маданий ривожланишнинг асосий нуналишларини кўрсатиб беринг.

3. Ўша йиллардаги ижтимоий муаммолар ва халқ турмуш даражаси ҳақида гапиринг.

## VII боб. СОВЕТ ИТТИФОҚИНИНГ ҚУЛАШИ ВА МУСТАҚИЛ ҚИРҒИЗИСТОН ДАВЛАТИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ

### 25-§. ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ ВАЗИЯТНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ ҲАРАКАТЛАРИ, ХАЛҚ ФАОЛЛИГИНИНГ УСИШИ. Иқтисодий ривожланиш

**Бурилишнинг бошланиши.** КПСС МКнинг 1985 йил Апрель пленуми Совет Иттифоқининг, жумладан, Қирғизистон тарихидаги янги даврнинг бошланиши бўлиб қолди. Унда ижтимоий-иқтисодий турмушнинг кўп масалалари янгича аҳамият касб этди. Горбачевнинг ислохотлари «жадаллаштириш», «ошкоралик», «қайта қуриш» каби шиорлар остида бошланди. Апрель (1985 йил) Пленуми мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш йўлини эълон қилди.

Илмий-техникавий жараённи жадаллаштириш орқали мамлакатдаги машинасозликнинг орта қолганлигини бартараф этиш ва иқтисодий ўсиш суръатининг пасайишини тўхтатиш белгиланди. Сиёсий раҳбарият бу мақсадларни иқтисодий ва сиёсий туб ўзгаришларни киритмасданок, эски маъмурий-буйруқбозлик системаси доирасида қисқа муддатда амалга оширмақчи бўлди. Бунинг учун илмий-техникавий жараён асосида ишлаб чиқаришни ҳар тарафлама интенсивлаштириш, иқтисодиётни структуравий жиҳатдан қайта қуриш, меҳнатни бошқариш, уюштириш ва барқарорлаштиришнинг самарали шакллари жорий этиш кўриб чиқилди.

1985 йилнинг иккинчи ярми ва 1986 йилнинг боши КПСС XXVII съезди ва Қирғизистон компартиясининг XVIII съездига тайёргарлик кўриш руҳида ўтди. 1985 йил октябрь ойида Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби **Турдакун Усубалиев** лавозимидан бўшатилиб, унинг ўрнига **Апсамат Масалиев** сайланди. Шунингдек, бир қатор область, район партия раҳбарлари янгиланди. Партиявий раҳбарлик анча ёшарди.

«Жадаллаштириш» йўналиши КПСС XXVII съезди қарорлари билан мустахкамланди. Съездда «СССРни 1986-1990 йиллар ва 2000 йилгача бўлган даврда иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг асосий йўналишлари» қабул қилинди. Съезд ҳужжатларидан мамлакатнинг дастлабки уч беш йилликдаги иқтисодий ва ижтимоий ривожланишининг долзарб вазифалари белгиланди. У ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш ва унинг самарадорлигини ошириши, маҳсулот сифатини ошириши лозим эди. XX асрнинг охиригача мамлакатнинг ишлаб чиқариш қувватини 2 баробар, ишлаб чиқариш ҳажминини 2 баробарга яқин, меҳнат унумдорлигини эса 2,3 - 2,5 баробар ошириш вазифалари қўйилди.

Қирғизистон Компартиясининг XVIII съезди КПСС XXVII съездининг ҳужжатлар лойиҳасини тўла маъқуллаб, уни Қирғизистондаги марказ сиёсатига мослаб конкретлаштирди. 1990 йилнинг охирига қадар Қирғизистонда саноат ишлаб чиқариш ҳажми 24 фоиз, қишлоқ хўжалигининг ўртача йиллик ялпи маҳсулоти 15 фоиз оширилиши, электр энергияси ишлаб чиқариш 13 миллиард кв. соатга етказилиши, суғориладиган ерлардаги ҳосилдорлик 40 центнерга етказилиши, 5,5 миллион кв. м. уй-жой қурилиши керак эди.

КПСС XXVII съезди ва Қирғизистон Компартияси XVIII съезди қарорларининг таҳлили қуйидагича хулосага келиш имконини беради: биринчидан, белгиланган муддатда олдинга қўйилган вазифаларни ҳал қилиш мумкин бўлмади. Партия ўзининг жамиятдаги устуник ҳолатини сақлаб қолиш билан олдинга қўйилган вазифаларни маъмурий-буйруқбозлик усули билан ҳал этишга ҳаракат қилди.

Иккинчидан, белгиланган режаларга Қирғизистоннинг иқтисодий ривож учун ҳеч қандай принципиал янгилик киритилмади. Белгиланган долзарб масалаларда ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш, иқтисодиётни структуравий жиҳатдан қайта қуриш, материаллар ва энергиялар оз талаб қиладиган, экологик жиҳатдан тоза маҳсулотларни ишлаб чиқаришга йўналтиришга кўпроқ эътибор берилмай, унинг миқдорий ўсишига эътибор берилди. 30-йилларда шаклланган бундай сиёсат XX асрнинг охиригача давом этди.

**Ичкиликбозликка қарши кураш ҳаракатлари.** 1985 йил майда КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети «Ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши кураш чоралари тўғрисида» қарор қабул қилди. Ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши кураш чоралари маъмурий-буйруқбозлик, тўрачилик усули билан амалга оширилди. Дастлаб у халқ томонидан кенг қўллаб-қувватланди.

Мамлакат бўйича бутун-бутун ҳудудлар «хушёрлик зоналари» деб эълон қилина бошлади. Баъзи овул-қишлоқлар, районлар, вилоятлар, сўнгра бутун Қирғизистон ҳудуды «хушёрлик зонаси» деб эълон қилинди. Ароқ ва бошқа алкоғолди ичимликлар ишлаб чиқараётган корхоналар салқин ичимлик ишлаб чиқаришга ўтказилди. Минглаб гектар майдондаги узум ва олмазорлар йўқ қилинди. Уйланмай қилинган бу ижтимоий эксперимент бутун мамлакатнинг, жумладан, Қирғизистоннинг молиявий системасига пўтур етказди.

Спиртли ичимликлар ишлаб чиқаришининг кескин қисқариши, уларнинг баҳоси ўсганлиги чайқовчиликни вужудга келтирди. Қирғизистоннинг деярли барча жойларида самогон тайёрлай бошладилар қанд, шакар ва улардан ишлаб чиқариладиган озиқ-овқат маҳсулотлари танқислиги келиб чиқди. Шунингдек, ўша вақтда гиёҳвандлик ва токсикомания каби салбий кўринишлар ҳам кенг авж ола бошлади.

**Қайта ҳуриятнинг дастлабки натижалари.** 1987 йилда КПСС Марказий Комитетининг пленумларида Горбачев ва бошқа партия, давлат арбобларининг нутқларида, таниқли иқтисодчи, файласуф, публицистларнинг асарларида қайта қуришни авж олдириш зарурлиги

ҳақида кўп гапирилиб, илмий-публицистик жаридалар саҳифаларида совет системаси «казарма, давлат социализми», «ҳарбий феодал» ёки «феодал социализми», «тарихнинг ёпиқ саҳифалари» ва бошқа белгилар билан тасвирлана бошлади.

1988 йилдан бошлаб 30—40 ва 50-йилларда бегуноҳ жазоланганларнинг ишлари қайта кўриб чиқилиб, улар оқлана бошлади. 1988 йил январь ойининг бошида КПСС Марказий Комитетининг қарори билан «учликлар», «махсус кенгашлар»нинг суддан ташқари қарорлари бекор қилинди. «Учликлар», «махсус кенгашлар» деб аталган суд бўлмаган органларнинг қарорлари, шунингдек, жазоланиши лозим бўлганларнинг рўйхатини тузиш ва тасдиқлаш тажрибаси қонунсизликнинг сўнгги нуқтаси деб баҳоланди. Бутун СССР бўйича, жумладан, Қирғизистонда ҳам бегуноҳ жазоланганларнинг кўплари оқлана бошлади. Оқланганлар қаторида ўз вақтида бутун республикага машҳур бўлган таниқли партия ва давлат арбоблари, партиянинг оддий аъзолари, партиясиз ходимлар, оддий кишилар бор эди.

Илгари бегуноҳ жазоланганларни оқлаш жараёни жамиятда сталинчиликка қарши фикрларни уйғотди. Сталинчиликни танқид қилиш Советлар тарихининг ўша вақтдаги якка ҳокимлиги, маъмурий-буйруқбозлик, тоталитар системанинг пайдо бўлишига, шунингдек, қайта қуриш заруратини келтириб чиқарган ўша система инқирози сабабларини аниқлашга олиб келди.

**Халқ ижтимоий-сиёсий фаоллигининг ўсиши.** 1988 йил охири, 1989 йил бошида мамлакатда янги вазият вужудга келди. Агар бунга қадар қайта қуриш партия давлат раҳбариятининг ташаббуси билан бўлиб келган бўлса, эндиликда у «куйи» томонга тушиб, унда кенг халқ оммаси ҳам фаол иштирок эта бошлади.

Ошкоралик жараёни жамиятдаги сиёсий фаолликнинг ўсишида катта роль ўйнади. Иттифок, кейинчалик республикалардаги оммавий ахборот воситалари илгари кенг оммага номаълум бўлган материалларни эълон қила бошлади. Улар Қирғизистон тарихидаги «оқ саҳифалар», 30-50-йиллардаги кувчинчиликнинг материаллари эди. Илгари унутилиб кетган тарихий шахсларнинг номлари қайтарилди бошлади.

Ижтимоий турмуш жадал суръатларда сиёсатлаша бошлади. Қирғизистонда ёшларнинг дастлабки мунозара клублари, сиёсий клублар пайдо бўлди. Қирғиз миллий зиёдиларининг бирмунча фаол қисми тарихий меросни, миллий тарих ва маданият ёдгорликларини эслига келтириш, майдонлар ва кўчалар номларини қайта номлаш, бегуноҳ жазоланганларни оқлаш, қирғиз тилининг келажаги ҳақидаги ва бошқа масалаларни кўтариб чиқдилар.

1988—1990 йилларда пайдо бўлган ва партия комитетларидан мустақил бўлган ёшларнинг мунозара, сиёсий клублари мустақил ҳолда ижтимоий турмушнинг долзарб масалаларини, сиёсат, фалсафа, тарих, иқтисодиётнинг турли масалаларини муҳокама қилишлари янгича кўринишларда намоён бўлди.

Республика давлат партия раҳбарияти мустақил бўлган «Хашарчи-лик», «Ўш аймоғи» каби қирғиз ёшларининг мустақил ташкилотлари, «Қирғизистон сайловчилар ассоциацияси», «Мемориал» жамияти сиёсий майдонга чиқди. 1990 йилда «Асаба» ва «Фуқаролик ташаббуси» деб номланган миллий-демократик бирлашмалар пайдо бўлди. Миллий қайта яралиш ғоялари бутун республикага ёйилди. Мойлисойда «Қирғиз демократик партияси», Жалолободда «Демократик иттифоқ», Қирғизистон давлат дорилфунунида «Ёш тарихчилар ассоциацияси» ташкил топди. Кўп шаҳарларда демократик йўналишдаги катта бўлмаган мустақил гуруҳлар пайдо бўлди. Республикадан ташқарида таълим олаётган талабалар ҳам мустақил равишда ҳамюртлик ташкилотларини туздилар. Янги тузилган бундай ташкилотлар республиканинг ижтимоий сиёсий турмушида фаол қатнаша бошладилар.

Болтиқбўйи республикаларида халқ фронтларининг тузилиши ва уларнинг иш билгиллиги СССР даги бошқа республикалар сиёсий турмушининг фаоллашувига таъсир кўрсатди. Қирғиз зиёлиларининг илғор вакиллари орасида оммавий ижтимоий-сиёсий ташкилот тузиш ғояси пайдо бўлди. Янги тузилган «Қирғизистон демократик ҳаракати» (КДК) ўшандай ташкилот бўлиб қолди. Унинг биринчи қурултойида К. Акматов, Ж. Жекшеев, Т. Турғуналиевлар КДКнинг ҳамраислари бўлиб сайландилар, «Қирғизистон демократик ҳаракати» Украинадаги «Рух»дан, Литвадаги «Саюдис»дан фарқли ўлароқ бир миллатлилик принциpidан кескин бош тортди. Бу ташкилот қирғиз халқини ва Қирғизистонда истиқомат қилаётган барча миллат вакилларини ўз теварагига бирлаштиришга интилди. КДК нинг обрўси тез ўса бошлади.

Республикадаги ижтимоий-сиёсий фаолликнинг партия раҳбарияти назоратидан четда ўсаётганлиги уларни чўчитди. Бу нарса Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг КДК га нисбатан муомаласида ўз ифодасини топди. Қирғизистон демократик ҳаракати Болтиқбўйи республикаларидаги халқ фронтларига қараганда нисбатан радикалроқ бўлсада, Қирғизистон Компартияси раҳбарияти таъсирини анча пасайтирди. Шунинг учун республика ва маҳаллий матбуотда, телекўрсатув ва радио эшиттиришларда КДК ни бир томонлама танқид қилиш кампанияси бошланиб кетди. Партиявий раҳбарият КДК обрўсини пасайтириш ва уни ажратиб қўйишга интилди. Мазкур кампанияга партия комитетлари орқали меҳнат жамоалари, колхозчилар ва зиёлиларни жалб қилишга ҳаракат қилинди. КДК га қарши республика раҳбариятининг бу кампаниясини вилоят, район партия комитетлари, корхона ва муассасалардаги партия ташкилотлари раҳбарлари қўллаб-қувватладилар. Консерватив партиявий раҳбарлик республикадаги сиёсий назоратни тўла сақлаб қолиш ва сиёсий системани ислоҳ қилишни ўз манфаатларига бўйсундиришга ҳаракат қилди.

Партия-давлат раҳбарияти Қирғизистоннинг суверен ҳуқуқлари учун курашда марказдан мадад олиб турди, Москва қаршилик

кўрсатмаган масалалардагина улар бир мунча қатъият кўрсатишди. **1989 йил 23 сентябрда** Қирғизистон Компартиясининг тўлиқ назорати остида бўлган Қирғизистон ССР Олий Совети тил тўғрисидаги қонунни қабул қилди. Унда қирғиз тилини давлат тили деб эълон қилинди. Рус тили миллатлараро алоқалар тили сифатида тан олинди, республикада яшаётган барча миллатлар тилларининг тенг ҳуқуқли ва эркин ўсиши таъминланади, деб белгиланди.

Бундай қонунни қабул қилиш демократик жамиятда илгаридан бўлиб келган. Бунга қадар бир қатор иттифоқдош республикаларда тил тўғри-сидаги қонулар қабул қилинган эди.

**Қирғизистондаги сайловлар. Қирғизистон ССР Олий Советининг I сессияси.** 1989 йил кўзда матбуотда «Қирғизистон ССР Конституциясига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида», «Қирғизистон ССР халқ депутатларини сайлаш тўғрисида» ва «Қирғизистон ССР маҳаллий советлари депутатлигига сайловлар тўғрисида»ги қонулар лойиҳалари эълон қилинди.

Конституцияга қўшимчалар ва ўзгаришлар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасида икки босқич: Қирғизистон ССР халқ депутатлари съезди ва Қирғизистон ССР Олий Советидан иборат парламент тузиш кўзда тутилган эди. Кўпчилик иттифоқдош республикаларда бўлганидек, Қирғизистонда ҳам олий ҳокимият органилари тузишнинг икки босқичли системасини тузишдан воз кечилди. Бир босқичли Олий Совет республиканинг олий қонун чиқарувчи органи деб эълон қилинди. У беш йил муддатга сайланган 350 депутатдан иборат бўлади. Қирғизистон ССР тарихида биринчи маротаба депутатларни муқобиллик асосида сайлаш жорий этилди.

**1990 йил февраль ойининг охирида Қирғизистон ССР Олий ва Маҳаллий советларига сайловлар бўлиб ўтди.** Кўпчилик сайлов округларида иккидан ортиқ депутатликка номзодлар рўйхатга олиниб, икки турдан кейингина депутатлар сайланди. Партия ва давлат раҳбарлари рўйхатга олинган округларнинг аксариятида сайловлар илгаригидек муқобилсиз асосда ўтди. Муқобиллик сайловларида иштирок этган партия комитетларининг баъзи раҳбарлари мағлубиятга учрадилар. Олий Советга сайланган депутатларнинг 90 фоизи компартия аъзоси бўлганига қарамай, партиявий раҳбарият илгаригидек ўз фикрини ўткази олмади.

1990 йил апрелида бўлиб ўтган Қирғизистон ССР Олий Советининг I сессиясида Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби Ансамат Масалиев Қирғизистон ССР Олий Советининг раиси этиб сайланди. У биринчи маротаба давлат бошлиғи ҳуқуқини олди. Давлат бошлиғининг қонун чиқарувчи орган таркибига кириши қонунчилик ҳокимиятини бирмунча кучайтириб, ижрочи ва суд ҳокимиятини сусайтирди ва уни Олий Советга бўйсунадиган қилиб қўйди. Сессия давомида қонун чиқариш, ижрочи ва суд ҳокимияти ҳуқуқларини аниқлаш, президентлик лавозимини жорий этиш бўйича таклифлар айtilди.

Биринчи сессияда ер, мулк, ижара тўғрисидаги қонулар қабул қилинди. Сессияда Коммунистик партиянинг Совет жамиятидаги раҳбарлик роли қонулаштирилган 6-модда тўғрисидаги масала муҳокама қилинди ва бу модда чиқариб ташланди. Бундан илгари, 1990 йил февралда бўлиб ўтган КПСС Марказий Комитети пленумида СССР Конституциясидаги Компартиянинг раҳбарлик ролини қонулаштирган 6-моддани чиқариб ташлаш маъқулланган эди. Март ойида бўлиб ўтган СССР халқ депутатлари III съезди мазкур қондани олиб ташлаган эди.

Конституциядаги мазкур қонданинг олиб ташланиши КПСС сиёсий монополиясининг сусайишида катта роль ўйнади. Сиёсий плюрализм ва кўп партиялиликнинг ривожланиши учун йўл очилди. Ҳа вақтда Конституцияда социалистик давлат сиёсий тузилишини ўзгартириш ва унинг бир бутунлигини бузиш мақсадидаги сиёсий партияларни тузишга йўл қўйилмайди, деган қонда тасдиқланди.

**Саноатдаги «қайта қуриш».** Қирғизистон ҳудудидаги саноат корхоналари маҳсулот ишлаб чиқаришда бошқа республикада жойлашган корхоналарга қарам бўлган. Масалан, Фрунзе номли қишлоқ хўжалик машинасозлик заводи хомашёни, материалларни, комплектловчи ускуналарни мамлакатдаги 195 та корхонадан олар эди. Қирғизистон Ўрта Осиёнинг бошқа республикалари сингари Иттифоққа кўпинча хомашё ва ярим фабрикатларни етказиб беришга ихтисослаштирилиб, бошқа республикалардан кўпинча тайёр маҳсулотлар ташиб келинар эди. Кўп йиллар давомида марказнинг бундай сиёсати прогрессив кўриниш ва «Мамлакат ягона халқ хўжалик комплекси» доирасида иттифоқдош республикалар иқтисодий интеграциясининг субъектив жараёни сифатида тасвирланган.

КПСС мамлакатда асосий марказлаштирувчи куч сифатида «юқоридан» тасдиқланган иқтисодий алоқаларни йўлга солиб келди. Илгари корхоналарнинг режа кўрсаткичларини назорат қилиш мумкин бўлса, эндиликда у борган сари қийинлашиб, деярли йўққа чиқди. Саноатда режалаштиришнинг сон кўрсаткичлари ҳаддан зиёд ўсиб кетди. Бу нарса иқтисодиётда ўсиб бораётган инқирознинг ёрқин белгиси эди.

Саноатда «қайта қуриш» жараёни юзаки қайта ташкил этиш билан чекланди. Бошқарув аппаратини қисқартириш ана шундай чоралардан бири бўлиб қолди. Бу нарса корхоналар устидан бўлган бюрократик назоратни сусайтириб, уларнинг мустақиллигини кенгайтириши лозим эди. Бироқ, у иттифоқдош республикалар ҳуқуқларининг камайишига олиб келди. Бошқарув аппаратини қисқартириш ва молниявий харажатларни тежаш баҳонаси билан республикадаги бир қатор бошқарув органлари йўқотилди.

Бундай вазиятдан чиқишнинг бирдан бир йўли — кенг иқтисодий ислохотларни амалга ошириш эди. Бунинг зарурлиги очиқ-ойдин сезилиб қолди.

**Қишлоқ хўжалигининг аҳволи.** Иқтисодиётнинг аграр секторидаги жараёнлар ҳам ана шундай йўл билан ривожланиб борди.

КПСС XXVII съезидан кейин КПСС МК ва СССР Министрлар Совети «Мамлакат аграр саноат комплексиди хўжалик юртишнинг иқтисодий механизмларини янада ривожлантириш тўғрисида» қарор қабул қилди. Агросаноат комплексини бошқариш тўғрисидаги низом тасдиқланди.

СССР агросаноат комитети тўғрисидаги низомга мувофиқ, Қирғизистонда ҳам илгариги етти вазирлик ва идораларни бирлаштирган Давлат агросаноат комитети (Агропром) тузилди. Унинг таркибига республикадаги 178 колхоз, 291 совхоз, хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалик корхо-налари киритилди. Агропром уларга раҳбарлик қиладиган бюрократик орган бўлиб қолди. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини режалаштириш, молиялаштириш ва унга раҳбарлик қилиш давлат агропроми тасарруфига ўтди. Республика давлат агропромининг асосий фонди 1986 йил октябрда 4,6 миллиард сўм бўлган. У Қирғизистон халқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 52 фоизини, миллий даромадининг 40 фоизини берган.

Республика вилоятларида, районларида агросаноат бирлашмалари тузилди. Бошқарувдаги бу қайта қуришлар маъмурий буйруқбозлик системаси доирасида олиб борилди ва у қишлоқ хўжалик ривожини тезлата олмади. Қишлоқ хўжалиги аҳоли жон бошига ҳисоблаганда зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини етиштира олмади. Озиқ-овқат маҳсулотлари асосий турларининг аҳоли жон бошига ҳисобланган даражаси умумиттифоқ биологик нормасининг 50-60 фоизинигина ташкил этди.

Озиқ-овқат маҳсулотлари танқислиги ижтимоий вазиятни кескинлаштирди. Юқори партия-давлат раҳбарияти аграр сиёсатда янги йўللарни қидиришга мажбур бўлди. Қишлоқда хўжалик юртишнинг муқобил шакллари руҳсат берила бошлади. Ерларни бир неча оилга 50 йилгача муддатга ижарага бериш ва ундан олинган маҳсулотга мустақил эгаллик қилишга руҳсат берилди. Шунингдек, колхозларга ҳам мустақиллик бериш масаласи кўриб чиқилди. Бироқ бундай чораларнинг самараси жуда оз бўлди.

Колхозлар мустақилликка эриша олмадилар. Улар илгаригидек, район ҳокимиятларининг бевосита назорати остида бўлиб, маҳсулот етиштириш ва давлатга топширишни режалаштиришган, шахсий участкалар нормасини белгилашган. Ижарачилик ҳаракати ҳам кенг ёйилмади. Қишлоқда хўжалик юртишнинг янги усулларини ёйишга колхоз, совхоз раҳбарлари ҳам тўсқинлик қилишди. Улар партиявий раҳбариятдаги консерватив элементлар билан бирга ерга хўжайинлигини давом эттиравердилар. Бу билан колхоз, совхозлар ўзларининг келажаги йўқ эканлигини намойиш қилдилар.

Статистика маълумотларига кўра, 1991 йил охирида хусусий секторга республикадаги ҳайдаладиган ерларнинг 4,5 фоизини тўғри келган бўлса, у жунининг 25 фоизи, сут, картошка, тухум, сабзотининг 35 фоизи, гўштнинг 40 фоизи ва меваларнинг 75 фоизини берган. Ҳа вақтда республикадаги 122 хўжалик зарар кўриб, давлатдан катта миқдорда қарз бўлиб қолдилар.



### 1.4. Айтматовнинг Қирғизистон Компартияси XIX съездида сўзлаган нутқидан:

«... Мен чўпон ва замон деган масала хусусида гапирмоқчиман ... чўпон билан замонни бир бирига таққослаб кўрайлик. Биз қанчалик ортда қолганимизни, қанчалик қашшоқ эканлигимизни шундан фаҳмлайсизлар, биз эса ҳамон ўзимиздан рози бўлиб юрибмиз. 40 га кирмай чўпоннинг тиши тушади, 40 га бормаи чўпоннинг хотини касалланиб кампирга айланади. Болаларига билим бера олмайди. Болалар ўсиб-улғайиб, шаҳарларга қочиб кетади, қочиб келиб «ҳалигиларга» кўшилиб кетади. Фельд-атворини у қадар ўзгартирмайди, ё бирор жойда ўқишга кира олмайди. Шаҳардаги заводлар, индустриал корхоналарга ўрнаша олмайди. Хайтовур, чўпонлар учун жуда қийин бўлди. Раҳбарларимиз, ҳаммамиз шу ҳақда ўйлаиб кўрайлик».

### Савол ва топшириқлар

1. КПСС МК Апрель (1985 йил) Пленумининг аҳамияти нимада? «Жадаллаштириш» йўли нимани билдиради? У қандай мақсадни кўзлаган?

2. КПСС XXVII създи ва Қирғизистон Компартияси XVIII създи қарорларига таъриф беринг.

3. 80-йилларнинг иккинчи ярмида Қирғизистон Компартияси обрўсининг пасайиб кетиш сабаблари нимада?

4. 80-йилларнинг охиридаги халқ ижтимоий-сиёсий фаоллигининг ўсишига қайси омиллар таъсир этди?

5. Мамлакатимиздаги, жумладан, Қирғизистондаги иқтисодий инкирознинг сабаблари ва хусусиятлари нимада?

6. 80-йилларнинг иккинчи ярмида иқтисодий вазиятни яхшилаш бўйича қандай чоралар кўрилди ва улар нима учун яхши натижа бермади?

7. 80-йилларнинг иккинчи ярмидаги Қирғизистон қишлоқ хўжалиги аҳолига таъриф беринг.

### 26—27-§§. СССРнинг парчаланиши ва мустақил Қирғизистон давлатининг вужудга келиши

**Ўш воқеалари ва унинг республикадаги ижтимоий-сиёсий вазиятга таъсири.** Демократия ва ошкорадикнинг авж олиши мамлакатда, жумладан, Қирғизистонда ҳам кўпдан буён йиғилиб, ҳал этилмай келаётган муаммоларни юзага чиқарди. Бунга қадар республикамизни бўғиб келган ижтимоий ва иқтисодий муаммолар очик айтилмай ҳаспўшлаб келинар эди. Қирғизистон, Ўрта Осиёнинг бошқа республикаларидек, мамлакатнинг хомашё базасига айланиб қолганлиги боис ижтимоий ривожланиш ва ижтимоий таъминот даражаси бўйича кўплаб иттифоқдош республикалардан орқада қолди.

Миллий даромад тақсимотида ва қайта тақсимотда тенгсизликка йўл қўйилди. Капитал маблағлари ҳажми жон бошига ҳисоблаганда мамлакатдаги ўртача кўрсаткичдан 2,4 марта паст бўлди. Республикадаги иш ҳақи ўта оз бўлганлиги учун республика аҳолисининг учдан

бирдан кўпроғи жон бошига ҳисоблаганда 75 сўм ҳам иш ҳақи олмас эди. Республикада аҳоли жон бошига миллий даромад даражаси ўртача иттифоқ даражасининг 53 фоизига тўғри келар эди.

Бутун республика бўйича иш билан таъминланмаган аҳоли сони 140 минг кишидан, уй-жой олиш ёки яшаш шароитларини яхшилашга муҳтож одамлар сони 120 минг кишидан ортиб кетди. Болаларнинг мактабгача муассасалар билан таъминланиши 30 фоизга яқин бўлиб, ўртача Иттифоқ даражасидан 2 баравар кам эди. Барча ўқувчиларнинг деярли 40 фоизи ўқиётган умумтаълим мактабларининг тахминан 80 фоизда дарелар 2 ва 3 сменада ўқитилган. Шу билан бир вақтда бу кўрсаткич мамлакат бўйича 23 фоизга тенг эди.

Республикада истиқомат қилаётган аҳолининг турмуш даражаси бошқа республикаларга солиштирганда паст эди. Республика Олий партия-давлат раҳбарияти томонидан аҳолининг кундалик эҳтиёжларини қондириш, иш билан таъминлаш, маҳаллий ишчи кадрлари ва мутахас-сисларини тайёрлаш ва қайта тайёрлашга, уларнинг турмуш шароитларини яхшилашга етарли эътибор берилмади. Ўрта Осиёдаги бошқа республикалар каби Қирғизистонда булардан бошқа яна бир қанча ҳал қилинмаган масалалар кўпайиб борди. Буларнинг барчаси халқ, айниқса, ёшлар орасида норозиликларни келтириб чиқарди.

Ана шундай шароитда, 1990 йил ёзида Ўш вилоятида қайғули воқеалар - қирғизлар билан ўзбеклар ўртасида тўқнашувлар бўлиб ўтди. Бу республикадаги партия органларининг нотўғри сиёсати натижаси бўлиб чиқди. 1990 йил 2 мартда Ўш вилоятининг Жалолобод шаҳрида истиқомат қилаётган ўзбек миллатига мансуб бўлган Улуғ Ватан уруши ва меҳнат фахрийлари гуруҳи СССР Олий Совети Миллатлар Советининг раиси Р.Н. Нишоновга, Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби А. Масалиевга, «Известия ЦК КПСС» журнали ва «Советская Киргизия» газетаси муҳаррирларига махсус ариза билан мурожаат қилдилар. Аризада қайта қуриш давридаги яхшигина сиёсийларни таъкидлаш билан бирга, улар айрим долзарб масалаларга ҳам тўхталдилар. Улар республикада миллатлар тенг ҳуқуқлилигини ва тенглигини таъминлаш учун Қирғизистон ССР таркибида Ўш автоном вилоятини тузишни таклиф қилишди. Олий партиявий раҳбарият мазкур аризага ўз вақтида принципиал баҳо бермади, ўзини билмасликка солди. Бу нарса сепаратистик кайфиятларнинг кучайишига олиб келди.

**4 июнда** Ўш шаҳрида қирғизлар билан ўзбеклар орасидаги ер участкалари ҳусуенда ва бошқа сабаблар туфайли келиб чиққан тортишувлар қонли тўқнашувга айланиб кетди. 5 июнь куни Ўш шаҳри бутунлай ёпилди, шаҳарга ҳарбий қисмлар киритилди. Шу куни кеч-қурун Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби, Қирғизистон ССР Олий Советининг раиси А. Масалиев телекўрсатувда Ўш воқеалари ҳақида гапирди. Бироқ унинг дўстлик, биродарликка даъват этган сўзлари кеч айтилганлиги учун вазиятни яхшилашга таъсир эта олмади. Оммавий тўқнашувлар давом этаверди.

6 июнь куни шаҳарга қўшимча ҳарбий кучларнинг келиши натижасида вазиятни тўлиқ назорат қилиб туриш имкони туғилди, оммавий тўқнашувлар тўхтади. Бироқ вазият ҳамон оғир эди. Шаҳар аслида қамал ҳолатида қолди. Шаҳар ичидаги тўқнашувлар одамларнинг қурбон бўлиши ва вайронгарчиликка олиб келди. 155 одам ўлди, 845 киши ярадор бўлди, 262 уй-жой, 24 дўкон ва бошқа қурилишлар, 67 автомашина ёндириб юборилди ва йўқ қилинди, корхоналар ишламай қолди.

5 июнда Ўзган шаҳар автостанциясидаги ва бозордаги оммавий муштлашувлар миллатлараро тўқнашувга айланиб кетди. Қонли тўқнашувлар тунги соат икки-учларгача давом этди. 6 июнь куни шаҳар ҳарбий қисмларнинг киритилиши натижасида тўқнашувлар сусайди. Қонли тўқнашув натижасида кўплаб одамлар қурбон бўлишди, уй-жойлар ёндирилди.

Ўш ва Ўзгандаги тўқнашувлар ҳудуддаги вазиятни ниҳоят даражада кескинлаштирди. 7 июнда бундай вазият Ўш вилоятининг деярли барча районларида ва Ўзбекистоннинг Андижон вилоятига чегарадош районларида вужудга келди. Республика марказида ҳам вазият кескинлашди. Натижада 7 июнда Фрунзе шаҳрида фавқулодда ҳолат жорий этилди.

Қўшимча ҳарбий кучларни киритиш йўли билангина Ўш вилояти ҳудудидаги оммавий тўқнашувларни тўхтатиш ва вазиятни назорат остига олиш имкони яратилди. Бироқ вазият ҳамон оғирлигича қолаверди.

Қирғизистон жанубида ана шундай оғир аҳвол ҳукм суриб турган вақтда Ўзбекистон раҳбарияти босиқлик кўрсатди. Уларнинг оқилона ва қатъий ҳаракатлари бу жанжалнинг кучайиб кетишига йўл қўймади.

Ўш вилоятида бўлган қайғули воқеалар республиканинг олий партия-давлат раҳбарияти учун катта синов бўлди. Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби, Қирғизистон ССР Олий Советининг раиси Алсамат Масалиевдан халқ кескин ва оқилона қарорлар кутган эди. Бироқ у халқ ишончини оқлай олмади. Унинг қатъиятсизлиги халқ норозилигини келтириб чиқарди. Одамлар ўз норозилиklarини ошкора айта бошладилар.

Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетида ҳам, Қирғизистон Олий Советида ҳам Ўш вилоятидаги қайғули воқеалар батафсил муҳокама қилинмади. Аксинча, ундан ўзларининг сиёсий мақсадлари учун фойдаланишиб, республикадаги демократик кучларни ёмон отлик қилишга уриндилар. А. Масалиевнинг Қирғизистон Компартияси XIX съездидаги маърузасида демократик кучлар «ўзбилармонлик қилиб масалани митинглар, қуруқ ҳайқириқлар билан ҳал этишга» ҳаракат қилган экстремистик руҳдаги элементлар сифатида кўрсатилди.

**Қирғизистоннинг биринчи президентини сайлаш.** Қирғизистонда Президентлик лавозимини жорий этиш тўғрисидаги масала республика Олий Советининг 1990 йил апрелдаги сессиясида кўтарилган эди. Бироқ ўшанда бу масала раҳбарият томонидан ҳам, депутат-

ларнинг кўпчилиги томонидан ҳам қўллаб-қувватланмади. Республикадаги ижтимоий-сиёсий вазиятнинг ўзгариши, бир қатор иттифоқдош республикаларда президентлик лавозимининг жорий этилиши, демократик кайфиятдаги депутатлар ва жамоатчилик талаблари бу масалани кўриб чиқишни тақозо этди.

**1990 йил 22 октябрда** Қирғизистон ССР Олий Совети сессияси ўз ишینی бошлади. Сессияда республикада президентлик лавозимини жорий этиш масаласи муҳокама қилиниб, махсус қонун қабул қилинди. Қонун бўйича президентга республикадаги сиёсатни тузишда ҳал қилувчи ўрин берилди. У давлат ҳокимияти ва ижрочи ҳокимият бошлиғи бўлади. Президентнинг маърузаси бўйича Олий Совет республиканинг ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилайди. Президент ҳокимиятнинг ваколатли органларига фаол таъсир кўрсатиш, қонун чиқариш ташаббуси ҳуқуқига эга бўлиб, республика суверенитети ва эркинлиги, демократия ва ошкораликни муҳофаза қилиш кафолати ҳисобланади.

Шу кун и эрталабдан Фрунзенинг беш жойида — Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетига кираверишда, «Пишпек» меҳмонхонаси, «Алатоо» киңотеатри, Қирғизистон филармонияси ва Қирғизистон телеграф агентлиги олдида сиёсий талаблар қўйиб, очлик эълон қилган одамлар гуруҳи пайдо бўлди. Очлик эълон қилганлар соғи кун сайин ўсиб бориб, 27 октябрда 140 кишидан ортиб кетди. Ҷша кун и Олий Совет сессиясининг эрталабки мажлисида очлик эълон қилган одамлар билан иш олиб борадиган, таркибига Ф.Кулов, А.Нанасев, А.Муралиев, Ж.Рустенбековлар кирган махсус депутатлик гуруҳи тузилди, улар очлик эълон қилганлар билан музокаралар олиб боришди. Очлик эълон қилганлар 9 банддан иборат сиёсий талаблар қўйишди. Уларнинг асосий талаби, ўша кунларда обрў-эътибори ўта пасайиб кетган А. Масалиевни хизматдан бўшатиш эди.

Шундай вазиятда сессия ўз ишینی давом эттириб, қабул қилинган қонунга мувофиқ, республиканинг биринчи Президентини сайлашга киришди. Бироқ биринчи мартаба номзоди кўрсатилганлар: А.Жумагулов, Ж.Аманбаев, А.Масалиевларнинг бирортаси ҳам етарли овоз ола олмадилар. Сессия янги номзодларни кўрсатишга қарор қилди. Иккинчи мартаба кўрсатилган номзодлар орасидан кўпчилик овоз олиб **Асқар Ақаев** галаба қозонди. Шундай қилиб, **1990 йилнинг 27 октябрида Қирғизистоннинг биринчи Президенти муқобиллик асосида сайланди.**

Асқар Ақаев 1944 йил 10 ноябрда Кемин райониинг Қизил Байроқ киңшоғида туғилган. У 5 фарзанднинг кенжаси. 1961 йилда ўрта мактабин олгин медал билан тамомлаган. 1967 йилда Ленинграддаги Аниқ механика ва оптика институтини тамомлагандан кейин шу институтда катта лаборант, аспирант бўлди, 1971—1986 йилларда Фрунзедаги политехника институтида, Ленинграддаги аниқ механика ва оптика институтида муҳандислик кафедраси мудиригача бўлган лавозимларда ишлади. 27 ёшида фан номзоди, 34 ёшида фан доктори бўлган.

1986—1987 йилларда Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг фан ва ўқув юртлири бўлимининг бошлиғи, 1987 йилда Қирғизистон ССР Фанлар Академиясининг вице-президенти, 1989 йилда президенти бўлиб сайланди. Техника фанлари доктори, профессор, республика Фанлар Академиясининг академиги. У жаҳонга танилган ва амалда қўлланилаётган кўплаб илмий асарлар муаллифи.



А. Акаев


Давлат ҳокимиятига илгариги партия-давлат тизимлари билан яхши алоқаси бўлмаган одам келди. Уни бирорта ҳам партия ёки жамоатчилик ҳаракати кўтариб чиқмади. Янги президентнинг илгари тайёрланган командаси ҳам йўқ эди.

Атиги бир йил ичида Қирғизистон консерватизмининг зулматдаги қароргоҳидан советлардан кейинги майдонда анчагина ҳаракатланувчи республикага айланди. Президент А. Акаев эса республикадагина эмас, балки СССР худудидаги энг таъсирчан сиёсий ва давлат раҳбарларидан бири бўлиб қолди. Москвадаги гўнгаридан кейин, 29 август куни қечқурун мамлакат президенти Михаил Сергеевич Горбачев унга СССР вице-президенти лавозимини таклиф қилганини бунинг далилидир. Бироқ Асқар Ақаев амалга оширилаётган демократик ислохотларга ёки ўзи айтганидек, «Инак инқилобига» кўпроқ эътибор бериш учун бу таклифдан воз кечди.

**Давлат суверенитети тўғрисида декларация.** Янги сайланган Олий Совет минбаридан илгари миллатчилик сифатида айбланиб келган суверенитет мустақиллик ғоялари айтила бошлади.

Илгор фикр эгаси бўлган Асқар Ақаевнинг Қирғизистоннинг биринчи президенти бўлиб сайланиши суверен, мустақил давлат тузиш жараёнини жадаллаштирди. Тўнғич президентнинг қатъий ҳаракатлари ва демократик руҳдаги депутатларнинг қўллаб-қувватлаши бу жараёнинг тезланишига ижобий таъсирини кўрсатди.

**1990 йил 15 декабрда Қирғизистон Олий Советининг III сессиясида муҳим тарихий ҳужжат – «Қирғизистон Республикаси давлат суверенитети тўғрисида Декларация» қабул қилинди.** Қирғизистон республикаси давлат суверенитети «Республика давлат ҳокимиятининг барча соҳаларида устунлиги ва ташқи алоқаларда мустақил эканлиги» сифатида таърифланди. Декларациядаги энг муҳим мазкур қоида СССР қонуналарининг ўнлаб йиллар давомида шаклланган, иттифоқдош республикалар, жумладан, Қирғизистон қонуналаридан устунлиги, унинг қонуни чиқариш ва ижрочи органларининг



Қирғизистон Республикаси

иттифоқ органларига бўйсунини, иттифоқ маркази билан республика ўртасидаги алоқаларнинг тенгсизлигини йўқ қилишга йўналтирилган.

Декларацияда «...ер, унинг бойликлари, ҳаво бўшлиғи, ўрмонлар, сувлар, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси — бутун табиий ресурслар, маданий ва тарихий бойликлар, шунингдек, республика халқи яратган барча иқтисодий, илмий ва техникавий потенциал, унинг миллий бойлиги шахсий мулки ҳисобланади», деб эълон қилинди.

Декларацияда «... Республика бошқа давлатлар билан бевосита алоқаларни амалга оширади, улар билан келишим тузади, дипломатик, консуллик, савдо ваколатхоналари билан алмашади, халқаро ташкилотлар фаолиятида иштирок этади» деб белгиланди.

Қирғизистон суверенлиги тўғрисидаги Декларациянинг қабул қилиниши унинг тарихида янги саҳифа очди. Бундан буён ижтимоий турмушнинг барча соҳаларида кенг қайта қуришларни амалга ошириш учун зарур бўлган ҳуқуқий негизлар тузила бошлади.

**Ҳукуматнинг иқтисодий сиёсати.** 1990 йил охирига қадар Қирғизистон иқтисодий сиёсатини тўлалигича марказ белгилар эди. Бундай вазиятдан чиқиш, хўжалик ҳаётини демократлаштириш ва радикал иқтисодий ислохотлар ўтказиш йўлидаги барча тўсиқларни олиб ташлаш учун қатъий ҳаракат талаб қилинди.

1990 йил 15 декабрда қабул қилинган Декларация Қирғизистонни суверен республика деб эълон қилди. Чинакам суверенитетга эришиш учун иқтисодий негизларни тузиш керак эди. Ўрта Осиёнинг бошқа республикалари каби Қирғизистон иқтисоди ҳам хомашё ва ярим фабрикатларни етиштиришга ихтисослашган эди. Хўжалик алоқаларининг узила бошлаши ва иқтисодий инқирознинг чуқурлашуви Қирғизистонни бир мунча оғир аҳволга солиб қўйди.

1986—1990 йиллар давомида иқтисодиёт соҳасидаги қайта қуришлар кўзланган натижани бермади. Марказий иқтисодий тармоқ бошқаруви звеноларининг амалда ўзгармай қолган вазифаларининг сақланиши радикал иқтисодий ислохотларни ўтказишга тўсқинлик қилди. Хўжалик юритишнинг амалдаги моделлари умумий даромадларни кўпайтиришга йўналтирилган бўлиб, монополизм шароитларида ишлаб чиқарувчиларнинг ҳаддан зиёд зўрлиги, нархларнинг асоосиз ўсишига, юксак натижали меҳнат рағбатларининг кескин сусайишига, иқтисодий, шунингдек, ижтимоий алоқалар бутун системасининг тубдан бузилишига олиб келди.

1990 йил бошларида республика бўйича ниҳоясига етказилмаган қурилишлар кўлами 1,3 миллиард сўмга етди, бу нормативдан 1,4 баробар кўп эди. Шунингдек, республика 4 йил давомида 50 минг тоннадан зиёд қора металл прокати, 12 минг тоннага яқин шўлат қувурлар, 1,5 миллион куб метрдан зиёд ёғоч ва бошқа кўп материал, ускуналарни кам олди.

Шу муносабат билан бозор иқтисодиётига ўтиш тўғрисидаги масалани ҳал этиш зарурати туғилди. Қирғизистон Олий Советининг 1990 йил октябрда бўлиб ўтган 2-сессияси «Республика халқ хўжалигини

барқарорлаштириш ва бозор иқтисодиётига ўтиш дастури» ни қабул қилди. Дастурда бозор муносабатларига ўтишнинг асосий мақсади - халқ турмуш даражасини юксалтириш, мутаносиб равишда ривожланган бошқарилувчи бозор иқтисодиётини тузиш натижасида унинг маданий ва маънавий талабларини қондириш учун зарур шароит яратиш, деб белгиланди. Дастурда бозор муносабатларига ўтишнинг 5-6 йил давом этадиган муддатининг дастлабки 1,5-2 йилидаги асосий вазифалар кўриб чиқилди.

Қабул қилинган дастурда қуйидагилар белгиланган эди: мулкчилик турли шакллариининг тенг ҳуқуқли ривожланиши, ишлаб чиқарувчиларнинг тўла иқтисодий эркинлиги ва масъулиятини таъминлаш, молия ва пул муомаласини мустаҳкамлаш, насия бериш сиёсатини қайта қуриш, банк ишнини ислоҳ қилиш, мулкни босқичма-босқич давлатдан ажратиш ва хусусийлаштириш, иқтисодиётни демонополизация қилиш, бора-бора эркин баҳо тузишга ўтиш, янги структуравий сиёсатни аниқлаш ва амалга ошириш, бошқарувнинг бозор муносабатларига мос бўлган янги системасини ишлаб чиқиш, ижтимоий муҳофазанинг самарали механизминини ишга тушириш ва тегишли кафолатларни таъминлаш.

Республикада бозор муносабатларига ўтиш иши иқтисодиётни бошқаришнинг маъмурий-буйруқбозлик системаси устунлик қилиб турган шароитларда амалга оширила бошлади. Партия органларининг кучи ва таъсири ҳамон кучли эди. Улар оғизда ислохотларни қўлагани билан уни амалга оширишга турли йўллар билан тўсқинлик қилишган. Буларнинг барчаси бозор муносабатларига ўтиш, эркин иқтисодиётни тузиш, давлат ҳокимияти ва бошқарувини қайта қуришни қийинлаштирди.

Бироқ Президент иқтисодиётни ислоҳ қилиш бўйича қатъий қадам ташлади. 1991 йилда хусусийлаштириш, бозор иқтисодиётига ўтишнинг ҳуқуқий кафолатларини таъминлайдиган муҳим фармонлар чиқди. Йил давомида иқтисодиётни барқарорлаштириш ва бозор муносабатларига ўтишнинг илгари дастурлари кўриб чиқилиб тўлдирилди. Бироқ булар илгари қабул қилинган иқтисодий ислохотнинг асосий қондаларидан бош тортиш ёки бутун иқтисодий йўналишни кескин ўзгартириш, дегани эмас эди.

Иқтисодиётни барқарорлаштириш бўйича Президент ва Ҳукуматнинг барча ҳаракатлари ишлаб чиқарувчилар томонидан фаол қўллаб-қувватланмади, маҳаллий ҳокимият органларининг аниқ мақсадни кўзлаган мунтазам иш-ҳаракатлари билан мустаҳкамланмади. Шунинг учун улар қўзланган натижани бермади.

Иқтисодиёт чуқур инқирозни бошдан кечирибгина қолмай, тезлик билан пасая бошлади. 1991 йилда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 1,8 фоиз, меҳнат унумдорлиги 1,3 фоиз пасайиб кетди.

Апрель ойида нарх-навоининг ошиб кетиши натижасида вазият кескин ўзгарди: бюджет камомати ортди, инфляция жараёнлари кучайди. Иқтисодий сиёсатдаги асосий эътибор молиявий аҳволни



яхшилаш пул-кредит соҳасини яхшилашга қаратилди. Бироқ сўмнинг кадрсизлиги, Қирғизистоннинг катта республикаларга, марказдаги вазирлик ва идораларга қарамлиги туфайли мустақил сиёсат олиб боришда катта қийинчиликлар юзага келди.

**1991 йил 17 мартдаги референдум.** 1990 йил охири, 1991 йил бошида Совет Иттифоқидаги вазият бирмунча кескинлашди. СССР нинг бундан буён яшаши, унинг таркибидаги халқлар, республикалар ва умумиттифоқ ҳуқуқларини таъминлаш қобилияти ва янги давлат ҳуқуқий шаклларини ишлаб чиқиш зарурати туғилди. СССР нинг 1977 йилдаги Конституциясида иттифоқдош республикаларнинг давлат суверенлик ҳуқуқи расмий турда мустақкамланганлигига қарамай, СССР амалда унитар давлат эди ва унда партия-давлат ва тармоқ органлари ҳал қилувчи роль ўйнар эди. Демократиялаштириш жараёнининг бошланиши билан мамлакатнинг илгаридан шаклланиб келган унитар тузилишини қайта кўриб чиқиш лозим эди.

Янги Иттифоқ шартномасини ишлаб чиқиш ва унга турли туза-тишларни киритиш чоғида уч хил нуқтаи назар вужудга келди: Ўрта Осиё республикалари ва Озарбайжон Федерацияни, Россия, Украина, Белоруссия Конфедерацияни, Болтиқбўйи республикалари ва Грузия СССР таркибидан чиқишни ёқладилар. Энди янги Иттифоқ шартно-масига имзо чекиш қандай шароитларда бўлишини ўйлаш ҳам мушкул бўлиб қолди. Иттифоқ одамларнинг кўз ўнгисида тарқаб кета бошлади.

Ана шундай вазиятда умумиттифоқ раҳбарияти томонидан СССРни сақлаб қолиш масаласи бўйича 1991 йил 17 мартда референдум ўтказиш белгиланди. Референдумга «Барча миллатлар ҳуқуқ ва эркин-ликлари тўлиқ даражада таъминланганига тенг ҳуқуқли суверен республикаларнинг янгиланган федерацияси сифатида Совет Соци-алистик Республикалар Иттифоқини сақлаб қолишни зарур деб ҳисоб-лайсизми?» деган савол қўйилди.

КПСС ва республика партия ташкилотлари янгиланган федерация учун тарғибот ишларини бошлаб юбордилар. Мазкур масала Қирғи-зистон Компартияси Марказий Комитети бюроси мажлисида кўриб чиқилиб, махсус қарор қабул қилинди. Қарорда партия ташкилотлари, коммунистлар ҳар бир меҳнат жамоасида, аҳоли истиқомат қиладиган жойларда ташкилотчилик ишларини кенг ёйиш, референдумга мам-лакат бирлигини сақлаш учун фуқароларнинг фаол иштирокига эри-шишлари зарурлиги алоҳида таъкидланди. Тарғибот ишларига партия-нинг энг яхши интеллектуал кучлари, коммунист раҳбарларни, партия, уруш ва меҳнат фахрийларини, зиёлиларни, ёшларни жалб қилиш, референдумга тайёргарлик ва уни ўтказиш бўйича сиёсий ташкилот-чилик тадбирлари тасдиқланди.

Қирғизистон ҳудудида Бутуниттифоқ референдумини ўтказиш тўғрисидаги қарор қўллаб-қувватланди. Қирғизистон Республикаси Олий Совети Бутуниттифоқ референдуми билан бир қаторда Қир-ғизистон Республикаси фуқаролари ўртасида сўров ўтказишга қарор қилди. Унга «Қирғизистон Республикасининг тенг ҳуқуқли суверен

республика (давлат) сифатида янгиланган Иттифоқ таркибида бўлишига розимисиз?» деган савол қўйилди.

Референдумдан олдин иттифоқ шартномасининг янги лойиҳаси эълон қилиниб, унда иттифоқдош республикалар ҳуқуқларини анчагина кенгайтириш кўзда тутилди. Бироқ СССР халқларининг ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш масаласида муҳим ўзгаришлар бўлмади. Республикалар томонидан қабул қилинган давлат суверенлиги тўғрисидаги Декларациядаги қондалар мазкур шартномадан тегишли ўрин олмади.

Референдумга республикада яшаган аҳолининг 92,8 фоизи иштирок этди, уларнинг 94,6 фоизи суверен республикаларнинг янгиланган федерациясини ёқлаб овоз берди. Ижтимоий сўровга халқнинг 81,6 фоизи қатнашди, уларнинг 62 фоизи ёқлаб овоз берди.

Бироқ референдум ўтказиш СССР даги сиёсий вазиятни яхшиламади, аксинча, уни янада кескинлаштирди. Референдумда расмий тарзда тўққиз республика иштирок этди. 6 республика — Эстония, Латвия, Литва, Грузия, Арманистон, Молдова референдумда иштирок этмади.

**Август воқеалари. 1991 йил 19 августда** мамлакатдаги антиконституциявий тўнтариш натижасида Қирғизистоннинг суверен ривожланиши, унинг демократик ютуқлари бутунлай йўқ бўлиб кетиш хавфи остида қолди. Давлат тўнтариши қилган одамларни марказга бўйсунган ҳарбий саноат комплекси, армия, давлат хавфсизлик ва ички ишлар органлари қўллаб-қувватладилар. Уни КПСС нинг реакция элементлари ҳам фаол қўллаб-қувватладилар.

Давлат тўнтариши қилган одамлар томонидан, *кейинчароқ Асқар Ақаев «Бики-Чики» деб атаган, «СССР даги фавқулодда ҳолатлар бўйича давлат комитети» (ГКЧП)* тузилди. Антиконтитуциявий тўнтариш янги Иттифоқ шартномасига имзо чекиладиган кудан бир кун олдин амалга оширилди. М.С.Горбачев июль ойида телевизор орқали сўзлаган нутқида Иттифоқ шартномасига имзо чекиш 20 августга белгиланганини айтган эди. Уша шартнома бўйича Совет Иттифоқининг унитар мазмуни асосан сақланиб қолганлигига қарамай, марказнинг кўп ҳуқуқлари иттифоқдош республикаларга ўтиши керак эди. Ушанда ГКЧП га ўхшаган умумиттифоқ бошқарув органларини тузишга чек қўйилган бўлур эди.

Москвадаги антиконституциявий тўнтариш Қирғизистондаги сиёсий кучлар ва давлат органларининг чинакам позицияларини маълум қилди. Қирғизистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг ахбороти матбуотда эълон қилинди. Марказий комитет ГКЧП нинг «фавқулодда чораларини» қўллаб-қувватлашини билдириб, унинг ишига имкон борича ёрдам беришга даъват этди. Шундай қилиб, Қирғизистон Компартияси раҳбарияти антиконституциявий, реакция тўнтариш тарафдори эканлиги очиқ намоён бўлди. Республика ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмлар, давлат хавфсизлик органлари ҳам исёнчиларни қўллаб-қувватлади.

Қирғизистон Республикаси Олий Советининг раиси М. Шеримқулов ўз баёнотида ГКЧП томонидан киритилган «фавқулодда ҳолат Қирғизистон Республикаси ҳудудида ёйилмайди» деб, исёнчиларни кескин айблади. «Қирғизистон демократик ҳаракати» (КДК) бошқаруви ҳам антиконституциявий тўнтаришни қаттиқ танқид қилди. КДК бошқарувиининг РСФСР президенти Б.Н. Ельцинга йўллаган телеграммасида исёнчилар ҳаракатидан ғазабланганлиги ва ГКЧП га нисбатан «РСФСР ҳукумат раҳбарларининг қатъий қаршилиги қўллаб-қувватланиши» айtilди.

ГКЧП нинг барча ҳаракатларида мамлакатдаги демократик жараёнларни тўхтатиш, Иттифоқ шартномасини қайта кўриб чиқиш ва Совет Иттифоқининг унитар мазмунини сақлаб қолиш мақсади кўзланаётганлиги маълум бўлди. Бу иш амалга ошса, Қирғизистон Республикаси давлат суверенитети тўғрисидаги декларацияда баён этилган қондалар йўққа чиқиб, уилгаригидек, ҳуқуқи чекланган республикага айланиб қолар эди. Исёнчилар ва уларнинг Қирғизистондаги тарафдорлари ҳаракатлари президент А.Ақаевга ва унинг раҳбарлиги остида республикада амалга ошириладиган демократик ислохотларга қарши қаратилган эди.

Ана шундай вазиятда, **1991 йил 19 августда** Қирғизистон Республикаси президенти Қирғизистон халқига мурожаат қилиб, «Осо-йишталикни сақлаш, ақл билан иш тутиш, бирлик ва ҳамжиҳатликка, Совет Иттифоқи ва Қирғизистон Республикаси Конституциялари ва қонуларини ҳурмат қилишга» даъват этди. 1991 йил 21 августдаги президент фармониға мувофиқ республика ҳудудида жойлашган барча ҳарбий қисмларға президентнинг руҳсатисиз ўз жойидан бошқа еққа жилиш таъқиқланди. Президент томонидан республика суверенитетини ҳимоя қилиш, жамоат тартиби ва қонунчилиқни сақлаш бўйича барча имкониятлар ишға солинди.

Демократик кучлар, уларнинг раҳбарлари жасорати ва садоқати туфайли тоталитар режимнинг мувоффақият қозонишиға узоқ муддатли тўсиқ қўйилди. Россия президенти Б. Ельцин бошлиқ халқ қаршилиги натижасида антиконституциявий реакция тўнтариш амалға ошмади. Исёнчилар ҳибсға олиниб, қонунчилик қайта тикланди.

**Қирғизистон мустақиллигининг эълон қилиниши.** Антиконституциявий, реакция тўнтариш амалға ошмай қолгандан кейин мамлакатда кескин ўзгаришлар бошланиб кетди. Омманинг онги ва сиёсий савияси мисли кўрилмаган даражада ўсди. СССРнинг унитар давлат сифатида тарқаб кетиши жадаллашди, М. Горбачевнинг обрўси ва ҳокимияти кўпроқ ночорлашди, марказий ҳокимиятнинг илгариги бошқарув органларини тарқатиб юбориш бошланди.

Кўпчилик иттифоқдош республикалар ўзларининг мустақиллигини эълон қилдилар. **1991 йил 31 августда Қирғизистон Республикаси Олий Совети сессияс тарихий ҳужжатни — «Қирғизистон Республикасининг мустақиллиги тўғрисида Декларацияни» қабул қилди.**

Декларация Қирғизистон Республикасини «мустақил, суверен, демократик давлат» деб тантанали равишда эълон қилди. Қирғизистон Республикаси ҳудуди бир бутун ва бўлинмас, унда республика Конституциясигина қўлланилади, у ўзининг халқаро ҳуқуқнинг барчага маълум принципларига амал қилиши айtilди. Шундай қилиб, жаҳон сийёсий харитасида янги, суверен, мустақил давлат — Қирғизистон Республикаси вужудга келди.

Республиканинг мустақиллиги эълон қилингандан кейин у умумиттифоқ органлари назоратидан халос бўлиб, бутун ҳокимиятни ўз қўлига тўплай бошлади. Қирғизистон Республикаси Президентининг фармониға мувофиқ, 1991 йил 20 октябрда Давлат Хавфсизлик Комитети тугатилиб, унинг ўрниға Миллий хавфсизлик бўйича Давлат комитети, 3 декабрда Қирғизистон Республикаси Миллий гвардияси, декабрнинг охирида Ички ишлар қўшинлари тузилди.

1991 йил 12 октябрда мустақиллик шароитларида республика Президентини умумхалқ овоз бериш йўли билан сайловлар ўтказилди. Асқар Ақаевнинг позицияси ўша вақтда нақадар кучли эканлигидан бошқа бирор номзод у билан бевосита президент сайловларига муқобил номзод сифатида чиқишға ботина олмади. Овоз беришда барча сайловчиларнинг 89,03 фоизи иштирок этди, уларнинг 95,3 фоизи А. Ақаевни ёқлаб овоз берди.

**СССРнинг қулаши ва МДХнинг тузилиши.** Амалға ошмай қолган август тўнтарини консерватив кучларнинг СССРни аввалги шаклида сақлаб қолиш учун қилган сўнгги ҳаракати бўлди. Тўнтарининг амалға ошмай қолиши билан Иттифоқнинг бузилиш жараёни тезлашди. Иттифоқдош республикалар ўз мустақилликларини эълон қилиб, миллий гвардия ва ҳарбий қисмлар тузишди, ҳарбий саноат корхоналарини назорат остига ола бошладилар. 1991 йил сентябрда СССР Литва, Латвия ва Эстониянинг мустақиллигини расмий равишда тан олди. Бир неча кундан кейин улар БМТнинг тенг ҳуқуқли аъзолари бўлиб қолдилар. СССР таркибида 12 республика қолди.

Президент М.С. Горбачев бошлиқ СССР олий раҳбарияти Иттифоқни янги иқтисодий шартнома билан мустаҳкамлашға ҳаракат қилди. 18 октябрда 8 республика—Арманистон, Белоруссия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманиятон, Ўзбекистон, Россия федерацияси иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги шартномаға имзо чекишди. Бироқ бу шартнома амалға ошмади.

14 ноябрда Ново-Огарево шаҳрида етти республика—Россия, Белоруссия, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Тожикистон янги давлатлараро бирлашма — Суверен Давлатлар Иттифоқи (СДИ) тузиш ниятини маълум қилдилар. Етти республика раҳбарлари 1991 йил охириға қадар янги Иттифоқ шартномасиға имзо чекишларини эълон қилдилар. Имзо чекиш маросими 25 ноябрга белгиланди. Унга иттифоқдош республикалар раҳбарлари келмаганликлари учун имзо чекиш маросими бўлмай қолди.

Декабрда вазият кескин ўзгарди. 1991 йил 1 декабрдаги референдумда Украина халқининг 90 фоизидан ортиқроғи республика мустақиллигини эълон қилди. Бутун Украина референдуми марказий ҳокимият тизимларини тугатишни тезлатди. 7—8 декабрда Брест шаҳри яқинидаги Беловежя Пушча ўрмонида жойлашган ҳукумат резиденциясида Белоруссия Олий советининг раиси С. Шушкевич, Россия президенти Б.Ельцин, Украина президенти Л.Кравчуклар учрашиб, Совет Иттифоқи тарқаб кетди, деб эълон қилдилар. Унда собиқ СССР таркибидаги барча давлатларнинг кириши учун йўл очиб бўлган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) ни тузиш тўғрисидаги шартномага имзо чекилди. Марказий Осиё республикалари раҳбарлари Ашхабодда МДҲ га қўшилиш ниятида эълонларини маълум қилдилар.

**1991 йил 21 декабрда** собиқ СССР таркибига кирган 11 давлат (Озарбайжон, Арманистон, Белоруссия, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова, Россия Федерацияси, Тожикистон, Украина, Ўзбекистон, Туркменистон) раҳбарлари Олмаотада учрашдилар. Учрашувда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) ни тузиш тўғрисидаги шартномага имзо чекилди ва Олмаота Декларацияси қабул қилинди. Декларацияда тенг ҳуқуқлилик принципи асосида «Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг тузилиши билан Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи тарқаб кетди» деб эълон қилинди.

**25 декабрда** М. С. Горбачев СССР тарқаб кетганлиги муносабати билан СССР президенти вазифасини бажаришни тўхтатганлигини айтди. Шундай қилиб, расман Федератив давлат деб аталиб, амалда унитар мамлакат сифатида яшаб келган Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи (СССР) ҳеч қандай қон тўқилмай, жанжалсиз, тинч йўл билан тугатилиб, унинг ўрнига мустақил давлатларнинг янги бирлиги — Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги тузилди.

## Ҳужжатли материаллар

### 1. Москвадан шифро телеграмма:

Махфий.

Иттифоқдош Республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари, район, ўлка, область, партия комитетларининг биринчи котибларига:

Фавқулодда ҳолат жорий этилиши муносабати билан СССРдаги Фавқулодда ҳолат бўйича Давлат Комитетига ёрдам кўрсатишга коммунистларни жалб этиш чоралари кўрилинсин.

Амалий иш ҳаракатларида Совет Иттифоқи Конституциясига риоя қилинсин.

Марказий Комитетнинг пленуми ва бошқа чоралар тўғрисида қўшимча хабар қилинади.

Секретариат, 1991 йил 19 август.

### 2. Қирғизистон Компартияси Марказий Комитети бюроси ахборотдан:

Қирғизистон Компартияси Марказий Комитети бюроси мамлакатни иқтидордан олиб чиқиш учун Совет раҳбарияти йўлини, шу мақсадларда қишлоқдан фавқулодда чораларни қўллаб-қувватлашини билдиради.

Биз СССР даги фавқуллодда ҳолатлар бўйича Давлат Комитетининг Совет халқига Мурожаатида мамлакатдаги вазиятга берилган баҳога қўшиламиз...

Биз ишчиларни, деҳқонларни, меҳнаткаш зиёлиларни шу қийин вазиятда фуқаролар осойишталиги ҳурмати ҳаққи бирлашишга, СССРдаги фавқуллодда ҳолатлар бўйича Давлат Комитети органларига жамиятимизни инқироздан олиб чиқиш бўйича ўта оғир ишга имкони борича ёрдам беришга даъват қиламиз.

### **3. Қирғизистон Республикаси президенти А. Аҳаевнинг баёнотидан:**

...кейинги икки кун воқеалари 1991 йил 19 августда мамлакатда антиконституциявий тўнтариш бўлганлигига шубҳа қолдирмайди. Энди ҳокимиятга марказга бўйсунган ҳарбий саноат комплексига, армияга, давлат хавфсизлик органларига ва ички ишлар органларига таянган реакцион сиёсий кучларнинг келиши биланликдари аниқ билинди...

Қирғизистон Республикасининг илғор ижтимоий кучлари ҳарбий-партиявий исёни айблаб чиқдилар. Республика Компартияси Марказий Комитети раҳбарияти мана шунда бошқача позицияни эгаллади. Улар демократияга ва Конституцияга қарши чиқдилар, ўзларининг шахсий мақсадлари, ўзбилармонлик, сиёсий истақлари учун ўз халқи манфаатларини оёқ ости қилишга мойил сиёсий конъюктурачилар қаторида жангликларини намойиш қилишди...

Суверенететимиз, демократик ютуқларимиз, инсон боласининг азалий турмушини йўлга қўйиш бўйича эришган ютуқларимизнинг барчаси оғир хавф остида қолди.

Биз кичик давлатмиз, бизда армия йўқ, бироқ биз ўз суверенететимизни, ўз эркинлигимизни ҳимоя қиламиз.

... Мен сизларнинг қўллаб-қувватлашингизга ишонаман. Республика барча фуқароларининг, қирғизлар ва руслар, ўзбеклар ва украинлар, бошқа барча миллат кишиларининг тотувлиги ва бирдамлигига бизни мудҳиш фалокатнинг олаши олишимизга имкон беради.

### **4. Қирғизистон Республикаси мустақиллиги тўғрисидаги Декларациядан:**

Қирғизистон Республикаси Олий Совети 1990 йил 15 декабрда қабул қилган «Қирғизистон Республикаси давлат суверенететети тўғрисида Декларация» га асосланиб ва Қирғизистон Республикаси Конституцияси (асосий қонуни)ни раҳбарликка олиб

1. Қирғизистон Республикасини мустақил, суверен, демократик давлат деб эълон қилади.

2. Қирғизистон Республикаси ҳудудини бир бутун ва бўлинмасдир, унда Қирғизистон Республикаси Конституцияси амал қилади.

3. Қирғизистон Республикаси ўзининг халқаро ҳуқуқнинг барчага маълум бўлган принципларини қўллаяжagini алоҳида таъкидлайди...

4. Иттифоқдош Республикалар ва жаҳон ҳамжамияти мамлакатлари парламентларини Қирғизистон Республикаси мустақиллигини таъин олишга даъват қилади.

Қирғизистон Республикаси Олий Совети Қирғизистон Республикаси халқини мажур декларация асосида мамлакатимизни чинакам суверен ва ҳуқуқий давлатга айлантириш ишга қўшинишга даъват этади.

## **Савол ва топшириқлар**

1. Қирғизистонда миллатлараро жанжал чиқишининг сабаблари нимада? У республикадаги ижтимоий-сиёсий вазиятга қандай таъсир кўрсатди?

2. Президентлик лавозими жорий этилиши сабаблари ҳамда президент ҳокимиятининг дастлабки якуналари қайсылар?

3. Қирғизистон республикаси давлат суверенететети тўғрисидаги декларация қандай вазиятда қабул қилинди? Унинг тарихий аҳамияти нимада?

4. Қирғизистон Республикаси давлат суверенитети тўғрисидаги декларациянинг асосий қондаларига таъриф беринг.

5. 1991 йил куздаги ижтимоий-сиёсий вазиятнинг кескинлашуви нисмаларга боғлиқ эди?

6. 1991 йил 17 мартдаги референдумни ўтказиш сабаблари нимада? Унинг ташаббускори ким бўлган?

7. 1991 йил август ойидаги давлат тўнтаришининг амалга ошмай қолиши сабабларини аниқлашга ҳаракат қилинг. Қирғизистон Республикаси президенти-нинг, Қирғизистон Компартияси Марказий Комитети ва бошқа жамоат ташкилотлари позицияларига баҳо беринг.

8. Қирғизистон Республикаси мустақиллиги тўғрисидаги Декларация қандай вазиятда қабул қилинди ва у қандай тарихий аҳамиятга эга бўлди?

9. СССР қачон ва қандай шароитларда тарқаб кетди?

## **VIII боб. ҚИРЎИЗИСТОН МУСТАҚИЛЛИК ШАРОИТЛАРИДА.**

### **28-§. Ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётдаги туб ўзгаришлар**

**Янги ижтимоий-сиёсий вазият.** Қирғизистон Республикаси мустақиллигининг эълон қилиниши, Коммунистик партия фаолиятининг тўхтатилиши, СССР нинг қулаши Қирғизистонда янги ижтимоий-сиёсий вазият қарор топишига олиб келди. Тоталитар сиёсий режим, ҳаддан зиёд марказлаштирилган иқтисодиёт билан суғорилган совет даври тугади. Янги вазият жамият олдига янги — тоталитар сиёсий тузумни йўқотиш ва ҳуқуқий, демократик давлат қуриш, марказлаштирилган давлат иқтисодиётини одамларнинг ижтимоий эҳтиёжларини таъминлашга қаратилган кўп укладли иқтисодиёт сифатида қайта қуриш, қирғиз халқининг миллий жиҳатдан қайта вужудга келиши ва Қирғизистондаги миллатлараро муносабатларни яхшилаш учун барча шароитларни яратиш, яқин ва олис мамлакатлар билан тенг ҳуқуқли муносабатларда бўлиш вазифаларини қўйди.

Юқоридаги вазифаларни амалга ошириш учун Қирғизистоннинг бундан кейинги ривожланиш йўли ҳамда илғор мамлакатлар тажрибасини ўрганиш зарурати вужудга келди. Бундан ташқари, ижтимоий тузумни таг-томири билан йўқотиб, ягона сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий тузумни янги ижтимоий тузумга ўтказиш билангина олдинда турган вазифаларни ҳал қилиш мумкин эди.

Жамиятдаги бундай кенг кўламли ва чуқур қайта қуришларни одатда инқилоб деб атайдилар. Бундай инқилобий қайта қуришларни Қирғизистонда тинчлик шароитларида амалга ошириш имкони туғилди.

**Ҳокимият тизимлари ўтиш даврида.** Мустақилликнинг дастлабки йилларидаги асосий вазифалардан бири — давлат бошқарувини такомиллантириш, демократик сиёсий системанинг зарур белгиси

бўлган уч тармоғи — қонун чиқариш, ижрочи ва суд ҳокимиятини тузиш эди. Шунингдек, маҳаллий, бошқача айтганда, вилоятлар, туманлар, овул-қишлоқлардаги ҳокимият органларини ривожлантириш ва уларнинг марказий бошқарув органлари билан самарали алоқаларини йўлга солиш керак эди.

Қирғизистоннинг қонун чиқарувчи ҳокимияти беш йилда бир марта сайланадиган, 350 нафар депутатдан иборат Олий Совет эди. Мустақил Қирғизистоннинг Олий қонун чиқарувчи органи 1990 йил февралда сайланди ва 1994 йил сентябрга қадар ишлади. Унинг депутатларининг 90 фоизга яқини 1991 йилда фаолиятини тўхтатган Компартиянинг аъзолари эдилар. Олий Советдаги бу депутатларнинг анчагина қисми эски, ортодоксал-коммунистик кўз қарашдан бош тортиб, тоталитар системани йўқотиш ва иқтисодиётни бозор муносабатлари асосида қайта қуриш ғояларини ёқлаганлар бўлиб қолдилар. Бу нарса Олий Советнинг бирмунча дуруст ишлашига шароит яратди.

Давлат бошлиғи ва ижрочи ҳокимият раҳбари вазифаси Қирғизистон Республикаси Президентига юклатилган. Президент Олий Советнинг розилиғи билан Бош вазирни, ҳукумат аъзоларини тайинлайди. Вазирлар кабинети давлатнинг халқ хўжалиғи, ижтимоий соҳани амалда бошқариш, йўлга солиш вазифаларини амалга оширади.

1992 йил январь ойида Қирғизистон Республикаси Президенти фармониға мувофиқ барча вилоятлар, районларда-ҳокимлик бошқарувининг жорий этилиши янгилик бўлди. Жойлардаги ҳокимларға ўша ҳудуддаги давлат ҳокимияти вазифаларини амалга ошириш юклатилди. Вилоят, район ҳокимликлари маҳаллий советлар ҳузуридаги ижроия комитетлари аппарати базасида тузилди. Бу совет системасини ислоҳ қилиш, Президент ҳисоб берадиган ижрочи ҳокимиятнинг вертикал тизимини тузиш мақсадини кўзлайди. Ҳокимлик бошқарувининг жорий этилиши билан маҳаллий советларнинг ҳокимият ҳуқуқлари ҳокимчиликка ўтди. Энди маъқур советлар маҳаллий парламент ролини бажара бошладилар.

Қирғизистондаги суд ҳокимияти Конституциявий суд, Олий суд, Олий Арбитраж суди ва маҳаллий судлар — вилоят, район, шаҳар, ҳарбий судлар томонидан амалга оширилади. Қонунчиликка риоя қилинишини Бош Прокурор назорат қилиб боради.

**Олий Кенгашнинг фаолияти.** Ун иккинчи чақириқ Қирғизистон Республикаси Олий Кенгаши ўз фаолияти давомида 256 та қонун, 708 та қарор ва бошқа ҳужжатларни қабул қилди. Улар давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, армия, судлар, ҳуқуқ муҳофаза органлари фаолиятини яхшилашга, иқтисодий, соғлиқни сақлаш, маданият, таълим, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, халқаро муносабатлар ва ташқи сиёсат масалаларини ҳал қилиш учун қулай шароитларни тузишга қаратилган. Ана шу ҳужжатларнинг қабул қилиниши Қирғизистон давлатининг нормал ишлаши учун ҳуқуқий асос туза олди.

Қирғизистон республикаси Олий Кенгаши Ҳамдўстликдаги айрим мамлакатлар парламентидан фарқ қилиб, президент билан бевосита



конфронтацияга бормади ва республикада сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотларни амалга оширишдаги Президент ва Ҳукуматнинг асосий йўналишларини қўллаб-қувватлади.

Бироқ кўп сонли қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши давлатчиликни, қонун чиқарувчи ҳокимият — Олий Кенгашнинг мустақамланишига олиб келмади. Қолаверса, қабул қилинган кўп қонун ҳужжатлари популизм руҳида бўлиб, уни амалга оширишнинг конкрет механизмлари билан мустақамланмади. Шунингдек, ана шу қонун ҳужжатларини ишлаб чиқишда давлатнинг молиявий-иқтисодий имкониятлари тўла даражада ҳисобга олинмади. Бунинг натижасида қабул қилинган қонун ҳужжатлари иш бермади, баъзи ҳолларда улар қоғоздагина қолиб кетди.

Қонун чиқариш жараёнида Олий Кенгашда пухта ўйланиб, юридик ва иқтисодий жиҳатдан баҳо берилгандан кейин қабул қилинган қонун ҳужжатларидан анчаси амалдаги конституцияга ва бошқа қонуний ҳужжатларга зид келиб қолди. Бу келгусида янги Конституцияни қабул қилиш зарур эканлигини кўрсатди.

Депутатларнинг бир қисми депутатлик этикасини бузиб, депутатлик мандатидан шахсий манфаатлари учун фойдаландилар. Уларнинг баъзилари республика марказида катта-катта квартиралар олиб, жуда арзон баҳода автомашиналар ва бошқа давлат мулкани, турар жойларни хусусийлаштириб олишди.

Шунингдек, Олий Кенгаш депутатларининг бир қисми сиёсий фитналарга аралашиб, вақти-вақти билан ижрочи ва қонун чиқарувчи органларда инқирозий вазиятни вужудга келтиришга ҳаракат қилди. Сиёсий курашга аралашиб қонун чиқариш ишига салбий таъсир кўрсатди, ҳокимиятнинг барча тизимларида, биринчи навбатда, қонун чиқарувчи ҳокимиятда инқирозни вужудга келтирди.

**1994 йил сентябрь** ойида Олий Кенгашда тарафқашлик бошланди. 143 депутат Олий Кенгашнинг бундан буён ишига қатнашмаслигини билдирди. Олий Кенгашнинг қонуний ишлаши учун 350 депутатдан 215 нафари иштирок этиши шарт эди. Сентябрь ойида Олий Кенгаш ишига қатнашиш учун келган депутатлар сони аранг 130 кишига етди. Натижада Олий Кенгаш ўз фаолиятини тўхтатди, деб эълон қилишга мажбур бўлди.

**Қирғизистон Республикаси янги Конституциясининг қабул қилиниши.** 1990 йил охирида янги Конституция лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича Қирғизистон Республикаси Президенти А.Ақоев бошлиқ Конституциявий комиссия тузилган эди. 1991 йилнинг охирида комиссия томонидан Конституциянинг концепцияси ва унинг асосида 1992 йил ёзда дастлабки лойиҳаси тайёрланди. Шу билан бир вақтда Олий Кенгашга яна иккита муқобил лойиҳа ҳам келиб тушди.

Икки муқобил лойиҳанинг яхши томонлари билан тўлдирилган Конституциянинг лойиҳаси 1992 йил охирида Олий Кенгашда муҳокама қилиниб матбуотда эълон қилинди. Уч ярим ой давом этган умумхалқ муҳокамасида миллиондан ортиқ одам иштирок этди, 10

мингдан кўпроқ таклиф ва мулоҳазалар киритилди. Уларни баъзилари Конституция лойиҳасини ишлаб чиқишда инобатга олинди.

*Конституциянинг қайта ишлаб чиқилган лойиҳаси Олий Кенгашда муҳокама қилиниб, 1993 йилнинг 5 майда қабул қилинди. Шу кун умумхалқ байрами — Қирғизистон Республикаси Конституцияси куни, деб эълон қилинди.*

Конституцияга кўра давлат ҳокимияти қонун чиқарувчи, ижрочи ва суд ҳокимиятидан иборат бўлади. Умумхалқ томонидан сайланган президент «Конституциянинг бузилмаслиги ва давлат ҳокимияти бирлигининг кафолати» ҳисобланади. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни Олий Кенгаш, ижрочи ҳокимиятни — Ҳукумат ва маҳаллий бошқарув органлари, суд ҳокимиятини — Конституциявий суд, олий суд, арбитраж суди, маҳаллий ва бошқа судлар амалга оширадилар.

Қирғизистон Республикасида истиқомат қилаётган ҳар бир кишининг яшаш қадр қиммати ва ор номуси дахлсизлиги, шахсий эркинлиги ва хавфсизлиги, эркин камол топиши, фикрлаш, гоё, мақсадларини эркин билдириш ва тарқатиш, мулк тутиш ва унга эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни ўз ихтиёрича ишлатиш ва бошқа ҳуқуқлари кафолатланди.

Фуқаролар она юртини қўриқлаш ҳуқуқига ва бурчига эгадирлар, улар қонун доирасида ва бошқа турда ҳарбий хизмат ўтайдилар. Ҳар бир фуқаро яхши меҳнат шароити ва унинг муҳофаза қилиниши, ишсизликдан ижтимоий муҳофаза қилиниш, иш ташлаш, дам олиш, билим олиш, уй-жойга, саломатлигини сақлаш ва бошқа ҳуқуқларга эгадирлар.

**Икки палатали парламентни тузиш.** 1994 йил кузда Олий Кенгаш ўз фаолиятини муддатидан илгари тўхтатгандан кейин президент А. Ақаев республикада спёсий барқарорликни таъминлаш, Марказий Сайлов Комиссиясини тузиш ва 22 октябрда референдум ўтказиш тўғрисидаги фармонларга имзо чекди. 22 октябрда бўлиб ўтган референдумда халқ икки палатали парламент тузишга рози бўлди.

**1995 йил февраль ойида** икки палатали Олий Кенгашга сайловлар бўлиб ўтди. **28 мартда** Олий Кенгашнинг икки палатаси-Қонун чиқарувчи йиғини ва Халқ вакиллари йиғинининг биринчи сессияси очилди. 1996 йил 10 февралдаги референдум уларнинг ваколат ҳуқуқларини тасдиқлади.

**Миллатлараро муносабатлар.** Бугунги кунда Қирғизистонда 80 дан зиёд миллат вакиллари истиқомат қиладилар. Янги шароитларда миллатлараро муносабатларни камол топтириш зарурати пайдо бўлди.

**1994 йил 22 январда** Бишкекда Қирғизистон халқларининг Биринчи Қурултойи очилди. Унга республикада яшаган барча халқлар вакиллари иштирок этди. Қурултойда Президент А. Ақаев иштирок этди ва нутқ сўзлади Қурултойда Қирғизистон халқининг Ассамблеяси (КХА) тузилди, унинг уставини қабул қилинди, КХА нинг раҳбар органи — КХА Кенгаши сайланди, шунингдек, «Қирғизистон халқлари

Биринчи Қурултойининг мурожаатномаси», «Бирлик, тинчлик ва тотувлик Декларацияси» қабул қилинди.

**1994 йил 26 сентябрда Бишкекда Дўстлик уйи очилди.** Унда республикадаги миллий-маданий марказлар жойлашди. Бугунги кунда республикадаги миллий-маданий марказлар миллатлараро тотувликни сақлаш, миллатларнинг маданий манфаатларини муҳофаза қилишда муҳим роль ўйнамоқдалар.

СССР қулагандан кейин Қирғизистонда ҳам ташқи миграция масаласи анча кескинлашиб, русийзабон аҳолининг кўчиб кета бошлаши кучайди. Руслар, немислар, украинлар, белоруслар, яҳудийлар, иқтисодиётнинг турли тармоқларида ишлаган 10 минглаб мутахассислар, ўқитувчилар, врачлар, фан ва маданият арбоблари, бошқарувда ишлаган ходимлар кўчиб кетдилар. Буларнинг барчаси мамлакатимиз ҳўжалик ривожига анча зарар келтирмоқда.

Ҳозирги вақтда республика раҳбарияти ташқи миграцияни тўхтатиш бўйича кўп ҳаракатлар қилмоқда. Натижада 1995 йилдан бошлаб бошқа ёққа кўчиб кетганлар сони қисқармоқда, илгари кўчиб кетганларнинг баъзилар қайта кўчиб келмоқдалар.

**Сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари ва бирлашмалар.** Қирғизистон мустақил давлат бўлгандан кейин халқнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги тез ўса бошлади. Кўп партияли системанинг шакллана бошлаши унинг ижтимоий турмушидаги муҳим воқеалардан бўлиб қолди.

1991 йил декабрь ойида «Эркин Қирғизистон» демократик партияси (ЭРК), «Асаба» миллий қайта тузиш партияси, ундан кейин «Қирғизистон Коммунистлари», «Ота Юрт», Республика халқ партияси, Қирғизистон Демократик ҳаракати (КДК), Аграр, Ижтимоий демократик, Бирлик, Хотин-қизларнинг демократик, Иқтисодий бирлик ва Аграр меҳнат партиялари рўйхатга олинди. 1995 йил ўрталарида республикада 520 та жамоатчилик бирлашмалари рўйхатга олинган. Улар орасида 12 сиёсий партия, 28 миллий-маданий марказ, 6 та ижтимоий-сиёсий ҳаракат, 15 та хотин-қизлар ташкилоти, 14 та ижодий уюшмалар ва бошқа жамоат ташкилотлари бор эди. Сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари ва бирлашмаларининг барчаси ўзларини демократик принциплар тарғиботчилари, халқнинг маълум тоифалари манфаатлари ва орзу-умидларини билдирувчилар сифатида эълон қилишди.

Қирғизистонда ўндан зиёд сиёсий партия тузилганлигига қарамай, кўп партияли системанинг шаклланиш жараёни ҳамон бошланғич босқичда турибди.

Қирғизистонда кўп партияли системанинг шакллана бошлаши фуқароларнинг жамоатчилик ташкилотлари ва бирлашмалари фаолиятини кучайтирди. Бироқ улар сиёсий партиялардан фарқ қилиб, ўз олдига сиёсий мақсадларни қўймадилар, касб гуруҳ, ишлаб чиқариш, илмий ва бошқа манфаатларни ҳимоя қилиш билан овора бўлмоқдалар.

Қирғизистон касаба уюшмалар кенгаши (Қирғизсовпроф) мустақилликка эришгунга қадар энг оммавий ташкилот эди. Янги шароит-

ларда у Қирғизистон касаба уюшмалари федерацияси бўлиб қайта тузилди. Ҳозирги вақтда касб бирлашмалари иш ҳақини ошириш, ижтимоий масалаларни ҳал қилиш, меҳнаткашлар манфаатини ҳимоя қилиш билан шуғулланмоқда.

Янги шароитларда кўплаб янги ноҳукумат жамоатчилик ташкилот ва бирлашмалари пайдо бўлди. Уларнинг сони борган сари ўсиб бораётир. Бугунги кунда бундай жамоатчилик ташкилотлар сони 50 дан ошиб кетди. Демократик Билим Маркази, Қирғизистон Тинчликни тадқиқ этиш маркази каби ноҳукумат ташкилотлари ёшлар орасида инсон ҳуқуқлари, демократия, бозор иқтисодиёти тўғрисидаги билимларни ёйиш, демократик, фуқародик жамиятнинг муносиб аъзоларини тарбиялаш бўйича иш олиб бормоқдалар.

**Қирғизистон Республикаси Президентини сайлаш.** 1995 йилда президентнинг ваколатли ҳуқуқларини 2001 йилга қадар узайтириш тўғрисида референдум ўтказиш бўйича ташаббускор гуруҳлар тузилди. Улар республиканинг барча томонларида референдумни ёқлаган 1,2 миллиондан ортиқ одамлар имзоларини тўплашди. Қонун талабига мувофиқ мазкур масалани ҳал қилиш Олий Кенгашга таклиф қилинди.

Олий Кенгашнинг Қонун чиқарувчи йиғини референдум ўтказиш масаласини муҳокама қилиб, ташаббускор гуруҳлар таклифини рад этди. Шундай вазиятда Қирғизистон Республикаси Президенти А.Ақаев депутатларга мурожаат қилиб, президент сайловларини келгуси йилга қолдирмай, 1995 йил охирига қадар муқобиллик асосида ўтказишни таклиф қилди. Олий Кенгашда бу таклиф муҳокама қилиниб, **1995 йилнинг 24 декабрига президентлик сайловлари белгиланди.**

Президентликка 14 кишининг номзоди кўрсатилди. Улар орасида етарли имзо тўплай олган 6 номзод — Асқар Ақаев, Жумғалбек Аманбаев, Медеткан Шеримқулов, Апсамат Масалиев, Мамат Айбалаев, Омурбек Текебаевлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинди. Кўп ўтмай, суд ҳукми билан бир қатор ҳудудлардан етарли имзо тўплай олмаганлиги ва бузилишларга йўл қўйган фактлар аниқланиб президентликка номзодлар: Ж.Аманбаев, М.Айбалаев, О. Текебаевлар номзодлар рўйхатидан чиқариб ташланди.

Белгиланган куни сайловлар бўлиб ўтди, унга барча сайловчиларнинг 86 фоизи иштирок этди. Уларнинг 71,59 фоизи Асқар Ақаев учун овоз берди. Апсамат Масалиев сайловчиларнинг 24,42, Медеткан Шеримқулов 1,72 фоиз овозини олдилар. Шундай қилиб, Асқар Ақаев Қирғизистон халқининг аскарият кўпчилиги овози билан яна Қирғизистон Республикаси Президентини этиб сайланди.

### **Савол ва топшириқлар**

1. Қирғизистон мустақилликка эришгандан кейинги янги ижтимоий-сиёсий вазиятга таъриф беринг, Утти даврнинг моҳияти нимада ва унинг Қирғизистондаги ҳусусиятлари қандай эди?

2. Мустақиллик шароитларида Қирғизистондаги ҳокимият тизимлари тўғрисида фикр юритинг. Демократик ривожланишни таъминлаш учун ҳокимиятни уч қисмга тақсимлаш зарурати борми? Бу борала биздаги аҳвол қандай?

3. Олий Кенгаш фаолияти тўғрисида гапириб бериш.

4. Нима учун Қирғизистон Конституциясини қабул қилиш зарур бўлиб қолди? Янги Конституцияни қабул қилиш жараёни қандай кечди? Унинг илгари Конституциядан фарқлари нимада?

5. 90-йилларнинг биринчи ярмидаги миллатлараро муносабатларга таъриф бериш. Миллатлараро тотувликни сақлаб қолиш учун қандай илмий чора талбирлар амалга оширилаётир?

6. 90-йилларнинг биринчи ярмида пайдо бўлган сиёсий партияларга, жамоатчилик ташкилотлари ва бирлашмаларига таъриф бериш.

## 29-§. Ижтимоий-сиёсий муҳитдаги қайта қуришлар

**Қирғизистоннинг иқтисодий аҳволи.** СССР кулаши билан эски иқтисодий система ҳам барҳам топди. Ҳамдўстликнинг барча мамлакатларида, жумладан, Қирғизистонда ҳам иқтисодиётнинг аҳволи кескин ночорлашди. Шу босис Қирғизистондаги иқтисодий ислохотни энг қийин шароитларда бошлашга тўғри келди. СССРдан мерос бўлиб қолган ишлаб чиқаришнинг потенциал базасида комплекс, бир бутун ва уйғун ривожланган миллий иқтисодиётни тузиш учун қуйидаги туб муаммоларни ҳал қилиш зарур эди:

Биринчидан, Қирғизистон иқтисодиётини бозор муносабатлари асосида таг-томири билан ислоҳ қилиш, хусусийлаштириш, қўп укладли иқтисодиётни тузиш, мулкчиликнинг барча шаклларига — давлат, хусусий ва жамоа мулкчилигига тенг ҳуқуқли шарт-шароит яратиб бериш зарурати туғилди.

Иккинчидан, Қирғизистон саноатини структуравий жиҳатдан қайта қуриш, ишлаб чиқаришнинг серчиқим ҳолатини бартараф этиб, уни энг янги технология, илмий-техникавий инқилоб ютуқларидан фойдаланиш орқали ресурсларнинг камчиқимлилигига эришиш, иқтисодиётни ижтимоий эҳтиёжларни таъминлаш ишига йўналтириш.

Учинчидан, Қирғизистон ҳудудида, унинг яқин ва одис қўшнилари билан бозор муносабатларида самарали иқтисодий алоқалар тизimini яратиш вазифаси турарди.

Юқоридаги барча муаммоларни оғир шароитларда ҳал этишга тўғри келди.

**Ҳукуматнинг иқтисодий сиёсати.** Вужудга келган вазият раҳбариятдан иқтисодиёт аҳволини кенг таҳлил қилишни ва самарали миллий иқтисодиётни вужудга келтириш учун стратегик йўналишларни белгилашни талаб қилди.

1992 йил январда МДХ мамлакатларида, жумладан, Қирғизистонда ҳам нарх-навоии либераллаштириш амалга оширилиб, ёқилғи-энергия, металл, машинасозлик маҳсулотларининг баҳоси эркин деб эълон қилинди. Баҳо ва иш ҳақини эркин қўйиш иқтисодий вазиятни кескинлаштириб, пул айланмасини бузди, молиявий системани инқироз

даражасига олиб келди. 1991 ва 1992 йилларда ана шундай бўлди. 1992 йилда МДХ мамлакатларида ишлаб чиқаришнинг пасайиши 34 фоизни, Қирғизистонда эса 27 фоизни ташкил этди. Иқтисодий алоқаларнинг бузилиши давом этаверди. Бундай шароитларда иқтисодий ислохотни кечиктириш вазиятни янада кескинлаштириб юбориши мумкин эди.

1992 йил ёзда Олий Кенгаш сессиясида 1992-1995 йилларда иқтисодий ислохотларнинг Давлат дастури ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Бироқ ҳукумат Дастурда белгиланган чораларни тўла ҳажмда амалга ошира олмади. Ишлаб чиқаришнинг пасайиши давом этди. Миллий даромад ҳажми 1992 йилги 30 фоиздан, 1993 йилда 17,1 фоизга, халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш 32 ва 25,2 фоизга, саноат ишлаб чиқариши 27 ва 37,3 фоизга, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши 24 ва 17,2 фоизга қисқарди.

Иқтисодиётдаги қийин аҳвол халқ турмуш даражасига катта таъсир кўрсатди. Ишсизлик кўпайди. 1993 йилда республика халқ хўжалигида ишламаётганларнинг умумий сони 275 минг кишига етди. Ноишлаб чиқариш соҳаси тармоқларидаги аҳвол янада оғир эди.

Вужудга келган вазият ва иқтисодий ислохотлар тажрибасини таҳлил қилиш 1994—1995 йилларда иқтисодий ислохотни чуқурлаштириш бўйича Қирғизистон Республикаси ҳукуматидан янги Дастурни ишлаб чиқишни талаб қилди. Бунга, шунингдек, янги Конституциянинг қабул қилиниши, миллий валютанинг киритилиши ҳам туртки бўлди.

Мазкур Дастур илгари қабул қилинган дастур ҳужжатларига асосланган бўлиб, унда Қирғизистондаги, шунингдек, МДХ бошқа мамлакатларидаги иқтисодий ислохотларнинг бориши ва тажрибаси эътиборга олинди. Дастур иқтисодиётни барқарорлаштириш, ижтимоий бозор хўжалиги асосларини шакллантириш, халқни ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилишнинг самарали системасини тузиш, мамлакат эришган ишлаб чиқариш иқтисодий ва интеллектуал потенциалидан фойдаланиш самарадорлигини оширишни кўзда тутди.

1993 йил декабрда Апас Жумагулов Бош вазир этиб тайинлангандан кейин мазкур дастурга бир қатор ўзгаришлар киритилди. 1994 йилнинг дастлабки ойларида давлат ва молиявий интизомни мустаҳкамлаш, ер ва аграр ислохотни чуқурлаштириш, хусусий ишбилармонликни муҳофаза қилиш ва ривожлантириш бўйича Президентнинг фармонлари ва ҳукуматнинг бир қатор қарорлари қабул қилинди.

Сўнгги беш йил ичида биринчи мартаба 1995 йилда ишлаб чиқаришнинг пасайиши бироз сусайди. 1994 йилга қараганда ички ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш кўлами 93,8 фоизни, саноат маҳсулоти кўлами 87,5, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари 98 фоизни ташкил этди, бошқача айтганда, ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришда пасайиш суръатлари 3 баравар, саноат ишлаб чиқаришида эса 2,2 баравар пасайди. Инфляция даражаси 2 баравар пасайди. Умуман олганда, ишлаб чиқаришнинг пасайишнинг тўхтатишнинг иложи бўлмади. Машинасозлик комплекси чуқур инкироздан чиқа олмади.

Шундай бўлса-да, баъзи тармоқларда ишлаб чиқариш бир мунча ўсди. Хомашё ишлаб чиқариш 23,5 фоиз, ёритқич-техник ускуналар 40,9, қандолатчилик маҳсулотлари 72,3, тикувчилик маҳсулотлари 39,0, барча турдаги пойафзаллар 47,2, пайпоқлар 57,6 фоиз ўсди.

**Хусусийлаштириш ва унинг дастлабки натижалари.** 1991 йил 20 декабрда Қирғизистон Республикаси Олий Кенгаши «Қирғизистон Республикасида мулкни давлатдан ажратиш, хусусийлаштириш ва унга эгаллик қилишнинг умумий қоидалари тўғрисида» қонун қабул қилди. Қонун Қирғизистон Республикасида муқобиллик шароитида мулкни давлатдан ажратиш, хусусийлаштириш ва эркин эгаллик қилишнинг умумий қоидаларини аниқлаб берди. Қонун бўйича давлат ва коммунал корхоналар, давлат турар жой фонди, бошқа турдаги давлат мулки хусусийлаштирилиши мумкин. Ер, унинг бойликлари, ўрмонлар, сувлар ва бошқа табиий ресурслар, маданий ва тарихий бойликлар хусусийлаштирилмайди.

Қонунни амалга ошириш учун республикада давлат мулкни бошқариш ва унга эгаллик қилишни қўллаб-қувватлаш бўйича Давлат комитети тузилди.

Мулкни давлатдан ажратиш ва хусусийлаштириш 1991 йилда бошланди. 1991—1993 йиллар давомида давлат мулкнинг 40 фоизга яқини давлатдан ажратилди ва хусусийлаштирилди. Мулкчиликнинг турли шакллари вужудга келди. Ўша вақтда барча мулк комплексининг 59 фоизини давлат мулки, 7,7 фоизини кооператив-жамоа, 9,2 фоизини колхоз, 9,3 фоизини меҳнат жамоалари ва 0,5 фоизини хусусий шахслар мулки ташкил этди.

Хусусийлаштириш жараёни дастлаб ошкоралик, очиқ-ойдин, муқобиллик асосидаги ким ошди савдоларисиз амалга оширилди. Бундай шароитларда имтиёз айрим кишиларга (раҳбарларга), меҳнат жамоаларига берилди. Бу нарса мулкнинг ошина-оғайинчилик, кўпинча махфий турдаги ҳиссадорлик жамиятлари тузилишига олиб келди, бир қатор мулкни меҳнат жамоалари ниқоби остида майсабдор шахслар ўзиники қилиб олди. Хусусийлаштиришнинг биринчи босқичида бу жараёнга оддий аҳолининг кенг қатлами иштирок эта олмади. Давлат мулк комитети ишни зарур даражада ташкил эта олмаганиги туфайли давлат анчагина моддий зарар кўрди, фуқароларнинг ҳуқуқлари камситилди, давлат мулкни хусусийлаштиришда амалдорларга, уларнинг қариндошларига, маҳаллий маъмуриятнинг раҳбарларига енгиллик ва имтиёзлар тузиб берилди. Давлат мулк комитети фаолиятидаги қонун бузишлар хусусийлаштириш пайтида амалга оширилаётган ислохотларга нисбатан жамоатчилик орасида тескари фикрларни келтириб чиқарди.

Хусусийлаштиришнинг бу босқичи янги сифат ўзгаришларга олиб келмади. Иқтисодиётнинг ривожланишига туртки бериш қобилиятига эга бўлган янги хўжайинлар қатлами амалда тузилмади.

1991—1993 йилларда амалга оширилган иш тажрибаси, халқаро ташкилотларнинг (Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки) таклифларини инобатга олиб, 1994—1995 йилларда Қирғизистон Респуб-

ликсида давлат мулкни давлатдан ажратиш ва хусусийлаштириш Концепцияси ишлаб чиқилди. Унда дастлабки 2 йил давомида хусусийлаштиришнинг асосий принциплари ва усуллари аниқланди. Мулкни давлатдан ажратиш ва хусусийлаштириш тажрибасига тузатишлар киритилди. Ҳукумат республикадаги хусусийлаштириш сиёсатининг биринчи босқичида йўл қўйилган қарама-қаршиликлар ва камчиликларни бартараф этиб, бозор муносабатларига асосланган системани тузишга киришди.

Мулкни давлатдан ажратиш ва хусусийлаштириш усулларини танлаш тармоқ, ҳудудий хусусиятларни, бозор шароитларига мослашшни эътиборга олган ҳолда корхонанинг ҳажмига ва унда ишлаётган одамлар миқдорига қараб амалга оширила бошлади.

Хусусийлаштириш жараёнига барча аҳолини жалб этиш мақсадида махсус тўлов харажатлари — хусусийлаштириш купонлари фаол ишга киритила бошлади. 1994—1995 йилларда 68 та пул ва 153 та купон кимошди савдолари ўтказилди.

1994 йил ўрталаридан бошлаб республикада хусусийлаштириш дастури амалга оширила бошлади. Хусусийлаштиришнинг иккинчи босқичида республикада расмий рўйхатга олинган 10 минг корхонанинг 5900 дан кўпроғи давлатдан ажратилиб, мулкчиликнинг нодавлат шакллари (ҳиссадорлик жамиятларига, жамоа корхоналарига, хусусий ва аралаш корхоналарга) айлантирилиб улар корхоналарнинг 59,3 фоизини ташкил этди. Хусусийлаштиришнинг юксак суръатлари савдо, умумий овқатланиш ва маданий-маиший хизмат кўрсатиш тармоқларида бўлди. Ҳозирги вақтда уларни хусусийлаштириш 100 фоизга етди. Ҳозир нодавлат сектори саноат ялли маҳсулотининг деярли 50 фоизини, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 75 фоиздан кўпроғини, чакана товар муомаласининг деярли 90 фоизини таъминламоқда.

**Қишлоқ хўжалигининг аҳволи.** 1992 йил бошида Россия ва МДҲнинг бошқа мамлакатларида нарх-наво эркин қўйиб юборилиши қишлоқ хўжалигидаги аҳволни янада ночорлаштириб юборди, ёнилғи ва бошқа энергия маҳсулотлари баҳоси 1990 йилга қараганда 1200 баравар кўтарилиб кетди. Республика экспортининг асосини ташкил этган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг баҳоси 100—120 баравар кўтарилди, энергия, ўғитлар баҳоси кескин ортган шароитларда ночор колхоз ва совхозлар мустақил фаолият кўрсата олмай қолишди. Давлат эса шаклланиган иқтисодий алоқалар узилиб қолганиги туфайли уларга етарли ёрдам бера олмади.

Ана шундай оғир шароитларда овул — қишлоқларда хўжалик юритишнинг янги шакллари ривожлантириш бўйича қескин чоралар кўриш, қишлоқ хўжалигида давлат ва хусусий секторнинг мувофиқлигини қидириб топиш, уларнинг муқобиллик механизмининг жорий этиш ва шу асосда республика аҳолисини озиқ-овқатнинг асосий турлари, енгил ва тўқимачилик саноатини хомашё билан таъминлашга, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпроқ экспортга чиқаришга эришиш лозим эди.



1991 йил ноябрда республика Президентининг фармони эълон қилингандан кейин ер ислохотини фаоллаштириш ва хўжалик юретишининг янги шакллари тузиш бўйича ишлар бошланиб кетди. Барча давлат ва ҳудудий ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини самарали мувофиқлаштиришни амалга ошириш мақсадида республика Бош вазири бошчилигида Қирғизистон Республикаси ер ислохоти бўйича давлат комиссияси 1992 йил январдаги фармонга мувофиқ, ер ислохотини амалга ошириш бўйича кишлоқ Комитетларини тузди. Ер ислохотини амалга оширишга ёрдам берадиган бозор тизимлари: Агробизнес маркази, Агробиржа, Деҳқонбанкни ташкил этилди.

Қирғизистонда ер ислохоти икки босқичда (1991—1992 йй ва 1992—1993 йй.) ўтказилиши натижасида мулкка эга бўлган деҳқонларнинг маълум бир қатлами вужудга келди. Мустақил ишлаётган деҳқон ва фермерлик хўжаликлар сони 1993 йил охирига келиб 17,5 мингтага етди.

Ер ислохотини амалга оширишда бир қатор камчиликларга ҳам йўл қўйилди. Ислохотни амалга оширишнинг бошланишидаёқ ўзибўларчилик кўпроқ ўрин олди. Ер, молларнинг беғул, ёппасига тарқатиб берилиши натижасида ночор қолхўз ва совхозлар кичик-кичик хусусий мулкка асосланган натурал хўжаликларга бўлиниб кетди. Ислохотнинг асл вазифаларини ижтимоий мулкни ўзиники қилиб олиб бойиш, деҳқонларни ўзлари хоҳлаганча мол-мулкни сақлаш сифатида тушуниб, ислохотнинг оёғига путур етказиш мақсадида маҳаллий раҳбарлар томонидан уни атайлаб бузиб кўрсатилган ҳоллар ҳам кўп бўлди. Улар кўплаб қолхўз ва совхозларни кишлоқ хўжалик кооперативларини тузиш баҳонаси билан бир қатор кичик хўжаликларга бўлиб юбордилар. Уларни бошқариш, хўжалик юретиш усуллари илгаригидек қолаверди. Бироқ уларнинг кўрсаткичлари яхши бўлмади.

Ислохот ўтказиш қийинчиликлари ва камчиликларига қарамай, кишлоқ хўжалигида хусусий ишлаб чиқарувчиларнинг афзаллиги рўй-роқ кўриниб турди. Деҳқон ишлаб чиқаришнинг асосий ҳаражатларини, ерининггина эмас, балки ўз меҳнати натижасининг ҳам тўла ҳуқуқли хўжайинига айланмоқда. Республика аҳолисининг о'злик-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондиришнинг асосий салмоғи уй хўжаликлари (60 фоиз), деҳқон ва фермер хўжаликлари (10—12 фоиз)га тўғри келади. Деҳқон (фермер) хўжаликларида 1995 йилда сўт соғиб олиш 55,6 минг тонна ёки 1994 йилдагидан 2,5 баравар, тухум 3,9 миллион дона ёки 2,5 баравар, жун 117 тонна ёки 4,9 фоиз, дон 230 минг тонна ёки 2 баравар кўп бўлди.

**Миллий валютанинг киритилиши.** 1992 йил бошида Россияда Украинада, МДХнинг бошқа мамлакатларида нарх-навоининг кутулмаганда эркин қўйиб юборилиши ягона пул ҳудудида бўлган Қирғизистонда ҳам нарх-навоининг ўсишига олиб келди. Бу нарса иқтисодий инфляцияни чуқурлаштирди, ишлаб чиқаришнинг пасайиши ва инфляциянинг ўсишини тезлатди. 1992 йил сентябрь ва декабрь ойлари орасида инфляция ўрта ҳисобда ойига 25 фоиз, 1993 йил 1 чорагида эса 36 фоизга етди.

Нархларнинг кескин ўсишидан ягона пул ҳудудига кирган барча мамлакатлар зарар кўрдилар. У қадар бой бўлмаган Қирғизистон ягона пул ҳудудига кирганлиги сабабли Россияга тўла қарам ҳолда қолиб, мустақил иқтисодий сиёсат олиб бора олмай қолди.

Амалдаги иқтисодий мустақиллик, унинг бирдан-бир таъсирчан қуроли бўлган миллий валютанинг йўқлиги туфайли республикамиз инфляцияга қарши самарали чораларни кўриш имкониятига эга эмас эди.

Россия раҳбариятининг инфляцияга йўл очиб берган навбатдаги тадбирлари нарх-навонинг янада кўтарилиши ва гиперинфляция хавфини вужудга келтирди. Россияда янги намунадаги пулдан фойдаланилишга ўтилиши амалда янги валюта киритилганлигини билдирди, ягона пул ҳудудида турган мамлакатларни, жумладан, Қирғизистонни оғир аҳволга дучор қилди.

Ана шундай вазиятда **1993 йил 4 майда Президентнинг ташаббуси билан миллий валютани—сомни киритиш тўғрисида қарор қабул қилинди.** 10 майдан бошлаб сом фойдаланила бошлади. Миллий валюта- сом киритилишининг асосий мақсади - инфляцияни жиловлаш ва мамлакат иқтисодиётига таъсир кўрсатиш механизмига эга бўлиш, шунингдек, бозор ислохотларини тезроқ бошлаш, республикани инқироздан халос этиш эди. Қирғизистон раҳбариятининг қатъий ҳаракатлари натижасида миллий валюта—сомни барқарорлаштириш имконияти вужудга келтирилди.

Бугунги кунда қирғиз сўми Марказий Осиёдагина эмас, шунингдек, МДХ мамлакатларида ҳам барқарор валюталардан бири ҳисобланади. Барқарор миллий валютанинг бўлиши мамлакатдаги иқтисодий ислохот-ларни муваффақиятли амалга ошириш учун қулай шароитлар яратади.

**Ижтимоий сиёсат.** Иқтисодий инқироз ижтимоий соҳага салбий таъсир кўрсатди. Халқнинг турмуш даражаси кескин пасайиб кетди. Жамият ва давлатнинг асоси бўлган саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқа-ришининг пасайиши аҳолини озиқ-овқат ва кундалик истеъмол товарлари билан таъминлашни ночорлаштирди. Озиқ-овқат ва кундалик эҳтиёж товарлари ишлаб чиқаришнинг қисқариши уларнинг баҳоси кескин қимматлашуви билан қўшилиб кетди. 1990-1993 йилларда халқнинг пул даромади 77,5 баравар кўпайган бўлса, ўша вақтда кундалик эҳтиёж товарлари билан озиқ-овқат баҳоси чакана савдода 158 баравар ортди.

Юз минглаб одамлар камбағалчиликдан оғир аҳволга тушиб қолди-лар. Аҳоли бир қисмининг ўнлаб йиллар давомида тўплаган пулини тўхтовсиз кучайиб бораётган инфляция тамом қилди. Бундай шароитда кимлардир ҳаддан зиёд бойиди, бошқалар тирикчилик қилиш учун оддийгина чора ҳам топа олмай қолдилар. Кўпчилик ижтимоий гуруҳлар камбағалликка гирифтор бўлиб, давлат ҳокимияти ва ҳуку-матга, амалга оширилаётган демократик ислохотлар натижасига бутунлай ишончини йўқотдилар.

Қирғиз Республикасининг  
Президенти А.Ақасв



Чапдан ўнгга: Қозоғистон Республикаси Президенти Н.Назарбоев, Қирғизистон Республикаси Президенти А.Ақасв, Туркменистон Президенти С. Ниёзов, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов, Тожикистон Республикаси Президенти Э.Раҳмоновлар учрашув чоғида.



Президент А.Ақасев Туркия Президенти С. Демирель билан учрашув чоғида. Анкара



Президент А.Ақасев, Қозғистон Республикаси Президенти Н.Назарбоев, Россия Федерацияси Президенти Б.Ельцин, Белоруссия Президенти А.Лукашенколар учрашув чоғида. Москва.



Президент А.Акаев Хитой Халқ Республикаси раҳбари Цзянь Цземин билан учрашув чоғида. Москва.



Президент А.Акаев Германия Президенти Р. Герцог билан учрашув чоғида. Бишкек.



Президент А.Акашев Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби К. Аннан билан учрашув чоғида. Нью-Йорк.



Президент А.Акашев халқ орасида.

Ана шундай вазиятда республика президенти ва ҳукумати аҳолининг кам таъминланган қисмига ёрдам бериш учун кўп ҳаракат қилдилар. Бу нарса халқнинг ўтиш давридаги қийинчиликлардан осонроқ чиқишига имкон берди. Ҳукумат республика аҳолисининг анчагина кам таъминланган қисмини кафолатланган ижтимоий муҳофаза қилиш вазифасини ўз зиммасига олди. Ўтиш даврида халқнинг барчасига бир хил ёрдам кўрсатишдан воз кечиш, боқимандаликка барҳам бериш мақсадида онлага ижтимоий ёрдам кўрсатишнинг янги системаси жорий этилди.

Ижтимоий сиёсатни амалга оширишда асосий эътибор маҳаллий бошқарув органларига қаратилмоқда. Улар одамлар учун қулай турмуш шароитларини, ишсизликни чеклаш ва қўшимча ишчи ўринларини тузишни, ижтимоий соҳа муассасаларини ривожлантириш, айниқса, кўп болали оилалар учун эҳтиёжларнинг маълум минимал даражасини кафолатлаш, қариялар ва ногиронларга ижтимоий хизмат кўрсатиш ва уларни қўллаб-қувватлашлари керак.

### Савод ва топшириқлар

1. 90-йилларнинг биринчи ярмида ишлаб чиқаришнинг пасайишига қайси факторлар таъсир кўрсатди?
2. Иқтисодийни барқарорлаштириш бўйича ҳукумат сиёсатига таъриф беринг.
3. 90-йилларнинг биринчи ярмида Қирғизистонда мулкни давлатдан ажратиш ва хусусийлаштиришнинг боришига таъриф беринг.
4. Қишлоқ хўжалигининг аҳволи ва амалга оширилаётган ислохотларга таъриф беринг.

### 30-§. Мустақил Қирғизистоннинг ташқи сиёсати ва халқаро алоқалари

**Қирғизистоннинг халқаро майдонга чиқиши.** СССР қулаб, Қирғизистон мустақилликка эришгандан сўнг халқаро майдонда қўллаб қувватлана бошлади ва танила бошлади. **1991 йил 27 декабрда** АҚШ Қирғизистоннинг мустақиллигини тани олди. **1992 йил 1 февралда** Урта Осиё ва Қирғизистон тарихида биринчи мартаба Бишкекда АҚШнинг ва Вашингтонда Қирғизистон Республикасининг элчихоналари очилди. 1991—1993 йилларда жаҳоннинг 128 мамлакати Қирғизистон Республикасининг мустақиллигини тани олди, 83 давлат билан дипломатик муносабатлар ўрнатилди. АҚШ, Германия, Туркия, Англия, Хитой, Индонезия, Малайзия, Филиппин ва бошқа мамлакатларга Қирғизистон президентининг расмий иш сафари билан бориши ва бошқа мамлакат раҳбарларининг Қирғизистонга расмий иш

сафари билан келиши республикамиз обрў-эътиборининг кўтарилишига шароит яратди.

Қирғизистоннинг ташқи сиёсати бошқа давлатлар билан дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш ва мустақамлашга, унинг миллий манфаатларини ҳимоя қилишга, сиёсий тадбирлар орқали давлатнинг мустақиллиги ва суверенитетини таъминлашга, республиканинг долзарб муаммоларини ҳал қилиш учун қулай ташқи шарт-шароитларни яратишга йўналтирилди. Қирғизистон мустақил ташқи сиёсат юритишга интилмоқда.

1992 йилдан бошлаб Қирғизистон халқаро ташкилотларга тенг ҳуқуқли аъзо бўла бошлади. 2 мартда Қирғизистон БМТ аъзолигига қабул қилинди, шу кун БМТ нинг Нью-Йоркдаги биноси олдида унинг давлат байроғи ҳилпиради.

Қирғизистон ЮНЕСКО ва бошқа халқаро ташкилотларга тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб, унинг мазкур ташкилотлардаги ваколатхоналари очилди. Республика делегацияси Ҳамдўстлик ҳудудидаги қуролли низоларни бартараф этиш бўйича бир қатор таклифлар билан чиқди.

Қирғизистоннинг 90-йилларнинг биринчи ярмидаги ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари аниқланди. Уларнинг асосийлари: халқаро ташкилотларнинг фаолиятида иштирок этиш, олис ва яқин чет давлатлар билан икки томонлама муносабатларни, халқаро иқтисодий алоқаларни ўрнатилди.

**Қирғизларнинг Бутун Жаҳон Биринчи Қурултойи.** Қирғизистон мустақилликка эришгандан сўнг бошқа мамлакатларда яшаётган қирғиз биродарлар билан алоқа туза бошлади. 1992 йилнинг 24 августидан 1 сентябрга қадар Бишкек шаҳрида бўлиб ўтган Қирғизларнинг Бутун Жаҳон Биринчи Қурултойи бунинг ёрқин далилидир.

1992 йилда қирғизларнинг умумий сони 3 миллион кишига яқин бўлиб, уларнинг олтидан беш қисми Қирғизистонда, 500 миңга яқини бошқа ҳудудларда яшаётган эди. Россия ва Хитой империялари чегараларини аниқлашда, Туркистон АССРни миллий-ҳудудий жиҳатдан қайта тақсимлашда кўплаб қирғизлар қариндош-уруғлари билан бирга Хитой, Тожикистон, Ўзбекистон тасарруфида қолишган. Қирғизларнинг айрим гуруҳлари Қозоғистонда, Россияда, Украина, Болтиқбўйи, Кавказ томонларда, Афғонистонда, Туркия, Покистон, шунингдек, Европа ва Америка мамлакатларида, Яқин Шарқда, Ҳиндистон, Австралияда яшайдилар.

Чет мамлакатларда яшаган қирғизларнинг бир гуруҳи инқилоб, фуқаролар уруши, коллективлаштириш вақтларида СССРдан ва Хитойдан қочган қочқинларнинг авлодларидир, баъзилари эса Улуғ Ватан уруши чоғида асир тушиб, урушдан кейин сталинча репрессиядан хавфсизраб она юртига қайтмагандар ва уларнинг болалари эди.

Қурултойга жаҳоннинг барча жойларида яшаган қирғизларнинг вакиллари келишди. Қурултойнинг асосий иши бошлангунга қадар олис ва яқин чет мамлакатлардан келган меҳмонлар Олатов ҳудуди вилоятларини кезиб чиқдилар, шунингдек, ижодий гуруҳлар, жамоатчилик



ҳаракатлари, ташаббускор ташкилотлардаги учрашувларда иштирок этдилар. 29—30 августда Қирғизларнинг Бутун Жаҳон Биринчи Қурултойи Тўқтоғул номли давлат филармониясида ишини давом эттирди.

Қирғизистон Республикаси президенти А.Ақаев Қурултойнинг очилишида унинг иштирокчиларини табриклаб нутқ сўзлади. Шундан сўнг Қурултой меҳмонлари ва иштирокчилари ҳам сўз олдилар. Уларнинг барчаси Қирғизларнинг Бутун Жаҳон Биринчи Қурултойини чин қалбдан муборақбод этдилар, барча қирғизистонликларга республика олдида турган иқтисодий ва ижтимоий қийинчиликларни тезроқ бартараф этиш, халқ турмуш даражасини юксалтириш ва мустақил давлат сифатида Қирғизистоннинг халқаро обрў-эътиборини кўтариш учун барча ишни қилишларига тилак билдиришди.

Қурултойда қирғизларнинг қайта яралиш халқаро жамғармаси низоми тасдиқланди. Қирғизистон халқ ёзувчиси Т.Қосимбеков унинг раиси этиб сайланди. Шунингдек, Қурултой иштирокчиларининг мурожаатномаси қабул қилинди.

**Марказий Осиё мамлакатлари билан алоқалари.** Қирғизистон учун Марказий Осиё мамлакатлари билан тигиз алоқалар ўрнатиш жуда муҳимдир. Уларни иқтисодий манфаатларгина эмас, шунингдек, тарихий тақдирининг умумийлиги ҳам яқинлаштириб туради.

Қирғизистон, Қозоғистон, Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркменистон давлат бошлиқлари бир-бирлари билан икки томонлама ва кўп томонлама келишимлар асосида ҳамкорлик қилишга ҳаракат қилмоқдалар. Марказий Осиёдаги беш республика раҳбарларининг 1991 йил 14 августдаги учрашувида бу масала муҳокама қилиниб, республикалараро Консултатив Кенгаш тузиш тўғрисидаги битимга имзо чекилди. 1994 йил 16 январда Ягона иқтисодий ҳудуд тузиш тўғрисида Қозоғистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги битимга Қирғизистон ҳам қўшилди. Бу Марказий Осиёдаги интеграция жараёнларининг бошланиши эди. Мазкур иқтисодий ҳамкорликка оид ҳар қандай тўсиқларни бартараф этиб, ўзаро фойдали тигиз алоқалар ўрнатишга йўл очилди. 1994 йил давомида Марказий Осиёдаги уч давлат раҳбарларининг ҳаракатлари туфайли ҳудуддаги иқтисодий вазиятни яхшилаш учун шароит яратилди.

1994 йил 8 июлда Олмаота учрашувида интеграция жараёнларини амалий даражага олиб чиққан муҳим қарорларга имзо чекилди. Таркибига президентлар кирган Давлатлараро Кенгаш, бош вазирлардан иборат Вазирлар Кенгаши, Ташқи ишлар вазирлари кенгаши, Мудофаа вазирлари кенгаши тузилди. Доимий асосда ишлайдиган ишчи орган — Ижроия комитетини тузиш тўғрисида келишиб олинди. Ижроия комитети Олма-отада жойлашадиган бўлди.

1995 йил 12 февралдаги навбатдаги учрашувда Давлатлараро кенгаш ва унинг тармоқлари тўғрисида, Вазирлар кенгаши, Ташқи ишлар вазирлари кенгаши тўғрисидаги низомлар тасдиқланди. Шундай қилиб, уч давлат иттифоқининг олий органи тузилди. Давлат



Қирғизистон Республикаси Президенти А.Акаев АҚШ нинг Қирғизистондаги элчихонасини очиш пайтида

муҳим лойиҳаларни биргаликда таъминлаш масалалари кўриб чиқилди. Битим бўйича қўшма тамаки фабрикасини қуриш, беда уруғи етиштиришни кенгайтириш, нодир тошларни ишлатиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотини қайта ишлайдиган корхоналар қуриш белгиланган.

Бироқ Россия томонидан берилаётган кредитларда юқори фоизлик, шунингдек, тўлов муддати бўйича бир қатор оғир шартлар қўйилган эди. Бундан ташқари, кредитга берилган маблағга Қирғизистон фақат Россиянинггина ускуналарини, эҳтиёт қисмларини, хомашёлар ва бошқа материалларни сотиб олиши керак.

Иқтисодиётни, айниқса, енгил саноатни, машинасозликни жонлантириш учун ана шундай шартларга кўнишга тўғри келяпти. 1995 йилда рўйхатга олинган 130 та Қирғиз-Россия қўшма корхоналарининг 120 таеи савдо сотиқ соҳасида иш олиб борапти.

**Ташқи иқтисодий алоқалари.** Қирғизистон мустақилликка эришгандан сўнг ташқи иқтисодий алоқаларни амалда янгидан бошлашга тўғри келди. СССР вақтида ташқи савдо марказининг тўла монополияси эди. У Москвадаги марказий органлар назорати остида амалга ошириларди. Қирғизистон умумий саноат ишлаб чиқаришдаги экспорт улуши бўйича собиқ иттифоқдош республикалар орасида энг охирги ўринда эди. 1980—1990 йилларда бу кўрсаткич атиги 0,7—0,9 фоизни ташкил этган.

Қирғизистоннинг давлат суверенитети тўғрисидаги Декларация эълон қилингандан кейин ташқи иқтисодий алоқаларнинг бир бутун системаси шакллана бошлади. Уларни самарали ташкил этиш мақсадида 1991 йил 7 февралда Президент фармони билан Қирғизистон Республикаси Президенти ҳузуридаги ташқи сиёсий, иқтисодий ва инсонпарварлик алоқаларини мувофиқлаштириш бўйича Кенгаш тузилди.

Президент ва ҳукумат давлатнинг ташқи алоқалари бўйича бир бутун давлат сиёсатини ишлаб чиқдилар. Олий Кенгаш томонидан

бошлиқлари Марказий Осиё ҳамкорлик ва ривожланиш банкни ҳам туздилар.

**Қирғизистон ва МДХ мамлакатлари.** Қирғизистон МДХ мамлакатлари билан икки томонлама ва кўп томонлама муносабатлар ўрнатишга интилмақда. 1991 йил 21 июлда Қирғизистон билан Россия ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик бўйича битим имзоланди. Бу битим икки мамлакатнинг давлат суверенитети тўғрисидаги Декларацияга ва бошқа халқаро ҳужжатларга асосланган. Битимда иқтисодиёт, маданият соҳасида ҳамкорлик, бир қатор



Қирғизистон Республикаси Президенти А. Ақаев ва АҚШнинг элчиси Э.Хервиц учрашув чоғида

қабул қилинган қонунлар Қирғизистоннинг халқаро иқтисодий алоқалар ўрнатиши учун ҳуқуқий база тузиб берди. Уларда Қирғизистоннинг ташқи иқтисодий фаолиятининг барча турларини ҳуқуқий мезонга солиш назарда тутилди.

Қирғизистонда қўшма корхоналар ташкил этиш, инвестицияларни жалб қилиш, бошқа мамлакатлар илғор технологияси ва мутахассисларидан фойдаланиш республиканинг ташқи иқтисодий сиёсати бош йўналишларидан бири бўлиб қолди. Республиканинг миллий иқтисодиёти учун ҳам, инвесторлар учун ҳам анчагина фойдали шартларда чет эл инвестицияларини жалб қилиш чоралари кўрилмоқда.

1995 йилда Қирғизистонда 328 қўшма ва 68 та чет давлатлар корхонаси рўйхатга олинган. Қўшма корхоналарнинг ҳомийлари-Россия, Хитой, Германия, АҚШ, Туркия, Швейцария, Жанубий Корея, Италия ва бошқа мамлакатлардир. Олис чет мамлакатлар бозорларига ўз маҳсулотлари билан чиқиш позицияси жиҳатидан қўшма корхоналарнинг келажаги порлоқдир. Бироқ рўйхатдан ўтган корхоналарнинг 128 тасигина ишламоқда, уларнинг ярмидан кўпи савдо-сотиққа ихтисослашгандир. Ишлаб чиқариш тармоғидаги қўшма корхоналар ишлаётган барча корхоналарнинг 30 фоизини ташкил этади, холос.

Чет мамлакат капитални жалб қилиш республикада амалга оширилаётган иқтисодий ислохот учун муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги вақтда республикада Канададаги «Жомеко» тоғкон компанияси билан Қумтордаги, Американинг «Моррисон Кнудсен» корпорацияси билан Жеруйдаги, Швейцариянинг «Андре» консорциуми билан Толдибулоқ олтин конларини очиш бўйича ишлар бошланди. Миллий иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига ҳам чет мамлакат инвестициялари келмоқда.

Қирғизистоннинг самарали ташқи иқтисодий алоқаларининг давом этишида халқаро иқтисодий ташкилотларнинг иштирок этиши муҳим роль ўйнади. Қирғизистон **1992 йилда** Халқаро валюта жамғармасига, Европа қайта қуриш ва тараққиёт банкига, Иқтисодий Ҳамкорлик банкига, Ислон конференциясига, **1993 йилда** Ислон тараққиёт банкига аъзо бўлиб кирди.

СССР қулагандан кейин иқтисодий алоқаларнинг узилиши, ишлаб чиқаришнинг пасайиши республика бюджетига салбий таъсир кўрсатди. Бу нарса молиялаштиришнинг ташқи манбаларини топишга мажбур қилди. 1992 йилда Қирғизистон ҳукумати 35,9 миллион доллар ҳажмидаги кредитга Хитой, Швейцария, Европа ҳамкорлик комиссияси билан битим тузди. Бироқ амалда Швейцариядан олинган 1,74 миллион доллар Жаҳон банкига, Халқаро молия корпорацияси ва Инвестицияни кафолатловчи Халқаро агентликка аъзолик ҳақини тўлашга сарфланди.

1993 йилдан бошлаб чет давлатлар кредитлари ҳажми кескин ўсди. 1995 йилда уларнинг миқдори 688,73 миллион долларни ташкил этди. Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Европа тараққиёт ва қайта қуриш банки, Осие тараққиёт банки ва Ислон тараққиёт банки каби халқаро молия ташкилотлари Қирғизистонга жуда енгил шартлар асосида кредитлар бермоқда. Уларнинг кредитлари 30—40-йиллик муддатга берилиб, устама фонзи 0,5—3 фоизни ташкил этади ва бу фонзлар 10 йилга қадар қўшилмайди. Мазкур кредитлар бозор иқтисодиёти қонуни бўйича ривожланадиган жамиятни тузишга қаратилган радикал ислохотларин амалга оширишга сарфланиши керак. 1995 йилдан муддати келган кредитларни тўлаш бошланди.

### Савол ва топшириқлар

1. Мустақил Қирғизистоннинг халқаро майдонга чиқишига қайси сабаблар имкон берди?
2. Қирғизистон ташқи сиёсатининг асосий принциплари қайси?
3. Қирғизистоннинг Марказий Осие ва МДХ мамлакатлари билан алоқалари ҳақда таъриб беринг.
4. Қирғизистоннинг ташқи сиёсий алоқалари тўғрисида реферат тайёрланг.

## **31-§. 80-йилларнинг иккинчи ярми 90-йилларнинг биринчи ярмида Қирғизистон маданий ҳаётидаги янги анъаналар**

**Маданият тараққиётидаги ўзгаришлар.** Олий партия-давлат раҳбарияти томонидан эълон қилинган «қайта қуриш» ғоялари миллий онглиликнинг ўсиши ва маданий турмушнинг жонланишига шароит яратди. Горбачевча «ошкоралик» шабадаси билан маданият соҳасида ҳам демократлаштириш жараёни ёйила бошлади. Улар жамиятдаги, жумладан, бадний ижодиётдаги кўринишларни бир томонлама баҳолаган, халқ таълими, халқ орасида маданий-маърифий ишларни ташкил этиш бўйича бир хил муносабатда бўлган компартиянинг ягона мафкуравий назоратидан чиқа бошлаганида намоён бўлди.

Қирғизистон Республикаси суверенитетининг эълон қилиниши маданият сисёатини давлат фаолиятининг энг муҳим соҳаларидан бирига айлантирди. Декларацияда қадимги тарихи, ўзига хос маданияти, ўз тили, урф-одатлари бир бўлган қирғиз миллати генофонди, этноси, унинг миллий давлатчилиги, маданий ва тил меросини сақлашга, республикадан ташқарида яшаган қирғизларнинг миллий-маданий, маънавий ва тил эҳтиёжларини қондириш, республикада яшаётган барча миллатлар миллий маданияти, она тили, халқ урф-одатларини сақлаш ва ривожлантиришга ғамхўрлик қилинади деб таъкидланди.

Бироқ чуқур иқтисодий инқироз ва бозор муносабатларига ўтишнинг оғир шароитларида давлатнинг маданиятга ғамхўрлик қилиш имконияти пасайиб кетди. Эндиликда давлат илгариги даражада пул маблағи ажрата олмай қолди. Молиялаштиришнинг бошқа манбалари (меценатлар, ҳомийлар, меҳрибонлик жамғармалари ва бошқалар) унча кўп бўлмади. Шундай қилиб, илгари маданият бошқарувчи партия мафкуравий назоратига қарам бўлган бўлса, энди молиявий қарамликка дучор бўлиб қолди.

**Ижодкор зиёлилар фаоллигининг ўсиши.** 80-йилларнинг иккинчи ярмида ижодкор зиёлиларнинг ижтимоий-сисёсий фаолияти жонлана бошлади. Қирғизистон ёзувчилар уюшмаси ва бошқа ижодий бирлашмалар фаол фуқаролик позицияларида турдилар. Ёзувчиларнинг йиғилишларида долзарб масалалар, ўтмишдан мерос бўлиб қолган ижтимоий турмушдаги бузилишлар ҳақида сўз бориб, сталинчиликнинг зарарли оқибатлари танқид қилинди, тоталитар режимнинг беғуноҳ қурбонларини оқлаш зарур, деб баралла айтила бошлади.

1988 йилда Қирғизистон ёзувчилар уюшмаси талаби бўйича махсус комиссия тузилиб, у тайёрлаган асосий ҳудоса бўйича Қирғизистон Компартияси Марказий Комитети 1989 йил 3 январда Мўлда Қилич (Шамирқанов) ва Қ. Тинистановларнинг ижодий мероси тўғрисида қарор қабул қилди «Қирғизистон КП МКнинг 1960 йил 5 январдаги «Мўлда Қилич ва Қ. Тинистановлар ижодида баҳо беришдаги камчиликлар тўғрисида» ги қарори ўзгартирилиб, — дейилади унда, — XIX аср охири XX аср бошидаги таниқли қирғиз донишмандларидан бири

Мўлда Қилич ва қирғиз ёзма адабиёти асосчиларидан бири, тилчи олим, 30-йилларда қонунсиз жазолашлар қурбони бўлган Қ. Тинистановнинг адабий мероси тўғрисида тарихий ҳақиқатни аслига келтириш зарурлиги тўғрисида КП МКнинг комиссияси хулосалари маъқуллансин».

Ёзувчилар, журналистлар ва олимларнинг бир қатор обрўли қисми ижтимоий-сиёсий турмушга фаол иштирок этиб, уларнинг баъзилари кейинчалик халқ депутатлари бўлиб қолишди. Улар турли даражадаги кенгашлар, давлат бошқаруви аппарати ишларида қатнаша бошладилар.

80-йилларнинг иккинчи ярмида иттифоқдош республикаларда туб аҳолининг миллий тили аҳоли тўғрисидаги масала ижтимоий-сиёсий турмушдаги ўтқир масалалардан бири бўлиб қолди. Ошкоралик натижасида Қирғизистоннинг туб аҳолиси тили — қирғиз тили қўлланилаётган муҳитдаги деформацияларнинг чуқурлиги равшан бўлиб қолди. Республика марказида қирғиз тилида ўқитиладиган биргина мактаб бор эди, шаҳардаги мактаб ёшидаги қирғиз болаларининг 42 фоизи она тилини билмасдилар. Бунинг натижасида она тилини билмаган «қирғизлар» пайдо бўлди.

Марказий ҳокимият органларига тўла қарам бўлган республика олий партия-давлат раҳбарияти қирғиз тилининг бундай таҳқирланишига қарши қатъий ҳаракат қилишга ботина олмади. Унга марказнинг Қирғизистондаги «вакили», Қирғизистон Компартияси МКнинг иккинчи котиби Г. Киселёв, Марказий назорат комиссиясининг раиси Л.А.Рябokonинг ва бошқаларнинг тескари ҳаракатлари ҳам таъсир қилди.

Ўша вақтда Фрунзе шаҳрида 67-мактабнинг ярмини 5-мактабнинг филиали сифатида ажратиш ва кичик икки гуруҳдан иборат битта қирғиз болалар боғчасининг очилишига аранг эришилди. Бу ҳам кўп кўриниб, «Правда», «Комсомольская правда» ва бошқа марказий матбуотда қирғиз мактабларини, болалар боғчаларини очиш ҳаракати «миллатчилик» сифатида баҳоланиб, бунга йўл қўймаслик учун шов-шув кўтарилди. Агар биргина мактаб бўлса, у ҳолда Фрунзе шаҳрида қанча қирғиз мактаби очиш керак? — деган савол қўйилишигача борилди.

Қирғиз ижодкор зиёлиларининг илғор вакиллари қирғиз тилининг қўлланиш доирасини кенгайтириш, унинг аҳолини яхшилаш учун барча ҳаракатларни қилишди. Қирғиз халқининг машҳур ёзувчиси Ч. Айтматовнинг қирғиз тилини ривожлантириш учун қилган сайёҳаракатлари катта роль ўйнади. 1989 йил 23 сентябрда Олий Кенгаш томонидан қирғиз тилига Давлат тили мақоми берилиши қирғиз тилининг янада ривожланишига йўл очди.

**Таълим.** Бугун мамлакатда, жумладан, Қирғизистонда мажбурий ўрта таълим жорий этилиши натижасида 80-йилларнинг иккинчи ярмида таълим тармоғида катта ўзгаришлар бўлди. 1986 йилда Қирғизистон халқининг 70 фоизга яқини олий, ўрта махсус ва ўрта маълумотли бўлган. Бироқ, эришилган муваффақиятларга қарамай, барча

битирувчилар ўрта мактаб дастурини тўлиқ даражада ўзлаштира олмаганлар. Бундан ташқари, таълим жараёнини мафкуралаштириш, бутун мамлакат бўйича уни бир ҳил қилиш таълим тармоғидаги миллий хусусиятларнинг унутилишига олиб келди. Халқнинг, жумладан, қирғиз халқининг маънавий хазинаси тоталитар системанинг мафкуравий андозаларига мос равишда тасвирланиб, унга мос келмаганлари унутиб юборилди.

Қайта қуриш йилларида таълим тармоғини миллий ва умуминсоний кадриятлар асосида янгилаш зарурати келиб чиқди. 1988 йилда «ўрта умумий ва ҳунар мактабларини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари» ишлаб чиқилди. Таълим тармоғини жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ривожланиши талабларига мос равишда таг-томири билан қайта қуриш белгиланди.

90-йилларнинг бошида, айниқса, Қирғизистоннинг мустақиллиги эълон қилинганда кейин таълим тармоғида ислохотлар жараёни жадаллашди. Лицей, гимназиялар, хусусий ва бошқа мактаблар пайдо бўлмоқда. 1993 йилда Қирғизистон Республикаси Олий Кенгаши «Таълим тўғрисида» ги қонуни қабул қилди. Бишкек ва бошқа шаҳарларда бир қатор қирғиз мактаблари очилди.

Бироқ чуқур иқтисодий инқироз таълим тармоғига ҳам салбий таъсир кўрсатди. Қашшоқлик натижасида минглаб болалар билим ола олмай қолдилар. Иш ҳақининг озлигидан кўплаб ўқитувчилар ҳам ишини ташлаб тижоратчиликка ўтиб кетишди.

Махсус ўрта ва олий таълим тармоғида ҳам катта ўзгаришлар содир бўлаётир. Юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш учун янги олийгоҳлар очилмоқда. Кейинги йилларда бир қатор олийгоҳлар: Қирғизистон — Россия дорилфунуни, Қирғиз — Ўзбек олий технология колледжи, Қирғиз — Турк техника дорилфунуни, Халқаро дорилфунуни, «Достон» технология дорилфунуни ва бошқа олийгоҳлар очилди. Қирғизистондаги олийгоҳларнинг сони 33 га етди.

Кейинги вақтларда таълим соҳасида ҳукуматнинг асосий кучгайратди таълимнинг илгари эришилган даражасини сақлаб қолиш, шунингдек, МДХ мамлакатлари ва жаҳон таълим системасига кириш учун норматив базаларни тайёрлашга йўналтирилмоқда. Қирғизистон Республикаси президенти А. Ақаев 1996 йилни «Таълим йили» деб эълон қилди ва «Билим» деб номланган миллий таълим дастурини тасдиқлади.

**«Манас» эпоси 1000 йиллигининг байрам қилиниши.** 1992 йил 26 июнда Қирғизистон Республикасининг президенти А. Ақаев «Манас» эпосининг 1000 йиллий байрамини ўтказишга тайёргарлик тўғрисида»ги фармонга имзо чекди. Фармонда мустақил Қирғиз давлатининг тарихий янги даврида «Манас» эпоси халқимиз бирлиги ва маънавий жиҳатдан қайта туғилиши, малакати, миллий обрўси ва ўзини-ўзи англаш рамзи вазифасини ўтаётганлиги қайд этилган. 1995 йил президентнинг фармонида мувофиқ республика ҳудудида «Манас» эпосининг умумхалқ байрами, шунингдек, БМТ ва ЮНЕСКО қарорига мувофиқ «Манас» эпосининг 1000 йиллигини нишонлаш халқаро йили деб эълон қилинди.

**1995 йил 25-30 августда** Бишкек шаҳрида ва Талас вилоятида «Манас» эпосининг 1000 йиллигига бағишланган асосий тантаналар бўлиб ўтди. Бундай тантаналар республиканинг бошқа барча ҳудудларида ҳам ўтказилди. 26 августда Бишкекда 29 кишининг мисдан ясалган ёлгорлиги бўлган «Эл кутуу» деб номланган композиция очилди. Бу маросимга Покистон Бош вазири Беназир Бухутто иштирок этди. 27 августда Бишкекда «Манас овули» тарихий этнографик комплекснинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Маросимга Туркия Республикаси Президенти Сулейман Демирал, Озарбайжон Президенти Хайдар Алиев, Туркменистон Президенти Сапармурод Ниёзов-Туркманбоши иштирок этдилар. Шу куни Бишкекда Қирғизистон Республикаси Президенти А. Ақаев ва Туркия Республикаси Президенти Сулейман Демиралларнинг иштироки билан Қирғиз-Турк техник дорилфунунининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

28 августда Бишкекда туркий давлатлар бошлиқларининг учинчи учрашуви ўтказилди. Учрашув туркий давлатлар инсонпарварлик, иқтисодий ва маданий алоқаларини мустаҳкамлаш, экология масалаларини ҳал қилишга бағишланди. Учрашув якуни бўйича Анкара баёноти ва Стамбул Декларациясининг асосий қоидалари давом эттирилишининг далили сифатида Бишкек Декларацияси, шунингдек, «Манас» эпосининг 1000 йиллигининг байрам қилинишига бағишланган туркийзабон давлат бошлиқларининг Бишкекдаги учрашуви иштирокчилари ўз мамлакатлари халқларига Мурожаатнома қабул қилдилар. Учрашув иштирокчилари учинчи минг йиллик арафасида «Манас» эпосидаги ва туркий халқларининг бошқа буюк асарларидаги умуминсоний ғояларни интеграциялаштирувчи роли ҳам юксак даражада ўсади, деб билдирдилар.

Шунингдек, 28 августда Қирғизистонда «Манас-1000» юбилей эсдалик медали бунёдкорлик, тинчлик ва дўстлик ишига қўшган буюк ҳиссалари учун туркий мамлакат бошлиқлари, ЮНЕСКО бош директори Федерико Майор, «Манас» эпосини ўрганиш ва тарғибот қилишдаги хизматлари учун хитойлик манасчи Жусуп Мамай, таржимон Семен Липкин, ёзувчи Владимир Солоухин ва бошқаларга топширилди.

26—28 августда Бишкекда «Манас» эпоси ва жаҳон халқларининг эпик мерослари» деган мавзуда халқаро симпозиум ўтказилди. Унга 20 дан зиёд мамлакатдан 130 дан ортиқ олимлар, фан арбоблари, ёзувчилар ва «Манас» танувчилар иштирок этдилар. 26 августда Миллий фанлар академияси таркибида «Манас» таниш ва бадий адабиёт Миллий Маркази тузилди. 28 августда «Манас» эпосининг 1000 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш ва концерт бўлиб ўтди. Унда Асқар Ақаев, меҳмонлардан Хайдар Алиев, Нурсултон Назарбоев, Сулейман Демирель, Ислам Каримов, Сапармурод Ниёзов-Туркманбошилар нутқ сўзладилар.

29 августда Таласда «Манас-Урда» тарихий маданий комплекс ва «Манас» эпоси музейи очилди. Унинг ёнида чойхона, меҳмонхона, отчопар, халқимизнинг қадимий одатларига хос қурилишлар қад



кўтарди. Қирғизистон Республикаси президенти Асқар Ақаев «Манас» тантаналарига келганларни «Манас-Ўрдо»си очилиши билан қизгин табриклади ва мемориалга кираверишда алвон тасмани кесди. Республика раҳбарлари, чет элдан келган меҳмонлар тарихий-маданий комплексни, Манас гумбази ва янги очилган музейни кўздан кечирдилар. Музейнинг очилишида А.Ақаев, С. Демирель, Ҳ. Алиев, Ф. Майор табрик нутқи сўзладилар. Ф. Майор Талас вилояти халқига ижтимоий-маданий эҳтиёжларга сарфлаш учун 100 минг доллар беражагини айтди. Қардош Хакас халқи делегацияси музейга олтин бешик совға қилди. Талас диёридаги тантаналарнинг унутилмас онлари отчопардаги театрлаштирилган кўрсатув, миллий спорт ўйинлари бўйича халқаро мусобақаларга улашиб кетди.

**Адабиёт ва санъатдаги янгиликлар ва ҳийинчиликлар.** Миллий қайта яралиш жараёнида адабиёт ва санъат муҳим роль ўйнайди. Адабий бадий ижодкорликда тоталитар даврдаги ижтимоий кўринишлар ва жараёнларни бир ёқлама ёритиш ўрнига плюрализм мустаҳкамлана бошлади.

Узоқ йиллар давомида унутилган шоирлар — Қалигул, Арстанбек, Мўлда Қилич, Қозибекларнинг шеърлари, Осмонали Сидиқ ўғли, Белек Солтоноев, Эшанаали Арабобевларнинг асарлари ҳам эълон қилина бошлади. Аали Тоқомбоевнинг «Қонли йиллар», Тугалбой Сидикбековнинг «Кўк Байроқ», Толаган Қосимбековнинг «Кел-кел» романи, Қўчкан Сактановнинг «Марҳумлар овози», Қочқинбой Осмоналиевнинг «Кўчманчилар хатоси» романлари чоп этилди.

Маданий ҳаётдаги ижобий силжишлар билан бир қаторда унга тўсқинлик қилган тескари кўринишлар ҳам бор эди. Жамиятнинг маданий турмуш соҳасига ижодкорликни тижоратлаштириш каби ёт кўринишлар кириб кела бошлади. Кинотеатрлар экранларида, шунингдек, телекўрсатувларда бадий сифати паст, зўрликни мадҳ этувчи Фарб фильмлари намойиш қилина бошлади. Бундай фильмлар одамларнинг, айниқса, болалар ва ёшларнинг дунёқарашини шакллантиришда салбий роль ўйнайди.

Миллий босмаҳона иши оғир инқирозга дучор бўлди. Китобларнинг баҳоси исли кўрилмаган даражада ўсиб кетди, уларнинг адади кескин қисқарди. Маҳаллий халқ тилидаги китоблар борган сари озроқ босила бошлади. Китоб савдосининг рушлаштирилиши, тоталитар система вақтидагидек, тез ёйила бошлади. Бироқ Россияда босилган китобларни классик ва замонавий бадий адабиёт асарлари эмас, сифати паст китоблар кўпроқ ташкил этарди. Қирғиз тилида чиққан газети ва журналларнинг адади кескин қисқарди, баъзилари бутунлай чиқмай қолди. Кейинги йилларда қирғиз тилида бирмунча китоб босилиб чиқди. Бироқ улар миллий китоб нашрдаги оғир аҳволни ўзгартира олмади.

Иқтисодиёт соҳасидаги инқирозий кўринишлар маданиятнинг бошқа айниқса, давлат таъминотида бўлган тармоқларга ҳам таъсир қилди. Фан, айниқса, фундаментал фанга боғлиқ тармоқларнинг аҳволи оғирлашди. Илмий-тадқиқот муассасалари, жумладан, Миллий Фанлар

Академиясининг етарли даражада молиялаштирилмаганлиги илмий ходимлар анча қисмининг фан соҳасидан бошқа соҳаларга, бошқа мамлакатларга кетиб қолишига сабаб бўлди. Ўрта мактаблар ва олий-гоҳлардан ҳам малакали ўқитувчилар кетиб қолишди.

Давлат етарли даражада ёрдам кўрсата олмаганлиги натижасида кўплаб маданий-маърифий муассасалар ёпилди ёки йўналишини ўзгартирди. Кўплаб кутубхоналар ёпилиб қолди, клублар ишини тўхтатди. Оммавий кутубхоналарнинг китоб жамғармасини тўлдириш кескин қисқарди. Иқтисодий инқироз натижасида давлатнинг, корхоналарнинг ва касаба уюшмаларининг маданий-маърифий ишларини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш имкониятлари озайди.

Моддий-техника базасини яхшилашга бағишланган кенг дастурларни амалга ошириш билангина маданий ютуқларимизни сақлаб қолиш ва уларни янада ривожлантириш мумкин. Маданиятли, билими етарли равишда ривожланган мамлакат ҳеч қачон ортда қолмайди.

### **Ҳужжатли материаллар**

**1. 1987 йил 4-5 декабрдаги республика илмий-амалий конференцияси материалларидан:**

а) *Қирғизистон Компартияси МК нинг биринчи котиби А. Масалиев маърузасидан:*

Ўтмиш тарихга ва миллий маданий меросга баҳо беришда адабиёт ва санъат арбобларига, олимлар ва журналистларга алоҳида масъулият юкланади. Улар орасида баъзида тарихий воқеалар ва маданий бойликларга синфий позицияда туриб баҳо беришдан бош тортмиш пайқалмоқда. Мўлло Қилич ва Қосим Тинистанов каби ўтмиш арбоблари ижоди тўғрисида илгари берилган баҳони қайта кўриб чиқиш тўғрисида баъзи адабиётчиларнинг асоссиз фикрлари бунинг далилидир.

Тўғри, биз тарихни «оқ доғларенга» аслига келтириш, илгари хатоликлар ва ўқисларни ошкор қилишни қўллаб-қувватлаймиз, бироқ бу иш синфий, партиявий позициядан ёғишмаслиги, дунёқарашдан четга чиқиш ҳисобига бўлмаслиги аҳим.

Маданият ва маданий мерослар муаммодарини муҳокама қилишда кўпинча кераксиз торттишувларга йўл қўйилмоқда. Бугунги кунда, масалан, умуминсоний аҳамиятга молик қимматбаҳо ёдгорлик бўлган «Манас» эпоси атрофида мафкуравий торттишув чиқариб, эҳтиросларга берилишининг ҳолати борми?

б) *Ч. Айтматов нутқидан:*

Бизнинг миллий маданиятимиз эҳтиёжлари тўғрисида сўз борганда бу ерда сизлардан бошқа миллатлар ҳам яшайди, деган мазмунидаги фикрларни қарши қўйган одамлар ҳам учраб туради. Тўғри, улар билан биз 100 йилдан ортиқ вақт давомида тотув, ҳеч қандай жанжалсиз, дўстона муносабатда яшаб келямиз. Бироқ уларнинг тили сақланиб ривожланган, қудратли, тарихий маданият марказлари бор. Немисларнинг орқасида бир эмас, икки Германия турибди, ўзбекларнинг бўлса, бола боғча ва мактаблар билан тўлиқ таъминланган қўшни Ўзбекистони бор, дунгандарники эса бутун Хитой, корейларнинг эса Кореяси бор.

Қирғиз маданияти мана шу, ўз диёрида ривожлана олмаса, бошқа жойда ривожлана олмайди. Мана шу вазиятни ҳаминша ёдда сақлаш зарур. Биз эса республикамиз марказида оддий, ҳеч кимга зиёни йўқ болалар боғчаси ва мактабларни оча олмаймиз, бўлганда ҳам бу масала совет конституцияси республикаси бўлган Қирғизистонда Октябр инқилобининг 70-йилида, бутун жаҳон инсон ҳуқуқи улуғ курашлаган пайтда кун тартибига қўйилмоқда.

А. Масалиевнинг маърузасида «Манас» эпоси теварагида мафкуравий тортишувга ҳожат йўқ эканлиги айтилади. Илгари ҳам айтилган. Бу тўғри гап. Ишонинишимиз дозим. Бироқ бу тортишув бизга энг демогогик тарзда нима учундир Қирғизистон КП Марказий Комитети пленуми минбаридан фойдаланиш орқали етказилмоқда. Мазкур беобрў ва тухмагдан иборат бўлган тортишувни биз бошлаганимиз йўқ. Бироқ биз «Манас»ни сўнгги дамгача ҳимоя қиламиз».

в) *Қирғизистон ССР Давлат хавфсизлиги комитетининг раиси В.А. Рябокони нутқидан:*

Бизда авж олаётган ошкоралик ва демократик жараён ўз навбатида барчамиздан юксак масъулиятни талаб қилади. Бизнинг айрим адабиётчиларимиз баъзи асарларида ва нутқларида халқнинг ва ҳаммадан илгари ёшлар орасида ўртоқ Масалиев маърузасида таъкидлангандек, уларнинг асарларида миллий турмуш кўришини замирида реакция, миллий ва диний сарқитлари идеаллаштирган ўғмининг баъзи ёзувчиларини оқлашга қаратилган жамоатчилик фикрини тескари маълум қилиш ва бу билан нотўғри фикр шакллантирилиб келган вақтлар ҳам маълум. Уша ёзувчиларнинг ижоди бўйича 1933 йилдан бошлаб, кейинроқ махсус партиявий қарорлар қабул қилинган эди...

КПСС Марказий Комитетининг қарорларида, шунингдек, 1987 йил февралда бўлиб ўтган республика партия фаоллари йиғилишида баъзи адабиётчилар ўз асарларида Қирғизистондаги 1916 йилги вазиятни нотўғри тасвирлагани, айрим индиядан эпизодларни ошқора ва натуралистик тарзда тасвирлагани, буларнинг барчаси воқеаларни нотўғри тушунишдан бошқа ҳеч нарсага олиб бормаслиги таъкидланган. Уларнинг миллатлараро тўқнашувлардан олиб қочишга уринганликлари учун йиғилишда адолатли танқид қилинган ёзувчи М. Мурағалиев ёлғиз эмас. Халқ галлаени воқеаларини ана шундай тушунтириш К. Акматовнинг «Вақт», О. Султоновнинг «Инсон умри», О. Айтимбетовнинг «Ватан овози» каби асарларида ҳам ўрин олган, уларда рус аскарлари билан маҳаллий аҳоли ўртасидаги баъзи бир жанжалли эпизодлар натуралистик тарзда тасвирланган.

**2 Қирғизистон КП МК нинг хотиби А. Масалиевнинг Қирғизистон КП МК 1990 йил 13 январдаги пленумида қилган маърузасидан:**

Миллий сиёсатга оид муаммоларни ҳал қилишда тарихнинг «оқ доғлари»ни четлатиш, унутилганларнинг номлари ва ўтмишда асоссиз равишда айбланган арбобларни қайта тиклаш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзининг маълум бўлганидек, Марказий Комитет бюроси қарорига мувофиқ қирғиз мутафаккири ва шоири Мўлла Қиличнинг ва шахсага сиғиниш даврида қуйили қилинган таниқли олим, тилшунос, ёзувчи Қосим Тинистановнинг номлари тикланди. Арстанбек, Қалигул, Жентижок каби ўтмиш мутафаккирлари ва тўкма оқинлари Мўлла Ниез, дастлабки қирғиз маърифатчилари ва олимлари Белек Солтоноев, Эшанаали Арабоев ва бошқаларнинг ижодлари ҳам эътиборга лойиқдир.

Уларнинг бир қатор асарларида дунёқарашлари янгиланувлар, хатolikлар ҳам учраб туриши маълум. Шунинг учун эстетик ва маънавий қимматга эга бўлган, одамларнинг маънавий дунёсини бойита олаётган барча асарларини синчиклаб танилаб олиш керак.

### Савол ва топшириқлар

1. Сўнгги ўн йилда маданиятнинг ривожланишида қандай ўзгаришлар бўлди?
2. Қирғизистоннинг бадний эътиқоти фаоллигига таъриф беринг.
3. Таълим соҳасидаги ўзгаришларга таъриф беринг.
4. Адабиёт ва санъатда қандай ўзгаришлар бўлди?
5. Маданият ривожидagi қийинчиликлар нималарга боғлиқ эди? Маданият соҳасидаги қийинчиликларни бартараф этиш учун қандай чоралар кўриш керак?

## МАНАС ВАСИЯТЛАРИ — XXI АСРГА

**Қирғизистон Республикаси президенти А. Ақасовнинг 1995 йил 28 августда «Манас» эпосининг 1000 йиллигига бағишланган таътананда сўзлаган нутқидан.**

«Манас» ҳақиқатан ҳам инсоният тарихининг бутун бир даврини, унинг ноёб қадимий кўчманчилик цивилизациясини, кўчманчилик маданиятини, кўчманчи маънавиятининг ноёб кўриниши, унинг бугунги кунга келиб етган бебаҳо мероси, муқаддас китоби, орзу-армони ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам биз, қирғизлар, ҳурматли Чингиз Айтматов бирода-римиз айтганидек, «Олатоғ кўйида қадим асрлар бўйи яшаб келган қирғиз боласи бу дунё учун нима берди, одамзотнинг касбига, маданиятига нимани қўшди деганда, бирдан-бир жавобимиз- «Манас»ни берди деймиз», «Манас» ни ўтган кунларнинг эсдалиги сифатида кўрамиз. «Манас»ни ўзимизнинг бугунги турмушимизга бевосита иштирок этиб, халқларнинг бошини бириктириб, эртанги кунга руҳлантирган ва келажакда ҳам авлоддан-авлодга асқотадиган ўлмас -ўчмас буюк руҳ деб ҳисоблаймиз.

Шу жиҳатдан олганда ҳозирги авлоднинг «Манас»дан оладиган сабоқлари қайсилар?

1. *Эл-юртнинг бузилмас бутунлиги* ва бир ёқадан бош, бир енгдан қўл чиқарган ички бирлиги.

Манаснинг бутун саъй-ҳаракати афғор эл-юртнинг кунига яраб, узилганини улаб, сочилганини тўплаш бўлди. Қачонки халқ орасида низо келиб чиқиб, бирлик бузилганда, не-не азоб билан қурилган Манас ўрдаси қайта қулади. Шунинг учун донишманд Бақай бобоми- знинг асрлар оша эшитилиб турган «ёдингда тут, болаларим, бўлингани бўри ер, бўлиниб қолди қирғиз деб, бошқа элга гап кетар» деган васияти бугунги кунда ҳам худди биз учун айтилгандек туюлади.

2. *Миллатлараро тотувлик, дўстлик ва ҳамкорлик.*

Бу — «Манас» даги муҳим ғоялардан бири. Манаснинг улуғлиги унинг «Хафа қилса кечиргин, кетган бўлса келтиргин», бошқа халқларнинг оқ ниятли одамларини қардошлардек ардоқлаб, ўз элининг қўлини узайтира олган билимдонлигида. Бу жиҳатдан Манас билан Алмамбетнинг муносабати биз учун сабоқ бўла олади. Тақдир тақозоси билан диёримизда истиқомат қилаётган ҳар бир халқ вакилларини бағримизга тортиб, уларни мамлакатимизнинг оқ ниятли фуқа-

роларига айлантириб, кучимизга куч қўшиб, яқин, олис қўшнилар, бошқа мамлакатлар билан дўстона муносабатларда бўлиш Манас васиятига хос бўлиб, бугунги кунда ҳам биз учун фарздир.

### **3. Миллий ор-номус ва фуқаролик орияти.**

Манас ва унинг жўралари эл юрт учун ўлимни ҳам писанд қилмай илгарига ундаган буюк куч шудир. «ёвга номус бергунча, ажал етса ўлайин, молим ва жонимни қандай қилиб ўлжага берайин, ўлмай тирик юрганда не меросга етайин, халқим — қирғиз, сен учун, қурбон бўлиб кетайин» деб улар она юртининг ор-номуси учун ўз жонини тикдилар. Бу билан улар Абики, Қобош каби олти нафар ҳаромзада орсизлардан осмон билан ерча фарқ қилишган.

*Миллий ор-номусни* ҳамма нарсадан устун қўйган ана шундай фуқаролик орияти ҳозирги вақтда биз учун ҳаводай зарур эканлиги, менимча, ўз-ўзидан тушунарли.

### **4. Мунтазам меҳнат, илғор ҳунар, билим орқали бақувват давлат сари.**

Манас ўз атрофига ўша замоннинг муҳим ҳунар ва билимга эга бўлган обрўли одамларини тўплаган. Уларнинг ёрдами билан ҳамиша ғалаба қозонган. У яшашнинг асл мақсади меҳнат, эпоснинг тили билан айтганда, *мол боқиб, дон экиб турмуш кечирриш* эканлигини яхши тушунган. Ёшлигида ўзи ҳам Ўшпир исмли чўпонга қўшилиб қўй боққан. Аскарлик чоғида жуда кам бўладиган, тинчлик вақтларида ер ҳайдаб, *меҳнат қилиб овқат топган*, одам ўлдириб шуҳрат қозонишдан бош тортган, овқатига алмашиб Оққуладек от топган.

### **5. Одамларни, ота-боболар руҳини ва келажак авлодни ҳурматлаш.**

«Қозон осиб, қор солиб, хотин олиб, уй қуриб, асбоб олиб, от миниб, одам бўлганингдан кейин, ота йўлидан боргин», — дейди Манас. *Ота-боболар руҳини ҳурмат қилганинг*, ота одатларини одат қилганингиздингнинг *ўтмиш тарихини, маънавий меросини* ҳурмат қилганинг, бу билан эртанги келажакка йўл очган авлоднинг, миллатнинг ғамини чекканинг. «Манас» эпоси бу жиҳатдан, қолаверса, болани туққан, авайлаб боққан аёлнани, унинг меҳнати ва ҳаракатини шарафлаш, инсонга нисбатан ҳурмат ва кенг феъллик асосида муносабатда бўлиш жиҳати бугунги авлод учун чинакам сабоқдир.

### **6. Табиат билан яхши алоқада бўлиш.**

Қадимий кўчманчи цивилизация табиат билан алоқа ўрнатишининг, у билан ўриш-арқоқ бўлиб яшашнинг инсоният тарихидаги энг дастлабки намунасини яратиб кетган. Кўчманчилар дунёсининг ҳозирги вакили — қирғиз халқи ўзининг эртаги кунининг бадний энциклопедияси бўлган «Манас»да уни ҳаддан зиёд тўғри тасвирлаган. Агар биз эпосдаги ўша қондани муқаддас тута олсак, у ҳолда жаҳондаги бирдан-бир буюк фалсафий экологик маданият соҳибни бўламиз. Манасдан қолган ажойиб Олатогимизни келажак авлодлар учун сира доғ туширмай қолдириб кета оламиз.

## 7. Қирғиз давлатчилигини мустақкамлаш ва уни кўз қорачиғидек сақлаш.

Буюк Манас бобомиз бошлаб борган қаҳрамон аждодларимизнинг бутун умри ана шу буюк мақсадга бағишланди. Улар бундан минг йил илгари буюк Қирғиз давлатини қурдилар, бу давлат юксалди, мол-дунёси кўпайди, маъмурчиликда кун кечирди. Бироқ «Манас» да айтилган *нохуш сабаблар туфайли* Қирғиз давлати тарқаб кетди. Шундан кейин 1000 йил давомида қирғиз қайта бирлашиб ягона давлат қура олмади. Бир томони Қашқарга, бир томони Кангайга қараб, қолгани Кисарга тарқалиб, бўлиниб кетди. Қирғизни тарих саҳифаларидан тўла йўқ бўлиб кетгиш хавфидан Октябрь инқилоби, Совет давлати сақлаб қолди. Тарихнинг бу ҳақиқатидан биз ҳеч қачон тона олмаймиз, Қирларда юрган қирғизнинг бошини бир жойга, бир чамбаракка бирлаштириб, қарам бўлса-да, ўз ҳолича давлат бўлишига асос солиб, илғор маданиятга йўл очган ҳам Совет ҳокимияти шарофатидир.

Бугун, 1000 йилдан кейин, қирғиз халқи ўз тарихида иккинчи мартаба ўз тақдири ўз қўлига тегиб, мустақил давлатчилигига эга бўлиб турибди. Бу нарса буюк Манас бобомизнинг ўчган ўтининг қайта ёниши, у бир вақтларда бунёд этган Қирғиз давлатининг қайта туғилишидир. Шунинг учун бу кунда тўрт ёшга тўлиб, учинчи минг йиллик арафасида чақалокдек талпиниб, келажакка умид билан боқиб турган ёш давлатимизни кўз қорачиғидай сақлаб, асраб-авайлаб, мақсадга етказиш ҳар биримизнинг муқаддас вазифамиздир.

Бундан минг йил илгари бобомизнинг қазоси етганда, «ер силкиниб чайқалган экан, чайқалиб турган қора ер етти кунда тўхтаган экан, етти кун ичида ўшанда қимирлаган ва тик босган банда бўлмаган экан».

Ўша «етти» рақамини муқаддас деб билиб, мен ҳам улуғ «Манас» дostonидан *етти сабоқ, етти васият* ажратдим. Ўша етти сабоқни, ўша Манас отамиздан қолган етти васиятни ҳар биримиз қалбимизда сақлаб, мусулмонлар ўзларининг беш фарзини қандай муқаддас билса, биз ҳам уларни ўшандек муқаддас тутсак, у ҳолда бизнинг келажакимиз ҳам ёрқин бўлади, деб ўйлайман.

Минг йил муқаддам Буюғидан ажралган Каникей онамиз «ўксиган ўкеиб жим бўлар, ўтиб кетдинг дунёдан, энди сенинг ўрнингни ким босади» деб зор-зор йиғлаганини эслайлик. Манаснинг бугунги авлодларга буюк бобомизнинг сабоғини ибратли давом эттириб, руҳини шод қилиш, унинг муқаддас хотирасини қалб қўрида маҳкам сақлаб, боболаримизнинг чақириқларини ҳаминша баланд тутишлари учун номуси ҳам, қудрати ҳам етишига ишонамиз.

*Учинчи минг йилликка қадам босиш арафасида турганимизда минг йил илгари халқимиз ўз бошидан кечирган тажрибадан кенг сабоқ олайлик.*

## ХУЛОСА

СССРнинг қулаши ва мустақил Қирғизистон давлатининг тузилиши, унинг ўшандан кейинги тарихий ривожланишида ўзгаришларни юзага келтирди. Тоталитар сиёсий режим ва ўта марказлаштирилган иқтисодиёти билан донг таратган совет даври ниҳоясига етди.

Мустақилликка эришилгандан сўнг қирғиз жамияти олдида янги вазифаларкуни битган тоталитар системанинг бошқарув тизимларини йўқ қилиш ва ижтимоий турмушни демократлаштириш, маъмурий буйруқбозлик, қатъий режали иқтисодиёт ўрнига кўп укладли, халқнинг ижтимоий эҳтиёжларини таъминлашга қаратилган бозор иқтисодиётини куриш, яқин ва олис қўшнилар билан тенг ҳуқуқли муносабатлар ўрнатиш вазифалари турибди.

Давлат курилиши масаласи биринчи навбатга чиқди. Мустақилликка эришгандан кейин Қирғизистон самарали қонун чиқариш, ижрочи ва суд ҳокимиятини тузишга киришди. Қирғизистон Республикаси Конституцияси қабул қилинди. Икки палатали парламент тузилиб, муқобиллик асосида президентлик сайловлари бўлиб ўтди.

Қирғизистонда янги сиёсий партиялар тузилиб, кўп партияли система шакллана бошлади. Фуқароларнинг янги жамоатчилик ташкилотлари ва бирлашмалари пайдо бўлмоқда. Мустақиллик шароитларида Қирғизистоннинг диний ҳаёти ҳам бирмунча фаоллашди. Динга эътиқод қилиш ёки қилмаслик эркинлиги Қирғизистоннинг маънавий турмуши, унинг миллий қайта туғилишининг муҳим қисми бўлиб қолди.

Халқнинг кундалик эҳтиёжларини таъминлашга қаратилган барқарор, юксак самарали иқтисодиётни тузмай туриб, мамлакатимизнинг сиёсий жиҳатдан мустақиллигини мустаҳкамлашимиз мушкул. Иқтисодиётдаги беқарорлик, шубҳасиз, сиёсий мустақилликка ва давлатчиликка хавф туғдиради. СССР вақтида Қирғизистон умумиттифоқ иқтисодий комплексга кириб, унинг хомашё етиштиришга ихтисослашган қолақ худудларидан бири бўлган. СССРдаги иқтисодий инқироз ва у тарқаб кетгандан кейин иқтисодий алоқаларнинг узилиши Қирғизистоннинг иқтисодий аҳволини жуда иочорлаштирди. Бундай оғир аҳволдан қатъий иқтисодий ислохотларни ўтказиш йўли билангина чиқиш мумкин эди.

1993 йилнинг май ойида миллий валюта-сомнинг киритилиши мамлакатимиз молиявий ҳолатини барқарорлаштириш ва 1994 йилдан бошлаб қатъий иқтисодий ислоҳотларни ўтказиш имконини берди. Қишлоқ хўжалигида ҳам катта ўзгаришлар содир бўлаётди. Собиқ колхоз ва совхозлар ўрнига минглаб деҳқон, фермер хўжаликлари тузилмоқда. Ҳукумат уларнинг ривожланиши учун ғамхўрлик кўряпти.

Чуқур иқтисодий инқироз ижтимоий соҳага ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Халқнинг аксарият кўпчилиги турмуш шароитлари кескин ночорлашди. Инфляция аҳолининг анча қисми кўп йиллар давомида тўплаган пулларини йўқ қилди. Бунинг халқнинг бир қисми очикдан-очик талон-тарошлик сифатида қабул қилди. Халқ даромадларининг озайиши, ишсизлик, кўп болали оилаларнинг, пенсионерларнинг яхши муҳофаза қилинмаганлиги омма орасида ижтимоий турғунликни юзага келтирди. Уларнинг ҳукуматга бўлган ишончи пасайиб кетди. Баъзи сиёсий кучлар бундай оғир аҳволни ҳукумат томонидан амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар натижалари билан боғлаб, ўтиб кетган даврга қайтишга ҳаракат қилмоқдалар.

Ижтимоий жараёнларнинг беқарорлиги халқнинг ижтимоий норозилигининг юксак суръатлари билан қўшилиб кетди. Жамиятда «янги бойлар» ва қашшоқлар пайдо бўлди. Жамиятнинг барқарорлигидан кўпроқ манфаатдор бўлган «ўрта тоифаларнинг» тузилиш жараёни ҳам давом этмоқда. Экологик вазият ҳам бирмунча кескинлашди.

Ана шундай вазиятда республикада фуқаролар тинчлиги ва миллатлараро тотувликни сақлаб қолиш катта ғалаба ҳисобланади. Бунда президент А. Ақоев бош бўлган маъмуриятнинг зўр меҳнати бор. Қирғизистон учун хос бўлган миллатлараро алоқалардаги барқарорлик барча миллатлар ва элатларнинг эркин ривожини учун шароитларни яратиш орқали қўлга киритилмоқда.

Мустақилликка эришилгандан кейин Қирғизистоннинг халқаро фаолияти ҳам фаоллашди. Қирғизистоннинг мустақиллигини юздан ортиқ мамлакат тан олди. Яқин ва олинс чет давлатлар билан ҳар томонлама алоқалар йўлга қўйилмоқда.

Бугунги кунда Қирғизистон халқи давлат мустақиллигини мустаҳкамлашнинг долзарб вазифаларини ҳал қилиб, демократик ошқора жамият сари ишонч билан қадам ташламоқда.



## Атамалар луғати

**Автономия** — ички қонуи чиқариш ва бошқарув ишларини мустақил ҳал этиш ҳуқуқи; ўзини-ўзи бошқарув.

**Одат**—Умумий кўпчилик учун кўникма бўлиб қолган қадриятлар, юриштуриш тартиби.

**Акция** — Ҳиссадорлик жамиятида улушга эга эканлигини далиллаган қимматбаҳо қоғоз. Акция ҳиссадорга тушган фойданинг бир қисмини дивиденд шаклида олиш ҳуқуқини беради.

**Альтернатив (муқобил) сайловлар**— бюллетенга икки нафардан зиёд киши рўйхати киритилган сайлов.

**Буржуа миллатчиси** — Коммунистик системанинг ўз халқининг тили, маданияти, тарихий қадриятларини ҳимоя қилган одамларга таққан ёрлиғи.

**Ҳокимиятни тақсимлаш** — давлатнинг тўғри иш олиб бериши учун унда бир-бирига қарам бўлмаган ҳокимиятлар: қонуи чиқарувчи (парламент), ижрочи (ҳукумат) ва суд ҳокимияти бўлиши керак деб исботлаган концепция. Ҳокимиятнинг уч қисмидан мустақил бўлган оммавий ахборот воситаларини «Тўртинчи ҳокимият», деб атайдилар.

**Фуқаролик жамияти**—қонун томонидан давлат ҳокимияти органларининг бевосита аралашувидан муҳофаза қилинган, эркин инсонлар ва фуқароларнинг ихтиёрий равишда тузилган ассоциациялари ва ташкилотлари.

**Декларация** — парламент, партия номидан қандайдир қонда ва принципларни эълон қилган билдирув.

**Диссидентчилик** — яъни бошқача фикр юритиш. Тоталитар режимнинг расмий мафкураси билан келишмасликни очиқ билдириш.

**Инвестиция** — корхонага қандайдир бир ишлар бўйича узоқ муддатли маблағ солиш.

**Инфляция** — қоғоз пулларни ортиқча чиқариш натижасида унинг кўпайиб кетиши. У, шунингдек, ишлаб чиқарилган товарларнинг озайишидан ҳам келиб чиқади.

**«Келажакги йўқ қишлоқлар»** — 60-70-йилларда партия-давлат органлари қарори билан белгиланган, унинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт режаларига мос келмаган майда қишлоқлар.

**Конкуренция (рақобат)**—товарни ишлаб чиқариш ва сотишнинг энг қулай шартлари учун, энг кўп фойда олиш учун мустақил товар ишлаб чиқарувчиларнинг кураши.

**Конфедерация**—ўзининг тўлиқ мустақиллигини сақлаган ва конкрет белгиланган муҳитда бирлашган, махсус органларни тузган давлатлар иттифоқи.

**Консерватизм**—қандайдир бир шаклланган, эски нарсаларга берилиш. Сиёсатда мазкур термин икки хил маънони билдиради: яшаб бўлган кўз қарашлар, принципларни ёқловчи ёки конкуренцияга кўпроқ эркинлик бериш, давлатнинг иқтисодий турмушга аралашувининг ҳар тарафлама чекланишини ёқлаган сиёсатчи. У турли мамлакатларда ва турли вақтларда конкрет шартларга мувофиқ қўлланилади.

**Кооперация**—хўжалик ишларини юритиш учун моддий ва пул маблағларини бирлаштирган одамларнинг ихтиёрий бирлашмаси.

**Коррупция**—хизмат лавозимидан шахсий бойлик орттириш ёки ўз манфаатлари учун фойдаланишга боғлиқ бўлган қилмиш.

**Купон** — қимматбаҳо қоғоз бўлаги. Масалан, хусусийлаштириш купони.

**Мажоритар система**—кўпчиликнинг қўллаб қувватлаши билан ғалаба қозонган номзод учун берилган овозларгина ҳисобга олиниб, мағлубиятга учраган номзод учун берилган овозларнинг барчаси кераксиз бўлиб қолган сайлов системаси.

**Монополия**—давлат, ташкилот, фирма ёки бошқаларнинг бирор нарса ишлаб чиқариш ёки сотишга чексиз ҳуқуққа эга бўлиши; маълум тармоқда устуңлик қилиш, бирор нарсани ўзиники қилиб олиш.

**Парламент** — ҳокимиятнинг олий ваколатли органи. Парламентаризм шароитларида парламентнинг устуңлигини сақлаш билан қонун чиқарувчи ва ижрочи органларнинг вазифалари аниқ тақсимланади.

**Плюрализм**—кўплик, кўп хиллик. Бу концепцияга мувофиқ жамиятда турли партиялар, касаба, диний, ишбилармонлар ва бошқа ташкилотлар ўзаро ҳаракатда бўладилар. Улар сабр-тоқат, ўзаро ҳурматнинг демократик нормаларини сақлайдилар, мақсадларига эришиш учун куч қўлланишдан бош тортадилар.

**Преамбула**—кириш сўзи, муқаддима, сўз боши маъноларини билдиради. Конституцияда ва бошқа муҳим ҳужжатларда ёзилади.

**Приватизация ёки хусусийлаштириш**—давлат мулкини мулкчиликнинг бошқа шаклларига ажратиш.

**Радикализм** — тез ҳал этиш чораларини қўллаш билан ўлча-надиган сиёсий жиҳат.

**Реабилитация** — ҳуқуқидан ажралган одам ҳуқуқини тиклаш.

**Реквизиция** — (талаш) бирор одамнинг мулк бойлигини фойдаланиш учун давлат томонидан зўрлик билан тортиб олиниши (бирок ҳақи тўланган ҳолда)

**Репрессия** — қонунсиз судлов, оммавий отув, халқнинг айрим қисмини, айрим халқларни қувғин қилиш.

**Референдум**—давлатнинг муҳим қонунлари ва бошқа масалаларни умумхалқ овоз бериши усули билан қабул қилиш.

**Саммит** — конкрет натижаларга эришиш мақсадида манфаатдор томонларнинг амалий учрашуви.

**Сепаратизм** — бирор давлатдаги халқнинг айрим қисмининг ўзича бўлинишга ҳаракат қилиши.

**Суверенитет** — бир давлатнинг ички ва ташқи сиёсатда бошқа давлатдан мустақил эканлиги.

**Таноб** — тўрт томони 1820 кв. м. айланасида бўлган ер майдони. Гектарнинг олтидан бир қисми.

**Тоталитаризм** — у ёки бу мақсадлар учун ижтимоий турмушнинг барча соҳаларини ва ҳар бир одам турмушини назорат остига олишга интилган сиёсий система.

**Унитар давлат**—ҳудудни марказлаштириб бошқаришга асосланган ва ҳудудий бирликларга (туман, вилоят) бўлинган давлат бошқаруви шакли.

**Федерация** — давлат тузилишининг шакли. Унинг таркибига кирган конституцияси, қонун чиқариш, ижрочи ва суд органлари бўлади. Шу билан бирга ягона федерал ҳокимият органлари тузилиб, ягона фуқаролик, армия, пул бирлиги, божхона хизмати ва бошқалар бўлади.

**Центризм** — иш-ҳаракатларининг консерватив, шунингдек, радикал шаклларида бош тортиш, ислоҳотлар, қайта қуришларни секин-аста ўтказишни хоҳлаган ғоявий ёки сиёсий оқим, ижтимоий муҳит.

**Шариат** — мусулмонларнинг фуқаролик, оилавий, никоҳ, турмуш тирикчилиги ва бошқа ўзаро муносабатларини йўлга солувчи нормаларни ўз ичига олган мусулмон қонунлар тўплами.

**Шовинизм** — миллатчиликнинг ҳаддан ортиқча, агрессив шакли.

## Хронологик жадвал

1917 йил, 27 февраль — февраль буржуа-демократик инқилоби, подшоҳнинг ағдарилиши.

1917 йил, март — Қирғизистонда дастлабки Советларнинг вужудга келиши.

1917 йил, май — Пишпекда «Букара» демократик уюшмасининг вужудга келиши.

1917 йил, ёз ойлари — «Алаш» партияси Пишпек бўлимининг тузилиши.

1917 йил, ёз ойлари — сўл эсерлар партиясининг Пишпекдаги ташкилотларининг тузилиши.

1917 йил, август — Ўшда мусулмон ишчилар ва чоракорлар депутатлари Советларининг ташкил топиши.

1917 йил, 9-10 сентябрь — Пишпекда «Букара» уюшмасининг съезди.

1917 йил, октябрь-ноябрь — Тошкентдаги қуролли қўзғолон галабаси.

1917 йил, ноябрь — Сулукта ва Қизилқияда Совет ҳокимиятининг ўрнатилиши.

1917 йил, декабрь — Таласда Совет ҳокимиятининг ўрнатилиши.

1918 йил, январь — Ўшда Совет ҳокимиятининг ўрнатилиши.

1918 йил, февраль — Пишпекда Совет ҳокимиятининг ўрнатилиши.

1918 йил, апрель — Норинда Совет ҳокимиятининг ўрнатилиши.

1918 йил, 20 апрель 1 май — Туркистон АССРнинг эълон қилиниши.

1918 йил, май — Пржевальскда Совет ҳокимиятининг ўрнатилиши.

1918 йил, 22 июль — Еттисув фронтининг тузилиши.

1918 йил, 29 август — Талас водийсининг Дмитриевка қишлоғидаги келгинди деҳқонлар қўзғолони.

1918 йил, 23 сентябрь — Пишпекда Қизил Армия биринчи полкининг тузилиши.

1918 йил, 19 ноябрь — Пишпек уезидаги эсерлар партиясининг тарқатиб юборилиши.

1918 йил, декабрь — Беловодскдаги келгинди деҳқонлар қўзғолони.

1919 йил, 14 август — Туркистон фронтининг тузилиши.

1921 йил, 8 июнь — «Қўшчи» уюшмасининг тузилиши.

1921—1922 йиллар — Қирғизистон шимолидаги ер-сув ислоҳоти.

1922 йил, январь-июнь — Тоғли Қирғиз вилоятини тузиш ҳаракатлари.

1924 йил, 14 октябрь — РСФСР таркибда Қирғиз Автоном вилоятининг тузилиши.

1924 йил, 7 ноябрь — Қирғиз тилида «Эркин-Тоо» газетасининг биринчи сони чиқди.

1925 йил, 27-30 март — Қирғиз Автоном вилояти Советларининг биринчи таъсис съезди.

1926 йил, 1 февраль — Қирғиз Автоном вилоятининг Қирғиз АССРга айланиши.

1927 йил, 7-12 март — Қирғиз АССРнинг биринчи таъсис съезди.

1927-1928 йиллар — Қирғизистон жанубида ер-сув ислоҳоти.

1932 йил, 5 ноябрь — Қирғизистонда дастлабки олийгоҳ - Қирғиз давлат педагогика институтининг очилиши.

1933 йил, — Қирғиз зооветеринария институтининг очилиши.

1936 йил, 5 декабрь — Қирғиз АССРнинг иттифоқдош республика бўлиб қайта тузилиши.

1937 йил, 23 март — Қирғизистон ССР биринчи Конституциясининг қабул қилиниши.

1939 йил, 26 май — 4 июнь — Москвада қирғиз санъатининг ўн кунлиги.

1941 йил, 22 июнь — Улуғ Ватан урушининг бошланиши.

1941 йил, 16 ноябрь — Дубосеково разъезди яқинида панфиловчи аскарларнинг қаҳрамонлиги.

- 1942 йил, 17 август** — Қирғиз мусикали драма театри базасида Қирғиз опера ва балет театрининг ташкил этилиши.
- 1943 йил, 5 январь** — СССР Фанлар Академияси Қирғизистон филиалининг ташкил топиши.
- 1951 йил 30 август** — Қирғизистон давлат дорилфунунининг очилиши.
- 1954 йил, 20 декабрь** — Қирғизистон ССР Фанлар Академиясининг очилиши.
- 1958 йил, 14-25 октябрь** — Қирғизистон санъати ва адабиётининг Москвадаги иккинчи ўн кунлиги.
- 1978 йил, 20 апрель** — Қирғизистон ССР янги Конституциясининг қабул қилиниши.
- 1989 йил, 23 сентябрь** — Қирғизистоннинг давлат тили тўғрисидаги қонунинг қабул қилиниши.
- 1990 йил, 25 февраль** — Қирғизистон ССР халқ депутатлари, маҳаллий советлар депутатлигига сайловлар.
- 1990 йил, 4 июнь** — Үш воқеаларининг бошланиши.
- 1990 йил, 11 июнь** — Үш вилоятдаги қайғули воқеаларга бағишланган Мотам куни.
- 1990 йил, 24 октябрь** — Фрунзеда очарчилик эълон қилиниши.
- 1990 йил, 27 октябрь** — Асқар Ақаевнинг Қирғизистон ССРнинг биринчи Президенти этиб сайланиши.
- 1990 йил, 15 декабрь** — Қирғизистон республикаси давлат суверенитети тўғрисидаги декларациянинг қабул қилиниши.
- 1991 йил, 5 февраль** — Республика маркази Фрунзе шаҳрининг Бишкек деб қайта аталиши.
- 1991 йил, 31 август** — Қирғизистон мустақиллигининг эълон қилиниши.
- 1991 йил, 12 октябрь** — Қирғизистон республикаси Президентининг умумхалқ сайлови.
- 1991 йил, 21 декабрь** — Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг тузилиши.
- 1992 йил, 30 январь** — Қирғизистоннинг СБСЕ га аъзо бўлиши.
- 1992 йил, 1 февраль** — Қирғизистон тарихида биринчи мартаба АҚШ элчихонасининг очилиши.
- 1992 йил, 3 март** — Мустақил Қирғизистон Давлат байроғининг қабул қилиниши.
- 1992 йил, 25-30 август** — Қирғизларнинг Бутун Жаҳон Биринчи Курултойи.
- 1992 йил, 8 декабрь** — Қирғизистон Давлат Мадҳиясининг қабул қилиниши.
- 1993 йил, 5 май** — Қирғизистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши.
- 1993 йил, 10 май** — Қирғизистоннинг биринчи миллий валютаси—сомнинг киритилиши.
- 1994 йил, 22 январь** — Қирғизистон халқларининг Биринчи Курултойи.
- 1994 йил, 29 август** — «Солтөн-Сари» олтин кон комбинатининг фойдаланишга топширилиши.
- 1994 йил, 2-13 сентябрь** — Парламент инқироли ва Олий Кенгашнинг ўз-ўзидан тарқаб кетиши.
- 1994 йил, 22 октябрь** — Икки палатали парламент ва Конституцияга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида референдум ўтказилиши.
- 1995 йил, 5 февраль** — Икки палатали Олий Кенгашга сайловлар.
- 1995 йил, 28 март** — Олий Кенгашнинг Қонун чиқарувчи ва Халқ вакиллари йиғинларининг биринчи сессияси очилди.
- 1995 йил, 25-31 август** — «Манас» эпосининг минг йиллиги таътаналари.
- 1995 йил, 24 декабрь** — Қирғизистон Республикаси Президентини сайлаш.

Учебное издание

Иманкулов Муратбек Калматович

**ИСТОРИЯ КЫРГЫЗСТАНА  
1917-1995**

Учебник для 9 класса средней школы

На узбекском языке

Оқуу басылмасы

Иманкулов Муратбек Калматович

**КЫРГЫЗСТАН ТАРИХЫ  
1917-1995**

Орто мектептин 9-классы үчүн оқуу китеби

Ўқув нашри

**ҚИРҒИЗИСТОН ТАРИХИ  
1917-1995**

қирғизчадан таржима

Ўрта мактабнинг 9-синфи учун дарслик

Бадний редактор: **К.Кобилдиев**

Тех. редактор: **Ж.Сооронкулова**

Корректор: **Р.Шокирова**

Компьютерда терган: **Х.Рўзибоева,**

Саҳифаловчилар: **Ж.Керимбаева, Д.Султониммедов**

ИБ № 1234

Теришга 22.03.2003. руҳсат берилди. Босишга 12,05,03 имзо чекидди.  
Офсет қоғоз № 1. Формат 60x90  $\frac{1}{16}$ . "Таймс" гарнитураси. Шартли босма  
тобоғи 13,5+0,25вкл. тег. Нашриет ҳисоб тобоғи 13,5+0,25 вкл. тег.

Адади 15150 нусха.

Буюртма № 20. Баҳоен келишим асосида.

Контракт LCB ТВ 6 (1)

«Учқуп» АҚсида басылди. Бишкек ш., 720030. С.Ибраимов көчөсү, 24.



